

ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРНИ ҲҲРГАНИШ МАРКАЗИ
ЦЕНТР ИЗУЧЕНИЯ ПРАВОВЫХ ПРОБЛЕМ

ЎЗБЕКИСТОН НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯСИ
НАЦИОНАЛЬНАЯ АССОЦИАЦИЯ НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ НЕКОММЕРЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ
УЗБЕКИСТАНА

**НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ
ТАШКИЛОТЛАРИНИ
РҲЙХАТДАН ҲТКАЗИШ
ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИГА ДОИР**

ҚҲЛЛАМА

ПОСОБИЕ

**ПО РЕГИСТРАЦИИ И ОРГАНИЗАЦИИ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ
НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ
НЕКОММЕРЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ**

Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш Маркази

**Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари
Миллий ассоциацияси**

**НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ВА УЛАРНИНГ
ФАОЛИЯТИГА ДОИР
ҚЎЛЛАНМА**

**ПОСОБИЕ
ПО РЕГИСТРАЦИИ И ОРГАНИЗАЦИИ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ
НЕКОММЕРЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ**

Тошкент – 2008

Тузувчилар:

Ш.М.Асьянов (рахбар), М.Ш.Куликова, А.Исаева

Тақризчилар:

Г.В.Корсун, И.Анортоев, Г.Ишонхонова

- Н73** **Нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолиятига доир қўлланма/** Тузувчилар: Ш.М. Асьянов, М.Ш.Куликова, Р.И.Исаева; Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш Маркази, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси. – Тошкент: ART FLEX, 2008. 352 б. – Тит. в. ва матн парал. ўзб. ва рус тилларида.
И. Асьянов Ш.М. (Тузувчи).

ННТни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолиятига доир қўлланма.

Ушбу нашр амалий қўлланма бўлиб, унда нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, молиялаштириш ва уларга солиқ солиш масалаларини ҳамда, улар фаолиятининг бошқа томонларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ёритиб беради. Қўлланма китобхоналарнинг кенг доирасига, шунингдек, ташаббускор гуруҳлар, нодавлат нотижорат ташкилотларининг раҳбарлари, ходимлари, хомийларига мўлжалланган.

ББК 66.79(5Ў)

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Кўчириб босишда манба кўрсатилиши шарт.
Бепул тарқатилади.

ISBN 978-9943-301-41-2

© «ART-FLEX» нашриёти, 2008 й.
© Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш Маркази (Тошкент ш.).
© Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси.



Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш Маркази
Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари
Миллий ассоциацияси

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ВА УЛАРНИНГ
ФАОЛИЯТИГА ДОИР
ҚЎЛЛАНМА

МУНДАРИЖА

КИРИШ 6

1-БОБ

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати.....	10
Нодавлат нотижорат ташкилотлари – юридик шахслар.....	14
Фаолият муддатлари хусусида.....	15
ННТнинг фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятлари.....	15
ННТ филиаллари ва ваколатхоналари.....	16
Нодавлат нотижорат ташкилотини тузиш.....	18
Нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатлари.....	20
Нодавлат нотижорат ташкилотининг устави.....	22

2-БОБ

ННТ ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг ўзига хос хусусиятлари.....	31
Жамоат бирлашмаси.....	36
Жамоат жамғармаси.....	37
Муассаса.....	39
Матлубот кооперативи.....	41
Юридик шахсларнинг бирлашмалари (уюшмалар, иттифоклар).....	42
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи.....	44
Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати.....	45
Ҳомийлик ташкилоти.....	47
Халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти.....	49

3-БОБ

Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш	
ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш тушунчаси, максадлари ва уни тартибга солиш	56
ННТни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар.....	59
ННТни рўйхатдан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	60
Давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўладиган ҳужжатлар.....	63
ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёни.....	65
ННТни рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни тайёрлаш.....	66
ННТни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асослари ва бундай рад этиш устидан шикоят қилиш.....	73
Нодавлат нотижорат ташкилотини қайта рўйхатдан ўтказиш масалалари	75
ННТни давлат рўйхатидан ўтказишдаги қийинчиликлар ва муаммолар.....	76
Ташаббускор гуруҳларнинг ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш чоғидаги одатий хатолари.....	78
ННТ давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейинги дастлабки қадамлар.....	80
Яқунловчи тавсиялар.....	83

4-БОБ

ННТ шубба корхонасини руйхатдан ўтказиш тартиб-таомили	
Тадбиркорлик тузилмаларида муассислик ва ННТнинг шубба корхонасини руйхатдан ўтказишда муассислик масалалари.....	84
ННТнинг хўжалик жамиятлари ва ширкатларида иштирок этишининг айрим хусусиятлари тўғрисида.....	85
Нотижорат ташкилоти томонидан шубба корхона ташкил этилиши.....	85

5-БОБ

Руйхатдан ўтказувчи ва бошқа органларга ҳисобот тақдим этиш.....	92
--	----

6-БОБ

ННТ фаолиятини текшириш ва амалдаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги	
Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари.....	100
ННТ фаолиятининг солиқ органлари томонидан текширилиши.....	108
ННТнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро муносабатлари.....	112
Мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги	115

ИЛОВАЛАР

Адлия бошқармасида руйхатдан ўтиш тўғрисидаги ариза.....	122
Ташаббускор гуруҳнинг номи.....	123
Бошқарув аъзолари руйхати.....	213
Ташкилотни ягона давлат реестрига киритиш тўғрисида статистика бошқармасига ариза.....	124
Ягона солиқ тўловчи сифатида руйхатдан ўтказиш тўғрисида Давлат солиқ инспекциясига ариза.....	125
Фирма номи тўғрисида гувоҳнома бериш ҳақида ариза.....	126
Жамоат бирлашмасининг устави	127
Нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этиш мақсадлари, уларнинг олий бошқарув органлари ва мулкий жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари	136
«Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни	141
«Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни	153
Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмаларини руйхатга олишни тартибга солиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори.....	162
Юридик шахслар бирлашмаларини давлат руйхатидан ўтказиш ҳақида Низом.....	174

КИРИШ

Кейинги ўн йилликда Ўзбекистонда рўй бераётган ижтимоий муносабатларни демократлаштириш йлгари мавжуд бўлган ижтимоий институтларнинг фаолияти хусусиятининг такомиллашувида ҳам, янги институтлар пайдо бўлишида ҳам ўз инфодасини топди. Ишлаб чиқариш муносабатлари соҳасидаги туб бозор ўзгаришлари туфайли юзага келган бу жараён кенг кўламда ва жўшқинлик билан содир бўлмокда, лекин ҳар доим ҳам қутилган натижани бераётгани йўқ. Бу фикр биринчи галда таркибий тузилиши ва функционал хусусиятига кўра мураккаб тизим бўлган фуқаролик жамиятининг вужудга келиши ва ривожланишига нисбатан адолатлидир. Унинг шаклланиши ва ривожланишидаги мураккаблик шундаки, ҳатто қонунчилик ва ҳуқуқий институтларнинг фаолият кўрсатиш хусусияти соҳасидаги энг мақбул ўзгаришлар ҳам жамиятда ғайриҳуқуқий оммавий онг устулик килгани тақдирда самарасиз бўлиши мумкин. Аҳолининг юкори даражада ривожланган ҳуқуқий маданиятининг таркибий жиҳатдан янгиланган ҳуқуқий институтлар билан уйғуллашувигина чинакам фуқаролик жамиятини ва унга асосланган ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг гаровига айланиши мумкин.

Рўй бераётган ислохотларнинг аввалбошиданок давлат органларининг измида бўлган, аксарияти сиёсий ва мафкуравий тусдаги жамоат ташкилотлари ўрнига Ўзбекистонда ўз ишида жамият бахт-саодатини кўзлаб инсонпарварлик ва адолат принциплариға амал қиладиган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмалари келди. Шундай ўрин алмашиш асносида Ўзбекистонда 90-йилларнинг бошларида аҳолининг кенг қатламларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиши, уларға ҳуқуқий билим бериши, маданий-маърифий ишларни олиб бориши, ижтимоий муносабатларни демократлаштиришға кўмаклашиши лозим бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари пайдо бўлди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий давлат шаклланишидаги тарихий роли бекиёсдир. Улар бу жараёни “қуйдан”, омма ичидан туриб кучайтиради, ижтимоий муносабатларға ўзини ўзи бошқаришнинг янгича элементларини олиб қиради, ҳуқуқий қадриятлар устуворлигини қарор топтиради, фуқароларда жамият манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳокимиятға таъсир кўрсатишға қодир эканликларига ишонч уйғотади.

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари ёппасинға шакллана бошлаган даврга бор-йўғи салкам 15 йил бўлди. Бирок унинг мамлакат аҳолисининг сиёсий ва ҳуқуқий онгини юксалтиришдаги аҳамияти бекиёсдир. Нодавлат нотижорат ташкилотлари қисқа муддат ичида мамлакатнинг барча минтақаларида пайдо бўлиб, фуқаролар ташаббуслари ва ижтимоий фаоллик асосида демократия сари бораётган жамият турли гуруҳларининг манфаатларини руёбға чиқара бориб, аҳолининг барча қатламлари билан ишлашға дарҳол киришиб кетди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари Ўзбекистонда замонавий фуқаролик жамиятининг шаклланишида, демократия қарор топишида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишида муҳим яратувчанлик ролини ўйнамоқда. Уларнинг иқтисодий ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ умуммиллий ва минтақавий вазифаларни ҳал этишга қўшаётган ҳиссаси тобора сезиларли бўлиб бормоқда. Шаклланаётган ННТ секторининг мамлакатдаги ижтимоий ва иқтисодий вазиятга таъсир беvosита нодавлат ташкилотларининг давлатнинг вакиллик ва ижро этувчи органлари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлигига боғлиқ бўлади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташаббускорлик дастурлари аҳолини ҳуқуқий муҳофаза қилишга, уларга бепул юридик маслаҳатлар беришга, ҳуқуқий маорифга, қўллаб-қувватлашга муҳтож шахсларни (ногиронлар, болаларни) ҳимоя қилишга, уларга аниқ моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга қаратилгандир. Аслини олганда, гап ҳаётини эътиқоди ижтимоий муносабатларнинг инсонийлиги, шахс манфаатларининг устуворлиги учун беғараз фаолият олиб боришдан иборат бўлган ижтимоий фаол кишиларнинг моддий, маънавий ва ҳуқуқий ҳимойлик қилиши ҳақида бормоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам функционал, ҳам моддий жиҳатдан мустаҳкамланди. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорлиги таркиб тонди. Бирок, бу ҳамкорлик ҳар доим ҳам нодавлат нотижорат ташкилотлари учун мақбул бўладиган шаклда ва миқёсларда амалга оширилаётгани йўқ. Шунга қарамай, бу ҳамкорлик ривожланиш хусусиятига эга.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлигининг сустиги уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган жиддий муаммо ҳисобланади. Бунда иккала томон ҳокимият ва ННТ ҳамкорликка қаратилган икки тарафлама ташаббус кўрсатма-яптилар, шу тўғрисида юзлаб ННТ ривожланишга улгурмай, ўз фаолиятини тўхта-тиб қўймоқда.

Аҳамиятига кўра иккинчи муаммо – бу талаф, айниқса оммавий ижтимоий ташаббуслар рўёбга чиқарилишини қийинлаштириб қўяётган молиявий маблағлар етишмовчилигидир. Бунда гап, аввало, ННТларнинг мавжуд бўлиши ва фаолият кўрсатиши мумкинлигининг ўзи ҳақида бормоқда. Ижтимоий буюртмалар тарикасида давлат ёрдами олимаслик, ўзлари ишлаб маблағ топиш имкониятига эга бўлмаслик, шунингдек, халқаро ташкилотлардан грантлар олинишидаги мураккабликлар тўғрисида ННТлар фақат коғозда мавжуд. Шунга қарамай, келгусида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ривожланиш истиқболлари умид бахш этади, зеро, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари онгининг шаклланиши жадал суръатлар билан бормоқда. Бирок давлат демократик кўчмасининг муҳим жиҳатларидан бири – фуқаролар ихтиёрий бирлашмаларининг ижтимоий ташаббусларини ривожлантиришнинг асосига айланиши лозим бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларини етарлича молиявий қўллаб-қувватлаш бунинг дастлабки шарти ҳисобланади.

2002 йил апрель ойида Олий Мажлиснинг Иккинчи чақирғи 8-сессияси очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов шундай деган эди:

“Жамиятимизда нодавлат жамоат ташкилотларининг, аввало, фуқаролик институтларининг ривожланишига кенг имкониятлар очиб бериш ва уларнинг фаолигини оширишга кўмак ва ёрдам кўрсатиш даркор.

Барчамиз бир ҳақиқатни ҳаёлимиздан чиқармаслигимиз зарур. Яъни ҳар қандай давлат тизими, унинг аппарати ва маъмурий органлари демократик андаларга қанчалик жавоб бермасин – барибир ўз кучини қолаверса. Ўз зўравонлигини ўтказишга ҳаракат қиладиган тизим бўлиб қолаверади.

Шунинг учун ҳам давлат идоралари, аввало, унинг маъмурий органлари ва ташкилотлари устидан жамият ҳамда фуқаролар назоратини ўрнатиш бутун дунёда қонунбузарликка, берилган ваколат ва вазифасини суистеъмол қилишга, коррупцияга қарши, айни вақтда, барча ўзбошимчалик ва волюнтаристик қарорларни қабул қилишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбир, деб тан олинади”.

Республика Президентининг фикр-мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда демократия ва кучли фуқаролик жамияти ўртасида мавжуд бўлган алоқалар таҳлилига чуқур кириб боришдан олдин қуйидагиларни қайд этиш зарур: фуқаролик жамияти ўзининг мавжудлиги фактини ва ўз ролини англовчи сиёсат субъекти сифатида давлат билан жамиятнинг аниқ мақсадли ва ўзаро мувофиқлаштирилган куч-ғайратисиз ташкил топиши мумкин эмас.

Китобхонлар эътиборига ҳавола этилаётган қўлланма нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкил этилиши ва уларнинг фаолиятига доир муносабатларни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили ва шарҳларини, шунингдек, ННТни таъсис этиш, унинг фаолияти, ҳисоботларининг муаммоли масалаларини, ННТнинг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича бир қатор тавсиялар ҳамда бошқа шу каби маълумотларни ўз ичига олган, кенг доирадаги шахслар фойдаланиши мумкин бўлган дастуриламалдир.

Ушбу қўлланманинг асосий мақсади – Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тартибини тушунарли ва оммабоп шаклда баён қилишдан, шунингдек ННТ фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларини ва уни қўлланиш амалиётини кўрсатиб беришдан иборат.

Қўлланма уч бўлимдан иборат:

Биринчи бўлим (1–8-боблар) асосий бўлиб, унда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинади, ННТ ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг ўзига хос хусусиятлари ва, энг муҳими, ННТни рўйхатдан ўтказиш масалалари кўриб чиқилади. Давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ барча масалалар ва муаммолар изчил, “қадам-бақадам” кўриб чиқилишини, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилмаган, лекин давлат рўйхатидан муваффақиятли ўтиш учун зарур бўлган муайян ҳаракатларни содир этиш (ҳужжатлар, мурожаатлар ва аризаларни расмийлаштириш) зарурлиги ҳақидаги йўл-йўриқларни бўлимнинг ўзига хос хусусияти деб ҳисоблаш мумкин. Шу ерда ННТнинг бузилган ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиб судга мурожаат этиш тартиби баён қилинади, ННТ фаолияти жараёнида энг кўп пайдо бўладиган саволларга жавоблар берилади.

Иккинчи бўлим (9-боб) амалий материалларни: ННТни рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатлар намуналарини (намунавий уставлар, баённомалар ва ҳ.к.) ўз ичига олади.

Учинчи бўлим (10-боб) нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан кўчирмаларни ўз ичига олади.

Қўлланма муаллифлари унда баён қилинган материаллар, гоё ва тавсиялар фуқаролар учун асқогади ҳамда уларга янгитдан тузилаётган ННТларни ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳозирда ишлаб турганларининг фаолияти самарадорлигини оширишда зарур ёрдам кўрсатади деган умиддалар.

*Ҳуқуқий муаммоларни урганиш
Марказининг директори
Ш.Асьянов*

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг хукукий асослари ва уларнинг хукукий ҳолати

Бозор иқтисодиёти, демократия ва хукукий давлат куриш йўлидан бораётган барча янги мустақил давлатларда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва хукукий ислохотларнинг муваффақияти пойдеворини мустаҳкам хукукий негизда яхши уюшган ва самарали фаолият кўрсатадиган нодавлат нотижорат ташкилотлари ташкил этувчи фуқаролик жамиятининг барпо этилиши билан доимо боғлиқ бўлган.

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши учун хукукий асос Ўзбекистон ҳудудида кучга эга бўлган меъёрий-хукукий ҳужжатлар: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ЎЗР ФК деб юритилади), нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги махсус қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, ЎЗР Президентининг фармонлари, ЎЗР Ҳукуматининг қарорлари, ижро этувчи ҳокимиятнинг меъёрий ҳужжатлари билан шакллантирилган.

Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда (ЎЗР Конституциясининг Муқаддимаси), Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бирлашиш эркинлигига бўлган ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишини таъминловчи кўйидаги ҳужжатларни ратификация қилган:

– Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрдаги 217-сонли Резолюцияси билан қабул қилинган ва эълон қилинган.

– Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт. 1976 йил 23 мартда кучга кирган.

– Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир Факультатив баённома.

– Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт. 1976 йил 3 январда кучга кирган.

– Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг 1975 йил 1 августдаги Яқунловчи ҳужжати (Хельсинки яқунловчи ҳужжати).

– Янги Европа учун Париж Хартияси. 1990 йилда ЕХҲК Кенгаши томонидан қабул қилинган.

– Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция. 1952 йил 20 декабрда Нью-Йоркда қабул қилинган.

– Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги Конвенция. 1981 йил 3 сентябрда кучга кирган.

– Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция. 1990 йил 2 сентябрда кучга кирган.

– Касаба уюшмаларига бирлашишга ва жамоа музокараларини олиб боришга бўлган ҳуқуқ тамойилларини қўллаш тўғрисидаги 98 ХМТ Конвенцияси. Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош Конференциясининг 32-сессиясида қабул қилинган. 1951 йил 8 июлда кучга кирган.

– Корхоналарда меҳнаткашлар вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисидаги Конвенция. Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош Конференциясининг 56-сессиясида қабул қилинган, 1973 йил 30 июнда кучга кирган.

– Жамоа музокараларига кўмаклашиш тўғрисидаги Конвенция. Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош Конференциясининг 67-сессиясида қабул қилинган. 1983 йил 11 августда кучга кирган.

– Халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахсларга, шу жумладан, дипломатик агентларга қарши жиноятларнинг олдини олиш ва жазолаш тўғрисидаги Конвенция. 1973 йил 14 декабрда Нью-Йоркда қабул қилинган.

– Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги Конвенция. 1930 йил 28 июнда Женевада Халқаро Меҳнат ташкилоти Бош Конференциясининг 14-сессиясида қабул қилинган.

– Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситиш тўғрисидаги Конвенция. 1958 йил 25 июнда Женевада Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош Конференциясининг 42-сессиясида қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо давлатлар ўртасида шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим. 1996 йил 21 июнда Флоренцияда имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси маъқуллаган халқаро ҳужжатлар:

– Ривожланишга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги Декларация. 1986 йил 4 декабрда Нью-Йоркда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 41/128-сонли Резолюциясига биноан қабул қилинган.

– Дин ёки этикодлар замиридаги муросасизлик ва камситишларнинг барча шаклларини бартараф этиш тўғрисидаги Декларация. 1981 йил 25 ноябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 36/55-сонли Резолюциясига биноан қабул қилинган.

– Халқаро маданий ҳамкорлик принциплари Декларацияси. 1966 йил 4 ноябрда Парижда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бош конференциясининг 14-сессиясида қабул қилинган.

Миллий қонуничликда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси етакчи ўрин тутаяди. Жамоат бирланмалари тўғрисидаги конституциявий меъёрлар нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳақидаги махсус қонунларнинг меъёрларига нисбатан олий юридик кучга эга. Шу билан бирга, Конституциянинг асосий қонун сифатидаги ўзинга ҳослиги туфайли унда ННГ ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг бирон-бир тафсилоти йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56–62-моддаларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг бир шакли бўлган жамоат бирлашмаларининг туншунчаси, ҳуқуқий ҳолати, мақсадлари ва уларни ташкил этиш тартиби, фаолияти йўналишининг турлари келтирилган¹.

Фуқаролик қонун ҳужжатлари нодавлат нотижорат ташкилоти таърифини ўз ичига олади ҳамда нодавлат нотижорат ва тижорат ташкилотлари ўртасида фарқ ўтказаяди. ЎЗР ФК 40, 73-78-моддаларида ҳам нодавлат нотижорат ташкилотларини ва уларнинг айрим ташкилий-ҳуқуқий шаклларини ташкил этиш, уларнинг

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003.

фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилишига доир асосий қондалар таърифланади¹.

“Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги ЎЗР Қонуни (бундан буён матнда ННТ тўғрисидаги Қонун деб юритилади)² нодавлат нотижорат ташкилотларининг барча турлари ва ташкилий-ҳуқуқий шакллари учун базавий, универсал қонунга айланди. Унда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти, фаолиятининг мақсадлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш ҳақидаги қондалар таърифланган. ННТ тўғрисидаги Қонун билан давлат ва нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартибга солинган ҳамда айрим ташкилий-ҳуқуқий шаклларга тааллуқли меъёрлар ва қондалар батафсил ишлаб чиқилган.

ННТ тўғрисидаги Қонун ЎЗР ФК ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг айрим турларини тартибга солувчи махсус қонунлар ўртасидаги боғловчи бўғиндир. Унинг ўзига хослиги шу билан белгиланади, хусусан:

биринчидан, қонун меъёрлари ЎЗР ФК қондаларига асосланади;

иккинчидан, мазкур қонун нодавлат нотижорат ташкилотлари айрим турларининг ташкил этилиши ва фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунларга нисбатан умумий ҳисобланади;

учинчидан, бундан буён махсус қонунлар чиқарилгунга қадар, нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун фаолияти хали махсус қонун билан тартибга солинмаган нодавлат нотижорат ташкилотлари айрим турларининг, масалан муассасаларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи асосий қонун ҳисобланади.

ННТ тўғрисидаги Қонун сиёсий партиялар, қасаба уюшмалари, диний ташкилотлар ҳамда бошқа айрим нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилишига доир муносабатларни тартибга солмайди.

ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 3-моддасида сиёсий партиялар, қасаба уюшмалари, диний ташкилотлар ҳамда бошқа айрим нодавлат нотижорат ташкилотлари тузилишининг, фаолиятининг, қайта ташкил этилиши ва тугатилишининг хусусиятлари махсус қонунлар билан тартибга солиниши белгилаб қўйилган.

Фуқароларнинг жамоат бирлашмаларини ташкил этишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини мустаҳкамлаб қўювчи “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги ЎЗР Қонуни (1992 йил 3 июлдаги, 1997 йил 25 апрелдаги, 1997 йил 26 декабрдаги, 2003 йил 12 декабрдаги, 2004 йил 30 апрелдаги, 2004 йил 3 декабрдаги ЎЗР қонунларига биноан киритилган ўзгартишлари билан), шубҳасиз, яна бир аҳамиятли қонун ҳужжатидир.

Ушбу Қонун жамоат бирлашмалари жумласига қуйдагиларни киритади: сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, қасаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, фахрийлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий, техникавий, маданий-маърифий, жисмоний тарбия спорт ташкилотлари ва бошқа

1 Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Т.: “Шарқ” ИИАК, 2003. 39-50, 73-78-бетлар.

2 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги ЎЗР Қонуни (2004 йил 30 апрелда ва 2007 йил 28 декабрда қабул қилинган ЎЗР қонунларига биноан киритилган ўзгартишлари билан).

қўйилган жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, жамғармалар, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари.

Шунга эътибор қаратиш керакки, “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги ЎзР Қонуни жамоат бирлашмаси тушунчасига барча нодавлат нотижорат ташкилотларни, шу жумладан, сиёсий партиялар, қасаба уюшмалари, жамғармалар, ассоциацияларни киритган. Ваҳоланки, ЎзР ФК 74-моддаси ва ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 11-моддаси жамоат бирлашмасини нодавлат нотижорат ташкилотларининг кўпгина ташкилий шаклларида бири сифатидагина белгилайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг айрим ташкилий-ҳуқуқий шакллари бўйича Ўзбекистонда бир қатор махсус қонунлар қабул қилинган бўлиб, 2003 йил 29 августда қабул қилинган “Жамоат жамғармалари тўғрисида”ги ЎзР Қонуни (2007 йил 7 декабрдаги ЎзР Қонунига биноан киритилган ўзгартишлари билан), 1991 йил 14 июнда қабул қилинган “Кооперация тўғрисида”ги ЎзР Қонуни (1993 йил 28 декабрдаги, 1998 йил 29 августдаги ЎзР қонунларига биноан киритилган ўзгартишлари билан), 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ЎзР Қонуни (2003 йил 30 августдаги, 2004 йил 27 августдаги, 2004 йил 3 декабрдаги, 2007 йил 20 сентябрдаги ЎзР қонунларига биноан киритилган ўзгартишлари билан), 2007 йил 2 майда қабул қилинган “Ҳомийлик тўғрисида”ги ЎзР Қонуни шулар жумласидандир. Бу қонунлар тегишли ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти, уларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ барча масалаларни багафсил тартибга солади.

Кўрсатиб ўтилган метёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан бир қаторда, 2007 йил 3 январда қабул қилинган “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎзР Қонуни нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига кафолат бериши, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаган соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни амалга оширади.

Тузилмаётган ташкилот шугулланадиган фаолият турига қараб, ННТ муассислари ташкил этиладиган ташкилот ривожлантирилишидан манфаатдор бўлган ижтимоий фаолият йўналишини бевосита ёки бидвосита тартибга соладиган бир қатор махсус қонунларни кўриб чиқишлари керак. Масалан, матбуот органини таъсис этиш ва давлат рўйхатидан ўтказишда 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги ЎзР Қонунини (2007 йил 15 январда қабул қилинган ЎзР Қонуни таҳририда), таълим муассасасини ташкил этишда эса 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎзР Қонунини ўрганиб чиқиш зарур.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг айрим турлари учун қонун ҳужжатларида махсус талаблар белгиланган бўлиб, улар низомда кўрсатилиши керак. Жумладан, Таълим муассасасининг низомини ишлаб чиқиш тартибига (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сонли Қарори билан тасдиқланган) мувофиқ ҳар бир таълим муассасаси таълим тури ва кадрлар тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда низомга эга бўлиши шарт.

Юқорида кўрсатиб ўтилганлардан ташқари, нодавлат нотижорат ташкилотлари айрим турларининг ташкил этилиши ва фаолияти масалаларини тартибга солувчи махсус қонунлар жумласига, шунингдек 2006 йил 12 апрелда қабул қилинган “Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунини, 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган “Адвокатура тўғрисида”ги ЎзР Қонунини (2000 йил 15 декабрдаги, 2003 йил 25 апрелдаги, 2003 йил 12 декабрдаги, 2005 йил 23 сентябрдаги ЎзР қонунларига биноан киритилган ўзгартишлари билан), 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган “Нотариат тўғрисида”ги ЎзР Қонунини (2000 йил 15 декабрдаги, 2003 йил 25 апрелдаги, 2003 йил 12 декабрдаги, 2005 йил 23 сентябрдаги, 2006 йил 27 сентябрдаги, 2007 йил 28 декабрдаги ЎзР қонунларига биноан киритилган ўзгартишлари билан), 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонунини (2000 йил 26 майда қабул қилинган ЎзР Қонуни таҳририда, 2002 йил 13 декабрдаги, 2006 йил 4 апрелдаги, 2006 йил 10 октябрдаги, 2007 йил 17 сентябрдаги ЎзР қонунларига биноан киритилган ўзгартишлари билан), 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги ЎзР Қонунини, 1992 йил 2 июлда қабул қилинган “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунини (2001 йил 7 декабрдаги ЎзР Қонунига биноан киритилган ўзгартишлари билан), 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги ЎзР Қонунини (1998 йил 1 майдаги, 2004 йил 30 апрелдаги, 2004 йил 3 декабрдаги ЎзР қонунларига биноан киритилган ўзгартишлари билан) ва бошқа қонунларни киритиш мумкин.

ННТ ташкил этилиши ва фаолиятининг у ёки бу жиҳатларини тартибга солувчи меъёрлар идоравий меъёрий ҳужжатларда ҳам талайгина. Аввало булар: ЎзР Адлия вазирлигининг ННТни рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилини тартибга солувчи ҳужжатлари, ЎзР Молия вазирлиги ва ЎзР Давлат солиқ қўмитасининг моддий бойликларни ҳисобга олиш шаклларини ҳамда ННТнинг солиқ мажбуриятлари бажарилишини белгиловчи кўплаб меъёрий ҳужжатлари, шунингдек ЎзР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, ЎзР Марказий банки ва бошқа ижро этувчи ҳокимият органлари чиқарадиган баъзи идоравий меъёрий ҳужжатлардир.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари – юридик шахслар

ЎзР ФК 39-моддасига мувофиқ, ўз мулкида, хўжалик юритишда ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

ЎзР ФК 39-моддасининг иккинчи қисми юридик шахс мустақил баланс ёки сметага эга бўлишини талаб қилади, негаки бундай ҳужжатнинг мавжуд бўлиши нотижорат ташкилотининг юридик шахс сифатида алоҳида мол-мулкка эгаллигини ҳамда мулкий мустақиллиги йўлга қўйилишини ифодалайди ва таъминлайди.

Нотижорат ташкилотли. ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 21-моддаси талаб қилганидек, адлия органларида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборангина юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади. Бу меъёрга мувофиқ, рўйхатдан ўтказилган ННТ ўз мулкда мол-мулкка, ННТнинг муассаса тариқасидаги тури эса оператив бошқарувда алоҳида мол-мулкка эга бўлиши мумкин. ННТ тўғрисидаги Қонун ҳужалик юритиш ҳуқуқда мол-мулкка эга бўладиган нодавлат нотижорат ташкилотлари ташкил этилиши мумкинлигини назарда тутмайди, чунки ҳужалик юритиш ҳуқуқи тадбиркорлик фаолиятини олиб борувчи тижорат ташкилотларигагина хосдир. ННТ мулкдордир ва у ўз мажбуриятлари юзасидан ўз мол-мулки билан жавоб беради. Ҳар қандай юридик шахс сингари, нодавлат нотижорат ташкилотли ҳуқуқий лаёқатга ва муомала лаёқатига эга бўлади. ўз номидан мулккий ҳамда номулкий ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. ННТнинг ҳуқуқий лаёқати махсус бўлиб, бу ана шу ташкилотнинг ўз низомида белгиланган мақсадларга қаратилган юридик ҳаракатларинингина амалга ошириш ҳуқуқини англатади. ННТнинг тижорат фаолиятига фақат ташкилотни тузишдан кўзланган асосий мақсадга эришишга қўмаклашиш учун йўл кўйилади. Бундай тижорат фаолиятдан олинган фойда нодавлат нотижорат ташкилотининг иштирокчилари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас. Бундай ташкилот мол-мулкнинг ҳолати, ҳужалик операциялари унинг мустақил балансда ёки сметасида акс эттирилиши керак.

Фаолият муддатлари хусусида

Нодавлат нотижорат ташкилотлари, конда тариқасида, фаолияти муддатлари кўрсатилмасдан ташкил этилади. ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 6-моддасида кўрсатиб ўтилганки, зарур ҳолларда бундай муддат ташкилотнинг уставда, бошқа таъсис ҳужжатларида белгиланиши мумкин.

ННТ фаолиятининг муддати календарь сана билан, кўйилган мақсадга эришилдиган пайт билан ёки муайян воқеа юз берадиган вақт билан белгиланиши мумкин. Жумладан, ташкилот муайян номзодни қўллаб-қувватлаш учун Олий Мажлис сайлови ўтказиладиган вақт учун ташкил этилиши мумкин. Ташкилот табиий офатдан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш учун ташкил этилиши ҳам мумкин. Бирон-бир маданий-маърифий тадбирга тайёргарлик кўрувчи ва уни ўтказувчи ННТни ташкил этиш учун ҳам тўсқинликлар йўқ. Шу тариқа, ташкилот фаолияти муддати уни ташкил этишнинг қонунга зид бўлмаган ҳар қандай мақсадидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши мумкин.

ННТнинг фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятлари

ННТнинг фуқаролик муомаласида ва бошқа ҳуқуқий (солик, меҳнат, маъмурий ва бошқа) муносабатлардаги иштироки тегишлича расмийлаштиришни талаб қилади. Бунинг учун ташкилот давлат тилида ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади. Нодавлат нотижорат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам, ундан ташқарида ҳам банкларда ҳисоб-варақлар очиш ҳуқуқи ташкилот фаолияти учун зарур мол-мулкка эга бўлишининг қонунда белгиланган имкониятидан

келиб чиқади. Бундан ташқари, Жамоат бирлашмалари рамзий белгиларини рўйхатдан ўтказиш, уларни рўйхатга олинганлик учун Ўнгишлар ундириш ва уларнинг миқдори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 мартдаги 133-сонли Қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 апрелдаги 197-сонли Қарорига биноан киритилган ўзгартишлари билан), ташкилот ўз номи ёзилган штамплар ва босма иш қоғозларига, шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган рамзий белгиларига (эмблема, байроқ, вимпел ва ҳоказо) эга бўлишга ҳақлидир.

Давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилоти уни бошқа ташкилотлардан фарқловчи номга эга бўлиши керак. Номда ташкилий-ҳуқуқий шакл кўрсатилади (масалан, “Спорт фахрийларига ёрдам кўрсатувчи жамоат жамгармаси”). Ташкилот фаолиятининг хусусияти албатта кўрсатилиши шарт, бунда муайян ташкилотнинг махсус ҳуқуқий лаёқати доираси белгилаб қўйилади. Ном қайси ННТ учун рўйхатга олинган бўлса, фақат ўша ННТ томонидан фойдаланилиши мумкин. Ўзга фирма номидан гайриқонуний суръатда фойдаланаётган шахс фирма номига эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган шахснинг талаби билан ундан фойдаланишни тўхтатиши ҳамда етказилган зарарни тўлаши лозим (ЎЗР ФК 46-моддаси).

Фаолияти Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ёйилган нодавлат нотижорат ташкилотлари республика ташкилотлари ҳисобланади. Агар ННТ фаолияти вилоят, туман, шаҳар ҳудуди билан чекланса, у маҳаллий ташкилот (вилоят, туман, шаҳар ташкилоти) сифатида қаралади. Ташкилотнинг жойлашган ери, ЎЗР ФК 46-моддасига мувофиқ, у рўйхатдан ўтказилган жой билан ва таъсис ҳужжатларида кўрсатилган аниқ почта манзили билан белгиланади. ННТнинг жойлашган ерига кўра унинг номидан шартномалар тузилади, мажбуриятлар бажарилади, бу ташкилотга нисбатан даъволар қўзғатилади ва судда низолар қўрилади. Одатда юридик шахснинг доимий ишловчи органи (бошқарув, дирекция ва ҳоказо) рўйхатдан ўтказилган ерда жойлашади.

ННТнинг таъсис ҳужжатларида ташкилотнинг номи ва жойлашган ери кўрсатилиши керак. Рўйхатдан ўтказиш пайтида мазкур маълумотлар қайдлов ёзувиге киритилади ҳамда манфаатдор шахсларга ташкилотнинг реқвизитларини ва жойлашган ерини аниқлаш имкониятини беради.

ННТ филиаллари ва ваколатхоналари

ННТ фаолиятини ўзи жойлашган ердан ташқарида ташкил этиш бир қанча ҳолларда ўз фаолиятини бошқа минтақаларда амалга ошириш имкониятини берадиган муайян шарт-шароитларни талаб қилади. Фуқаролик қонун ҳужжатлари юридик шахс ўзи жойлашган ердан ташқарида фаолиятни амалга ошириши мумкин бўлган иккига ҳуқуқий шаклни кўзда тутди – булар филиаллар ва ваколатхоналардир. ЎЗР ФК 47-моддаси ва ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудига филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш ҳуқуқи берилган.

Филиалнинг ННТ тўғрисидаги Қонунда берилган таърифи ЎЗР ФК 47-моддаси иккинчи қисмининг мазмунини такрорлайди. Нодавлат нотижорат ташки-

лотларининг филиаллари шу ташкилотнинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан, ваколатхона вазифаларини бажаради ва унинг манфаатларини химоя қилади.

Шу тариқа, филиал муайян ҳудудда, қонда тариқасида, юридик шахснинг ўзи жойлашган ердан ташқарида юридик шахснинг вазифаларини бажаришга мўлжаллангандир. Алоҳида ҳолларда, кўп сонли аҳолига ва катта ҳудудга эга бўлган йирик аҳоли пункти ҳақида сўз борганда, масалан, Тошкент шаҳрида, бир шаҳар доирасида филиаллар ташкил этилиши мумкин.

Юридик шахснинг барча вазифаларини бажарадиган филиалдан фарқли равишда, ваколатхона, ўз номидан келиб чиққанидек, юридик шахсга хос бўлган вазифалардан фақат биттасини, нодавлат нотижорат ташкилотининг манфаатларини ифодалаш ва уларни химоя қилишни амалга оширади. Ваколатхона – фуқаролик ҳуқуқи институтидир ва шу сабабли юридик шахснинг тегишлича алоҳида бўлинмаси ташкилотнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишда қамраб олинмаган манфаатларини ифодалаш ва химоя қилиши мумкин.

Филиаллар ва ваколатхоналар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ННТ тасдиқлаган низомларга биноан амалга оширилади. Ташкилот таркибида бир неча филиал ёки ваколатхона бўлган тақдирда, барча филиаллар ва ваколатхоналар учун ягона низом бўлиши мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, бундай умумий низом филиаллар ва ваколатхоналарнинг маҳаллий шароитларга боғлиқ ҳолда ишлаши хусусиятлари ҳисобга олинishi учун айрим филиаллар ва ваколатхоналарга татбиқан намунавий бўлиши мумкин. ННТ берадиган мол-мулк филиаллар ва ваколатхоналар фаолиятининг моддий негизи ҳисобланади. Бу мол-мулк филиал ёки ваколатхонанинг алоҳида балансида ҳам, умуман, асосий ташкилотнинг балансида ҳам ҳисобга олинади. Филиал ёки ваколатхона ўзига ажратиб берилган мол-мулкка нисбатан мустақил ҳуқуқларга эга бўлмайди. Филиал ва ваколатхона раҳбарлари нотижорат ташкилотининг ўзи томонидан тайинланади. Тайинлаш ҳужжати меҳнат шартномаси тузилиши асосида чиқарилади. ННТнинг шаклига қараб, тайинлаш ҳужжатидан олдин ташкилот бошқарувининг ёки бошқа коллегиял бошқарув органининг қарори чиқарилиши, сўнгра буйруқ чиқарилган ҳолда филиал (ваколатхона) раҳбари билан меҳнат муносабатларини расмийлаштириш ниҳоясига етказилиши мумкин. Раҳбарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доираси у билан тузилган меҳнат шартномасида белгилаб қўйилади. ЎзР ФК 134-моддасига мувофиқ раҳбар учинчи шахсларга нисбатан ўзига ННТ томонидан берилган ишончнома доирасида иш олиб боради. Ишончнома ёзма шаклда берилади ва, агар, нотариал шаклни талаб қилувчи битимларни тузиш назарда тутиладиган бўлса, нотариал тасдиқланган бўлиши керак. ЎзР ФК 139-моддаси ишончноманинг амал қилиш муддати уч йилдан ошмаслигини назарда тутлади.

Филиал ва ваколатхона ўз номидан эмас, балки уни ташкил этган нодавлат нотижорат ташкилоти номидан битимлар тузади, мажбуриятларга киришади. Филиалнинг фаолияти натижасида ташкилотнинг ўзида ҳам фуқаролик ҳуқуқи ва мажбуриятлари вужудга келади. ННТ ўз филиаллари ва ваколатхоналарининг фаолияти учун ҳам жавобгардир. Қонун қандай жавобгарлик ҳақида сўз бораётганини аниқлаштириб қўймайди. Нодавлат нотижорат ташкилотига ҳуқуқнинг турли соҳаларда назарда тутилган жавобгарлик, яъни маъмурий (масалан, экологик за-

рар етказганлик учун жарималар), фукаролик. ҳам шартномавий, ҳам ношартномавий жавобгарлик юкланади деб ҳисоблаш қабул қилинган. ННТ қарорига биноан, унинг таркибий бирлиги томонидан етказилган зарар учун мулккий жавобгарлик унга берилган мол-мулк ҳисобидан қопланиши мумкин. Бу кредиторларга тўловлар ҳақидаги масалани ҳал этиш учун жиддий аҳамиятга эга эмас, чунки филиал ёки ваколатхона аралашган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик – бу нодавлат нотижорат ташкилотининг тўғридан-тўғри ўз жавобгарлигидир.

Чет давлатлар ҳудудларида филиаллар ва ваколатхоналар очиш имконияти ўша давлатлар қонун ҳужжатларида белгиланади. Халқаро ҳуқуқнинг умум қабул қилинган меъёрларига мувофиқ, чет эл юридик шахслари филиаллари ва ваколатхоналарининг ҳуқуқий ҳолати юридик шахснинг ана шу таркибий қисмлари жойлашган ердаги қонунларга кўра белгиланади. Яъни, агар ташкилот филиали Германияда очилса, унинг рўйхатдан ўтиши ва ҳуқуқий ҳолати Германия қонун ҳужжатлари билан, агар Ўзбекистонда очилса, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, чет эл ва халқаро ННТ филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахслар бўлиши керак, Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари учун эса бу зарурий шарт эмас.

Нодавлат нотижорат ташкилотини тузиш

ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 15-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш тўғрисида унинг муассасалари (аъзолари) томонидан қабул қилинган қарор уни тузиш учун асос бўлади.

Ўша жойда у ННТ қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилиши кўрсатиб ўтилган. Шу жиҳатдан олганда, бундай ташкилотларни тузишга қўйиладиган талабларнинг икки гуруҳини фарқлаш керак бўлади.

Биринчи гуруҳни нодавлат нотижорат ташкилотларининг аксариятини ташкил этишга қўйиладиган талаблар ҳосил қилади. чунончи: муассислар томонидан тегишли қарорларнинг қабул қилиниши; улар томонидан таъсис ҳужжатларининг тасдиқланиши; қонунда назарда тутилган бир қатор мажбуриятларнинг низомда акс эттирилиши; муассисларга қўйиладиган умумий талаблар; ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш (ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 16–21-моддалари).

Иккинчи гуруҳни барча эмас, балки фақат айрим турдаги нодавлат нотижорат ташкилотларини тузишга қўйиладиган талаблар ташкил этади.

Чунончи, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг қафолатлари тўғрисида”ги, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги ЎзР қонунлари таъсис ҳужжатларига, муассислар сонига, бу ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва муддатларига қўйиладиган махсус талабларни мустаҳкамлаб қўйган.

Шу тарика, ННТ қандай ташкил этилишини билиш учун бундай ташкилотларни тузишга қўйиладиган умумий талабларнигина эмас, балки мазкур турдаги ННТни тузишга қўйиладиган, қонун ҳужжатларида назарда тутилган махсус талабларни ҳам билиш зарур.

Қонунлар, қонди тарикасида, нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этиш учун зарур бўладиган муассисларнинг энг кам сонини назарда тутлади. Бунда муассисларнинг энг кам зарурий сонига қўйиладиган талаблар ННТнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига қараб фарқланади.

Масалан, жамоат бирлашмасини тузиш учун зарур бўлган муассисларнинг энг кам сонига қўйиладиган талаблар “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 8-моддасида назарда тутилган бўлиб, унга кўра жамоат бирлашмалари камида ўн нафар фуқаронинг ташаббуси билан тузилади.

Тузилшини ва фаолияти тартиби махсус қонунлар билан тартибга солинадиган жамоат бирлашмалари (сиёсий партиялар, диний ташкилотлар ва ҳ.к.) нисбатан эса, бу жамоат бирлашмалари муассисларининг, уларни тузиш ташаббускорларининг энг кам сонига нисбатан бошқача талаблар белгиланган. Масалан, сиёсий партияни тузиш учун камида саккизта ҳудудий субъектда (вилоятда), шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшаётган камида йигирма минг фуқаронинг имзоси бўлиши зарур.

ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 15-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотларининг уюшмалари (иттифоқлари) камида иккита нотижорат ташкилоти ташаббуси билан тузилиши мумкин.

Қонун ҳужжатлари ННТнинг бирон-бир шакли учун муассисларнинг энг кам сонини белгилаб қўймаган ҳолларда, ЎЗР ФК 43-моддасига мувофиқ бир ёки бир неча жисмоний ва (ёки) юридик шахс муассис бўлиши мумкин.

ННТ тўғрисидаги Қонун ННТ муассислари ва аъзоларига – жисмоний шахсларга нисбатан умумий талаблар қўяди. Масалан, Қонуннинг 18-моддасига биноан, ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилотини тузишда ўн тўрт ёшга тўлган, боаларнинг ташкилотини тузишда эса ўн ёшга тўлган жисмоний шахсларгина иштирок этишлари мумкин. Ўзбекистонда ННТ тузиш ҳуқуқи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларда ҳам бор. “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар сиёсий партиянинг аъзолари бўла олмайдилар. Бу истисно ННТнинг мазкур ташкилий-ҳуқуқий шаклига тегишли махсус талабдир.

ННТ уставини қабул қилиш ва раҳбар органларини тузиш тартиби ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 15-моддасида белгиланган. Ушбу модда қондаларига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотининг ташаббускорлари ёки муассислари таъсис съездини (конференциясини) ёки умумий йиғилишни чақирадилар, унда инзом қабул қилинади ҳамда раҳбар органлар тузилади. Бу тартиб ННТ икки ёки ундан кўп сонли муассислар томонидан тузиладиган барча ҳолларда қўлланилади. Шу билан бирга, ана шу умумий қоидадан истиснолар мавжудлигига эътибор қаратиш зарур. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, бир жисмоний ёки юридик шахс, масалан, муассасанинг муассиси бўлиши мумкин. Бу ҳолда умумий йиғилиш ўтказилмайди. Бундай вазиятда бир муассис томонидан ташкил этилган юридик шахс шу муассис тасдиқлаган устав асосида иш олиб боришини назарда тутувчи ЎЗР ФК 43-моддасининг учинчи қисмига амал қилиш зарур бўлади. Бу турдаги ННТнинг раҳбар органлари ҳам бир муассис қарорига биноан тузилади.

Жамғарманинг васиятнома бўйича ташкил этилиши яна бир истиснога ми-
солдир. Жамғарма васийлик кенгаши дастлабки таркибининг аъзоларини (агар
улар васиятномада кўрсатилмаган бўлса) тайинлаш ва жамғарманинг уставини
тузиш ҳуқуқи васиятномани ижро этувчига тегишлидир.

Нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эъти-
боран тузилган деб ҳисобланади ва юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади (ЎзР ФК
44-моддаси, ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 15-моддаси). Айнан давлат рўйхати-
дан ўтказилган пайтдан эътиборан ННТ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади:
Ўз мулкида ёки оператив бошқарувида мол-мулкка эга бўлиши, ўз номидан мулк-
кий ва номулкий ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятларга эга бў-
лиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши, мустақил баланси ёки сметасига эга
бўлиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатлари

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг таъсис ҳужжатлари тўғрисидаги
қоидалар юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатлари ҳақидаги умумий қоидалардан
келиб чиқади. Таъсис шартномаси устав ёки таъсис шартномаси устав би-
лан биргаликда ННТнинг таъсис ҳужжатлари бўлиши мумкин. Айрим ННТлар
қонунда назарда тутилган ҳолларда мазкур турдаги ташкилотлар ҳақидаги умум-
ий низоми асосида ишлаши мумкин. Баъзан муайян ташкилотнинг аслида устав-
ни ифодаловчи таъсис ҳужжати “низоми” деб аталади (ЎзР ФК 43-моддаси).

Қонунда белгиланганки, уюшмалар ва иттифоклар устав ҳужжатлари си-
фатида таъсис шартномасига ва уставга эга бўлиши керак. Таъсис шартномаси
фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси бўлиб, уни тузиш учун икки ёки ундан ортик
тарафнинг келишилган хоҳиш-иродаси бўлиши зарур. Таъсис шартномаси барча
муассислар томонидан имзоланган ягона ҳужжат кўринишида ёзма шаклда тузи-
лади. Уюшма ёки иттифок аъзолари ҳам бирлашма уставини тасдиқлашлари ло-
зим. Агар устав қоидалари ва таъсис шартномасининг шартлари ўртасида тафо-
вутлар бўлса, устав қоидалари қўлланилиши керак, чунки устав ННТнинг асосий
ҳужжати ҳисобланади.

Муассаса мулкдорнинг хоҳиш-иродаси билан тузилади ва мулкдор унинг фа-
олияти йўналишини белгилайди ҳамда уни молиялаштиришни амалга оширади.
ННТ тўғрисидаги Қонунда мулкдорнинг қарори ва у тасдиқлаган муассаса уста-
ви муассасанинг таъсис ҳужжатлари сифатида кўрсатиб ўтилган. Мулкдорнинг
муассасани ташкил этиш тўғрисидаги қарори мустақил ҳужжат бўлиши мум-
кин, унда муассасанинг ташкил этилиши эълон қилинади ҳамда фаолиятининг
умумий йўналишлари, унга мулкдор берадиган ҳуқуқлар ва мол-мулк белгилаб
қўйилади. Бироқ мулкдорнинг муассасани ташкил этиш тўғрисидаги қарори у
тасдиқлаган уставда ҳам ёзиб қўйилиши мумкин.

Васиятномага мувофиқ васиятномани ижро этувчи томонидан тузиладиган
жамғарма уставини ННТнинг васиятнома бўйича ташкил этилган жамғарма сифа-
тидаги туторининг таъсис ҳужжати ҳисобланади.

ННТ тўғрисидаги Қонуннинг таъсис ҳужжатлари талаблари корхонанинг ўзи
ва унинг муассислари (иштирокчилари) учун мажбурий эканлиги ҳақидаги кўр-

сатмаси муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, устав қондалари ННТ фаолиятини тартибга солишгагина қолмай, балки учинчи шахсларга нисбатан ҳам амал қилади. Учунчи шахслар, масалан, нодавлат нотижорат ташкилоти билан шу ташкилотнинг уставда назарда тутилган махсус ҳуқуқий лаёқат доирасидан четга чиқадиган шартнома туза олмайдилар.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолиятини бошқариш тартиби таъсис ҳужжатларида ННТ органлари тузилмасини, уларнинг ваколатларини, коллегиял органлар томонидан қарорлар қабул қилиш тартибини таърифлаш орқали белгилаб кўйилади. Нотижорат ташкилотининг махсус ҳуқуқий лаёқати унинг фаолияти мақсадларига кўра белгиланади. Шу сабабли, ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 17-моддаси таъсис ҳужжатларига ташкилот мақсадлари ва вазифаларининг аниқ таърифи киритилишини талаб қилади. Таъсис ҳужжатларида ташкилотнинг филиаллари ва ваколатхоналари, уларнинг номи, жойлашган ери кўрсатилган бўлиши керак. Аъзоликка асосланган нодавлат нотижорат ташкилотларининг таъсис ҳужжатларида аъзоларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ташкилот аъзоллигига қабул қилиш ва ундан чиқиш шартлари ва тартиби кўрсатилади. Муассислар ташкилот таркибига янги аъзолар қабул қилишни чеклашга ёки умуман истисно этишга ҳақли бўлиб, шу тариқа ёпиқ нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этишлари мумкин. Агар уставда назарда тутилган бўлса, кириш ва аъзолик бадаллари, муассислардан (иштирокчилардан) бир маротаба ва мунтазам келадиган мулкӣ тушумлар ташкилот фаолиятининг дастлабки моддий асоси бўлади. Шу билан, муассислар ҳар бирларининг мулкӣ бадаллари нималардан иборат эканлигини пул баҳосида кўрсатган ҳолда батафсил таърифлайдилар. Муассисларнинг бадалларидан ташқари, ННТ мол-мулкани шакллантиришнинг бошқа манбалари, масалан, учинчи шахсларнинг ихтиёрий хайриялари, ижозат берилган тадбиркорлик фаолиятидан олинadиган даромадлар ҳам бўлиши мумкин ва ҳ.к. Буларнинг барчасини таъсис ҳужжатларида аниқ этириш керак бўлади.

Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилоти тугатилган тақдирда мол-мулкдан фойдаланиш тартиби ҳам назарда тутилиши зарур. Чунончи, "Жамоат жамғармалари тўғрисида"ги Қонуннинг 37-моддасига мувофиқ, жамоат жамғармаси тугатилган тақдирда унинг кредиторлар талаблари қондирилганидан кейин қолган мол-мулкни уставда назарда тутилган тартибда хайрия мақсадларида фойдаланилади.

Таъсис ҳужжатлари ННТ фаолияти жараёнида ўзгартирилиши, фаолият соҳаси аниқлаштирилиши, бошқарув органлари тузилмаси ўзгартирилиши мумкин ва ҳ.к. Таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тартиби муассислар томонидан ишлаб чиқилади ва уларга киритилади. Хусусан, таъсис ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш чоғидаги овоз бериш тартибини назарда тутиш керак бўлади. Бундай ўзгартишлар ташкилот муассислари ёки аъзолари умумий сонининг камидан 2/3 қисмидан иборат малакали кўпчилик овози билан қабул қилинишини белгиллаб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Шуниси ҳам борки, аъзоликка асосланган жамоат ташкилотларида таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш конференция ёки курултойда амалга оширилиши керак.

ЎЗР ФК 43-моддаси таъсис шартномаси мазмунига албатта киритилиши лозим бўлган шартларни санаб ўтади. Таъсис шартномасида тарафлар ихтиёрига кўра киритилadиган бошқа шартлар ҳам бўлиши мумкин. ЎЗР ФКда кўрсати-

лган ва ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 16-моддасида такрорланган шартлар таъсис шартномасининг муҳим шартларидир. Қонунда ҳам таъсис шартномаси, ҳам устав назарда тутилган ҳолларда, таъсис шартномаси гўёки мақсадлар ҳақидаги келишув ҳисобланади. Унда ННТни тузиш бўйича биргаликдаги фаолият тартиби, муассислар мол-мулкни ташкилотга топшириш шартлари ва бошқа шу каби-лар белгилаб қўйилади.

Ушбу маълумотлар ЎзР ФКнинг бошқа моддаларида, шунингдек, ННТнинг айрим турлари ва ташкилий-ҳуқуқий шаклларига бағишланган махсус қонунларда аниқлаштирилган, тафсилотлаштирилган ва тўлдирилган.

Масалан, жамоат жамғармасининг уставида қуйидагилар кўрсатилиши керак: “жамоат жамғармаси” деган сўзларни ўз ичига олган номи, жамғарманинг органлари, шу жумладан, васийлик кенгаши, уларни шакллантириш тартиби, жамғарманинг мансабдор шахсларини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш тартиби, жамғарма тугатилган тақдирда унинг мол-мулкдан фойдаланиш тартиби ҳақидаги маълумотлар. Кўрсатиб ўтилган маълумотлар бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг таъсис ҳужжатларига ҳам киритилиши мумкин, лекин жамғармалар учун уларнинг киритилиши мажбурийдир. Бошқарув органларининг таркиби ва ваколатлари, улар томонидан қарорлар қабул қилиниши тартиби ҳақидаги шартлар уюшмалар ва иттифокларнинг таъсис ҳужжатлари учун мажбурийдир. Улар учун қарорлар яқдиллик билан ёки овозларнинг малакали кўпчилиги билан қабул қилинадиган масалаларни аниқлаш ҳам мажбурийдир. Нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатлари мазмунига қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам, масалан, ННТ молиявий фаолияти устидан жамоатчилик назорати тўғрисидаги ёки ижро этувчи органнинг умумий йиғилиш олдидаги қўшимча ҳисоботи ҳақидаги қоида ҳам киритилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг устави

ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, ННТ уставида қуйидагилар назарда тутилиши керак:

а) нодавлат нотижорат ташкилотининг номи, мақсад ва вазифалари, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, у ўз фаолиятини амалга оширадиган ҳудуд;

б) нодавлат нотижорат ташкилотининг тузилмаси ва раҳбар органлари, заруратга қараб унинг назорат-тафтиш органлари (ижтимоий жамғармалар учун мажбурий) ёки аудиторларни (аудиторлик фирмаларини) жалб этишнинг мажбурийлиги;

в) раҳбар органларнинг ваколат доираси ва уларни шакллантириш тартиби, уларнинг ваколат муддатлари, доимий асосда ишлайдиган раҳбар орган жойлашган ер;

г) аъзолик белгиланган бирлашмалар учун – аъзо бўлиш ва аъзоликдан маҳрум бўлиш шартлари ва тартиби, аъзоларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

д) пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни шакллантириш манбалари, нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда унинг таркиби бўлинмаларининг мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуқлари;

е) қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартиби;

ж) уставга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тартиби.

Уставнинг кўрсатиб ўтилган қондаларини багафсилроқ кўриб чиқамиз.

Ном, мақсад ва вазифалар

Уставда ННТ фаолиятининг хусусиятини ва ташкилий-ҳуқуқий шаклини инфодаловчи номи кўрсатилган бўлиши лозим, масалан: “Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш Маркази” жамоат бирлашмаси. Ташкилот номи унинг хусусий аломатларини аёқ эттириди ҳамда бошқа ташкилотлардан фарқлайди. ННТ номига эътибор билан қараш керак бўлади, чунки ННТ номи ўзига хос бўлиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида такрорланмаслиги лозим. ЎЗР ФК 46-моддасига мувофиқ, ННТ давлат рўйхатидан ўтказилган жой у жойлашган ер деб эътироф этилади.

Юридик шахс фаолиятининг мақсади ташкилот турини аниқлаш учун асосий белги ҳисобланади.

Нотижорат ташкилотлари фаолиятининг мақсадлари ННТ тўғрисидаги Қонуinning 2-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган фойдани ўз иштирокчилари ўртасида тақсимламайдиган ташкилот нодавлат нотижорат ташкилотидир. Шунга ўхшаш қондалар ЎЗР ФК 40-моддасида ҳам кўрсатилган.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий, хайрия, маданий, маърифий, илмий ва бошқарув мақсадларига эришиш учун, фуқаролар соғлиғини сақлаш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, фуқароларнинг маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларини қондириш мақсадларида, шунингдек, ижтимоий манфаатларга эришишга қаратилган бошқа мақсадларда ташкил этилиши мумкин.

ННТ ўз олдига қўядиган мақсадлар уставда ёзиб қўйилади ва унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра белгиланади. Масалан, Республика адвокатлар уюшмаси ҳуқуқ соҳасида амалиёт юритаётган адвокатларни уюштиришни, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда адвокатларга ташкилий ва услубий ёрдам кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Республика адвокатлар уюшмаси кўрсатилган мақсадларга эришиш учун ҳал қилишига тўғри келадиган вазифалар: айни шундай уюшмаларни туманлар ва вилоятларда тузиш ташаббускори бўлиш, уларни шартнома асосида иттифокқа бирлаштириш, янги уюшмаларнинг таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият билан алоқаларни ривожлантириш, минтақавий уюшмаларга уларнинг фаолиятини кучайтиришда ташкилий ва бошқа ёрдам кўрсатиш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, адвокатларни ўқитиш ва бошқа шу сингарилардан иборат.

Тузилма ва раҳбар органлар

ННТ бошқарув органларининг тузилмаси нодавлат нотижорат ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шаклига, унда аъзолик борлиги ёки йўқлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Бошқарувнинг камида икки поғонаси – олий ва ижро этувчи поғоналари мавжудлиғи барча турдаги ташкилотлар учун умумийдир.

Қолган ҳолларда, аъзоликка асосланган нодавлат нотижорат ташкилотлари – жамоат бирлашмаси, матлубот кооперативи, хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати, савдо-саноат палатаси, адвокатлар ҳайъати, боғдорчилик, полизчилик ва дигар ҳовли ширкати учун Қонун олий бошқарув органи сифатида аъзолар, иштирокчилар ёки вакилларнинг умумий йиғилишини назарда тутди. Уюшмалар ва иттифокларда аъзоларнинг – юридик шахсларнинг умумий йиғилиши олий органдир.

Асосан аъзоликка асосланмаган нодавлат нотижорат ташкилотларининг бошқа қисми учун ННТ тўғрисидаги Қонун бошқарувнинг олий органи сифатида ё муассислар кенгашини (жамғарма), ё муассислар тайинлаган шахсларни (муассаса) назарда тутди.

Ижро этувчи органларнинг қонунда белгиланган номенклатураси янада турли-тумандир. ННТнинг жамоат бирлашмаси ва хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари каби баъзи шаклларида – бу Бошқарув ёки Кенгаш бўлиши мумкин. Матлубот кооперативида – вакиллик органи сифатида Кенгаш ва ижро этувчи орган сифатида Бошқарув уйғунлашган. Адвокатлар ҳайъатида – бу Раёсат (Кенгаш)дир. Муассасада – муассислар тайинлайдиган шахслар. Уюшма ва иттифокда – бу умумий йиғилиш тайинлайдиган коллегиал ва (ёки) яккабошчилик асосидаги органдир. Диний ташкилотлар (бирлашмалар) учун бошқарувнинг олий ва ижро этувчи органлари шакли қонунда белгилаб қўйилмаган.

Ташкилотнинг тузилмаси, яъни раҳбар ва ижро этувчи органлари тизими, унинг назорат-тафтиш органлари, раҳбар органларининг шакллантирилиши тартиби ва ваколатлари, ваколатларнинг муддатлари, жойлашган ери ташкилот уставида белгилаб қўйилиши керак.

Масалан, одатдаги ННТ (бирлашма) тузилмаси:

- а) умумий йиғилиш;
- б) бошқарув, бошқарув раиси (унинг ўзи одатда ижрочи директор);
- в) тафтиш комиссияси;
- г) ННТ ходимлари (бош бухгалтер, котиба ва ҳ.к.).

Раҳбар органлари

Қоида тарикасида, олий раҳбар орган – бу йиғилиш, қурултой, конференция, Ўиламизки, бу орган номунтазам, вақти-вақти билан, йилига бир ёки икки марта тўнланиб ишлайди. Бошқарув раиси (ижрочи директор) бошчилигидаги бошқарув, одатда, доимий раҳбарлик қилувчи орган бўлади. У ёки бу органнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ННТ муассислари (ташаббускор гуруҳ) томонидан белгиланади. Улар қимнингдир ҳуқуқлари – мажбуриятларини кенгайтиришлари ёки қисқартиришлари мумкин. Одатда, муайян турдаги нодавлат нотижорат ташкилоти учун умумий қабул қилинган ва қайсидир маънода анъанавий бўлиб қолган схема асос қилиб олинади. ННТ уставларининг рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан тавсия этиладиган, амалдаги қўлланилиб келаётган андазалари мавжуд (улар ушбу қўлланмага иловада эътиборингизга ҳавола этилади). Уставларнинг ана шу, айтиш мумкинки, намунавий шаклларида раҳбарлик қилувчи органлар ва назорат-тафтиш комиссияларининг ваколатлари ҳамда жавобгарлиги етарлича яхши акс эттирилган.

Раҳбар органларининг ваколатлари ва уларни шакллантириш тартиби

Уставнинг бу бўлимида, энг муҳими, нодавлат нотижорат ташкилоти ижрочи директорининг ННТ номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб ҳаракатларни ба-жариши, мутахассисларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш масалаларини ҳал этиш, ННТ ишини ташкил этиш ва ўзининг фармойишлари ижросини назорат қилиш, ташкилотнинг мол-мулки ва пул маблағларини умумий йиғилиш ёки бошқарув томонидан белгиланган доирада тасарруф этиш ва ҳ.к. имкониятини назарда тутишдир.

Назорат-тафтиш органлари, одатда ННТнинг 2-3 нафар ходимидан иборат бўлиб, ташкилотнинг ижро этувчи органлари томонидан маблағлар сарфланишини назорат қилиш учун тузилади. Агар, тафтиш органининг фикрига кўра, раҳбарлар томонидан молия интизоми бузилаётган ёки ННТга бирон-бир бошқа жиддий моддий зарар етказилаётган бўлса, тафтиш комиссияси бузилишлар баргараф этилишини талаб қилишга, зарурият бўлган тақдирда эса, тафтиш комиссияси ўтказган текшириш натижаларини кўриб чиқиш учун навбатдан ташқари Бошқарув ёки умумий йиғилиш чақирилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Умумий йиғилишида, шунингдек, раҳбар органларнинг ваколатлари муддатлари (одатда 1-3 йил), доимий ишловчи органнинг жойлашган ери белгиланади. Доимий ишловчи раҳбар орган ўзи жойлашган ерини ўзгартиришга ҳақли, лекин бу ҳолда ННТнинг бошқа раҳбар органларини ва аъзоларини, рўйхатдан ўтказувчи органни ҳамда солиқ ва статистика органларини бу ҳақда хабардор қилиши шарт.

Бирлашмалардаги аъзолик

Аъзолик белгилаб қўйилган нодавлат нотижорат ташкилоти уставининг бу бўлимида ННТ аъзолигига қабул қилиш ва аъзоликни йўқотиш қоидалари, шунингдек, аъзоларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари таърифланиши зарур. Қоида тариқасида, аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаш ва бирлашма тадбирларида иштирок этиш уларнинг асосийларидир. Аъзо бўлиб кириш ва аъзолик бадаллари миқдори, уларни тўлаш муддатлари ҳақидаги масала Уставда назарда тутилмайди. Бу масала умумий йиғилишда ҳал этилиши керак.

Энди ННТ уставининг муҳим қисми бўлмиш нодавлат нотижорат ташкилотининг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни шакллантириш манбаларини кўриб чиқишга ўтамиз.

Устав капитали

ЎзР ФК ННТ устав капиталини шакллантириш зарурлигини назарда тутмайди, модомики, қонун ҳужжатларида бундай ҳаракатлар учун тўғридан-тўғри тақиқ йўқ экан, муассислар ўз ихтиёрларига кўра уни шакллантириш ҳуқуқига эга. Бу ҳолда ЎзР ФК 58-моддаси қоидаларига амал қилиш зарур. Бироқ шуни билиш зарурки, нодавлат нотижорат ташкилотининг устав капитали уставда белгиланган мақсадларга йўналтирилиши керак. ННТ тугатилган тақдирда эса устав капитали муассисларга қайтарилмайди, балки ташкилот уставада кўрсатилган мақсадларга сарфланади.

Жамғармани ташкил этиш учун зарур бўладиган дастлабки маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган энг кам

миқдори мавжуд бўлиши жамоат жамғармасининг мол-мулкни шакллантиришнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади (“Жамоат жамғармалари тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 20-моддаси). Таассуфки, ҳозиргача, салкам беш йилдан буён ушбу энг кам миқдор белгилаб қўйилгани йўқ, бу жамоат жамғармаларини ташкил этиш ва ривожлантиришга монелик қилмоқда.

Аъзолик бадаллари

Аъзолик ва кириш бадаллари аъзоликни назарда тутувчи ташкилий-ҳуқуқий шаклларда мол-мулкни шакллантириш манбаи сифатида қаралади. Хусусан, жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар, партиялар, уюшмалар (иттифоклар), матлубот кооперативлари, хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, ҳомийлик ташкилотларида (агар улар аъзоликка асосланган бўлса) шундай. Аъзолик бадалларини киритиш муддатлари, миқдорлари ва тартиби жамоат бирлашмасининг уставида назарда тутилади.

Шу тариқа, ташкилотнинг ҳар бир аъзоси учун бадаллар киритиш миқдорлари, муддатлари ва тартибини белгилашга табақалаштирилган ёндашув имконияти пайдо бўлади. Бунинг устига, жамоат ташкилоти ёки аъзоликка асосланган бошқа ташкилот уставида кириш ва аъзолик бадалларини тўлаш назарда тутилмаслиги ҳам мумкин.

Аъзолик асосидаги ташкилот устави кириш ва аъзолик бадалларини ҳам молиявий маблағлар, ҳам мол-мулк ҳолида киритишни назарда тутиши мумкин.

ЎЗР ФК 74-моддасига мувофиқ, жамоат бирлашмаларининг аъзолари ушбу бирлашмаларга берган мол-мулкларига, шу жумладан, аъзолик бадалларига бўлган мулк ҳуқуқини йўқотадилар.

ЎЗР ФКга мувофиқ, аъзоликка асосланган ташкилот ҳисобланувчи матлубот кооперативи мол-мулкни шакллантириш манбаи сифатида мажбурий тартибда мулк пай бадалларига эга бўлади. Бунда матлубот кооперативининг уставида пай бадалларининг миқдори, таркиби ва уларни қўшиш тартиби ҳамда пай бадалларини қўшиш бўйича мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги шартлар кўрсатилган бўлиши керак.

Муассисларнинг мақсадли бадаллари

Муассислар ННТ ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилар эканлар, устав капитали сифатида маблағларни беришдан ташқари, уставда белгиланган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун зарур мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини ташкилотга топшириш ҳуқуқига эгадирлар. Юридик шахс ҳисобланувчи ҳомийлик ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари ўзларига муассислар топширган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўладилар. Бундай мол-мулк балансда асосий воситалар сифатида мустаҳкамлаб қўйилади.

Муассислар ташкилотнинг фаолияти жараёнида ҳам ННТга пул маблағлари ва мол-мулк бериш ҳуқуқига эгадирлар. Бунда мол-мулкни ўтказиш тўғрисидаги шарғномада мол-мулкдан фойдаланиш мумкин бўлган, ҳам уставда белгиланган умумий, ҳам уставга зид бўлмаган аниқ мақсадлар ва фаолият турлари шартлашиб қўйилиши мумкин. Мол-мулкни топширишда муассис (иштирокчи) шартнома тузилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, унда мол-мулкни беришдан

кўланган мақсад ва мол-мулкдан мақсадга номувофик фойдаланилганини учун ННТнинг жавобгарлиги кўрсатилиши мумкин.

Муассислар (иштирокчилар, аъзолар)дан бадаллар тушуми ҳамда уларни киритиш тартиби муайян нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатлари билан белгиланади.

Ихтиёрий хайриялар ва грантлар

ННТнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайриялари унинг мол-мулкни шакллантириш манбаи бўлиши мумкин.

ЎЗР ФК 164-моддасига мувофик, ўз мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи мулкдорга тегишлидир.

Мулкдор ўзига қарашли мол-мулкка нисабатан қонунга зид бўлмаган ҳамда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини бузмайдиган ҳар қандай ҳаракатни амалга оширишга, шу жумладан, ўз мол-мулкни бошқа шахсларга мулк қилиб беришга ҳақлидир.

Қонун мол-мулк мулкдорига муомаладан олинмаган ва муомаласи чекланмаган ҳар қандай мол-мулкни, шунингдек, мулкний ҳуқуқларини ННТга текин асосда мулк қилиб бериш имкониятини беради.

Мулк ҳуқуқининг ўтиши куйидаги тарзда расмийлаштирилади:

маблағлар нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали ўтказилганда – тегишли банк ҳужжатлари (тўлов топшириқномаси) билан;

нақд пул маблағлари ўтказилганда – қирим-касса ордери билан;

мол-мулк асл ҳолида ўтказилганда – топшириш далолатномаси (топшириш-қабул қилиб олиш далолатномаси) тузилиб, унга кўра мол-мулк қабул қилиб олувчи ташкилотнинг балансига киритилади.

Хайриялар нотижорат ташкилотининг муассиси (иштирокчиси) бўлмаган ҳар қандай шахсдан тушиши билан ихтиёрий бадаллардан фарқ қилади. Хайриялар мақсадли ҳам, муайян мақсадлар учун мўлжалланмаган ҳам бўлиши мумкин.

ЎЗР ФК 511-моддаси нодавлат нотижорат ташкилотига турли буюмлар, қимматли қоғозлар ҳам, пул маблағлари ҳам берилиши мумкинлигини назарда тутди. Қонун ҳужжатларида ННТга хайрия қилиниши мумкин бўлган мол-мулк турлари бўйича махсус чекловлар кўрсатилмаган, муомаладан олинган ёки муомалада бўлиши чекланган мол-мулк бундан мустасно.

Мақсадли хайрия қилинганда топширилган мол-мулк фақат хайрия қилувчи шарт қилиб кўйган мақсадлар учун фойдаланилиши керак. Нодавлат нотижорат ташкилоти мақсадли хайриядан фойдаланишга доир барча операцияларнинг алоҳида ҳисобини юритиши шарт.

Топширишнинг алоҳида тартиби грант шартномасига мувофик тушадиган пул маблағлари ва мол-мулк учун назарда тутилган. “Грант” атамаси ННТнинг амалий ҳаётида узоқ вақтдан буён қўлланилаётган бўлса-да, ҳануз аниқ қонунчилик янмаса ҳисобланмайди. Бу тушунчи ЎЗР Молия вазирлиги ва ЎЗР Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январда қабул қилинган 15-сонли (2002-12) қарори билан тасдиқланган юридик шахсларнинг даромадларига (фойдасига) солинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома (ЎЗР Мо-

дия вазириги томонидан 2007 йил 26 мартда 1109-7-ракамлари остида рўйхатга олинган Учтартишлари билан) 10-банднинг “д” кичик бандига 2007 йил февраль ойида киритилди.

Мазкур метёрий ҳужжат асосида ижтимоий аҳамиятли мақсадларда, иктисодий, илмий-техника ва инновация дастурлари ривожлантирилиши-ни рағбатлантириш учун корхонага давлат (ҳукумат) томонидан, шунингдек, ноҳукумат, чет эл, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар томонидан кўрсатилган бегараз, гуманитар пул ифодасидаги ёки моддий ёрдам грант ҳисобланади. Бунда шунга алоҳида эътибор қаратиш керакки, грант шартномасига мувофиқ тушадиган маблағлар қатъий белгиланган мақсадга мўлжалланган бўлиб, фақат шартномада назарда тутилган мақсадда ишлатилиши мумкин. Грант шартномасига мувофиқ олинган мол-мулк ёки пул маблағлари белгиланганидан бошқа мақсадда фойдаланилган тақдирда, мол-мулк ёки бу маблағлар суммаси грант берувчи томонидан ундириб олиниши мумкин (ЎЗР ФК 234, 324, 631, 642-моддалари).

Грант шартномасига мувофиқ тушадиган маблағлар ташкилотнинг мулки ҳисобланади ва унинг балансида мустаҳкамлаб қўйилади. Чет эл (халқаро) ташкилотидан грант олинганлиги чет давлат ваколатли органининг мазкур чет эл (халқаро) ташкилоти шу давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганлиги, шунингдек, чет эл (халқаро) ташкилоти сифатида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазиригида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотнома билан тасдиқланиши керак.

“Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг қафолатлари тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 13-моддасига мувофиқ, давлат ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун ННТга давлат грантлари беришга ҳақлидир. ННТга давлат грантлари бериш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади¹.

Тадбиркорлик фаолиятдан келадиган даромадлар

ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 31-моддасига кўра, нодавлат нотижорат ташкилотлари Ўз устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Бу метёр ЎЗР ФК ва ННТ тўғрисидаги Қонун моддаларида ННТ муайян тур-лирининг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда тақдорланади.

Мисалан, жамоат бирлашмалари хусусида айтиладиги, улар қайси мақсадда тузилган бўлса, фақат шу мақсадга эришиш учун ва ана шу мақсадга мос тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир.

“Жамоат жамғармалари тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 22-моддасига мувофиқ, жамғарма тадбиркорлик фаолияти билан ўз уставида белгиланган мақсадларга тўғри келадиган доирада шуғулланиши мумкин.

Ушшамдир ва иттифоқлардан ташқари барча тоифадаги ННТ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Тадбиркорлик

1 *Қаранг*, ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 28 апрелдаги 86-сонли Қарори билан тасдиқланган “ННТ фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида”ги Низом.

фаолиятини юритаётган уюшма (иттифок) ЎЗР ФКда назарда тутилган тартибда хўжалик юритувчи жамият ёки ширкатга айлантирилиши керак ёки у тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун хўжалик жамияти тузиши ёки бундай жамиятда иштирок этиши мумкин.

ННТ тадбиркорлик фаолиятини фақат бевосита эмас, балки ўзи таъсис этадиган корхоналар орқали ҳам олиб бориши мумкин.

ННТ томонидан олинган фойда ННТ аъзолари, иштирокчилари, мол-мулкнинг мулкдорлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ва фақат нодавлат потижорат ташкилотларининг уставда белгиланган мақсадларига мувофиқ фойдаланилади (маълумот кооперативлари бундан мустасно, ЎЗР ФК 73-моддаси). Нодавлат потижорат ташкилотлари учун тадбиркорлик фаолиятининг уставда назарда тутилганига мослиги мезонлари қонунчилик йўли билан белгиланмаган. Нодавлат потижорат ташкилотларининг айрим турлари тўғрисидаги махсус қонунлар ҳам “мослик мезонлари” тушунчасининг маъносини очиб бермайди. Бундай вазиятда ягона йўл – мазкур ташкилот қайси тижорат фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эканлигини ННТ уставда белгилаб қўйишдан иборатдир. Бунда муассислар тижорат фаолиятининг бир неча турларини назарда тутишлари мумкин. Бу жиҳатдан Қонунда чеклашлар йўқ.

ННТнинг мустақил тадбиркорлик фаолияти жумласига ишлаб чиқариладиган маҳсулотни реализация қилиш бўйича фаолиятни, ишлар ва хизматлар, харидор-гир товарлар ва ускуналар савдосини, воситачилик фаолияти ва бошқа шу қабиларни киритиш мумкин.

Мустақил тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ННТ корхоналарга тенглаштирилади, яъни тадбиркорлик фаолиятининг субъектларига айланади ва унга нисбатан тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари амал қилади.

Бошқа тушумлар

ННТ мол-мулк мулкдори бўлгани ҳолда, уни ўз ихтиёрича тасарруф этишга, шу жумладан, уни ижарага беришга ва ижара туловлари тариқасида, яъни ҳам пул ифодасида, ҳам мол-мулк кўринишида даромад олишга ҳақлидир. ННТ ўзининг бўш турган маблағларини акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларга жойлаштиришга ҳақли бўлиб, улар бўйича олинган дивидендлар ва фоизлар ННТ мулкига тушади.

ННТга қарашли интеллектуал мулкка (патентлар, товар белгилари, ноу-хау, ихтиролар, фойдали моделлар ва ҳ.к.) бўлган, лицензия шартномасига мувофиқ учинчи шахсларга вақтинча фойдаланишга бериладиган ҳуқуқлар ёхуд олди-сотди шартномасига мувофиқ тасарруфдан чиқариладиган товар белгилари ҳам ННТ мулкига тушади.

Фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлар бўйича зарарнинг ўрнини қоплаш тартибда тушган маблағлар ҳам ННТ мол-мулкни шакллантириш манбаи бўлиши мумкин.

Бу рўйхат узил-кесил эмас. ННТ тўғрисидаги Қонун ННТ мол-мулкни шакллантиришнинг қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбаларини ҳам назарда тутади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг мулки

ЎЗР ФК ва ННТ тўғрисидаги Қонун қоидаларига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотлари (мулкдор томонидан молиялаштирилладиган муассасалар бундан мустасно) ўзига муассислари (иштирокчилари, аъзолари) томонидан берилган мол-мулкнинг, шунингдек, мазкур юридик шахслар томонидан бошқа асослар бўйича олинган мол-мулкнинг мулкдори ҳисобланади.

Жамоат бирлашмалари ва жамоат жамғармалари ўзи томонидан олинган мол-мулкнинг мулкдоридир ва ундан ўзларининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган мақсадлардагина фойдаланиши мумкин. Бу бирлашмаларнинг муассислари (иштирокчилари, аъзолари) ўзлари тегишли бирлашмага мулк қилиб топширган мол-мулкка бўлган ҳуқуқни йўқотадилар.

Эслатиб ўтамиз, муассаса ташкил этилаётганда муассис томонидан берилган мол-мулк муассасага оператив бошқариш ҳуқуқида бириктириб қўйилади. ЎЗР ФК 180-моддасига биноан, муассаса ўзига берилган мол-мулкни тасарруф этишга ҳақли эмас, масалан, ўзи оператив бошқариш ҳуқуқида эгаллик қилаётган мол-мулкни мулкдорнинг розилигисиз ижарага топширишга ҳақли эмас.

ННТ мулкида қайси мол-мулк бўлиши мумкин?

ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 28-моддасига кўра, нодавлат нотижорат ташкилоти ўз мулкида ашёларга, шу жумладан, пул ва қимматли қоғозларга, бошқа мол-мулкка, шунингдек, мулкий ҳуқуқларга; ишлар ва хизматларга; ахборотга; интеллектуал фаолият натижаларига, шу жумладан, уларга (интеллектуал мулкка) нисбатан мутлак ҳуқуқларга; номоддий бойликларга ва бошқа шу кабиларга – яъни қонун чиқарувчи муомалада бўлишига йўл қўйилмайдиган (муомаладан олинган ёки муомалада бўлиши чекланган) объектлар жумласига киритмаган ҳамма нарсага эга бўлиши мумкин.

Уставнинг бошқа қоидалари

Уставнинг бошқа қоидалари, ННТни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби, уставга ўзгартишлар киритиш ва бошқа шу сингарилар ушбу қўлланманинг кейинги бобларида анча батафсил кўриб чиқилади.

ННТ тўғрисидаги Қонун 17-моддасининг иккинчи қисми нодавлат нотижорат ташкилотининг уставида унинг рамзий белгилари тавсифи, ННТ фаолиятига тааллуқли, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкинлигини назарда тутди.

ННТ тўғрисидаги Қонун 17-моддасининг биз томонимиздан таҳлил қилинаётган охириги қисми ННТ тўғрисидаги Қонунда назарда тутилмаган қоидаларни, агар улар қонун ҳужжатларига зид бўлмаса, уставга киритиш ҳуқуқини белгилайди. Масалан, Сиз Уставга аъзоликка асосланган ташкилотингизга фахрий аъзолик тўғрисидаги қоидаларни, фахрий аъзоларга жамият бошқаруви мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқини берган ҳолда ёзиб қўйишингиз мумкин ва ҳ.к.

Кўрсатиб ўтилган модданинг қоидалари ҳар қандай турдаги ННТ уставини ишлаб чиқишда мажбурийдир, бунинг ёрдамида, умуман, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва, хусусан, ННТ муайян ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ташкил этилиши ва фаолиятига қўйилладиган талабларнинг бирхиллаштирилишига эришилади.

ННТ ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг ўзига хос хусусиятлари

Ташкилий-ҳуқуқий шакл – бу ННТ ўз фаолиятини қайси доирада амалга оширмоқчи эканлигини ақс эттирувчи шаклдир.

Шаклни танлаш алоҳида аҳамиятга эга, чунки ҳар бир шаклнинг ўзига хос хусусиятлари, ўзининг ижобий ва салбий томонлари бор.

Жамоат бирлашмаси – Ўзбекистонда энг кенг тарқалган ташкилий-ҳуқуқий шаклдир. Уни рўйхатдан ўтказиш унчалик қийинчилик туғдирмайди, негаки рўйхатдан ўтказувчи органлар бу ишда 15 йилдан ортиқ тажрибага эга.

Бошқа шахслар – жамоат жамғармалари, муассасалари, хайрия ташкилотлари уларнинг ташкил этилиши ва фаолиятини бевосита тартибга солувчи қонунлар йўқлиги (бизда муассасалар тўғрисида қонун йўқ ва ҳ.к.), шунингдек, фақат жамоат бирлашмаларининг уставларини рўйхатдан ўтказишни назарда тутадиган эскирган қонуности ҳужжатига¹ амал қилувчи рўйхатдан ўтказувчи органларнинг иш услублари сабабли ҳали оммалашиб кетгани йўқ (Хукумат қарори ёки унинг ёрдамида ташкил этилган “Соғлом авлод учун”, “Нуроний”, “Экосан” каби жамғармалар бундан мустасно).

Амалиётда биз кўпинча нодавлат нотижорат ташкилотларининг турлича номларига дуч келамиз, чунончи: ННТ, нодавлат, нотижорат, жамоат, ҳомийлик ташкилотлари. Шу сабабли буларни синоним ёки ҳар хил турлар деб ҳисоблашади, бу нотўғри, чунки барча ННТлар ташкилий-ҳуқуқий шаклга кўра ўзаро фарқланади.

ННТ шакллари нималардан иборат эканлигини ва уларни қандай фарқлаш кераклигини ҳамма ҳам билавермайди. Бунинг устига, ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилган ННТ фаолиятининг мазмуни шундан иборатки, у фойда чиқариб олиш ва уни ташкилотчилар ўртасида тақсимлаш учун эмас, балки умум манфаатига қаратилган ишларни, ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш, муҳтожларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, фан ва маданиятни ривожлантириш, жамиятнинг раванқ топишига кўмаклашиш мақсадида тузилади.

Бу ерда биз ННТ фаолиятининг сиёсий партиялар, диний ташкилотлар ва қасаба уюшмалари каби шаклларининг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқмаймиз, негаки уларнинг таърифини ушбу қўлланма доирасига сиғдириш мушкул, бундан ташқари, бу бизнинг вазифамизга кирмайди. Одатда, учинчи сектор деб аталувчи, одамлар билан, уларнинг сиёсий қарашлари, диний эътиқоди ёки жамиятдаги мавқеидан қатъи назар, ишловчи жамоат ташкилотларини кўриб чиқамиз.

Ҳар қандай шаклда ташкил этилган ННТлар иккита секторга: ўзларига ёрдам кўрсатиш учун муайян гуруҳдаги одамлар томонидан тузилган ташкилот-

¹ Жамоат бирлашмаларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш қоидалари ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 мартдаги 132-сонли Қарори билан тасдиқланган (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 август, 1997 йил 8 апрель, 2003 йил 30 апрель ва 2004 йил 29 апрелдаги қарорларига биноан киритилган ўзгаришлари билан).

лир ҳамда бошқаларга ёрдам кўрсатиш учун ташкил этилган ташкилотларга бўлиниди.

Фараз қилайлик, журналистлар уюшмаси ёки китобсеварлар жамияти кишиларни қизиқишларининг умумийлиги белгисига кўра бирлаштиради. Уларда расмий аъзолик мавжуд бўлиб, улар фақат айни шу жамият аъзоларининг манфаати учун ишлайди. Болалар шифокорлари касбий уюшмасининг фаолияти эса фақат аъзоларига эмас, балки муҳтож бўлганларнинг барчасига ёрдам кўрсагишга қаратилгандир.

Шунга қарамай, барча жамоат ташкилотлари ўз мақсадлари ва вазифаларига умумий ёндашувда ўхшашдир. Одатда, ННТ жамиятда ҳақиқатда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этишни ўз зиммасига олиш учун ташкил этилади, шу боисдан давлатнинг ижтимоий вазифаларини бажариш бўйича энг муҳим масалаларни ҳал этишда ННТ фаолиятининг ахамияти бекиёсдир.

ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, ташкилот "... жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик кадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда" ташкил этилишидан кўра нима фойдалироқ ва муҳимроқ бўлиши мумкин.

Кўпинча ташаббускор фуқаролар ўз ташкилотларини ташкил этишда кейинчалик нима иш билан шуғулланиш ҳақида ўйлаб кўрмайдилар, чунки ННТ ташкил этилган дастлабки босқичда улар эҳтимол тутилган донорлардан молиявий ёрдам олишга умид қиладилар. Бироқ бу фикр ҳар доим ҳам тўғри бўлиб чиқавермайди ва грантлар ёрдамида ишлаш истаги ҳамиша ҳам амалга ошавермаслиги мумкин. Аслини олганда, Сиз жамоат ташкилотини нима учун ташкил этаётганингизни ва унинг ёрдамида нимага эришмоқчи эканлигингизни англаб олишингиз зарур. Сизнинг ташкилотингиз қандай бўлиши ва уни қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этиш кераклиги биринчи галда ана шунга боғлиқ бўлади.

Авалло, "нодавлат нотижорат ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шакли" сўз бирикмаси нима маъно англатишни аниқлаб олиш керак бўлади. Қонун чиқарувчи бу таърифга изоҳ бермайди, лекин ННТ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг маъно ва мазмунига кўра шакл ташкилотни тузиш хусусиятларини, муайян турдаги ННТ тузилмасини, ҳуқуқий ҳолатини тавсифлайди.

Ташкилий-ҳуқуқий шакллар сони қонунда чеклаб қўйилмаганлигига қарамай, улар кўп бўлиши мумкин эмас, чунки ҳар бир шакл бошқасидан ички тузилишининг ва мол-мулкни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларига кўра фарқланиши керак. ННТ ташкилий-ҳуқуқий шаклларини юридик жиҳатдан расмийлаштиришда ва уларни ҳуқуқий тартибга солишда энг кўп даражадаги аниқликни таъминлаш учун қонун ҳужжатларида улар ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг рўйхати берилди. Бу жуда муҳимдир, чунки ички тузилманинг мутаносиблиги, қарорлар қабул қилишнинг аниқ механизми ва мол-мулкни бошқариш тартиблилиги туфайли ННТ иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тегишлича ақс эттириш, уларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини кафолатлаш ҳамда мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгарликни назарда тутиш мумкин бўлади.

Қонун ҳужжатлари ННТ ташкилий-ҳуқуқий шакллари ташкил этиш мақсадлари, муассислар таркиби, аъзолик мавжудлиги ёки йўқлиги билангина эмас, балки муассислар ва аъзоларнинг ташкилот мол-мулкига бўлган ҳуқуқлари ва уларнинг ўз зиммаларига олинган мажбуриятлари бўйича ҳам фарқлайди. Маддомики, ННТ муассислари ва уни ташкил этишда иштирок этувчи аъзолари аниқ шу ташкилотга нисбатан мажбуриятларга эга бўлиши ёки эга бўлмаслиги мумкин экан, ННТ ташкилий-ҳуқуқий шаклининг тўғри танланиши уларнинг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муайян роль ўйнайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотни ташкил этишда қуйидаги омиллар ҳисобга олиниши керак:

стратегия, мақсадлар, вазифалар;

ННТ ташкилий-ҳуқуқий шаклининг жамиятдаги нуфузи;

бошқарувнинг ва умумий йиғилишни ёки бошқа бошқарув органи йиғилишини ўтказиш тартиб-таомилларининг оддийлиги;

ташкилотнинг муассислар қарорига биноан тугатилиши ва ташкилотни банкрот деб топиш мумкинлиги;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мумкинлиги;

солиқ имтиёзлари мавжудлиги;

аъзоликка асосланган ташкилот тузилган тақдирда ташкилот аъзоларидан – юридик ва жисмоний шахслардан қўшимча маблағ жалб этиш имконияти.

ННТ шаклининг жамиятдаги нуфузи, яъни муайян шаклда ташкил этилган у ёки бу ташкилот ўзини қай тарзда намоён этганлиги ва у ўз вазифасини қанчалик яхши бажараётганлиги аҳамиятга молик омилдир.

Турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларнинг афзалликлари ва камчиликларини ҳар доим ҳам англаб олиш осон бўлавермайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилгач, Сиз одатда нималар қилмоқчи эканлигингизни аниқ тасаввур қиласиз, лекин Сиз бу ишни қандай амалга оширмоқчи эканлигингиз ҳақидаги масала муҳимроқдир. Масалан, бир гуруҳ кишилар ёшлар билан ишлаш учун ташкилотни рўйхатдан ўтказишни истайдилар. Агар улар турли манбалардан маблағ тўплаш ва уларни муайян ёшлар дастурларига тақсимлаш ниятида бўлсалар, улар жамғарма тузишлари керак, башарти, уларнинг мақсади мактаб таълими ва ёшларнинг ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш соҳасида хизматлар кўрсатишга қаратилган бўлса, жамоат бирлашмаси улар учун анча мақбул шакл бўлади.

ННТ тушунчаси ва ташкилий-ҳуқуқий шакллари турли қонун ҳужжатларида берилган. Уларнинг ўзига хос хусусиятларини синчиклаб ўрганишгина ННТ муассисларига ўз олдларига қўйган аниқ мақсадлар ва вазифаларга эришиш учун энг афзал ННТ шаклини танлаш ҳақида тўғри қарор қабул қилиш имкониятини беради.

ННТнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини танлашда қуйидагиларни эсда тутиш мақсадга мувофиқдир:

– Ўзбекистонда ташкил этилаётган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги барча жамоат ташкилотлари ННТ жумласига киради ва уларга нисбатан ННТ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари амал қилади;

– ННТ ташкилий-ҳуқуқий шакллари ўзаро фаолият мақсадлари, иштирокчи-

лар таркиби, аъзолик принциплари, мол-мулкни шакллантириш ва уни тасарруф этиш тартиби, бошқарув. назорат тизими ва бошқа ҳолатларга кўра фаркланади, шундан келиб чиққан ҳолда уларни меъърий-ҳуқуқий ҳужжатлар даражасида тартибга солиш амалга оширилади;

– барча ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги ННТ ўзининг ҳудудий жойлашувига қараб республика адлия органларида давлат рўйхатидан ўтади;

– ННТ фаолиятининг таълим, экология, маданият ва бошқа шу каби асосий йўналишларини тавсифловчи ННТ турларини ташкилий-ҳуқуқий шаклдан фарқлаш керак бўлади, шуниси ҳам борки, нодавлат ноτιжорат ташкилотларининг турлари кўп бўлиши мумкин ва бундай ташкилотларнинг турлари рўйхати қонунчилик йўли билан белгиланмайди, ташкилий-ҳуқуқий шакллар сони эса фақат қонунлар билан белгиланади (масалан, жамоат бирлашмаси ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилган ННТ ўз фаолияти турига кўра экологик, маърифий ва х.к. бўлиши мумкин);

– номга қўшилган “марказ”, “жамият”, “қўмита” ва бошқа шу каби сўзлар ННТнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига тааллуқли бўлмайди, булар кўпроқ ННТ номларига алоқадор атамалардир;

– ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги ННТ ҳомийлик ташкилоти бўлиши мумкин. чунки ҳомийлик – бу ташкилий-ҳуқуқий шакл эмас, балки алоҳида ҳуқуқий ҳолат, шу сабабли ННТ томонидан қўлланиладиган “ҳомийлик” таърифи унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ифодаламайди. Шунга қарамай, ҳомийлик ташкилотининг номида “ҳомийлик” деган сўз бўлиши керак;

– ННТ номида кўрсатилган унинг фаолияти мақсадини ақс эттирувчи, масалан, “экология”, “болалар”, “ёшлар” каби таърифлар унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига тааллуқли эмас.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасида барча нодавлат ноτιжорат ташкилотларининг ташкил этилиши ва фаолияти ЎЗР ФК ва ННТ тўғрисидаги Қонун меъёрлари билан тартибга солинади, лекин ННТнинг айрим ташкилий-ҳуқуқий шакллари фаолияти эса махсус қонунлар билан тартибга солинади.

Агар биз ЎЗР ФК 73-78-моддаларига назар ташласак, у ерда нодавлат ноτιжорат ташкилотларининг бор-йўғи 6 та шакли назарда тутилганлигини кўрамиз, булар: матлубот кооперативи, жамоат бирлашмалари, жамоат жамғармалари, муассасалар, юридик шахслар бирлашмалари (уюшмалар ва иттифоклар) ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари.

ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 10-моддасида белгиланганки, нодавлат ноτιжорат ташкилотлари жамоат бирлашмаси, жамоат жамғармаси, муассаса шаклида, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин. Шу тариқа, қонун ҳужжатлари турли ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги ННТни тузиш учун имконият беради.

ННТнинг ҳар хил турлари битта ташкилий-ҳуқуқий шаклга мансуб бўлиши мумкин. Масалан, илмий-тадқиқот марказлари, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари муассаса шаклида; адвокатлар хайъатлари, аудиторлар бирлашмалари, савдо-саноат палаталари, адвусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари ва бошқа ННТлар жамоат бирлашмаси шаклида фаолият кўрсатади.

ННТ ташкилий-ҳуқуқий шакллари бир-биридан нимаси билан фарқ қилади?

Ана шу ташкилотларнинг аъзоликка асосланган ёки асосланмаганини асосий фарқлардан бири ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларида жамоат бирлимаси, юридик шахслар бирлашмалари, маълумот кооперативи, ҳусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари каби аъзоликка асосланган ННТ ташкилий-ҳуқуқий шакллари назарда тутилган.

Шунинг таъкидлаш керакки, иштирокчиларининг аъзолигига асосланган ННТ муайян афзалликларга эга. Биринчидан, аъзолик ташкилотлари бошқа ННТга қараганда, анча демократик ва ҳаракатчан, иккинчидан, ташкилот аъзолари сайлаб қўйиладиган органлар ишида иштирок этишда бир хил ҳуқуққа эга бўладилар ҳамда муассислар янгидан қабул қилинган аъзолардан фарқланмайдилар, учинчидан, аъзоликка асосланган ташкилотда аъзоларнинг умумий йиғилиши ҳар доим олий бошқарув органи ҳисобланади, бошқа барча бошқарув ва назорат органлари эса унга албатта ҳисоб беради.

Муассисларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва ташкилот сиёсати ўзгаришига оғиб келадиган қарорлар қабул қилинишига йўл қўймаслик, лекин айтиш чоғда, янги аъзолар кириб келишини чеклаб қўймаслик учун кўпгина аъзоликка асосланган ташкилотлар бўлғуси аъзолар учун “синов муддати” деб аталувчи муддат белгилайди.

Бундай тартиб-таомил жорий этилганда ташкилотга аъзо бўлиш истагини билдирган ҳар қандай шахс дастлаб муайян муддат аъзоликка номзодга айланади ва шундан кейингина номзодга эътирозлар бўлмаса ва у барча талабларни бажарса, аъзоликка қабул қилинади. ННТ аъзолигига номзод ўзининг синов муддати даврида барча йиғилишларда, талбирларда иштирок этади, бадаллар тўлайди ва бошқа мажбуриятларни бажаради, лекин унинг ҳуқуқлари доираси ташкилот аъзосиникидан анча торроқдир. Чунки у умумий йиғилишда қарорлар қабул қилинишида овоз берин ҳуқуқига эга эмас ва раҳбар органларига сайланиши мумкин эмас.

Қонун ҳужжатлари ННТ аъзолари ва аъзолигига номзодлар каби тоифаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари масаласини тартибга солмайди, шу сабабли бу жиҳатдан ташкилотчиларда ва таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқувчиларда доимо ижодий эркинлик бўлади. Масалан, ННТ уставига аъзолик масаласини тартибга солувчи тегишли бўлимлар киритилиши мумкин, чунончи:

аъзоликка қабул қилиш тартиби;

аъзоларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

ташкилот аъзолигига номзодларни қабул қилиш тартиби ва шартлари;

аъзоликка номзодларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

“Фахрий аъзо” унвонини бериш тартиби;

ташкилот Фахрий аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Аъзоликка асосланган ташкилотларнинг иш тажрибасига таяниб, ННТ уставлари матнларида ташкилот аъзолигидан чиқариб юбориш шартларини мустаснама қўймасликни ҳамда чиқариб юбориш сабаблари рўйхатини “ва бошқа ҳолларда” деган сўзлар билан тугатиб, очиқ қолдириш кераклигини маслаҳат бериш мумкин.

Шубҳасиз, ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг танланиши ННТ фаолиятининг кўпгина масалаларига таъсир кўрсатади. Муассислар ташкилот фаолиятига оид ҳар қандай масалани ўзлари истагинича ҳал эта олмайдилар, бу ННТнинг турли шаклла-

рини ташкил этиш шарллари билан тартибга солинади. Масалан, иштирокчиларнинг аъзоллиги принципинга асосланган ташкилотларда фақат коллегиял орган – ташкилот аъзоларининг умумий йиғилиши олий раҳбар органи бўлиши мумкин, жамоат жамғармаси сингари ННТ учун эса назорат қилувчи орган – васийлик кенгаши бўлиши шарт.

ННТ ташкилий-ҳуқуқий шакллари ўртасидаги фарқларни тушуниш учун улардан ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Жамоат бирлашмаси

Жамоат бирлашмаси ННТнинг энг кенг тарқалган шакли бўлиб, унинг тушунчаси “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида қуйидагича баён қилинган: ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма – жамоат бирлашмасидир.

Умуман олганда, ННТ тўғрисидаги Қонун жамоат бирлашмалари жумласига уларнинг кўплаб турларини киритади. Чунончи, қасаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, фахрийлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий, техникавий, маданий-маърифий, jisмоний тарбия, спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, фуқароларнинг бошқа уюшмалари ва бирлашмалари шулар жумласидандир.

Жамоат бирлашмалари ҳудудий белгисига кўра республика ва маҳаллий бирлашмаларга фарқланади. Агар жамоат бирлашмасининг фаолияти бир неча вилояти ёки республиканинг бутун ҳудудига ёйилса, шунингдек, агар у республиканинг бир неча вилоятида ўз филиалларига эга бўлса, у республика жамоат бирлашмаси ҳисобланади. Фаолияти тегишли вилоят, туман, шаҳарга ёйилган вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча ва қишлоқ бирлашмалари маҳаллий жамоат бирлашмалари жумласига киради ва бу фарқ улар фаолиятининг ҳудудийлик принциpidан ҳам келиб чиқади.

Шу муносабат билан жамоат бирлашмалари фақат ўзи рўйхатдан ўтказилган жой ҳудудидагина фаолиятини олиб бориши мумкин, қонун уларнинг ўзи қайд этилган минтақа ҳудудидан ташқари жойларда фаолият кўрсатиши имкониятини назарда тутмайди.

Жамоат бирлашмаси таърифидан келиб чиққан ҳолда, унинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ажратиш мумкин:

а) юридик шахслар жамоат бирлашмасини тузиш ташаббускорлари ва аъзолари бўлишлари мумкин эмас, чунки ННТнинг бундай ташкилий-ҳуқуқий шаклини тузишнинг ўзига хос хусусияти фуқароларнинг ихтиёрий асосда бирлашишидир. Шунга қарамай, уставларда назарда тутилган ҳолларда, меҳнат жамоалари, жамоат кенгашлари ва бошқа шу сингари юридик шахс бўлмаган жамоавий аъзолар жамоат бирлашмаларининг аъзолари бўлишлари мумкин;

б) жамоат бирлашмаси фаолиятининг мазмун-моҳияти ўз аъзоларининг умумий мақсадлари ва манфаатларини бирлаштиришдан иборат, шу бондан, бирлашмага

ушнинг аъзоларининг доимий фаолиги ва ушнинг фаолиятида иштирок этини зарур;

в) жамоат бирлашмасини тузиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун камидан би нафар Ўзбекистон фуқароси ташаббус билан чиқини талаб қилинади, шунинен ҳам борки, чет эл фуқаролари ва фуқаролниги бўлмаган шахслар ҳам ҳар қандай жамоат бирлашмаларига аъзо бўлишлари мумкин, сиёсий партиялар буидан мустасно;

г) жамоат бирлашмаси иштирокчиларининг аъзолиги унга янги иштирокчилар аъзо бўлишининг соддалаштирилган тартибини назарда тутати, буида таъсис ҳужжатларига ўзгаришлар киритилмайди (жамоат бирлашмаси ваколатли органининг иштирокчини бирлашма аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги қарори ки-фой қилади);

д) жамоат бирлашмалари аъзоларига қарорлар қабул қилиш ва мол-мулкни бошқаришда иштирок этиш борасида кенг имкониятлар берилган. “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4-моддасига кўра, жамоат бирлашмасининг барча аъзолари тенг ҳуқуқлик асосида фаолият кўрсатадилар. демак, уларнинг барчаси ўз макоми ва жамоат бирлашмасидаги мавқеига қарамасдан, бир хил ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва бир хил мажбуриятларга эга бўладилар;

е) жамоат бирлашмаси иштирокчиларининг кириш ва аъзолик бадалларини тулани мажбурий талаб ҳисобланмайди, бадаллар миқдори ва уларни тўлаш тартиби таъсис ҳужжатларида белгилаб қўйилади. Фуқаронинг жамоат бирлашмаси фаолиятида иштирок этиши даражаси ва у бадалларни тўлаган-тўламаганлиги ушнинг ҳуқуқларини чеклаш ёки унга афзалликлар бериш учун асос бўлиши мумкин эмас.

Жамоат бирлашмаси ўз уставида белгиланган мақсадларга мос доирада тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, жамоат бирлашмасининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини тўғри танлаш ушнинг кейинги фаолияти самарали бўлишининг муҳим шарти бўлиб, бошқарувда келишмовчиликларга ва бирлашма аъзолари ўртасида низоларга йўл қўймаслик имконини беради.

Жамоат жамғармаси

Жамоат жамғармаси иштирокчиларининг аъзолигига асосланмаган, ижтимоий фойдали мақсадларга эришиш учун мол-мулкни шакллантириш мақсадида ташкил этилган ташкилотдир.

Жамоат жамғармаси ННТнинг энг мураккаб ташкилий-ҳуқуқий шакллари-дан биридир.

“Жамоат жамғармалари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-моддасига кўра, баридак ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорит ташкилоти жамоат жамғармаси деб ҳисобланади.

Жамоат бирлашмалари сингари жамғармалар ҳам ўз фаолияти ҳудудий ёйинлинига қараб республика жамғармалари ва маҳаллий жамғармаларга бўлишини мумкин. Республика жамғармаларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси

худудига ёхуд икки ёки undan зиёд вилоят худудига ёйрилиши мумкин, маҳаллий жамғармалар фаолияти эса туман, шаҳар ёки вилоят худудига, шу жумладан, Қорақалноғистон Республикасига тааллуқли бўлади.

Жамоат жамғармаси аъзоликка асосланган ташкилот бўлмагани сабабли, унда янги аъзоларни жалб этишнинг соддалаштирилган тартиби, кириш ва аъзолик бадаллари, раҳбар органлари таркибини фақат ташкилот аъзолари орасидан сайлаш каби аъзоликка асосланган ташкилотлар учун хос бўлган белгилар йўқ.

Жамоат жамғармасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли аввало шуниси билан ўзига хоски, унда муассисларнинг ихтиёрий мулккий бадаллари ва хайрия ёрдами кейинчалик ижтимоий дастурларни молиялаштириш, жамият учун фойдали фаолиятни амалга ошириш ва бошқа шу каби мақсадларда тўпланади.

Жамғарма мақоми undan аввало ижтимоий, хайрия, маданий, маърифий ва бошқа соҳаларда фаолиятнинг ижтимоий-фойдали мақсадлари бўлишини талаб қилади. Шу сабабли, ҳар қандай жамғарма шунчаки нотижорат мақсадларига эмас, балки ижтимоий фойда келтирадиган мақсадларга эга бўлиши керак. Шундан келиб чиққан ҳолда жамғармалар ижтимоий, ҳомийлик, маданий, маърифий ва бошқа жамғармаларга бўлинади.

Қуйидагилар жамоат жамғармасининг фарқланувчи белгилари ҳисобланади:

а) жамоат жамғармаси ўзининг муассисларининг фаолиятини биргаликда амалга ошириш ҳамда шахсий эҳтиёжлар ва манфаатларни рўёбга чиқариш мақсадида бирлаштириш учун эмас, балки қўйилган вазифаларни бажаришга эришиш ва ижтимоий ривожланишнинг муайян муаммоларини ҳал этиш мақсадида мол-мулкни бирлаштириш учун ташкил этилади;

б) жамғармага унинг муассислари томонидан берилган мол-мулк жамғарма мулкдир ва у уставда кўрсатилган ижтимоий фойдали мақсадларга эришиш учун фойдаланилади;

в) жамғармаларнинг молиявий ҳолати устидан назорат қилиш мақсадида қонун ҳужжатлари уларга ҳар йили пул маблағлари ва бошқа мол-мулкдан фойдаланилиш тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилиб бориш мажбуриятини юклайди;

г) муассислар жамғарманинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди, жамғарма ҳам муассисларнинг қарзлари бўйича жавоб бермайди, муассис жамғармага нисбатан мулккий талаблар қўйишга ҳақли эмас;

д) жамғармани муассислар қарорига биноан тугатиш мумкин эмас, фақат суд манфаатдор шахсларнинг аризасига биноан тугатиш тўғрисида қарор чиқариши мумкин;

е) ўз фаолиятини ҳар йилги аудиторлик текширувидан ўтказиш зарурлиги жамғарманинг мажбуриятлари жумласига қиради;

ж) жамғармага алоқадор шахслар (муассислар ва улар билан яқин қариндошчилик ёки қуда-андачилик алоқалари бўлган шахслар, шунингдек, уларнинг кредиторлари, устав жамғармасида жамғарманинг ўзи ва унинг ходимлари иштирок этаётган юридик шахслар, раҳбар органларнинг аъзолари ҳамда улар билан яқин қариндошчилик ёки қуда-андачилик алоқалари бўлган шахслар ва ҳ.к.) билан муносабатлар қонун ҳужжатларида тартибга солинади ва жамғарма бундай шахслар билан битимлар тузишга, агар бундай битимлар ёки ҳаракатлар жамғармага алоқадор бўлмаган шахслар билан бўлгандагина нисбатан бирмунча қулай шартларда амалга оширилаётган бўлса, ҳақли эмас;

и) вассийлик кенгаши мавжуд бўлиши жамоат жамғармасининг ўзини ҳос хусусияти бўлиб, унинг аъзолари айни бир вақтнинг ўзида жамғарманинг бошқаруви ва тафтиш комиссиясига аъзо бўлишлари мумкин эмас;

и) ушбу ташкилий-ҳуқуқий шакл маблағлар тўплаш учун мўлжалланганлиги билан жамғарма, лоақал, жамоатчилик билан алоқалар, моддий ресурсларни жалб этиш (фандрайзинг), маблағларни бошқариш, миқозлар билан ишлаш каби масалалар бўйича юқори малакали бошқарувга эга бўлиши зарур.

Вассийлик кенгаши жамғарманинг фаолияти ва унинг маблағларидан фойдаланишини устидан назоратни жамоатчилик асосида амалга оширади, уставни ўзгартириш, жамғармани қайта ташкил этиш, жамғарманинг бошқаруви ҳамда тафтиш комиссиясини тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилади ва бошқа масалаларни ҳал қилади.

Жамғарма бошқаруви унинг ижро этувчи органи ҳисобланади, вассийлик кенгашининг қарорлари асосида ишлайди ва унга ҳисоб беради. Бошқарув ваколатларига умумий раҳбарлик, жамғарманинг ва унинг томонидан ташкил этилган тadbиркорлик тузилмаларининг жорий фаолияти устидан назорат қилиш, жамғарма тузилмаси ва штатларини тасдиқлаш, жамғарма ваколатхоналари ва филиалларини ташкил этиш, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш, уларнинг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш ва бошқа масалалар қиради.

Жамғарма бошқарувининг раҳбари жамғарма бошқаруви фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, жамғарма номидан битимлар тузади, давлат органлари, халқаро ва чет эл ташкилотлари, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда жамғарма номидан иш қўради.

Доимий ишловчи тузилмалар тармоғини вужудга келтирадиган, шу сабабли иштирокчиларга муҳтож бўладиган жамоат бирлашмасидан фарқли равишда, жамоат жамғармаси ўз мол-мулкни ундан жамоат эҳтиёжларида фойдаланиш учун нақдлантиради, шу сабабли, унда аъзоларни оммавий равишда жалб этиш зарурияти йўқ.

Шубҳасиз, ижтимоий жамғарма иштирокчилари, асосан, мол-мулк тўплаш, унга хизмат кўрсатиш, уни бошқариш ва ундан фойдаланиш билан шуғулланидилар. Бу вазифалар жамғарма ходимлари томонидан муҳтож одамларга неъматларни топшириш ва тақсимлаш ёки жамғарма томонидан турли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширилади. Агар жамғарма ўз лойиҳасини бошқа ташкилотлар орқали амалга оширсин, унинг асосий вазифаси муносиб шерикни топишдан, унга мол-мулкни топширишдан ва мол-мулк белгиланган мақсадда фойдаланилишини назорат қилишдан иборат бўлади. Лойиҳалар жамғарма томонидан мустақил равишда рўёбга чиқарилган тақдирда, у ўз вазифаларини амалга ошириш учун жалб этилган мутахассислар ёки кўнгилчилардан муваққат ижодий жамоалар, ишчи гуруҳлари, маслаҳат марказлари ва бошқа тузилмаларни тузади.

Муассаса

ННТнинг муассаса тартибидаги ташкилий-ҳуқуқий шаклининг умумий тushунчаси ЎзР ФК 76-моддасида берилган: “Бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга оши-

риш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса ҳисобланади". Жамоат бирлашмаси, жамоат жамғармаси ва матлубот кооперативидан фаркли равишда муассаса фаолиятини махсус қонун билан тартибга солинмайди.

Муассаса – бу мол-мулк ўзига мулк ҳуқуқида тегишли бўлмаган ягона нотижорат ташкилот туридир. Мол-мулк муассасада оператив бошқариш ҳуқуқи асосида туради.

Ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс муассасанинг мулкдори ва муассиси бўлиши мумкин, шуниси ҳам борки, давлат ва тижорат тузилмалари ҳам мулкдор сифатида иштирок этиши мумкин. Мулкдор ўзига таъсис ҳужжатларида берилган ваколатлар асосида муассасани бошқаришда фаол иштирок эта олади.

Ўзининг уставда белгиланган вазифаларига мувофиқ, муассаса ўзига даромад келтирадиган фаолиятни амалга ошириши ва шундай даромад ҳисобидан мол-мулкни мустақил равишда тасарруф этишга сотиб олиши мумкин ва шу сабабли бу мол-мулк алоҳида балансда ҳисобга олиниши керак (ЎЗР ФК 180-моддаси).

Муассаса мулкдордан олинган мол-мулкка оператив бошқариш ҳуқуқида эгаллик қилади ва ундан фойдаланади. Фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ, оператив бошқариш ҳуқуқи муассаса мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини фақат мулкдор ёки бирон-бир қонун ҳужжати билан белгиланган доираларда амалга оширишини билдиради.

Муассасага бириктириб қўйилган мол-мулк мулкдори ортқича, фойдаланилмаётган ёки ноўрин фойдаланилаётган мол-мулкни олиб қўйишга ҳамда уни ўзи хоҳлаган тарзда тасарруф этишга ҳақли.

Муассаса ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкни, агар таъсис ҳужжатларида бошқача шарт белгиланмаган бўлса, мулкдорнинг ёзма рухсатисиз тасарруф эта олмайди.

Муассаса аъзолари киритган мол-мулк, кейинчалик улар чиқиб кетган ёки ташкилот фаолияти тугатилган тақдирда, уларга фақат ўзлари киритган ҳисса доирасида қайтарилади.

Муассаса ўз мажбуриятлари юзасидан тасарруфида бўлган пул маблағлари билан жавоб беради. Улар етишмаган тақдирда, бажарилмаган мажбуриятлар юзасидан тегишли мол-мулк мулкдори жавобгар бўлади.

Буни, агар суд ижрочиси суд органи қарорига биноан ундирувчи муассаса мол-мулкига қаратиш жараёнини бошлаган бўлса, назарда тутиш зарур. Бу ҳолда муассаса мулкдори муассасанинг ўзи бажара олмаган мажбуриятни бажариши шарт.

Қонун ҳужжатлари муассасага фақат мулкдорнинг розилиги билан ҳўжалик жамиятлари шаклида ташкил этилган тижорат ташкилотларининг иштирокчиси бўлишига ва коммандит ширкатларда ҳисса қўшувчи бўлишига, яъни тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи тижорат ташкилотига ўзи таваккал қилиб пул маблағларини қўйишга ва ана шу фаолият учун киритилган сумма миқдорида жавоб беришига рухсат этади.

Қонун ҳужжатлари муассасани тузиш учун зарур бўлган шахсларнинг энг кам миқдори юзасидан чекловлар белгиламайди, бинобарин, муассаса бир ёки ундан кўпроқ жисмоний ёки юридик шахслар томонидан тузилиши мумкин.

ЎзР ФК 73-моддасига мувофиқ, иштирокчиларининг моддий эҳтиёжларини кондирish мақсадида фуқароларнинг аъзолигига асосланган ихтиёрий бирлаш-маси матлубот кооперативи ҳисобланиб, бу бирлашув унинг аъзолари томонидан ўз мулкий бадалларини қўшиш йўли билан амалга оширилади. ННТ тўғрисидаги қонун матлубот кооперативини ННТ ташкилий-ҳуқуқий шаклларида бири жум-ласига киритади.

Ўз навбатида, 1991 йил 14 июнда қабул қилинган “Кооперация тўғрисида”ги Қонун (1993 йил 28 декабрдаги, 1998 йил 29 августдаги ЎзР қонунларига бино-ан киритилган ўзгартишлари билан) матлубот кооперативларини тартибга солиш ҳусусиятларини белгилайди.

Матлубот кооперативи – бу юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, жамоа мулки ҳуқуқи асосида ўзига қарашли мулкка эгалик қиладиган, ундан фойдаланадиган ва уни тасарруф этадиган мустақил хўжалик юритувчи субъектдир. Маълумки, ер ва бошқа табиий ресурслар кооперативларга улар мавжуд бўладиган бутун давр учун фойдаланишга бериб қўйилади.

Матлубот кооперативи, аввало, унинг аъзолари томонидан иқтисодий ва иж-тимий фаолиятнинг турли соҳаларида умумий мақсадларга эришиш, аҳолининг маҳсулот, ишлар ва хизматларга бўлган ижтимоий эҳтиёжларини кондирish, шу-нингдек, унинг иштирокчилари муайян даромад олиши мақсадида ташкил эти-лади.

Матлубот кооперативи фуқаролар хоҳишига кўра ва юридик шахслар ташаб-буси билан фақат ихтиёрийлик асосида ташкил этилади. Қонун бундай коопера-тив аъзоларининг сони ва ёш таркибига талаблар белгилайди: у 16 ёшга тўлган, кооперативнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда иштирок этиш иста-гини билдирган камида етти кишидан иборат бўлиши керак.

Матлубот кооперативи мустақиллик асосида ҳам, ҳар қандай мулк шаклидаги юридик шахслар ҳузурида ҳам ташкил этилиши ҳамда шартнома асосида жамоат аъзоларини, бошқа кооперативлар ва ширкатларни ўз ичига олиши мумкин.

Устав матлубот кооперативининг ягона таъсис ҳужжатидир. Кооперативнинг уставинида кооператив аъзоларининг кооператив қарзлари бўйича мулкий жавоб-гарлиги, аъзолар пай бадалларининг миқдори, уларни киритиш муддатлари ва тартиби, кооперативни бошқариш органларининг таркиби ва ваколатлари ҳамда улар томонидан қарорларнинг қабул қилиниши тартиби тўғрисидаги шартлар кўрсатилган бўлиши матлубот кооперативини рўйхатдан ўтказишнинг мажбурий шартидир. Кооператив уставинида бундай шартлар бўлмаса, уни давлат рўйхатидан ўтказиш тақиқланади.

Аъзолари унда ўз шахсий меҳнати билан иштирок этиши шарт бўлган ишлаб чиқарish кооперативларидан фарқли равишда, матлубот кооперативларида аъзо-ларининг бундай иштирок этиши уларнинг мажбурияти ҳисобланмайди.

Кооператив мол-мулки ўз аъзоларининг пул ва моддий бадаллари, банк кре-дитлари, улар ишлаб чиқарган маҳсулот, маҳсулотни сотиш, кооператив уставин-да назарда тутилган бошқа фаолият ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ўзга манбалардан олинган даромадлар ҳисобига ҳосил бўлади.

Кооператив мол-мулкни шакллантиришда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, шартнома асосларида пул бадаллари ва моддий бадаллар тўлаш йўли билан ҳар қандай юридик шахслар, шунингдек, ушбу кооперативга аъзо бўлмаган, аммо унда меҳнат шартномаси ёки битим асосида ишлаётган жисмоний шахслар ҳам иштирок этишлари мумкин.

Қонун ҳужжатларида матлубот кооперациясининг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари белгилаб қўйилган:

а) монополияга қарши қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ ихтиёрий асосда ҳўжалик уюшмаларига бирлашиш мумкинлиги;

б) курултойлар, конференциялар матлубот кооперативлари – ҳўжалик уюшмаларининг олий бошқарув органларидир, матлубот кооперативининг олий бошқарув органи эса, аъзоларнинг умумий йиғилишидир;

в) ҳўжалик уюшмалари бошқарув органларининг ўз ваколати доирасида қабул қилинган қарорлари унинг аъзолари томонидан ижро этилиши мажбурийдир;

г) матлубот кооперативининг жамоавий аъзолари ҳўжалик мустақиллигини сақлаб қоладилар ҳамда кооперативнинг мажбуриятлари юзасидан унинг уставида назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавоб берадилар, матлубот кооперативи эса ўз таркибига кирувчи жамоавий аъзоларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди;

д) матлубот кооперативлари, уларнинг уюшмалари ва давлат, бошқа уюшмалар, корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар ўртасидаги ҳўжалик муносабатлари шартнома асосида йўлга қўйилади;

е) “Кооперация тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 8-моддасига мувофиқ, кооперативларнинг аъзолари тугатилган кооперативнинг қарзлари бўйича кооператив мулки билан жавобгар бўладилар, у етишмаган тақдирда эса қарз суммаси кооперативнинг ҳар бир аъзоси йиллик даромади суммасига мутаносиб равишда суд томонидан тақсимланади. Бунда матлубот кооперативи фаолиятида фақат пай бадаллари билан иштирок этаётган аъзо кооперативнинг мажбуриятлари юзасидан қиритилган пай бадали доирасида жавобгар бўлади.

Шуниси диққатга сазоворки, “Кооперация тўғрисида”ги ЎЗР Қонуни алоҳида моддада матлубот кооперациясининг Халқаро кооператив уюшмасида ва бошқа халқаро ташкилотларда иштирок этишига рухсат беради, яъни ННТ ана шу ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг халқаро фаолиятда фаол иштирок этишига қизиқиш уйғотади.

Юридик шахсларнинг бирлашмалари (уюшмалар, иттифоқлар)

Тижорат ташкилотлари каби ННТ ихтиёрий асосда уюшмалар ва иттифоқлар сингари ташкилий-ҳуқуқий шаклга бирлашиши мумкин. Тижорат ва нотижорат ташкилотлари бундай бирлашмаларни ўзаро махсус шартнома асосида тузишлари мумкин. Таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорлар ва тартибда аъзолик бадалларини тўлайдиган юридик шахслар бундай бирлашмаларнинг аъзолари бўладилар. Юридик шахсларнинг бирлашмалари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмас, лекин ана шундай мақсадлар учун ҳўжалик жамияти кўринишида алоҳида тижорат ташкилотини ташкил этишлари ёки шундай жамиятларнинг иштирокчиларига айланишлари мумкин.

Агар юридик шахс уюшма ёки иттифоққа аъзо бўлиб кирса, бу унинг ҳуқуқларида бирон-бир ўзгаришга сабаб бўлмайди, яъни унда юридик шахснинг мустакил ҳуқуқи сақланиб қолади, у тузилган бирлашмага ихтиёрий равишда берган ваколатлар бундан мустасно.

Қонун ҳужжатларида юридик шахс бирлашмасининг номига нисбатан талаблар белгиланган бўлиб, бу номда “уюшма” ёки “иттифоқ” деган сўзлар бўлиши ҳамда бирлашма аъзолари фаолиятининг асосий соҳаси кўрсатилиши керак. Бу ҳол ана шу тузилманинг индивидуаллигини ақс эттириши лозим.

Икки ва undan зиёд юридик шахс уюшма (иттифоқ) муассиси бўлиши мумкин. Қонун ҳужжатлари бир-бири билан бирлашиши мумкин бўлган юридик шахсларнинг турлари бўйича чеклашларни назарда тутмайди, масалан, тижорат ва нотижорат ташкилотлари бирлашиши мумкин.

Қонун ҳужжатлари “уюшма” ва “иттифоқ” тушунчаларига изох бермайди, шу сабабли биз улар ўртасидаги фарқлар ҳақида сўз юрита олмаймиз. Бу ерда фақат шуни эслатиб ўтишни истардикки, уюшмалар ҳам, иттифоқлар ҳам таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказмасдан ўз тартибига янги аъзоларни қабул қилишнинг соддалаштирилган тартибига эга бўлган, аъзоликка асосланган ташкилотлардир.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳам бирлашадиган ташкилотларнинг турлари хусусида бирон-бир чеклаш қўймайди. Булар, масалан, жамғармалар ёки жамоат ташкилотлари каби бир турдаги нотижорат ташкилотлари бўлиши шарт эмас. Аралаш иттифоқлар тузилишига йўл қўйилади, таълим муассасалари ва хомийлик жамғармалари бирлашиши мумкин. Иттифоқлар (уюшмалар) шаклидаги ННТлар тижорат ташкилотларининг бирланмаларида бўлгани каби шартларда хўжалик ширкатлари ва жамиятлари этиб қайта тузилиши мумкин.

Уюшма (иттифоқ) ўз аъзоларининг қарзлари юзасидан жавоб бермайди, лекин уларнинг аъзолари бундай ННТ мажбуриятлари юзасидан қўшимча жавобгарликни зиммаларига оладилар. Бу уюшмалар ва иттифоқлар фаолияти ўз аъзолари томонидан молиялаштирилиши туфайли рўй беради. Бундай жавобгарлик миқдори ва уни амалга ошириш тартиби ННТ таъсис ҳужжатларида белгиланади.

Лекин, одатда, амалий фаолиятда бундай ташкилотлар таъсис ҳужжатларида ўз аъзоларининг қўшимча жавобгарлигини, айтайлик, йиллик аъзолик бадалига тенг бўлган муайян сумма билан чеклайдилар. Жавобгарликнинг муайян моддий сумма билан бундай чеклаб қўйилиши амалдаги қонун ҳужжатларига зид эмас ва бир вақтнинг ўзида бундай бирлашмаларнинг эҳтимол тутилган иштирокчилари мажбуриятларига аниқлик киритади.

Уюшма (иттифоқ) ННТнинг бошқа шакллари сингари юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлади ва аъзоликка асосланган ташкилот ҳисобланади. Фақат юридик шахслар мазкур бирлашмаларнинг аъзолари бўлиши мумкин. Уларнинг аъзолари ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ўзига хос хусусиятлари шундан келиб чиқди. Қонун уюшмалар (иттифоқлар) аъзоларига бирлашmani тузган юридик шахслар томонидан қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ равишда бирлашма хизматларидан текни фойдаланиши ҳуқуқини беради. Булар, асосан, бошқарув, маслаҳат бериш, илмий-ташқиллий тусдаги хизматлардир. Аслини олганда, фа-

олияти иштирокчиларнинг мулкый бадаллари ҳисобига молиялаштириладиган уюшмалар (иттифоқлар) аини шундай хизматларни олиш учун тузилади. Шу муносабат билан уюшма (иттифоқ) томонидан текин хизматлар кўрсатилиши деганда, муайян хизматнинг бепул кўрсатилишини тушуниш керак бўладики, қолаверса, бунда хизматнинг ҳақи уюшма (иттифоқ) аъзосининг мулкый бадали билан тўлаб кўйилгандир. Яна шунинг назарда тутиш керакки, муайян хизматдан фойдаланиш бирон-бир фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси билан (масалан, бадал эвазига хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома билан) расмийлаштирилмайди, балки бевосита бирлашма аъзосининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқларидан келиб чиқади.

Уюшма (иттифоқ) юридик шахсларнинг ихтиёрий бирлашмаси бўлиб, улар унинг таркибидан ўз хоҳишларича ихтиёрий равишда чиқиб кетишлари ҳам мумкин. Бирок уюшма (иттифоқ) таркибидан эркин чиқиш ҳуқуқининг рўёбга чиқарилиши унинг бошқа аъзоларига зарар етказмаслиги лозим. Қонда тарикасида, таъсис ҳужжатларига мувофиқ бундай нодавлат нотижорат ташкилоти таркибидан чиқиш фақат молия йили тугагач, унинг аъзосининг хоҳишига кўра мумкин бўлади. Уюшма (иттифоқ) таркибидан чиққанидан кейин унинг аъзосининг уюшмага (иттифоққа) нисбатан мажбуриятлари тугамайди. Юқорида айтиб ўтилганидек, у ўз навбатида уюшманинг (иттифоқнинг) ўзининг аъзолиги пайтида вужудга келган мажбуриятлари юзасидан ўз бадалига мутаносиб равишда жавобгар бўлади. Уюшма (иттифоқ) таркибидан чиқаётганда унинг аъзоси ўзининг мулкый бадали қайтарилиши ҳуқуқига эга бўлмайди. Буни таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқаётганда ҳисобга олиш ҳамда уларга аъзоларни ННТ таркибидан чиқариб юбориш асослари ва тартибини киритиш зарур. Чиқариб юбориш тўғрисидаги қарорни уюшманинг (иттифоқнинг) қолаётган аъзолари қабул қиладилар. Қонун ННТ аъзоларини чиқариб юбориш тўғрисидаги қарор қай тарзда (овозларнинг малакали ёки оддий кўпчилиги билан) қабул қилиниши кераклиги ҳақида йўл-йўриқ бермайди, лекин тегишли шартларни уюшманинг (иттифоқнинг) таъсис ҳужжатларига киритиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи – шаҳарча, кишлоқ, овул фуқароларининг, шунингдек, шаҳар, шаҳарча, кишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқароларининг йиғини ННТ ташкилий-ҳуқуқий шаклларида биридир. Бундай органлар ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ЎЗР Қонунин билан тартибга солинган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишга қаратилгандир. Ҳар қандай бошқа нодавлат нотижорат ташкилоти каби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилишдан иборат аини ўша ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайди.

Шунингдек, жамоат бирлашмаси ва жамоат жамғармаси сингари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудий белгисига кўра тузи-

лади. Шу нарса эътиборга молиқки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларни тузиш, уларнинг чегараларини ва номини ўзгартириш бўйича ташаббус билан маҳаллий давлат ҳокимияти органига чиқиши мумкин.

ННТнинг бошқа шаклларида фаркли равишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятини ташкил этишни унинг кенгаши ва фуқаролар йиғини раиси (оксоқол) амалга оширади. Бунда фуқаролар йиғини раисига (оксоқолга) қонун ҳужжатларига биноан тўғилиш, ўлим, оталиқни белгилаш, никоҳ тузиш ва никоҳдан ажратиш, васиятномани тасдиқлаш, шунингдек, нотариус йўқ бўлган тақдирда айрим нотариал ҳаракаتلарни амалга ошириш ҳуқуқи берилган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ўз мулкида турли кўчар ва кўчмас мулкка: ўзи томонидан қонунда белгиланган тартибда қурилган, олинган ёки ўзига берилган жамоат, ижтимоий-маиший ва бошқа мақсаддаги объектларга, транспорт воситалари, хўжалик асбоб-анжомлари ҳамда бошқа объектларга эга бўлиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ўз мулкидаги объектларни вақтинча ёки доимий фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга бериши, ижарага топшириши, белгиланган тартибда тасарруфдан чиқариши, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ шу мол-мулк билан бошқа битимларни амалга ошириши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ўз фаолиятининг ҳисобини юритади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий статистика ва солиқ органига ҳисоботлар тақдим этади, фуқаролар йиғини кенгаши ва йилнинг ҳар чорағида молиявий маблағларнинг фойдаланилиши тўғрисида фуқаролар йиғини олдида ҳисоб беради.

Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати

2006 йил 12 апрелда қабул қилинган “Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги ЎЗР Қонун билан ННТнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли – хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати жорий этилди.

Бу уй-жой жамғармаси ва умумий фойдаланишдаги объектларни биргаликда бошқариш ва уларнинг сақланишини, асралишини таъминлаш учун ташкил этилган хусусий уй-жой мулкдорларининг бирлашмасидир. Тураржойларнинг мулкдорлари бўлган юридик шахслар ҳам, жисмоний шахслар ҳам ширкат аъзолари бўлишлари мумкин.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати таъсис йиғилишининг қарорига биноан, агар унинг ташкил этилишини ёқлаб бир ёки умумий ер участкаси ва инфратузилма элементлари билан бирлашган бир нечта уйдagi жойлар мулкдорлари умумий сонининг камида ярми овоз берган бўлса, ташкил этилиши мумкин. Бундай ширкатни ҳатто тураржойнинг алоҳида қисмида яшовчилар ҳам, агар тураржойнинг бошқа қисмларидан ҳолис кириш жойи бўлса, ташкил этишлари мумкин.

Ширкат ўз уставни асосида фаолият кўрсатади, унинг намунавий нусха-си Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Ширкат уставнида мулкдорлари ширкатга бирлашган кўп квартирали уйнинг (уйларнинг) манзили, ширкат ва унинг аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, аъзолик бадалларининг миқдори ва уларни киритиш тартиби, умумий мол-мулкни бошқариш тартиби, бошқарув органлари ва тафтиш комиссиясини сайлаш мuddатлари ва уларнинг таркиби, ваколатлари ҳамда улар томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби кўрсатилган бўлиши керак.

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши ширкат бошқарувининг олий органи ҳисобланади, ширкатнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилишни унинг бошқаруви амалга оширади.

Бошқарув ўз раисини сайлайди, раис ширкатнинг манфаатларини ифодалайди, бошқарув қарорларининг бажарилишини таъминлайди, ўз ваколатлари доирасида кўрсатмалар ва фармойишлар беради.

Ширкат ўз мол-мулки ва пул маблағларига эга бўлади. Булар ширкат аъзоларининг ихтиёрий ва мажбурий бадалларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайрияларидан, тадбиркорлик фаолиятидан тушган даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлардан иборат бўлади.

Қонун ҳужжатларида ширкатдаги умумий мол-мулкнинг турлари рўйхати белгиланган. Булар, масалан, зинапоялар, лифтлар ва бошқа шахталар, дахлизлар, теҳник каватлар, таянч ва тўсик конструкциялар, хоналар ташқарисида ёки ичида жойлашган механик, электр, санитария-техника ускуналари ва бошқа ускуналар, ширкат кўчмас мулкнинг ягона мажмуига хизмат кўрсатиш ва уни саклаб туриш учун мўлжалланган, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш элементлари бўлган уй олдидаги ер участкаларидир.

Ширкат умумий мол-мулкидаги барча объектлар ширкат аъзоларининг умумий улуши мулкида туради. Уй олдидаги ер участкалари каби объектлар ширкатнинг мулки ҳисобланмайди, балки унга доимий фойдаланиш ҳуқуқида берилади.

Ширкатда умумий мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш барча мулкдорларнинг қелишуви асосида амалга оширилади, бундай қелишув бўлмаган тақдирда эса – мулкдорлардан исталган бирининг даввоси бўйича суд томонидан белгиланади.

Ширкат ўз мажбуриятлари юзасидан бутун мол-мулки билан жавоб беради. Ширкат аъзолари ширкатнинг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди, ширкат эса ўз аъзоларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди. Ширкат тугатилган тақдирда, кредиторлар талаблари қаноатлантирилгандан кейин қолган мол-мулк ширкат аъзолари ўртасида аъзоларнинг мол-мулкни шакллантиришдаги иштирокига мутаносиб тарзда тақсимланади.

Қонун ҳужжатлари хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатида ўз ишида уй-жой жамғармасидан фойдаланиш ва унинг асралишини таъминлаш масаларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари каби нодавлат нотижорат ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик қилиш мажбуриятини юклайди.

Хар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги ННТ сингари ширкатлар ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, умумий манфаатларни ифодалаш ва химоя қилиш

мақсадида уюшмаларга (иттифокларга) бирлашишга ҳақлидир. Амалнинг шуни кўрсатадики, кўпгина ширкатлар уй-жой мулкдорларининг уюшмаларига бирлаша бошлаганлар. Бундай уюшмалар ширкатлар аъзоларига қонусларни тушунтириш билан шугулланади, юридик маслаҳатлар беради, ходимларнинг малакасини оширади, ижобий иш тажрибасини тарғиб қилади, маҳаллий ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорлик масалаларини ҳал қилади.

Ҳомийлик ташкилоти

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг барчаси ҳам ҳомийлик ташкилоти бўлавермайди. Ҳомийлик мақоми билан муайян ҳуқуқлар (масалан, имтиёزلарга бўлган ҳуқуқ) ва мажбуриятлар боғлиқлиги боис раҳбар ўз ташкилоти ана шу тоифага мансублиги ёки мансуб эмаслигини аниқ билиши керак бўлади.

2007 йилда 2 майда қабул қилинган “Ҳомийлик тўғрисида”ги ЎзР Қонуни ҳомийлик ташкилотларининг фаолиятини тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжатдир. Ушбу Қонуннинг меъёрларига мувофиқ “ҳомийлик фаолияти” ва “ҳомийлик ташкилоти” тушунчаларини фарқлаш зарур.

Ҳомийлик фаолияти деганда юридик ва жисмоний шахсларнинг фуқаролар ёки юридик шахсларга мол-мулкни, шу жумладан, пул маблағларини қайтармаслик шарти билан (текин ёки имтиёзли шартларда) беришда, улар учун ишлар бажаришда, уларга хизматлар кўрсатиш ва уларни бошқача шаклда қўллаб-қувватлашда ифодаланадиган ихтиёрий фаолияти тушунилади. Демак, ҳомийлик фаолиятининг биринчи муҳим белгиси – унинг беғаразлик хусусиятидир: бундай фаолият даромад келтириши мумкин эмас. Иккинчи муҳим белгиси – ушбу фаолиятнинг мақсадлари.

Ҳомийлик фаолиятининг барча мақсадлари қонунда таърифланган бўлиб, кенгайтирилган ҳолда талқин қилинмайди. Бу мақсадлар қуйидагилардир:

- фуқароларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, шу жумладан, аҳолининг кам таъминланган тоифаларининг моддий аҳволини яхшилаш, ўзининг жисмоний ёки интеллектуал хусусиятлари, бошқа ҳолатлар сабабли ўз ҳуқуқларини мустқил равишда амалга ошира олмайдиган ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қила олмайдиган ишсизларни, ногиронларни ва бошқа шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш;
- аҳолини табиий офатлар, экология, саноат ҳалокатлари ёки бошқа ҳалокатлар оқибатларини бартараф этишга, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга тайёрлаш;
- табиий офатлар, экология, саноат ҳалокатлари ёки бошқа ҳалокатлар, ижтимоий, миллий, диний моjarолар натижасида жабрланганларга, қагагонлар жабрдийдаларига, қочоқларга ва кўчишга мажбур бўлганларга ёрдам кўрсатиш;
- халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ижтимоий, миллий, диний моjarоларининг олдини олишга кўмаклашиш;
- оиланинг жамиятдаги нуфузи ва ролини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;
- оналик, болалик ва оталикни ҳимоя қилишга кўмаклашиш;
- таълим, фан, маданият, санъат, маърифат соҳасидаги фаолиятга, шахснинг маънавий камол топишига кўмаклашиш;
- касалликлар профилактикаси ва фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасидаги

фаолиятга, шунингдек, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга кўмаклашиш, фуқароларга маънавий руҳий ёрдам кўрсатиш;

- жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасидаги фаолиятга кўмаклашиш;
- атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳайвонларни ҳимоя қилиш;
- тарихий, маданий ёки табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига молик бинолар, объектлар ва ҳудудларни ҳамда қабристонларни муҳофаза қилиш ва лозим даражада сақлаш.

Тижорат ташкилотларига пул ва бошқа моддий воситаларни йўллаш. бошқа шаклларда ёрдам кўрсатиш, шунингдек, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, гуруҳлар ва кампанияларни қўллаб-қувватлаш ҳомийлик фаолияти ҳисобланмайди.

Барча фуқаролар ва юридик шахслар ҳомийлик фаолияти билан монеликсиз шуғулланишга ҳақли. Чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, халқаро ва чет эл ташкилотлари ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳомийлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Лекин хайрия фаолияти билан шуғулланаётган ҳар бир ташкилот ҳомийлик ташкилоти деб ҳисобланавермайди. Ҳомийлик ташкилотига учта муҳим белги мавжуд, яъни:

- у нотижорат (ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги) ташкилоти бўлиши керак;
- у ҳукуматга қарашли бўлмаган (нодавлат) ташкилот бўлиши керак;
- у юқорида кўрсатилган мақсадларни рўёбга чиқариш учун махсус ташкил этилган бўлиши керак.

Агар театр бир ойда бир марта етимлар учун бепул спектакль кўйса, у хайрия фаолияти билан шуғулланади, лекин бунда у ҳомийлик ташкилотига айланмайди. Болалар мусика мактабига ёрдам кўрсатувчи тижорат банки тутган йўл ҳам шундай. Уставида хайрия мақсадлари бошқа мақсадлар орасида кўрсатиб ўтилган ноҳукумат нотижорат ташкилоти ҳам ҳомийлик ташкилоти бўлмайди.

Ўз навбатида, агар сиз ҳомийлик ташкилотини ташкил этаётган бўлсангиз (ва бу албатта унинг номи ва уставига киритилган бўлса), у факат “Ҳомийлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган фаолият билан шуғулланиши мумкин.

“Ҳомийлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига мувофиқ, ҳомийлик ташкилотлари жамоат бирлашмаси, жамоат жамгармаси шаклида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин.

Ҳомийлик ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шаклига қараб юридик ва (ёки) жисмоний шахслар унинг муассислари бўлиши мумкин. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳомийлик ташкилотининг муассислари бўлиши мумкин эмас.

Ҳомийлик ташкилоти аъзоликка асосланган ёки асосланмаган бўлиши ҳам унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига боғлиқ бўлади.

Ҳомийлик ташкилоти ўз таъминоти учун молия йилида маъмурий-бошқарув ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш учун ўзи сарфлайдиган молиявий маблағларнинг 20 фоизидан ортиқ фойдаланишга ҳақли эмас. Ушбу чеклов ҳомийлик дастурларини амалга оширишда иштирок этадиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга нисбатан қўлланилмайди.

Ҳомийлик дастурларини (шу жумладан, ҳомийлик дастурларини амалга оширишда иштирок этаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларини ва ҳомийлик дастурларини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа харажатларни) молиялаштириш учун молия йилида тушган даромадларнинг, қонун билан руҳсат этилган тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадларнинг, шу жумладан, ҳомийлик ташкилоти таъсис этган тижорат тузилмаларидан тушган тушумларнинг камида 80 фоизидан фойдаланилиши керак (“Ҳомийлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддаси).

Ҳомийлик ташкилотининг мулкда бинолар, ер участкалари, транспорт, иншоотлар, асбоб-ускуналар, пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк бўлиши мумкин. Бундай ташкилотнинг мол-мулки муассисларнинг, ташкилот аъзоларининг бадаллари, юридик ва жисмоний шахсларнинг хайриялари, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига ҳосил қилинади.

Ҳомийлик ташкилоти ўз мажбуриятлари юзасидан қонунда белгиланган тартибда ундирув қартилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради.

Ҳомийлик ташкилоти тугатилганда қолган мол-мулк ташкилот уставида назарда тутилган тартибда ёки тугатиш комиссиясининг қарорига бинноан, ҳомийлик мақсадларида фойдаланилади.

Ҳомийлик ташкилотлари учун солиқ солишда, шу жумладан, фойда солиғидан, жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқдан, қўшилган қиймат солиғига солинадиган солиқдан бир қанча имтиёзлар назарда тутилган.

Халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти

ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 14-моддасида халқаро нодавлат нотижорат ташкилотига таъриф берилади. Ўз уставида ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда битта ёки ундан кўпроқ чет давлати ҳудудида фаолият олиб бориши мумкин бўлган нотижорат ташкилоти шундай ташкилотлар жумласига киради.

Агар нодавлат нотижорат ташкилотига халқаро мақом берилса, бу ана шу ташкилот бирон-бир чет давлатда камида битта расмий равишда рўйхатга олинган филиал ёки ваколатхонага эга бўлишини ҳамда у ерда ўз фаолиятини амалга ошириши кераклигини англатади. Агар ана шу шартлар мавжуд бўлмаса, ННТ халқаро ташкилот мақомига эга бўла олмайди, негаки бу ҳолда ҳар қандай ташкилот ўз номига “халқаро” сўзини қўшимча қилиб қўйиши мумкин бўлур эди.

Бизнингча, нодавлат нотижорат ташкилотига халқаро мақом бериш масаласи старлича ишлаб чиқилмаган. Айтайлик, ННТ рўйхагдан ўтказилаётганда мазкур мақомни олади, лекин кейин ўз амалий фаолияти давомида бошқа мамлакатларда филиаллар ва ваколатхоналар очмайди, у ерда ўз фаолиятини олиб бермайди. Шунга қарамай, у барибир ўз номида “халқаро” тушунчасидан фойдаланаверади, чунки адлия органларида тегишли назорат қилиш механизми йўқ ва улар ННТни бошқа мамлакатларда фаолият олиб бормаётгани учун халқаро ташкилот мақомидан маҳрум қилиш тўғрисида қарор қабул қила олмайди. Шу тариқа, ҳар қандай нодавлат нотижорат ташкилоти, агар истикболда фаолияти-

ни халқаро майдонга чиқаришни назарда тутган бўлса, рўйхатдан ўтиш чоғида ўз номиди “халқаро” сўзидан фойдаланиши мумкин.

Айтиб ўтиш жоизки, халқаро ҳуқуқ меъёрлари нодавлат нотижорат ташкилоти тушунчасини назарда тутмайди. Масалан, муҳим халқаро ҳужжат бўлмиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави турли халқаро ва миллий ташкилотларни ноҳукумат ташкилотларни жумласига киритади. БМТ Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши 1996 йилда қабул қилинган ўз резолюциясида таъриф берадиги, ноҳукумат ташкилот деганда давлат органи ёки ҳукуматлараро битимга биноан ташкил этилмаган ҳамда, бундан ташқари, вакиллик тузилмасига, назорат ва ўз аъзолари олдига ҳисобот бериш тизимига эга бўлган ташкилот тушунлади. Ўз навбатида, БМТ Котибиятининг Ижтимоий ахборот департаменти ноҳукумат ташкилотини фуқароларнинг маҳаллий, давлат ёки халқаро даражада ташкил этилган ҳар қандай ихтиёрий нотижорат иттифоқи сифатида таърифлаган.

Бу ерда шуни эслатиб ўтиш зарурки, Европа мамлакатлари ноҳукумат ташкилотларининг ҳуқуқий мақоми 1991 йилда кучга кирган Халқаро ноҳукумат ташкилотларининг ҳуқуқий субъектчилигини тан олиш тўғрисидаги Европа Конвенцияси (Страсбург, 1986 йил) билан тартибга солинади. Гарчи, Ўзбекистон мазкур конвенцияда иштирок этмаса-да бу конвенция унинг доирасида “Европадаги ноҳукумат ташкилотларининг асосий принциплари” қабул қилинганлиги нуқтаи назаридан эътиборга моликдир. Бу ҳужжат ННТга таъриф беради. ННТ тўғрисидаги қонунларни қабул қилишда давлатларга тавсияларни ўз ичига олади. Шунингдек, бошқарув ва молиялаштириш масалаларида ННТнинг ўзига тавсияларни назарда тутаяди, улар фаолиятининг асосий принципларини, ташкил этиш ва аъзолик тартибини, юридик шахс мақоми берилишини, мол-мулкни бошқариш, ҳукумат органлари билан ҳамкорлик қилиш масалаларини тартибга солади ва ҳ.к. Гарчи, фойда олиш ноҳукумат ташкилотлари фаолиятининг асосий мақсади бўлмаслиги керак бўлса ҳам, улар ўз мақсадларига эришиш учун тижорат фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Бундай ташкилотлар юридик шахслар сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин, уларни уч кишидан кам шахслар ташкил этган тақдирда эса рўйхатдан ўтказилмаслиги ҳам мумкин бўлади.

Ушга ҳужжатда ҳар қандай шахсининг аъзоликка асосланган ноҳукумат ташкилотига киришига доир чекловлар миллий қонун ҳужжатларида бўлмаслиги кўрсатиб ўтилган. Ҳар бир ноҳукумат ташкилоти, агар у юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтишни хоҳласа, уставга эга бўлиши, унда бу ташкилотнинг номи ва асосий мақсадлари, раҳбар органи, ваколатлари ва тарқатиб юборилиши тартиби, муассасларининг номи ва жойлашган манзили кўрсатилиши керак.

Шунга мувофиқ равишда, юридик шахс мақомини бериш, агар ташаббускорлар барча зарур ҳужжатларни тайёрламаган, ташкилот номи унинг мақсадларига очик-ойдин зид бўлса ва қонун ҳужжатларига мос бўлмасанина, рад этилиши мумкин.

Кўриб турганимиздек, бизнинг қонун чиқарувчиларимиз томонидан ННТ фаолиятини тартибга солишчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда халқаро ташкилотлар томонидан берилган тушунчалар инobatга олинган. Республика нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат органлари томонидан эмас, балки ташаббускор фуқаролар ёки юридик шахслар томонидан ташкил этилади,

вакилдлик органларига ҳамда назорат ва ўз муассеслари олдидан ҳисобот бериш тизимига эга бўлади, фойда олиш ННТнинг асосий вазифаси ҳисобланмайди.

Европа қонун ҳужжатларидан асосий фарқ шундаки, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат рўйхатидан ўтishi ва юридик шахс мақомини олиши шарт, бусиз улар фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Европада ва бир қатор МДХ мамлакатларида (Груния, Украина ва ҳ.к.) эса улар юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилмасдан ҳам фаолият кўрсатиши мумкин.

Шундай қилиб, биз ННТ фаолиятига тааллуқли қонунларга таяниб, Сиз кундан-кунда шунингга фойдаланишингиз мумкин бўлган ННТ ташкилий-ҳуқуқий шакллариغا доир асосий тушунчаларни баён қилдик. Энди амалий тавсияларга ўтиш мумкин.

Таннабускоёр фуқаролар ўзларининг нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказиётганда муносиб ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлашда қийинчиликка дуч келидилар.

Ҳатто бундай ташкилотларнинг ёлланиб ишловчи раҳбарлари ННТ у ёки бу ташкилий-ҳуқуқий шаклининг афзалликларини яхши билмайдилар.

Лекин ташкилотнинг тўғри танланган шакли ва унинг устави чиройга кўрк бахш этадиган, қадди-қоматдаги камчиликларни яширадиган ва юриш-туришга қалал бермайдиган либосга ўхшайди.

Агар сиз ўз ташкилотингиз қайси шаклда рўйхатдан ўтказилган бўлса, ўша шаклнинг афзалликлари ва камчиликларидан воқиф бўлишни истасангиз, бир қатор жиҳатларни билиб олишингиз зарур.

ННТ ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг юқорида баён қилинган ўзига хос хусусиятлари билан танишиб чиққач, амалий ҳаракатларга ўтишимиз керак бўлади

1-қadam. Ташкилотнинг ташкил этилиши мақсадларини аниқлаб олинг.

Ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини тўғри танлаш учун уни тузишдан кўзланган ички ва ташқи мақсадларни аниқлаб олиш зарур. Буни тушуниш учун кўрағамали мисол келтирамиз.

Бозор кўникмаларига кўмаклашиш жамғармаси минтақадаги ҳар бир эҳтимол тутилган тадбиркорни ривожлантириш мақсадларида фаолият кўрсатади ва бу ташқи мақсадлардир, бухгалтерлар уюшмасининг муассислари эса фақат ўз муассисларини ҳал этиш учун бирлашадилар – бу ички мақсадлардир.

Ташкилотларнинг турли шаклларида ички ва ташқи мақсадлар турличилар: жамоат бирлашмаси ва муассасада мақсадлар ташқи ҳам, ички ҳам, жамғармада – фақат ташқи, матлубот кооперативида эса – фақат ички бўлиши мумкин.

Шунинг билан керакки, бу ҳолда танловни формал деб бўлмайди. Мисол учун, агар Сиз юридик шахсларнинг бирлашмаси бўлган уюшмани танлаган бўлсангиз, Сиз бу ҳолда миждларни танлашда чеклангандирсиз. Уюшма ўзининг уставда белгиланган фаолияти доирасида фақат ўз аъзоларига кўмаклаша олади, чунки у ўз аъзоларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун ташкил этилади.

2-қadam. Ташкилот муассислари таркибини аниқлаб олинг.

ННТ шаклининг танланиши ва унинг фаолиятини тартибга солиш хусусиятлари муассислар таркибига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

Бу жиҳатдан олганда, нодавлат нотижорат ташкилотлари муассисларининг таркиби бир хил эмас: а) жамоат бирлашмаларида жисмоний шахслар ва юридик шахс бўлмаган жамоавий аъзоларгина иштирок этишлари мумкин; б) муассасалар ва жамғармаларда ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар муассис бўлишлари мумкин; в) уюшмалар ва иттифоқлар сингари бирлашмаларнинг аъзолари жумласига фақат юридик шахслар кириши мумкин.

ННТ тўғрисидаги Қонун ННТ муассислари, иштирокчилари (аъзолари) бўлаётган фуқароларнинг энг кам ёшини, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, камида 18 ёш этиб белгилайди. Бунда ўн тўрт ёшга тўлган шахслар ёшлар нодавлат нотижорат ташкилотининг аъзоси бўлишлари, ўн ёшга тўлган шахслар эса – болалар нодавлат нотижорат ташкилотининг аъзоси бўлишлари мумкин.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон фуқаролари билан тенг равишда жамоат бирлашмаларининг муассиси, аъзоси ва иштирокчиси бўлишлари мумкин, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Умуман олганда, ННТ муассислари сони чекланмаган, лекин баъзи ҳолларда қонун ННТни ташкил этиш учун зарур бўлган шахслар сонини унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига боғлиқ ҳолда белгилаб қўяди.

Жумладан, жамоат бирлашмалари муассислар сони камида 10 нафар фуқародан иборат бўлишини назарда тутаяди, уюшмалар ёки иттифоқлар каби юридик шахсларнинг бирлашмалари эса камида иккита нодавлат нотижорат ташкилотининг ташаббуси билан тузилиши мумкин.

Жамғарма ва муассаса каби ННТлар ҳатто бир шахс томонидан тузилиши мумкин. Бу шериклар ва ҳамфикрларни топишда вақтни тежаш нуктан назаридан жуда мақбулдир. Агар нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш истаги бор бўлса-ю, ёлғиз бўлсангиз, сизга ана шуниси тўғри келади.

Бошқа томондан, муассислар сифатида анча кенгрок доирадаги жисмоний ва юридик шахсларни, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари вакиллари жалб этиш кўп масалаларни, шу жумладан, молиявий масалаларни ҳам ҳал этиш имконини беради. Бироқ иштирокчилар сони кўплиги сабабли ташкилотингизда келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларни ҳам эътиборга олишингиз зарур.

3-қadam. Ташкилот аъзоликка асослангани ёки асосланмаслигини аниқлаб олинг

ННТга аъзолик ва муассислик масалалари турлича тушунчалардир. Агар ташкилотингиз аъзолик принципларига асосланган бўлса, бу сизда ташкилот фаолиятига жамоатчиликни кенгрок жалб этиш ва ўз атрофингизга касбий ёки бошқа белгига кўра ҳамфикрларни жипслаштириш учун имконият борлигини аниқлатади.

Аъзолик, шунингдек, аъзолик бадаллари ҳисобига ташкилот учун қўшимча пул маблағларини олиш имкониятини беради. Лекин, шунга қарамай, аъзоликка асосланган ташкилот фаолиятида унинг ташкилотни бошқаришга таъсири йўқотилиши билан боғлиқ муаммолар юзага келиши мумкин. Шу сабабли, ННТ

ташкил этилаётган пайтда танланган ташкилий-ҳуқуқий шакл ва муассислар билан боғлиқ ҳолда эҳтимолда вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳар доим ҳам инobatта олиб бўлавермайди. Масалан, жамоат бирлашмаси ташкил этилган тақдирда, у рўйхатдан ўтказилгандан кейин муассислар ўз-ўзидан аъзоларга айланувчилар ва ташкилот масалаларини ҳал этишда ташкилотнинг бошқа аъзолари олдида ҳеч қандай имтиёзга эга бўлмайдилар.

Шундай мисол келтирамиз. Айтайлик, ўн нафар ҳамфикр шахс ижтимоий-аҳамиятли муаммоларни ҳал этиш учун жамоат бирлашмасини ташкил этди. Ташкилотнинг барча иштирокчиларидан фақат бештаси халқаро ташкилотлар томонидан молиялаштириладиган лойиҳани амалга оширишда иштирок этди ва шунга кўра идора жиҳозлари, бино, таъминот учун маблағлар олинди.

Шу вақтда ташкилотнинг лойиҳаларда иштирок этмаган бошқа бир неча аъзоси вазиятни ўзгартиришга ва ўз шахсий масалаларини ҳал этиш учун ташкилот мол-мулкни олишни кўзлади. Уларнинг тавсияси билан бирлашма умумий йиғилиши яна беш кишини ўз аъзолигига қабул қилди. Шундан сўнг ташкилотнинг янги аъзолари танаббуси билан навбатдан ташқари йиғилиш чакирилиб, унда кўпчилик овоз билан барча раҳбар органлар қайта сайланди ва бухгалтер алмаштирилди.

Ташкилот аъзолари мол-мулкни қўлга киритиш имкониятига эга бўлиб, уни бирлашманинг янги раҳбари орқали ўзлари раҳбарлик қилаётган нодавлат ношаркат ташкилотларига ўтказиб юбордилар ва ННТ аста-секин ўз фаолиятини тугатди. Бу мисолдан кўриш мумкинки, раванқ топаётган ташкилотни хароб қилиш ва унинг обрўсини тукиш учун унчалик кўп вақт керак эмас, унинг сафида бир неча инсофсиз аъзо бўлса, кифоя экан. Кўп куч-ғайрат, вақт ва билим сарфланган ишни тезда барбод қилиб қўйиши мумкин экан. Бундай ҳолда фақат ташкилот сафидан чиқиш ва янгисини ташкил этишдан бошқа йўл йўқ. Аъзолари таркиби оз сонли ташкилотларда шундай вазиятлар юзага келиши мумкин.

Агар ташкилот фаолиятидаги барча муаммоларни олдиндан кўра билинса, айтиши мумкинки, аъзоликка асосланган ташкилот сизнинг мақсад ва вазифаларингизни амалга ошириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шакл бўлади.

Айни чоқда, аъзоликка асосланмаган ташкилотларда масалаларни тезкор ҳал этиш борасида афзаллик бор. Масалан, битта муассис мулкдор бўлган муассасада у бирон-бир расмийликка риоя этмасдан, мустақил равишда қарор қабул қилиши мумкин, лекин муассислар бир нечта бўлса, бу масалаларни муҳокама қилиш ва узил-кесил қарор қабул қилишда муаммо келтириб чиқариши мумкин.

Айтайлик, бир нечта муассис жамоат жамғармаси ташкил этган, Бошқарув унинг олий органи бўлган. Ташкилот ишлаб турган ва раванқ топаётган эди, бироқ баъзи муассислар истиқомат жойларини ўзгартирганлар, бошқалари муассаса ишлари билан шуғулланишни тўхтатганлар ва жамғарма фаолиятида иштирок этмай қўйганлар.

Фақат битта фаол муассис ишлаб турган ва муаммолар келиб чиқмагунча ишлар яхши кетаётган эди. Лекин текшириш пайтида уставга ўзгартишлар киритиш хусусида муаммолар юзага келди. Муассис бу ҳақда овозларнинг кўпчилиги билан расмий қарор қабул қила олмасди, айни чоқда бошқа муассисларни топиш ва чақиртириш имконияти ҳам йўқ эди. Хуллас, иложсиз вазиятга тушиб қолинган эди.

Бундай ҳолларда сиз вақтни ва, балки, ташкилотни ҳам бой бериб қўясиз. Шу сабабли, ташкилотнинг аъзоликка асосланмаган ташкилий-ҳуқуқий шаклини танлаётганда шерикларингиз жиддийлигига ишонч ҳосил қилишингиз керак.

ННТ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида атамаларни изоҳлашда айрим камчиликлар ва ноаниқликлар борлиги сабабли қуйидагиларни инобатга олиш зарур:

а) ННТ фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида “иштирокчи” ва “ташкилот аъзоси” тушунчалари бир-биридан фарқланмайди, аксинча, бу атамалар тенг маъноли сифатида қўлланилади, бинобарин, жамғарма ва муассасада на аъзолар, на иштирокчилар йўқ, фақат муассислар бор дейиш мумкин.

б) қонун ҳужжатларида муассислар сафидан чиқиш масаласига нисбатан умумий ёндашув аниқланмаган, яъни “муассис” тушунчаси, ташкилотни тузган шахснигина, у кейинчалик ўзи тузган ташкилот билан бирон-бир муносабатни сақлаб қолгани ёки йўқотганидан қатъи назар, кўрсатади;

в) ННТ муассислари сафидан чиқиб кетишда муассис бу ташкилотга берган мол-мулк учун компенсация олиш ҳуқуқи ҳақидаги масала пайдо бўлади. Бирок қонун жамғарма муассислари жамғармага берилган мол-мулкка нисбатан, шунингдек, юридик шахс сифатида ана шу ташкилотнинг ўзига нисбатан ҳуқуқларга эга эмаслигини белгилаб қўйган.

4-қadam. Сиз ташкилотни бошқаришда иштирок этишни хоҳлаши-хоҳламаслигингизни аниқлаб олинг.

ННТнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари бир-биридан иштирокчиларининг ташкилот фаолиятини бошқаришга бўлган ҳуқуқлари ҳажмига қараб фарқланади.

Қонун ҳужжатларида ННТнинг барча ташкилий-ҳуқуқий шаклларида нодавлат нотариот ташкилоти фаолиятини бошқаришда муассислар ва аъзоларнинг иштирок этиши ҳуқуқига нисбатан чеклашлар назарда тутилмаган, жамғарма ва сийлик кенгаши аъзоларининг жамғарма бошқаруви ва унинг тафтиш комиссияси аъзоси бўлишига руҳсат берилмайдиган жамоат жамғармаси бундан мустасно.

5-қadam. Ташкилот мол-мулкига нисбатан ҳуқуққа эга бўлишни хоҳлаши-хоҳламаслигингизни аниқлаб олинг.

ННТ эҳтимол тутилган иштирокчиларининг ҳар бирини унинг аъзолари ва муассисларининг мулкий ҳуқуқлари масаласи кизиктириши керак.

Асосан, аъзолар ва муассисларнинг ташкилотга берилган мол-мулкка нисбатан ҳуқуқлари сақланиб қолмайди. Масалан, агар сиз жамоат бирлашмасига техника воситасини берган бўлсангиз ёки ҳисса сифатида муассасага муайян пул суммасини киритган бўлсангиз, уларни қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлмайсиз.

Лекин ННТнинг ташкилот муассиси ёки аъзоси ўзи топширган мол-мулкка нисбатан ҳуқуқларини сақлаб қоладиган ташкилий-ҳуқуқий шакллари ҳам бор. Бунга матлубот кооперативи яққол мисолдир. Уни тугатиш чоғида унинг аъзолари мол-мулкдан ўзларининг меҳнат ва мулкий ҳиссаларига мувофиқ улуш олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бу шуни билдирадики, агар сиз матлубот кооперативига яхши ният билан муайян мол-мулкни топширган бўлсангиз, ундан чиқиб кетишда мол-мулкни талаб қилиб олишингиз ёки пул ифодасида товон олишингиз мумкин.

бу қадам Ташкилотнинг мажбуриятлари юзасидан жавоб беришни хоҳлаш-хоҳламаслигининг аниқлаб олиш.

Бу қадам Сиз ННТ муассасаси ёки аъзоси сифатида мажбуриятлар юзасидан жавоб беришни хоҳлаш-хоҳламаслигингиздан далolat беради.

Ҳамма ҳам ташкилотнинг қарзлари юзасидан ўз шахсий мол-мулки билан жавоб беришни хоҳлайвермайди. Лекин ўзига ишонган одамлар ҳам борки, улар ташкилот бухгалтери ва раҳбарининг ишини назорат қилиб бора оладилар, тафтиш комиссияси ишлашига ҳамда у камчиликларни ўз вақтида аниқлашга ва йўл қўйишни мумкин бўлган хатоларни кўрсатиб боришига эришадилар.

Аммо, агар сиз ташкилий ишлар билан яқиндан шуғулланишни ва назорат ишларини зиммангизга олишни истамасангиз, аксинча, бутун вақтингизни уставда белгиланган мақсадлар ва вазифаларни амалга оширишга бағишлашга қарор қилган бўлсангиз, лекин ўз шерикларингизга унчалик ишонмасангиз, унда сиз ННТнинг мажбуриятлари юзасидан сизнинг жавобгарлигингиз назарда тутилмаган ташкилий-ҳуқуқий шаклини танлашингиз керак.

Шунингдек, агар сизнинг ташкилотингиз уюшманинг (иттифокнинг) аъзоси бўлса, у шу уюшманинг (иттифокнинг) мажбуриятлари юзасидан таъсис ҳужжатларига мувофиқ ўз бадалига мутаносиб равишда субсидиар (қўшимча) жавобгар бўлишини ҳисобга олишингиз зарур. Демак, агар бу ҳолат уюшманинг уставида ёки таъсис шартномасида назарда тутилган бўлса, ҳатто ташкилот аъзолари таркибидан чиқиб кетаётганда ҳам сиз таъсис шартномасида белгиланган жавобгарликни зиммангизга оласиз. Бу муассасаларга ҳам тааллуқлидир.

Жамоат бирлашмаси ва жамғармаси каби ташкилий-ҳуқуқий шаклларнинг муассасалари ва иштирокчилари ўз ташкилотларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар.

Ушбу бобда биз ННТ энг кенг тарқалган ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг асосий белгилари ва хусусиятларини кўриб чиқдик. Энди Сиз қуйидаги мезонларга амал қилган ҳолда танлашингиз мумкин бўлади:

Айтайлик, Сиз тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватловчи ННТ ташкил этишни истайсиз.

ННТни ташкил этиш мақсадлари ташки бўлганлиги сабабли, Сизга барча ташкилий-ҳуқуқий шакллар тўғри келади. Агар Сиз ўзингизга ҳамфикр бўлган икки дўстингиз билан биргаликда ишлаш ниятида бўлсангиз, унда юридик шахслар бирлашмасидан (уюнмасидан, иттифоқидан) бошқа ННТнинг барча шакллари тўғри келади.

Ташкилотдаги аъзолик Сиз учун муҳим бўлмаса, унда аъзоликка асосланмаган ташкилот – жамғарма ёки муассаса ташкил этишингиз мумкин.

Агар Сиз ташкилотга топширилган мол-мулкка нисбатан мулкый ҳуқуқлар ташкилотнинг ҳар бир иштирокчисида (аъзосида) сақланиб қолмаслигини хоҳлашингиз ҳамда жавобгар бўлишни истамасангиз, унда Сиз учун жамғарма ёки жамоат бирлашмаси мақбулдир.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш

ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш тушунчаси, мақсадлари ва уни тартибга солиш

Нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этишга киришлар экан, унинг муассислари ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш қай тартибда амалга оширилишини ҳар доим ҳам тушунавермайдилар. Махсус юридик атамашуносликдан келиб чиққанда “давлат рўйхатидан ўтказиш” тушунчаси юридик шахс мақомини олиш тартиб-таомилни англатади. Бу тартиб-таомил давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларнинг қонун ҳужжатларига мослиги, рўйхатга олиш рақами берилганлиги ҳақидаги маълумотларни текшириш ҳамда юридик шахсларнинг ягона давлат регистрга киритилган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилишини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 44-моддасига мувофиқ, ҳар қандай юридик шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим ва у давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади.

Давлат рўйхатидан ўтиш ННТ учун ҳуқуқни белгиловчи аҳамиятга эга, чунки ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан, юридик шахс мақомига, ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Демак, ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш аввало рўйхатдан ўтказувчи орган амалга оширадиган ҳаракатдан иборат бўлиб, бунинг натижасида юридик шахс тузилган, деб ҳисобланади ва шу асосда рўйхатдан ўтказилган ташкилот ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси юридик шахсларининг Ягона давлат регистрга киритилади.

Шу тарика, ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш мақсадлари қуйидагилардан иборат бўлади:

а) ННТнинг юридик шахс сифатида ташкил этилганлиги, қайта ташкил этилганлиги ва тугатилганлигини, шунингдек, унинг филиаллари ва ваколатхоналари ташкил этилганлиги ҳамда тугатилганлигини тасдиқлаш;

б) ННТни юридик шахс сифатида ҳамда унинг филиаллари ва ваколатхоналарини ҳисобга олиш, Ўзбекистон Республикаси юридик шахсларининг Ягона давлат регистрини ҳамда филиаллар ва ваколатхоналар реестрини юритиш.

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказишнинг пировард мақсади, унга Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида фаолиятни амалга ошириш имкониятини берадиган тегишли юридик шахс мақомини беришдан иборатдир.

ННТни қайта рўйхатдан ўтказилишини унинг давлат рўйхатидан ўтказилишидан фарқлаш керак бўлади. “Қайта рўйхатдан ўтказиш” тушунчаси ННТни рўйхатдан ўтказишга ёки унинг фаолиятига доир мавжуд қоидаларни ўзгартирувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат кучга киргунга қадар ташкил этилган ташкилотнинг таъсис ҳужжатларини қонун ҳужжатларига мувофиқлаштиришни, шунингдек, таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритилиши муносабати билан

кайтадан рўйхатдан ўтишни англатади. Бунинг устига, қонун ҳужжатлари ННТ халқаро нодавлат нотижорат ташкилотига ёки шундай ташкилотнинг филиалига айлангирилган тақдирда унинг зиммасига қайта рўйхатдан ўтиш мажбуриятини юклайди.

Шуни қайд этиш керакки, ННТни ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш – бу унчалик осон иш эмас ва бу жараёнда нодавлат нотижорат ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини танлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати, рўйхатдан ўтказувчи орган билан ўзаро муносабатлар, рўйхатдан ўтиш тартиб-таомили ва ҳоказо билан боғлиқ талай масалалар пайдо бўлиши мумкин.

Қонун ҳужжатлари ННТ ташкил этилган ва у юридик шахс ҳуқуқларини олган пайтларни фарқлайди, негаки ташкил этилиши эмас, балки айнан юридик шахс ҳуқуқларини олиши унинг давлат рўйхатидан ўтказилиши зарурияти билан боғлиқдир.

ННТни ташкил этиш тартиб-таомили бошланганда ташкилотчиларда: нодавлат нотижорат ташкилоти юридик шахс мақомига эга бўлиши шартми, деган савол пайдо бўлиши мумкин. Шубҳасиз, эга бўлиши керак. Ўзбекистон қонун ҳужжатлари давлат рўйхатидан ўтказилмасдан ННТ ташкил этилишини на-арда тутмайди. Нодавлат нотижорат ташкилоти юридик шахс мақоми бўлгани тақдирдагина ўз номидан ўзининг фаолиятини амалга ошириши, мулкӣ ва номулки ҳуқуқларга эга бўлиши, муайян мажбуриятларни бажариши, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси бўлиши, хўжалик фаолиятини юритиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши, мустақил баланс ёки сметага (молиявий ре-жага) эга бўлиши мумкин.

Ана шу белгилари бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлари тижорат тузил-маларига айнан ўхшашдир, лекин улар ўртасида жиддий фарқлар бор.

Биринчи галда улар ташкилий-ҳуқуқий шаклларига кўра фарқланади ва, юқорида қайд этиб ўтилганидек, ННТ жамоат бирлашмалари, жамоат жамғармалари, муассасалар, юридик шахсларнинг бирлашмалари, матлубот кооперативлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва қонунда назарда тутилган бошқа шаклларда ташкил этилиши мумкин. ННТдан фаркли равишда тижорат ташкилот-лари хўжалик жамиятлари ва ширкатлар шаклида ташкил этилади.

ННТнинг тижорат тузилмаларидан яна бир муҳим фарқи, фойдани тақсимлаш тиғимидир, яъни нодавлат нотижорат ташкилотлари тадбиркорлик фаолияти нати-жаларидан олинган фойдани ННТ муассислари ва аъзолари ўртасида тақсимлашга ҳақли эмас. Ана шу фойданинг ҳаммаси уставда белгиланган фаолиятга ва нодав-лат нотижорат ташкилотининг ўзини ривожлантиришга йўналтирилиши керак.

Ва, ниҳоят, нодавлат нотижорат ташкилоти тугагилган тақдирда, кредитор-лар билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин қолган барча мол-мулк ННТ қайси мақсадларга эришиш учун тузилган бўлса, шу мақсадларга йўналтирилади, ле-кин асло унинг муассислари ва аъзоларига берилмайди. Истисно тариқасида мат-лубот кооперативи аъзолари, яъни қонунда ёки мазкур кооперативнинг таъсис ҳужжатларида бошқача қонди назарда тутилмаган бўлса, илгари киритган улуш-ларини олишга ҳақлидирлар.

Шунга қарамай, амалсизда ННТни тижорат ташкилотидан фарқлаш ҳар доим ҳам жўн бўлавермайди.

Биринчидан, тижорат ва нотижорат фаолияти турларини фарқлаш имкониятини берадиган етарлича ҳуқуқий мезонлар йўқ. Масалан, тижорат лойиҳаларини амалга оширадиган матбуот органи, оммавий ахборот воситаси, театр ёки киностудия қайси турдаги ташкилотлар жумласига киришини ҳар доим ҳам тўғри аниқлаш мумкин бўлавермайди.

Иккинчидан, конун ҳужжатлари тижорат ташкилотларида бўлгани сингари ННТга ташкил этилишидан кўзланган мақсадга эришиш шarti билан тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш имкониятини беради. Мазкур ҳолда конуннинг мантиқи мутлақо асосли деса бўлади, чунки ҳозирги шароитда муайян ижтимоий вазифаларни ҳал этиши лозим бўлган нодавлат нотижорат ташкилоти фақат ўз муассислари ва грант берувчиларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобига мунтазам иш олиб бора олмайди. Шу сабабли, муассислар ННТ барқарорлигини сақлаб туриш учун эртами-кечми маблағ ишлаб топишни ўрганишлари керак.

Учинчидан, айрим ҳолларда, нодавлат нотижорат ташкилотлари учун олинган фойдани, масалан, матбуот кооперативида бўлгани сингари, иштирокчилар ўртасида тақсимлаш имконияти ҳар ҳолда бор.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат рўйхатидан ўтказилишини ҳуқуқий тартибга солиш масаласига қайтиб, шунини таъкидлаб ўтиш керакки, нодавлат нотижорат ташкилотларининг рўйхатдан ўтиш тартиб-таомилларига қўйиладиган умумий талаблар ННТ тўғрисидаги Қонун меъёрларида белги-ланган. ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш аdлия органлари томонидан амалга оширилади. Шуниси ҳам борки, халқро ННТлар, халқро ҳамда чет эл ННТ ваколатхоналари ва филиаллари, республика, вилоятлараро нодавлат нотижорат ташкилотлари ЎЗР Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилади. Вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, кишлоқ ва овул ҳудудларида фаолият олиб борадиган нодавлат нотижорат ташкилотлари Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар аdлия бошқармаларида рўйхатдан ўтказилади.

ННТ тўғрисидаги Қонун билан бир каторда, нодавлат нотижорат ташкилотларининг айрим ташкилий-ҳуқуқий шаклларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ва уларни рўйхатдан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари бошқа катор меъёр-рий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ақс эттирилган.

Улар жумласига 1991 йил 15 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги ЎЗР Қонуни (1992 йил 3 июлдаги, 1997 йил 25 апрелдаги, 1997 йил 26 декабрдаги, 2003 йил 12 декабрдаги, 2004 йил 30 апрелдаги, 2004 йил 3 декабрдаги ЎЗР қонунларига биноан киритилган ўзгартишлари билан), 2003 йил 29 августда қабул қилинган “Жамоат жамғармалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2007 йил 7 декабрдаги ЎЗР Қонунига биноан киритилган ўзгартишлари билан), 1991 йил 14 июнда қабул қилинган “Кооперация тўғрисида”ги ЎЗР Қонуни (1993 йил 28 декабрдаги, 1998 йил 29 августдаги ЎЗР қонунларига биноан киритилган ўзгартишлари билан), 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ЎЗР Қонуни (2003 йил 30 августдаги, 2004 йил 27 августдаги, 2004 йил 3 декабрдаги, 2007 йил 20 сентябрдаги ЎЗР қонунларига биноан киритилган ўзгартишлари билан), 2007 йил 2 майда қабул қилинган “Ҳомийлик тўғрисида”ги ЎЗР Қонуни қиради.

Шу ерда ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиб-таомилига бевосита таъсир кўрсатадиган ва ҳужжатларни рўйхатдан ўтказувчи органлар орқали ўтиши масалаларини тартибга соладиган бир қатор қонуности ҳужжатларини кўрсатиб ўтиш зарур:

а) ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 мартдаги 132-сонли қарори билан тасдиқланган Жамоат бирлашмаларининг уставларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш қоидалари (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 августдаги, 1997 йил 8 апрелдаги, 2003 йил 30 апрелдаги, 2004 йил 29 апрелдаги қарорларига биноан киритилган ўзгартишлари билан);

б) ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 22 мартдаги 153-сонли қарори билан тасдиқланган Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги Низом (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги 347-сонли қарори таҳририда, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 сентябрдаги 427-сонли, 2001 йил 27 июндаги 276-сонли, 2001 йил 22 августдаги 347-сонли, 2003 йил 30 апрелдаги 197-сонли қарорларига биноан киритилган ўзгартишлари билан);

в) ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 мартда қабул қилинган 133-сонли қарори билан тасдиқланган Жамоат бирлашмалари рамзий белгиларини рўйхатдан ўтказиш, уларни рўйхатдан ўтказганлик учун йигимлар ундириш тартибини миқдорлари тўғрисидаги Низом (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 апрелдаги 197-сонли қарорига биноан киритилган ўзгартишлари билан);

ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш масалалари муайян даражада Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва руҳсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли қарори билан тасдиқланган) ва юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш масалаларига доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Таъкидлаш жоизки, ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш тизими тижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказишдан бирмунча фарқланади. Чунончи, яқиндагина тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби белгиланган бўлиб, бу ана шундай рўйхатга олишнинг жадаллаштирилган ва соддалаштирилган тартиб-таомилидан иборат. Умид қилиш мумкинки, бундай вазият кўп ўтмай ўзгаради ҳамда яқин келажакда юридик шахсларни ва уларнинг таркибий бўлинималарини, булар тижорат ёки илотижорат ташкилоти бўлишидан қатъи назар, давлат рўйхатидан ўтказишнинг ягона тартиби ўрнатилади.

ННТни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар

Фуқаролик қонун ҳужжатларининг юридик шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши кераклиги ҳақидаги қоидади ҳар қандай мулк шаклидаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, шу жумладан, ННТга нисбатан татбиқ этилади.

ННТ тўғрисидаги Қонунга, Жамоат бирлашмаларининг уставларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш Қоидаларига ва Юридик шахсларнинг бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги Низомга

мувофиқ. ННТни давлат рўйхатидан ўтказишни адлия органлари амалга оширади.

ЎзР Адлия вазирлиги ва унинг минтақавий бўлинмалари ННТни давлат рўйхатидан ўтказишни ҳудудий тамойил асосида, яъни рўйхатдан ўтказиладиган ташкилотнинг жойлашган ери ва фаолияти олиб бориладиган вилоятга қараб амалга оширади.

Ҳудудий жойлашувидан катъи назар, республика ва вилоятлараро ННТни, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларини, халқаро ва чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиалларини давлат рўйхатидан ўтказиш бевосита Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида амалга оширилади.

Бундан ташқари, ЎзР Адлия вазирлиги халқаро ва чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиалларининг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини белгиланган тартибда аккредитация қилишни амалга оширади.

Муайян вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳудудларида фаолият олиб борадиган нодавлат нотижорат ташкилоти ўзининг ҳудудий жойлашувидан катъи назар, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида рўйхатдан ўтказилади.

ННТ ваколатхоналари ва филиаллари давлат рўйхатидан ўтказилмайди, улар жойлашган ерига қараб, тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида ҳисобга олинади.

ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатга олган адлия органи унинг фаолияти устავда белгиланган мақсадларга мувофиқлигини назорат қилади. Бундай назорат доирасида нотижорат ташкилотлари ўз навбатида қуйидагиларни бажариши шарт:

а) ўз мол-мулк ва пул маблағларидан фойдаланилиши тўғрисидаги ахборотнинг очиқлигини таъминлаши;

б) рўйхатдан ўтказувчи адлия органига ўзи ўтказадиган тадбирларга кириш имкониятини бериш;

в) солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этиш.

Таъкидлаш жоизки, ННТ айрим ташкилий-ҳуқуқий шаклларини давлат рўйхатидан ўтказиш масалалари маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари ҳамда бир қатор бошқа давлат органлари ваколатига киради, бу ҳақда қуйида сўз юритилади.

ННТни рўйхатдан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари

ННТни ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш хусусиятларини кўриб чиқаятганда шуни қайд этиб ўтиш керакки, умуман олганда, амалдаги қонун ҳужжатларининг меъёрларига мувофиқ давлат органларида бундай рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларининг амалга оширилишига нисбатан ягона ёндашув мавжуд.

ННТ тўғрисидаги Қонунда халқаро шартномаларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатларидан устуворлиги белгилаб

қўйилганлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Шунга қўра, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида миллий қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, давлат органлари халқаро ҳужжат метёрларини қўллашлари шарт.

ННТ тўғрисидаги Қонун ННТ айрим ташкилий-ҳуқуқий шаклларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб қўймайди. Масалан, жамоат бирлашмалари ва жамоат жамғармаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиб-таомиллари умуман ўхшаш ва фақат муддатлари бўйича фаркланади, жумладан, агар рўйхатдан ўтказувчи орган жамоат бирлашмасини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида икки ойлик муддатда қарор қабул қилиши шарт бўлса, жамоат жамғармасига нисбаган бундай қарор ариза берилган кундан эътиборан бир ой ичида чиқарилиши керак.

Шунга қарамадан, ННТ тўғрисидаги Қонун ҳавола қилувчи метёрга эга бўлиб, унга қўра, сиёсий партиялар, қасаба уюшмалари, диний ташкилотлар ҳамда бошқа айрим нодавлат нотижорат ташкилотларини тузиш, улар фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши хусусиятлари махсус қонунлар билан тартибга солинади.

Махсус қонунларга асосланиб, айтиш мумкинки, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари ва матлубот кооперативлари каби айрим турларини рўйхатдан ўтказишнинг энг муҳим хусусияти, уларнинг маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларида давлат рўйхатига олинади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқидан фойдаланади, лекин давлат рўйхатидан ўтказилмайди, балки маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олинади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини тузишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бундай орган раиси (оқсоқол) тегишли туман ҳокими билан келишилган ҳолда сайланади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати каби турини ташкил этиш тўғрисидаги қарор кўп квартирали битта ёки яқин, ич жойлашган бир нечта уйдаги жойлар мулкдорларининг кўп квартирали ҳар бир уйдаги барча жой мулкдорларининг ёки улар вакилларининг эллик фоиздан кўни овоз берган умумий йиғилишида қабул қилинади. Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади.

Матлубот кооперативида устав фуқароларнинг ёки юридик шахслар вакилларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади ва кооператив жойлашган ердаги ҳокимиятда рўйхатга олинади, бунда устав рўйхатдан ўтказилган ва у юридик шахсларнинг давлат реестрига киритилган пайтдан эътиборан кооператив ташкил этилган деб ҳисобланади.

Матлубот кооперативини давлат рўйхатидан ўтказишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг уставда кооперативнинг ўз қарзлари бўйича кооператив аъзоларининг мулккий жавабгарлиги назарда тутилиши керак. Шу сабабли, уставга бундай метёрни киритмасдан матлубот кооперативини давлат рўйхатидан ўтказиш тақиқланади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиалларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратиш керак бўлади. ЎЗР ФК 47-моддасида филиаллар ва ваколатхоналар нодавлат нотижорат ташкилотининг ташкилий тузилмалари сифатида унинг алоҳида бўлинмалари эканлиги ва ННТ турган ердан ташқарида жойлашган бўлиши белгилаб кўйилган. Қонун ваколатхона нодавлат нотижорат ташкилотининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва ифодалаш учун, филиал эса – унинг барча вазифаларини bajarish учун ташкил этилишини белгилайди.

ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 9-моддасига кўра, нодавлат нотижорат ташкилотининг ваколатхоналари ва филиаллари назарий жиҳатдан давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади.

Бу эса ваколатхоналар ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмаслигини, демак, давлат рўйхатидан ўтказилмаслигини белгиловчи ЎЗР ФК 47-моддасига қайсидир даражада зиддир. ННТни рўйхатдан ўтказишнинг мавжуд амалиётида ваколатхоналар ва филиалларнинг юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳоллари маълум эмас. Халқаро ва чет эл ННТ филиаллари ва ваколатхоналари бундан мустасно бўлиб, улар Ўзбекистонда юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтиши керак.

ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ, юридик шахс бўлмаган ваколатхоналар ва филиалларни ҳисобга олиш нодавлат нотижорат ташкилотининг раҳбар органи томонидан тақдим этилган ва тасдиқланган ҳужжатлар асосида, шунингдек, ННТ давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси асосида амалга оширилади.

Жамоат бирлашмаларининг уставларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш қоидаларида (12.03.1993 й. № 132) белгиланганки, ННТнинг бўлимлари, ваколатхоналари ва филиаллари каби таркибий бўлинмаларининг уставлари ёки низомларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

- а) устав ёки низомнинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхалари;
- б) марказий жамоат бирлашмасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхалари;
- в) нодавлат нотижорат ташкилотининг марказий раҳбар органи томонидан тасдиқланган таъсис ҳужжатлари.

Демак, ўз ваколатхоналари ва филиалларини рўйхатдан ўтказиш учун ННТ рўйхатдан ўтказувчи органга нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўзини давлат рўйхатидан ўтказишда тақдим этиладиган деярли айни ўша ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган чет эл нодавлат нотижорат ташкилотининг ваколатхонаси ёки филиали ЎЗР Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтади.

Миллий ННТ филиаллари ва ваколатхоналарини ҳисобга қўйиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига мурожаат этиш керак бўлади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўладиган ҳужжатлар рўйхати келтирилади. Шунинг назарда тутиш керакки, қонун ҳужжатларида ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи аслия органларига такдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати хусусида ягона ёндашув йўқ. Меъёрий ҳужжатларни батафсилроқ кўриб чиқамиз ва нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказишга доир уларда келтирилган ҳужжатлар рўйхатини ҳавола этамиз.

1. ННТ тўғрисидаги Қонун (22-модда):

а) ННТ раҳбар органи аъзолари ҳар бирининг фамилияси, исми, отасининг исми, тутилган йили ва жойи, янаш жойи ҳамда манзилни кўрсатган ҳолда улар томонидан имзоланган муассислар аризаси;

б) нодавлат нотижорат ташкилотининг икки нусхадаги устави;

в) таъсис съезди (конференцияси) ёки умумий йиғилишнинг ННТни ташкил этиш тўғрисидаги, муассислари хусусидаги, унинг уставини тасдиқлаш ҳақидаги, раҳбар органлари ва бошқа органларини шакллантириш тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган баённомаси;

г) рўйхатга олганлик учун йнғим тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати.

2. "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Қонун (11-моддаси):

а) ташкил этилаётган жамоат бирлашмаси раҳбар органи аъзолари томонидан имзоланган, шу аъзолар ҳар бирининг фамилияси, исми, отасининг исми, тутилган йили, истиқомат жойи кўрсатилган ариза;

б) жамоат бирлашмасининг уставида қўйидагилар кўрсатилган бўлиши керак: жамоат бирлашмасининг номи, мақсади ва вазифалари; жамоат бирлашмасининг ички тузилиши, унинг ўз фаолиятини амалга оширадиган ҳудуд; жамоат бирлашмаси аъзолигига қабул қилиш шартлари ва тартиби, агар бирлашма рўйхатда қайд этиладиган аъзоларга эга бўлса, бундай ҳолларда ундан чиқиш шартлари ва тартиби; жамоат бирлашмаси аъзолари (қатнашчилари)нинг ҳуқуқлари ва бурчлари; жамоат бирлашмаси ҳамда унинг ташкилотлари раҳбар идораларининг ваколатлари ва уларни тузиш тартиби, уларнинг ваколат муддати; жамоат бирлашмаси ҳамда унинг ташкилотларининг маблағлари ва бошқа мол-мулк манбилари; жамоат бирлашмасининг раҳбар органи қасрда жойлашганлиги; жамоат бирлашмаси уставига ўзгартишлар, қўшимчалар киритиш тартиби; жамоат бирлашмаси фаолиятини тўхтатиш тартиби ва жамоат бирлашмаси фаолиятига тааллуқли бошқа қондалар;

в) уставини қабул қилган таъсис съезди (конференцияси) ёки умумий йиғилиш протоколи;

г) жамоат бирлашмасининг ҳудудийлиги ва уни ташкил этиш ташаббускорлари тўғрисидаги талаблар бажарилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

3. "Жамоат жамағармалари тўғрисида"ги ЎЗР Қонуни (14-модда):

а) муассислар ёки улар ваколат берган шахслар томонидан имзоланган рўйхат-

дан ўтказиш тўғрисидаги, уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва яшаш жойи (почта манзили) кўрсатилган ариза;

б) агар жамгарма васиятнома бўйича ташкил этилаётган бўлса, васиятноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) таъсис йиғилиши (съезди, конференцияси) ёки муассис (жамгарма бир юридик шахс томонидан ташкил этилаётган бўлса) томонидан қабул қилинган, жамгарма муассислари тўғрисидаги маълумотлар, жамгарманинг мақсад ва вазифалари кўрсатилган қарор;

г) жамгарма уставидан икки нусха;

д) рўйхатга олиш йиғими тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати;

е) жамгарманинг дастлабки маблағлари шаклланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Чет эл жамгармаларининг ваколатхоналари ва филиаллари давлат рўйхатидан ўтказилиши учун қуйидагилар тақдим этилади:

а) рўйхатга олиш тўғрисида жамгарма ваколатли органининг аризаси;

б) жамгарманинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган, жамгарманинг ваколатхонаси ёки филиали тўғрисидаги Низом;

в) ваколатхона ёки филиал мол-мулкни бошқариш учун жамгарманинг ваколатли органи томонидан берилган ишончнома;

г) жамгарманинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва уставнинг ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатларнинг белгиланган тартибда легаллаштирилган ҳамда давлат тилига таржима қилинган матни;

д) рўйхатга олиш йиғими тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати.

4. Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги Низом (22.03.1994 й. № 153. п. 4):

а) юридик шахслар бирлашмасини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза ва белгиланган шаклдаги рўйхатга олиш ҳужжати (картаси);

б) таъсис йиғилиши конференциясининг таъсис шартномаси ва уставни қабул қилиш тўғрисидаги баённома;

в) таъсис шартномаси ва уставнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

г) почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат;

д) корхона ЎЗР Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг маҳаллий органларида рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги маълумотнома;

е) юридик шахслар бирлашмасини рўйхатга олиш йиғимининг белгиланган миқдори тўланганлигидан далолат берувчи банк тўлов ҳужжати;

5. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатувчи жамоат бирлашмаларининг уставларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш қондалари (12.03.1993 й. № 132. п. 2):

а) жамоат бирлашмасининг раҳбар органи аъзолари томонидан исми, фамилияси, отасининг исми, сайланган лавозими, туғилган йили, яшаш жойи ва телефони кўрсатилган ҳолда имзоланган ариза;

б) нотариус томонидан (ёки уларни берган органлар томонидан) тасдиқланган устав, уставни қабул қилган таъсис йиғилиши (конференцияси) ёки умумий йиғилиш (съезд) баённомаси;

в) рўйхатдан ўтказиш йиғими тўланганлигидан далолат берувчи банк тўлов ҳужжати;

г) жамоат бирлашмасини ташкил қилиш ташаббускорлари (муассислар) тўғрисида маълумотлар (ташаббускорлар – фуқаролар учун фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, яшаш жойи; жамоат бирлашмалари учун – бирлашманинг номи, раҳбар органининг манзилгоҳи, устав рўйхатдан ўтказилган сана ва жой);

д) фамилияси, исми, отасининг исми, сайланган лавозими, туғилган йили, манзилгоҳи ва телефони кўрсатилган ҳолда раҳбар орган аъзолари тўғрисида маълумотлар. Бунда бир аъзо бир вақтда икки ва ундан ортиқ ННТ аъзоси бўла олмайди;

е) фаолиятни, нашриёт фаолияти ва босма органларини таъминлашни ўз ичига олган ҳолда, молиялаштириш манбалари тўғрисидаги декларация;

ж) ижарага берувчининг жамоат бирлашмасига тегишли хоналарни беришга розилиги ҳақида хати;

з) мазкур жамоат бирлашмасининг бошқа мамлакатлар, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон Республикасининг вилоятларида ташкилотлари борлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (мазкур ҳужжатлар халқаро, республика ёки вилоятлараро жамоат бирлашмалари ташкил қилинаётган ҳолда) тақдим қилинади.

и) сиёсий партиялар учун камида саккиз ҳудудий субъектда (вилоятда), жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшовчи камида беш минг партия аъзосининг рўйхати, қасаба уюшмалари учун камида уч минг фуқаронинг рўйхати илова қилинади. Рўйхатларда имзодан ташқари имзо кўювчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, доимий яшаш жойи кўрсатилади. Имзо ва маълумотлар мос равишда фуқаронинг яшаш жойида (иш, ўқиш ёки ҳарбий хизмат жойи) тасдиқланади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўладиган ва юқорида кўриб чиқилган ҳужжатларнинг рўйхатларини таққослар эканмиз, биз уларда мавжуд бўлган фарқларни кўрамиз, шу сабабли ННТни ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказишда кейинчалик рўйхатдан ўтказувчи адлия органи билан муаммолар келиб чиқишини истисно этиш мақсадида, бутун қонунчилик базасини синчиклаб ўрганиб чиқиш керак бўлади.

ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёни

Демек, Сиз нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этишга қарор қилдингиз, лекин бу ишни қай тарзда амалга оширишни билмайсиз, бундай ташкилотларни ташкил этиш тартибини белгиловчи қонун ҳужжатлари билан таниш эмассиз. Сиз ННТни тузишни ва рўйхатдан ўтказишни истайсиз, лекин ишни нимадан бошлаш ҳақида тасаввурга эга эмассиз. Шу боис ННТни шакллантиришда сизга ёрдам бериши мумкин бўлган ишқ тadbирлар рўйхатини ҳавола этамиз.

Нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этишга доир ташикий тadbирлар

Биринчи галда, Сизнинг рўйхатдан ўтказиш жараёни доирасида қиладиган ишингиз, бўлгуси нодавлат нотижорат ташкилоти аъзоларининг умумий

Йиғилишини чақириш бўйича ташкилий тадбирни ўтказишдан иборат бўлиб, унинг кун тартибида албатта ННТни ташкил этиш, таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш, раҳбарлик қилувчи ва назорат-тафтиш органларини сайлаш масалалари акс эттирилиши керак. Агар ННТ кўпроқ сонли аъзолардан иборат этиб тузилаётган бўлса, конференция чақириш зарур бўлиб, унда бўлгуси аъзоларнинг маълум сонидан муайян квота бўйича вакиллар (айтайлик, ташкилотнинг ҳар бир туман бўйича 10 нафар аъзосидан биттадан вакил) ҳозир бўлади.

Бундан ташқари, йиғилиш ўтказилгунга қадар нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрловчи ишчи гуруҳини тузиш зарур. Таъсис ҳужжатларининг лойиҳаларини ННТ аъзоларининг умумий йиғилиши кўриб чиқишига тақдим этиш мумкин бўлиши учун шундай қилиш керак бўлади.

Сиз умумий йиғилишда ННТнинг номини, унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини танлашга, жойлашадиган ери, уставнинг асосий қоидалари, муассислар таркиби, раҳбар органларни сайлаш ва уларнинг ваколатларини белгилашга ҳамда ташкилий тадбирларни аниқлаб олишга тааллуқли энг муҳим масалаларни ҳал этишингиз зарур.

Умумий йиғилишда (конференцияда) муҳокама қилинадиган барча масалаларни йиғилиш баённомасига киритиш лозим бўлиб, у тузилаётган ташкилотнинг барча иштирокчилари ёхуд уларнинг ваколатли вакиллари томонидан тасдиқланиши керак.

Йиғилиш баённомасида, қабул қилинган қарорлардан ташқари, йиғилиш ўтказилган жой ва вақти, иштирокчилар сони, йиғилиш раиси ва котиби, йиғилиш кун тартиби, нутқларда баён қилинган асосий қоидалар, овоз беришга қўйилган масалалар ва улар юзасидан овоз бериш яқунлари, шунингдек, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилади. Йиғилиш баённомасини раис ва котиб имзолайдилар.

Қарор қабул қилингунига қадар йиғилиш иштирокчилари таклифлар киритиш ва ҳужжатни конун ҳужжатлари талабларига мос ҳолга келтириш учун таъсис ҳужжатларини ўрганиб чиқиш имкониятига эга бўлишлари керак.

Шу тарққа, устав нодавлат нотижорат ташкилоти муассисларининг (аъзоларининг) умумий йиғилишида тасдиқланади, бунда улар нодавлат нотижорат ташкилотини тузиш мажбуриятини оладилар, уни ташкил этиш бўйича биргаликдаги фаолият тартибини белгилайдилар ва бошқа муҳим масалаларни ҳал этадилар.

ННТ устави умумий йиғилиш ўтказилган ва уни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кун тасдиқланган ҳисобланади. Бу қарор, нодавлат нотижорат ташкилотининг умумий йиғилиши, конференцияси ёки съезди баённомасида, йиғилиш бўлиб ўтган тегишли кун, ой ва йил кўрсатилган ҳолда қайд этиб қўйилиши керак. Шунинг эсда тутиш жоизки, ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар рўйхатдан ўтказувчи органга улар умумий йиғилишда тасдиқланган пайтдан эътиборан икки ойдан кечиктирмай юборилиши лозим.

ННТни рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни тайёрлаш

ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар туркумини тайёрлаш чоғида Сиз ушбу қўлланманинг олдинги бўлимларида кўрсатиб ўтилган конун

хужжатларининг умумий ва махсус меъёрларидан фойдаланишингиз керак. Умуман олганда, туркумга кирувчи хужжатларни тайёрлаш алоҳида малакани талаб қилмастлиги ва уларни ишлаб чиқувчиларда қийинчилик туғдирмаслиги лозим.

Лекин устанин ёзишни шундай иш тажрибасига эга бўлган кишиларга, масалан, юристлар ёки махсус маслаҳатчиларга топширган маъқул.

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун хужжатларни тайёрлаш пайтида кўпинча ННТ номини, жойлашадиган ерини тандан, унинг фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги декларацияни тўлдирини билан боғлиқ ва бошқа масалалар пайдо бўлади. Бу ерда ана шу масалалардан биъзиларини батафсилроқ ёритишни истаймиз.

Фирма номини бериш

Давлат рўйхатидан ўтиш жараёнида Сизда ташкилотга фирма номини бериш билан боғлиқ саволлар пайдо бўлиши мумкин.

“Фирма номлари тўғрисида”ги 2006 йил 18 сентябрда қабул қилинган ЎзР Қонунининг 3-моддасида назарда тутилганки, фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади.

Бундан келиб чиқадики, фақат тижорат ташкилотлари фирма номини олиш ҳуқуқига эга. Бирок, “Тадбиркорлик эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 2-моддасидан келиб чиққанда, бу қоида нодавлат нотижорат ташкилотларига нисбатан улар фаолиятининг ўз хусусиятига кўра тадбиркорлик бўлган қисмига қўлланилиши мумкин.

ЎзР Президентининг 2006 йил 24 майдаги Қарорига биноан, тасдиқланган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги Низомга (ЎзР Президентининг 2007 йил 20 мартдаги Қарорига биноан киритилган ўзгартишлари билан) мувофиқ, бир хил ёки адлаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотнома тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар туманлар (шаҳарлар) давлат статистика органларида расмийлаштирилади. Бундай маълумотномани олиш учун ариза берувчи шахсан ўзи келиб, почта алоқаси, электрон почта алоқаси ёки факсимил алоқа орқали туман (шаҳар) давлат статистика органига сўралаётган фирма номи кўрсатилган ариза билан мурожаат қилади.

Бундан келиб чиқадики, адлия органларида ва бошқа давлат тузилмаларида давлат рўйхатидан ўтадиган ННТда фирма номи берилганлиги тўғрисида маълумотнома олиш мажбурияти йўқ. Бундай талаб ННТнинг матлубот кооперативлари каби турларига ва муассисларнинг айрим турларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин. Бунда ННТ фирма номини олдиндан давлат рўйхатидан ўтиш учун хужжатларни топширишга қадар рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишиб олган маъқулдир.

Эмблеmani рўйхатдан ўтказиш

ННТ тўғрисидаги Қонунининг 19-моддасига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилоти байроқ, эмблема, нимпел ва бошқа рамзий белгиларга эга бўлиши мум-

кин, улар давлат рамзий белгиларига ўхшамаслиги керак. ННТнинг бундай рамзий белгилари уставга мувофиқ унинг раҳбар органи томонидан тасдиқланади ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Бу масала ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 мартдаги 133-сонли Қарори билан тасдиқланган Жамоат бирлашмаларининг рамзий белгиларини рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги Низом билан (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 апрелдаги 197-сонли Қарори билан киритилган ўзгартишлари билан) етарлича батафсил тартибга солинади.

Эмблемани рўйхатдан ўтказиш – бу ҳуқуқ, лекин мажбурият эмаслигини айтиб ўтиш керак бўлади. Қонун ҳужжатлари ҳар қандай нодавлат нотижорат ташкилотига ўз эмблемасини рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқини беради.

*Нодавлат нотижорат ташкилотни жойлашадиган ерни танлаш
ва ижара шартномаси тузиш*

Агар ташкил этилаётган нодавлат нотижорат ташкилотининг ўз биноси бўлма-са, ижарага берувчининг ННТга офис (идора) учун жой беришга розилиги ҳақида хат тақдим этиш мажбурияти рўйхатдан ўтказувчи органнинг талабларидан бири бўлиши керак. Ушбу хат ташкил этилаётган нодавлат нотижорат ташкилотининг бўлгуси жойлашадиган ерини ҳамда уни давлат рўйхатига олиш амалга ошириладиган юридик манзилини тасдиқловчи ўзига хос қафолат ҳужжати бўлади.

Шуни назарда тутиш керакки, муассислардан бирининг тегишли бинодан тадбиркорлик субъектининг почта манзили сифатида фойдаланишга бўлган ҳуқуқи борлигидан далолат берувчи ҳужжат (мулк ҳуқуқини берувчи ордер, бинони (хона) олиш тўғрисидаги шартнома, ижара шартномаси, бино (хона) ижарага берилганлиги тўғрисидаги ижарага берувчининг қафолат хати) ННТ почта манзилини тасдиқловчи далил бўлиши мумкин.

Шу сабабдан, Сиз ННТни ташкил этишда дуч келишингиз мумкин бўлган биринчи масала – бу ташкилотни жойлаштириш учун жой топишдир. Албатта, етарлича маблағ бўлгани тақдирда офис учун бинони мулк қилиб сотиб олиш мумкин, бироқ бундай сотиб олиш катта молиявий маблағни талаб қилади ва, одатда, нодавлат нотижорат ташкилотда бундай маблағ бўлмайди. Кўчмас мулкни сотиб олиш жараёнида одамлар кўпинча қаллобларнинг хатти-ҳаракатидан азият чекишларини назарда тутиб, олди-сотди битимларини расмийлаштириш учун ҳеч кимга ишончномалар бермасликни маслаҳат беришимиз мумкин. Негаки, одатда, воситачилар битимни расмийлаштириш вақтини тезлаштиришни рўқач қилиб сизни кўндирмоқчи бўладилар. Битимни расмийлаштириш чоғида, яхшиси, воситачиларга эмас, адвокатларга ёки бошқа мутахассисларга мурожаат этиш керак.

Агар Сиз офис учун квартирани сотиб олмоқчи бўлсангиз, аввало, уни сотиш тақиқлаб қўйилмаганлигига, унга нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари йўқлигига, у ерга ҳеч ким қайд этилмаганлигига, барча шахслар қонуний асосда чиқариб юборилганлигига ишонч ҳосил қилишингиз, квартирани унинг эгалари нима учун сотаётганлигини қўшнилардан сўраб-суриштиришингиз зарур ва ҳоказо.

Жой сотиб олиш учун етарлича маблағингиз бўлмаса, ўз ташкилотингизни жойлаштириш учун бошқа юридик ёки жисмоний шахслардан жойни ижарага

олигини тўғри келди. Одатда, жойни топишда нодават нотижорат ташкилотларига кўпинча таълим муассасалари ёки фирм ва маданият соҳаси ташкилотлари кўмакка келиб, офис учун жой берадилар. ННТ эса, ўз навбатида, бунинг эвазига уларнинг ривож топишида ёрдам кўрсатади.

Бу ҳолда Сиз жой ижара шартномасини ёки жойдан текин фойдаланиш тўғрисидаги шартнома тузишини зарур. Шуни назарда тутиш керакки, мол-мулкдан текин фойдаланиш тўғрисида шартнома тузилган тақдирда, иккала томон солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли солиқларни тўлаши керак.

Юридик шахснинг жойланган ери уставда кўрсатилиши сабабли, у ўзгартирилган тақдирда, Сизнинг тижорат ташкилотингизнинг манзили ўзгаргани ҳақида рўйхатдан ўтказувчи органини, солиқ органини ва бошқа манфаатдор ташкилотларини хабардор қилишини зарур. Шу боисдан нодават нотижорат ташкилоти жойлашадиган ери танлаётганда ижарага берувчи билан ижара шартномасини узоқ муддатга тузишни маслаҳат берамиз.

Эса тўғри, ижара шартномаси маҳаллий ҳокимият органларининг ваколат берилган тузилмаларида давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт (ЎЗР ФК 539-моддаси).

Ижара муносабатлари фуқаролик қонун ҳужжатларининг меъёрлари билан тартибга солиниши сабабли, ижара шартномаси ёки жойдан текин фойдаланиш шартномасини тузаётганда унинг муддатига алоҳида эътибор қаратинг. Ижара шартномаси ёки жойдан текин фойдаланиш шартномасининг муддати пўқлиги Сизга бундай жойдан муддатсиз фойдаланиш имкониятини беради, деб ҳисобланган. Шунга қарамасдан, агар шартномада ижара муддати кўрсатилган бўлса, ЎЗР ФК 549-моддасига кўра, хатто ижарага топширилган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши ижара шартномасининг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши учун асос бўлмайди. Демак, ижара муддати ҳали тугамаган бўлса, жойнинг ижара шартномаси бекор қилинишини ва ташкилотингиз ишлаб турган жойдан чиқариб юборилишини ҳеч ким талаб қила олмайди.

ЎЗР ФК 540-моддасига мувофиқ, агар кўчмас мулк ижара шартномасининг муддати белгиланмаган бўлса, тарафлардан ҳар бири бошқа тарафни уч ой олдин огоҳлантириб, исталган пайтда шартномадан воз кечиши мумкин. Лекин Сиз шартномада бошқа муддатни ҳам назарда тутишингиз мумкин, аммо амалиётда кўпчилик бу ҳуқуқдан фойдаланиш мумкинлигини эсдан чиқаради.

Шу сабабдан, шартноманинг амал қилиш муддагини кўрсатган ва унинг узайтирилишини назарда тутган маъқул. Бу Сизни шартноманинг тўсатдан бекор қилиниши хавфидан ва ННТнинг жойлашган ери алмашинганда таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар киритилиши билан боғлиқ ортиқча харажатлардан саклайди.

Сиз шартномадаги шартларни танлашга қанчалик жиддий ёндашсангиз, унинг асосида ишлаш шунчалик енгил бўлади. Жойни қабул қилиб олиш-топшириш далолатномасини, жойни батафсил тавсифлаган ҳолда, ўз вақтида расмийлаштириш жуда муҳимдир, акс ҳолда, кейинчалик шартномани бекор қилиш чоғида бу жойнинг, ундаги жиҳозларнинг ҳолати хусусида Сизга асоссиз даъволар қилиниши мумкин ва ҳоказо.

Жойнинг Сиз амалга оширишингиз лозим бўлган таъмирланиши суммасини ижара ҳақи ҳисобига киритишни жойнинг эгаси билан келишиб олганингиз, агар ННТ фаолияти учун зарур бўлса, жойни қайта режалаштириш учун жой эгасидан ва тегишли давлат органларидан олдиндан рухсат олишингиз мақсадга мувофиқдир. Таъмирлаш ишларига қурилиш ташкилотлари жалб этилган тақдирда, қуйидагиларни назарда тутинг:

а) юридик шахс сифатида тегишли давлат рўйхатидан ўтган ташкилотларнинг хизматидан фойдаланинг;

б) шартнома тузилмагунга қадар пудратчининг вакиллари иш бошлашига йўл қўйманг;

в) шартномани тузиш чоғида қатъий баҳони белгилаб қўйинг, акс ҳолда, бу ташкилот қурилиш материалларининг нархлари ошганлиги ёки қўшимча ишлар бажарилиши зарурлиги муносабати билан Сиздан ҳақ талаб қилиши мумкин;

г) шартномада бажарилган ишларнинг сифати учун пудратчининг жавобгарлигини ва бу шартга риоя этмаганлик учун жарима чораларини белгилаб қўйинг;

д) таъмирлашдан чиқарилган жойни қабул қилиб олиш-топшириш далолатномаси имзолангунга қадар хизматларнинг тўлиқ қийматини пудратчининг банкдаги ҳисобварағига ўтказманг.

ННТ фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги декларация

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият олиб бораётган жамоат бирлашмаларининг уставларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш қоидаларида рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар орасида ННТни молиялаштириш манбалари тўғрисидаги декларация назарда тутилган бўлиб, унинг намунаси ушбу қўлланмага иловада берилди.

Декларацияга мувофиқ, қуйидагилар нодавлат нотижорат ташкилотини молиялаштириш манбаларидир: муассис ажратиб берган сумма, ННТ муассислари ва аъзоларининг кириш бадаллари, фуқаролар ва ташкилотларнинг ихтиёрий ажратмалари, ННТ фаолиятининг барча турларидан олинадиган даромадлар, унинг банкдаги ҳисобварақларида турган маблағлар. Ноширлик фаолиятини молиялаштириш манбаи декларацияда алоҳида хатбошида ажратиб кўрсатилиши керак.

Бундай декларацияни тўлдираётганда сиз унда кўрсатилган таърифлар нима-ларни ифодалашини билишингиз керак.

Масалан, кириш бадаллари аъзоликка асосланган нодавлат нотижорат ташкилотида: жамоат бирлашмалари, уюшмалар, кооперативлар ва бошқаларда кўзда тутилади. Уставда аъзолик бадаллари, уларни киритиш муддатлари, миқдорлари ва тартиби кўрсатилган ҳолда назарда тутилиши керак. ННТ муассислари ва аъзоларининг аъзолик бадаллари молиявий маблағлар сифатида ҳам, мол-мулк билан натурал ҳолида ҳам киритилиши мумкин.

Ихтиёрий ажратмалар жумласига нодавлат нотижорат ташкилоти ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслардан қабул қилиб олиши мумкин бўлган турли хилдаги хайриялар, грантлар, ихтиёрий беғараз ёрдамнинг бошқа турлари қиради.

Тадбиркорлик ва бошқа фаолиятдан даромадлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилишдан ҳам, молиявий ва инвестиция фаолиятдан ҳам олинishi

мумкин. Подавлат нотижорат ташкилоти мол-мулк мулкдори сифатида олинган даромадлардан турли мақсадларда фойдаланиши мумкин. Чунки қонун ҳужжатлари мөътаваққиф ва инвестиция фаолияти бўйича ННТнинг фаоллигини чекламайди.

Декларацияни тўлдиришда Сиз расмий ҳужжатларда (банк кўчирмалари, қитъақиялар ва ҳ.к) баён қилинган маълумотлардан фойдаланишингиз керак.

Рўйхатга олиш йиғимини тўлаш

ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмаларининг уставларини рўйхатга олишни тартибга солиш тўғрисида”ги 132-сонли Қарорининг (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 августдаги 423-сонли, 1997 йил 8 апрелдаги 177-сонли, 2003 йил 30 апрелдаги 197-сонли, 2004 йил 29 апрелдаги 203-сонли қарорларига биноан киритилган ўзгартирилари билан) 3-бандига мувофиқ, жамоат бирлашмаларининг уставларини рўйхатга олганлик учун йиғим қуйидаги миқдорларда белгиланган:

Халқаро жамоат бирлашмалари	Энг кам иш ҳақининг 20 баравари, шунингдек, 100 АҚШ долларига тенг миқдорда эркин айирбошланадиган валютадаги йиғим
Республика ва вилоятлараро бирлашмалари	Энг кам иш ҳақининг йиғирма баравари
Бошқа жамоат бирлашмалари	Энг кам иш ҳақининг ўн баравари

Бу йиғимларнинг ставкалари адлия органларида давлат рўйхатидан ўтадиган подавлат нотижорат ташкилотларининг барча ташкилий-ҳуқуқий шакллариغا нисбатан татбиқ этилади.

Подавлат нотижорат ташкилотини қайта рўйхатдан ўтказганлик, ННТ уставига киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчаларни келишиб олганлик учун йиғим белгиланган рўйхатга олиш йиғимининг 50 фоизини ташкил этади.

Маъқур йиғимлар мажбурийдир ва ҳатто ННТ уставларини рўйхатга олиш ёки қайта рўйхатга олиш рад этилган ҳамда бу ҳақдаги қарор ўзгаринсиз қолдирилган тақдирда ҳам қайтарилмайди.

Йиғимларни тўлаш учун банк ҳисобварақлари ва банкларнинг реквизитларини давлат рўйхатидан ўтказувчи тегишли адлия органидан олиш мумкин, шу жумладан, бундай ахборот ЎзР Адлия вазирлигининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг махсус стендларида бўлади.

Подавлат нотижорат ташкилотларининг ногиронлар, фахрийлар, хотин-қизлар ва болалар жамоат бирлашмалари каби баъзи тоифаларига уставлари давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисида гувоҳнома берилганлиги учун йиғимлар юқориди кўрсатиб ўтилган ставкаларнинг 25 фоизи миқдорда белгиланади. Айни чоқда, давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома йўқотилган тақдирда, ҳужжатнинг дубликати берилганлиги учун рўйхатга олиш йиғимининг 50 фоизи ундирилади.

Бошқа давлат органларида давлат рўйхатидан ўтадиган нодавлат нотижорат ташкилотларининг рўйхатга олиш йиғимини тулашига келсак, бундай йиғимлар ставкаларининг миқдори тегишли меъёрий ҳужжатларда белгиланади. Бунда ана шу ставкаларнинг энг юқори миқдорлари ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан белгилаб қўйилади.

Ҳужжатларни рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этиш

Бу ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиб-таомилидаги ғоят масъулият билан қўйиладиган қадамлардан биридир, шу боисдан бу ишга сабр-тоқат билан киришишингиз талаб қилинади. Барча зарур ҳужжатларни папкага – тикма жилдга тупланг, устига ташкил этилаётган ННТ номини ёзинг ва уларни ташкилотингизни давлат рўйхатидан ўтказадиган давлат органига топширинг.

Айрим ҳолларда рўйхатдан ўтказувчи органлар ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказишга топширилганидан далолат берувчи махсус қайдлов рақами берадилар. Агар рўйхатдан ўтказувчи органда бундай амалиёт қўлланилмаса, ўз папкангизни топшираётганда рўйхатдан ўтказувчи органнинг уни қабул қилиб олган ходимдан аризангизнинг кўчирма нусхасига ўз имзосини ва санани қўйишини сўранг. Бу Сизнинг ҳужжатларингиз рўйхатдан ўтказишга топширилганлигининг тасдиғи бўлади.

Сизнинг ҳужжатларингиз тартиб-таомил жараёнидан ўтишини назорат қилиш мақсадида рўйхатдан ўтказувчи органнинг камчиликлар ҳақидаги барча кейинги фикр-мулоҳазалари ва улар бартараф этилганлиги ҳоллари ёзма равишда қайд этилиши, топширилиши ва монанд равишда расмий даражада расмийлаштирилиши керак.

ННТни давлат органларида рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомили

ННТ таъсис ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқишнинг мавжуд тартибига мувофиқ (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмаларини рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш тўғрисида”ги 1993 йил 12 мартдаги 132-сонли Қарори), рўйхатдан ўтказувчи орган тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғрилигини ва уларнинг амалдаги конун ҳужжатларига мослигини текширади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган, зарурат бўлган тақдирда, тегишли ташкилотларга ННТ уставини экспертизадан ўтказишни топширишга ҳақлидир. Шу муносабат билан аризани кўриб чиқиш муддати бир ойдан кўп бўлмаган вақтга узайтирилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилоти тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан рўйхатдан ўтказувчи орган куйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- 1) уставини рўйхатга олиш тўғрисида;
- 2) рўйхатга олишни рад этиш тўғрисида;
- 3) аризани кўриб чиқмасдан қолдириш тўғрисида.

3-банд ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 23-моддасига зид келади, чунки у ерда қарорнинг: ННТни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ёки рўйхатдан ўтказишни рад

нинг тўғрисидаги фақат иккита варианты назарда тутилган. Қондаларнинг 3-банди Қонунга мос бўлмагани боис у юридик кучга эга эмас ва қўлланилмайди.

Барча мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидаги корхоналар ва ташкилотларни ягона давлат регистрга киритиш

Ташкилотни давлат реестрга киритиш (ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 24-моддаси) ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш йўлидаги яна бир қадамдир. ЎЗР ФК 44-моддасида белгилаб қўйилганидек, рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар барча танишиб чиқиш учун очиқ бўлган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрга киритилади.

Давлат реестри аслида барча мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидаги корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри деб аталади. ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 17 ноябрдаги 555-сонли Қарори билан тасдиқланган барча мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидаги корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги Низом (ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 сентябрдаги 427-сонли, 2001 йил 27 июндаги 276-сонли, 2007 йил 6 июндаги 109-сонли қарорларига биноан киритилган ўзгартишлари билан) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар ва ташкилотларни унга киритиш тартибини белгилайди.

Ягона давлат регистри ЎЗР статистика органлари томонидан юритилади, вилоят, шаҳар ва туман реестрларининг сақловчилари эса ЎЗР Давлат статистика қўмитасининг тегишли органларидир.

Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари ўзининг ННТ реестрини юритади.

ННТни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асослари ва бундай рад этиш устидан ишқоят қилиш

ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 25-моддасида нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказишни рад қилиш асослари санаб ўтилган. Таъсис ҳужжатларига ишбитан қўйиладиган талабларни, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилоти устави ва таъсис шартномасининг асосий қоидаларини белгиловчи, ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 16–17-моддаларида назарда тутилган қоидаларни бажармаслик ННТни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асослари жумласига қиради. Булар, аввало:

а) нодавлат нотижорат ташкилотини тузишнинг қонунда белгиланган тартиби бузилганлиги ёки унинг таъсис ҳужжатларида қонунга номувофиқликлар борлиги;

б) ННТнинг рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган таъсис ҳужжатларида нотўғри маълумотлар мавжудлиги.

Ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тайёрлаш ва тақдим этиш чоғида қўлга келган процессуал тусдаги бузилишлар рад этиш асосларининг бошқа гуруҳига қиради.

а) ҳужжатлар рўйхат бўйича тўлик тақдим этилмаганлиги ёки улар лозим даражада расмийлаштирилмаганлиги;

б) устав умумий йиғилишда қабул қилинган пайтдан бошлаб икки ойлик муддат ўтганидан кейин ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилганлиги.

Агар давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга доир келтирилган асослар ННТ тўғрисидаги Қонуннинг тегишли моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган талабларнинг бузилишлари жумласига кирса, давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асосларининг кейинги гуруҳи ЎзР Конституцияси меъёрларининг бузилишларидан иборат, хусусан:

а) нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатлари давлатнинг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришни, суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига путур етказишни, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситишни, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилишни, фуқароларнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилишни мақсад қилиб қўйганлиги;

б) нодавлат нотижорат ташкилотининг номи ёки рамзий белгилари маънавиятга, фуқароларнинг миллий ва диний туйғуларига дахл қилганлиги;

в) таъсис ҳужжатларида ҳарбийлаштирилган бирлашмалар тузиш назарда тутилганлиги.

Таъсис ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасининг қонунларига зид қоидалар мавжуд бўлган бошқа ҳолларда ҳам ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилиши мумкин.

Жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш қоидаларининг 5-бандида белгилаб қўйилган республика бирлашмалари ва бошқа жамоат бирлашмаларининг уставларини айни бир хил ном остида рўйхатга олишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги қоида рўйхатдан ўтказишни рад этишнинг навбатдаги асоси бўлади. Айни бир хил номдаги икки ёки ундан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти ариза билан мурожаат этган тақдирда, уставни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида бошқаларидан олдин ариза топширган ННТга афзаллик берилади.

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг ННТни давлат рўйхатига олишни рад этиш тўғрисидаги қароридан рад этишнинг асослари, албатта, юқорида қайд этилган бузилишлар борлиги далил қилинган ҳолда, кўрсатилиши керак. ННТни тузиш мақсадга мувофиқ эмас, деган ваз билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ, ННТни рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч кун ичида адлия органи муассисларга қонун ҳужжатларининг қайси қоидалари бузилганлиги давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга олиб келганлиги ҳақида аниқ кўрсатилган ҳужжат бериши шарт.

Нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилиши рад этиш сабаблари бартараф этилган тақдирда ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этишга тўсқинлик қилмайди.

ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилганлиги устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотини қайта рўйхатдан ўтказиш масалалари

ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ, ННТнинг таъсис ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибида ва муддатларида давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказилиши керак. Бу меъёрдан келиб чиқадики, қонун чиқарувчи таъсис ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш учун талаб қилинадиган ҳужжатларни тақдим этишнинг ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 22-моддасида назарда тутилган айни шундай тартиби ва муддатларини белгилаб қўйган. Ташкилий масалаларни ҳал этишга нисбатан айни шундай ёндашув Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият олиб боровчи жамоат бирлашмаларининг аризаларини кўриб чиқиш ва уларнинг уставларини рўйхатдан ўтказиш қоидаларининг 2, 13–14-бандларида баён қилинган. ННТ халқаро ННТга ёки унинг филиалига айлантирилган тақдирда уни қайта рўйхатдан ўтказиш мажбурийдир (ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 27-моддаси).

Кўрсатиб ўтилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, қайта рўйхатдан ўтиш учун ҳам, таъсис ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиб-таъсислари учун ҳам съезд (конференция) ёки умумий йиғилиш ўтказилган кундан ўн кун ичида рўйхатдан ўтказувчи органга қуйидаги ҳужжатларни уч нусхада тақдим этиш талаб қилинади:

- а) ННТ устави;
- б) ННТ таъсис йиғилишининг баённомаси;
- в) рўйхатга олганлик учун йигим тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати;
- г) ташкил этиш ташаббускорлари (жамоат бирлашмасининг муассислари) тўғрисидаги маълумотлар, шуниси ҳам борки, ташаббуслар-фуқаролар учун – фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, яшаш жойи; жамоат бирлашмалари учун – бирлашма номи, раҳбар органининг жойлашган ери, устав рўйхатга олинган сани ва жой кўрсатилади;

д) фамилияси, исми, отасининг исми, сайлаб қўйилган лавозими ва ҳоказо кўрсатиладиган ҳолда раҳбар орган аъзолари тўғрисидаги маълумотлар. Бунда битта жамоат бирлашмаси раҳбар органининг аъзоси бир вақтнинг ўзида бошқа жамоат бирлашмаси раҳбар органининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Демак, айтиш мумкинки, амалга ошириладиган ҳаракатлар ва талаб қилинадиган ҳужжатлар ҳажми бўйича қайта рўйхатдан ўтказиш, яъни таъсис ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ННТни давлат рўйхатидан ўтказишга тенглаштирилган. Гарчи, қоида тариқасида, киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар таъсис ҳужжатларининг мазмунини фақат қисман ўзгартирса-да, шунга қарамай, тақдим этиладиган ҳужжатларнинг бутун туркумини янгидан расмийлаштиришга тўғри келади. Шубҳасиз, буларнинг барчаси нодавлат нотижорат ташкилотларини қайта рўйхатдан ўтказиш ҳамда таъсис ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш жараёнини мураккаблаштиради, ННТ учун қўшимча қийинчиликлар туғдиради.

Юридик шахсларни қайта ташкил этиш жараёнида тузиладиган ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш

ЎЗР ФК 49-моддаси ва ННТ тўғрисидаги Қонун 20-моддасининг умумий меъёрларига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотини қайта ташкил этиш бирлашиш, қўшилиш, бўлиниш, ажралиб чиқиш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилоти, қўшилиш шаклидаги қайта ташкил этиш ҳолларини истисно этганда, янгидан вужудга келган ташкилот ёки ташкилотлар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан қайта ташкил этилган деб ҳисобланади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти бошқа ташкилотга қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этилганда, қўшиб юборилган ташкилот фаолиятини тугатганлиги ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат регистрига киритилган пайтдан эътиборан ННТ қайта ташкил этилган деб ҳисобланади.

Бундан ташқари, ННТни ўзгартириш ҳуқуқи баъзи бошқа қонунларда ҳам назарда тутилган. Жумладан, “Жамоат жамғармалари тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 36-моддасига кўра, жамғарманинг қайта ташкил этилишига фақат бошқа жамғарма билан қўшиб юборилган, бошқа жамғармани бирлаштириб олган ёки бошқа жамғармага бирлаштирилган ҳолларда йўл қўйилади. “Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 17-моддасига мувофиқ, ширкатни қайта ташкил этиш ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ширкат аъзоларининг эллик фоизидан кўп овози билан қабул қилинган қарорига биноан амалга оширилади. Бунда қайта ташкил этилаётган ширкатнинг мол-мулкни ажратиб ёки бўлиб бериш ширкат аъзоларининг ширкат мол-мулкни шакллантиришдаги иштирокига мутаносиб тарзда амалга оширилади.

Юқорида кайд этиб ўтилганидек, нодавлат нотижорат ташкилоти Ягона давлат регистрига киритилаётганда унга тармокни, ҳудудий мансубликни, мулк шаклини, ташкилий-ҳуқуқий шаклини белгилаб қўювчи хос рақамлар (кодлар) берилади ва материаллар тақдим этилганидан кейин бир ҳафталик муддатда тегишли гувоҳнома берилади.

Рўйхатга олиш ҳужжати (картасига) киритилган кўрсаткичлар ўзгарган тақдирда, нодавлат нотижорат ташкилотлари бу ҳақда регистр сақловчисига ўн кунлик муддатда хабар қилиши шарт, юридик шахс тугатилган тақдирда эса тугатиш комиссияси бу ҳақда регистр сақловчисини бир ҳафталик муддатда хабардор қилиши шарт.

ННТни давлат рўйхатидан ўтказишдаги қийинчиликлар ва муаммолар

Маълумки, Ўзбекистонда ННТнинг асосий қисми жамоат бирлашмалари шаклида рўйхатдан ўтказилади. ННТни давлат рўйхатидан ўтказишдаги муаммоларнинг аксарияти амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар туфайли юзага келади. Чунончи, ННТ тўғрисидаги Қонунда рўйхатдан ўтиш учун ҳужжатлар миқдори жамоат бирлашмаларининг уставларини рўйхатга олиш тўғрисидаги Қоидалардагидан кам қилиб кўрсатилган. Бунинг

устига, ННТ тўғрисидаги Қонун адлия органлари томонидан қарор чиқарилиши учун фақат иккита варианты нодавлат нотариат ташкилотини рўйхатга олиниши ёки рўйхатга олишни рад этишни назарда тутди, Қоидаларда эса аризани кўриб чиқмасдан қолдиришдан иборат вариант ҳам назарда тутилган.

Қонуннинг устуңлиги принципига кўра, нодавлат нотариат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказишда рўйхатдан ўтказувчи органлар амалдаги ННТ тўғрисидаги Қонун қоидаларига таяниши керак, лекин адлия органлари ННТни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорларни эскирган Жамоат бирлашмаларининг уставларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш қоидалари асосида қабул қилишни давом эттирмоқдалар. Натижада, аризани кўриб чиқмасдан қолдириш тўғрисидаги ифода шакли адлия органлари томонидан хануз қўлланилиб келинмоқда. Бундай ҳолат рўйхатдан ўтказувчи адлия органларининг ҳаракатлари устидан судга шикоят қилишни қийинлаштиради, чунки нодавлат нотариат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган тақдирдагина суд органига муурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Кўрсатиб ўтилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда рўйхатга олиш муддати икки ой этиб белгиланган. Лекин, айни чоқда, Қоидаларда уставларни экспертизадан ўтказиш учун тегишли органларга йўллаш имконияти назарда тутилган бўлиб, шу муносабат билан уставни кўриб чиқиш муддати яна бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ўз навбатида ННТ тўғрисидаги Қонунга зиддир.

Яна шуни қайд этишимиз жоизки, ҳозирги вақтда ННТдан фарқли равишда тижорат тузилмалари учун имтиёзли шарт-шароит яратилган, яъни рўйхатдан ўтказишнинг хабардор қилиш тартиби жорий этилган. Шунга кўра, тадбиркорлик субъекти ҳужжатларнинг энг кам миқдорини тақдим этади, рўйхатдан ўтказувчи орган эса тегишли руҳсат этувчи ҳужжатларни ўзи сўрайди ва олади.

Кўпинча нодавлат нотариат ташкилотларида тижорат ташкилотларидагига қараганда кўпроқ рўйхатга олиш йиғими тўлаш муаммоси пайдо бўлади ва, бундан ташқари, белгиланган ставкалар ҳаётийликдан йироқ ва воқеликни акс эттирмайди. Қорақалпоғистон Республикаси нодавлат нотариат ташкилотлари рўйхатдан ўтказиш бадаллари миқдори бўйича республика ва вилоятлараро бирлашмалар тоифасига киритилган. Ваҳоланки, мазкур минтақа ҳудудида фаолият кўрсатувчи нодавлат нотариат ташкилотлари ва республика аҳамиятидаги ННТ ўртасида тенглик белгисини қўйиш мантиқсиздир.

Қонун ҳужжатлари меъёрларидаги айрим қарама-қаршиликлар билан боғлиқ объектив муаммолардан ташқари, ташаббускор гуруҳларнинг вакилларида ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида муайян қийинчиликлар юзага келиши мумкин.

Биз фаолият кўрсатаётган нодавлат нотариат ташкилотлари вакиллари орасида оралатиб сўров ўтказганимизда уларнинг кўплари давлат рўйхатидан ўтқиш жараёнида қуйидаги муаммоларга дуч келганликлари маълум бўлди: давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган муддатиға рива этилмаслиги; ташкилий-ҳуқуқий шаклин ва фаолият йўналишини ўзгартириш ҳақида рўйхатдан ўтказувчи орган тавсиялар бериши; рўйхатдан ўтказувчи орган амалдорларининг жамоат бирлашмасини ёки жамоат жамғармасини ташкил этиш мақсадға мувофиқ эмаслиги ҳақидаги олғиқи фикр-мулоҳазалари; устав номини, шу жумладан, ташкилот номини ўзгартириш ҳақидаги асоссиз талаблар; уставға

доир ҳужжатларни тайёрлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар томонидан шундай пулли хизматлар таклиф этилиши; жамоат бирлашмалари муассисларининг сонини кўпайтириш тўғрисидаги кўрсатмалар; ННТ ўрнига тижорат тузилмасини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги тавсиялар; рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларда назарда тутилмаган (уставни олдиндан маҳаллий ҳокимият органлари билан келишиб олиш, айрим шахсларни муассислар таркибидан чиқариб юбориш каби ва ҳ.к.) талаблар.

Шубҳасиз, ташаббускор гуруҳлар вакилларининг аксарияти шундай мураккабликларга дуч келгач, нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказиш рад этилиши мумкинлигидан хавотирланиб рўйхатдан ўтказувчи органлар вакилларининг турли талабларига розилик билдиришни афзал кўрадилар. Баъзан рўйхатдан ўтказувчи орган вакилининг ҳар қандай шартини бажаришга эътирозсиз кўниш шунга олиб келадики, янги талабларни бажариш зарурлиги сабабли рўйхатдан ўтиш муддатлари кўп ойларга чўзилиб кетади.

Бундай муаммоларни бартараф этиш учун биринчи галда ННТни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида ННТлар, қонун чиқарувчи давлат тузилмалари, халқаро ташкилотлар ва бошқа манфаатдор томонларнинг куч-гайратини жамлаш керак.

Ҳозирги вақтда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирокчилари мансабдор шахсларнинг гайриҳуқуқий ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан тегишли давлат органларига аризалар билан мурожаат этиб, ўз манфаатларини ҳимоя қилишлари ва конституциявий ҳуқуқлардан фойдалана олишлари учун уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириб боришга катта эҳтиёж бор.

Ташаббускор гуруҳларнинг ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш чоғидаги одатий хатолари

Мавжуд қонун ҳужжатларидан ва рўйхатдан ўтказувчи органлар нодавлат нотижорат ташкилотларини таъсис этишда қўйиши мумкин бўлган талаблардан хабардор бўлинган тақдирда, ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ муаммолар ва кийинчиликларни энг кам даражага тушириш мумкин.

Шу ерда биз амалий маслаҳатлар тарихида Сиз ННТ таъсис ҳужжатларини тайёрлаш ва ҳаётга татбиқ этиш чоғида дуч келишингиз мумкин бўлган энг одатий хатоларни, шунингдек, уларни бартараф этишга қаратилган тавсияларни келтирамиз.

1. Таъсис ҳужжатларида амалдаги қонун ҳужжатларининг меъёрларини буздиغان қоидалар бўлади, шу сабабли уларнинг қоидаларини нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан пухта солиштириб чиқиш зарур.

2. Таъсис ҳужжатларида грамматик ва стилистик хатолар бўлиши рўйхатдан ўтказувчи орган уларни маромига етказиш учун бир неча марта қайтаришига олиб келади, шу сабабли, ННТни рўйхатдан ўтказиш муддатларини қисқартириш учун таъсис ҳужжатлари матнларининг грамматикаси, баён қилиниш услуби ва маъно-мазмунини синчиклаб текшириб чиқиш керак бўлади.

3. Таъсис ҳужжатларида ташкилот фаолиятининг мақсадлари, йўналишлари аниқ баён этилмаслиги конун ҳужжатлари қўядиган талабларга зиддир, шунингдек улар ҳужжатларнинг маромига етказилиши учун қайтарилишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боисдан, ННТ фаолиятининг мақсад ва йўналишларини аниқ белгилаб олиш зарур, зеро, ташкилотингизнинг кейинги бутун фаолияти улар асосида йўлга қўйилади.

4. Ташаббускор гуруҳлар кўпинча ташкилот раҳбарининг ёки рўйхатдан ўтказувчи орган жойлашган ерга бориб ҳужжатларнинг кам-кўстини тўлдириб, маромига етказиш билан шуғулланадиган ишончли шахснинг манзилени, алоқа воситаларини кўрсатишни эсдан чиқарадилар, шу туфайли рўйхатдан ўтказувчи орган вакили тегишли ахборотга эга бўлмайти. Таъсис ҳужжатларини аниқлаштириш, хатоларни бартараф этиш ва унга ўзгартишлар киритиш учун мурожаат этиш мумкин бўлган ННТдаги давлат рўйхатидан ўтказишга масъул шахсни аниқ кўрсатиш керак бўлади.

5. Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан берилган фикр-мулоҳазалар жамланиб, ННТнинг нотариал тасдиқланган уставни ташаббускор гуруҳга қайтариладиган ҳоллар бўлади. Устав такроран нотариал тасдиқлангандан кейин рўйхатдан ўтказувчи орган бошқа камчиликларни топади, ҳужжатни яна бир бор маромига етказиш учун қайтаради ва х.к. Бунга йўл қўймаслик учун рўйхатдан ўтказувчи орган вакилларида устав лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазаларини Сизга расмий бланкада, ёзма равишда, ваколатли шахс имзоси билан тасдиқланган ҳолда беришларини талаб қилинг. Сиз рўйхатдан ўтказувчи орган вакилларида ННТ тўғрисидаги конун ҳужжатларига зид ғайриқонуний талабларини баъжармаслигингиз кераклигини асосий тавсиялар сифатида айтиб ўтишни истаймиз. Рўйхатдан ўтказувчи органларнинг ҳар қандай фикр-мулоҳазалари ёзма равишда бўлиши ва Сизга жўнатма хабарларнинг жўнатиш қайдлов рақами қўйилган ҳолда юборилиши керак.

Шуни эсда тутингки, ташкилотни рўйхатдан ўтказишни рад этишнинг барча асослари конунларда аниқ белгиланган, давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга доир конун ҳужжатларида белгиланмаган бошқа барча асослар қонунга ҳилофдир. Мансабдор шахсларнинг ННТни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш билан боғлиқ қонунга ҳилоф ҳаракатлари устидан суд тартибида ва юқори органга шикоят қилиш мумкин.

Шу муносабат билан Сизга ҳужжатларни рўйхатдан ўтказувчи органга топшираётганда хатларнинг ва ҳужжатларнинг улар қабул қилиб олингани ҳақида рўйхатдан ўтказувчи органнинг белгилари қўйилган барча кучирма нусхаларини ўзингизда қолдиришни тавсия этамиз.

Агар рўйхатдан ўтказувчи орган вакили Сиздан ҳужжатларни қабул қилишни рад этса, уларни почта алоқаси бўлими орқали буюртма хат қилиб юборинг.

Хулласе, ННТни рўйхатдан ўтказиш жўн тартиб-таомил эмас, бу жараёнда қатъият ва ақолида интилувчанлик каби фазилатлар иш беради. Агар ташаббускор гуруҳ таъсис ҳужжатларини конун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ тайёрлагани қолди бўлмаса, нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин ҳам муваффақиятли ишлаб кетиши ва ривож топиши гоят мушкул бўлади.

Шу сабабли, Сиз ўз нодавлат нотижорат ташкилотингизни ташкил этишдан кўзланган максадларни амалга оширишнинг уддасидан чика олиш-олмаслигингизни яхшилаб ўйлаб кўришингиз зарур.

ННТ давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейинги дастлабки қадамлар

ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш натижаларига кўра, Сиз хўжалик субъекти Ўзбекистон Республикаси корхоналари ва ташкилотларининг ягона давлат регистрга киритилганлиги тўғрисида гувоҳнома олдингиз. Табриклаймиз!

Нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномада ташкилотингизнинг тўлик номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ери, статистика кодлари (хос рақамлари), давлат рўйхатига олиш рақами ва санаси ёзилган.

Лекин давлат рўйхатидан ўтказиш жараёни ҳали тугаганича йўқ, чунки Сиз солиқ ва статистика органларида ҳисобга туришингиз керак. Бунинг учун нима қилиш зарур ва буни қандай изчилликда амалга ошириш керак?

1. Солиқ органида ҳисобга қўйиш.

ННТни солиқ тўловчи сифатида ҳисобга олиш ЎзР Солиқ кодексининг 13-боби (77-84-моддалар) асосида амалга оширилади.

ННТ ҳисобга қўйилаётганда унга солиқ тўловчининг идентификация рақами берилади, ҳисобга қўйиш маълумотлари Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрга киритилади ва идентификация рақами берилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади.

Шуни эсда тутиш керакки, ННТнинг солиқ тўловчи сифатидаги идентификация рақами пул билан ҳисоб-китоб қилинадиган тўлов ҳужжатларида, давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган молиявий ва солиқ ҳисоботи ҳужжатларида, хўжалик, фуқаролик-ҳуқуқий ҳамда меҳнат шартномаларида, ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларида қиймат ифодасига эга бўлган молиявий, мулкӣ ва бошқа мажбуриятлар юзага келганлигини белгилловчи ёки тасдиқловчи ҳужжатларда албатта ёзиб қўйилади.

Солиқ органида ҳисобга қўйишда қуйидагилар солиқ тўловчи – юридик шахс ҳақидаги асосий ҳисоб маълумотлари эканлигини назарда тутинг: ННТнинг идентификация рақами, номи (тўлик ва қисқартирилган номи), жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шакли, солиқ тўловчи қайси ташкилотнинг таркибига кирса, шу ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилган сана, жой ва тартиб рақами, солиқ тўловчининг идентификация рақами кўрсатилган ҳолда муассисларнинг тўлик таркиби.

Шу рўйхатдан келиб чиққан ҳолда, ННТ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органига ҳисобга қўйиш тўғрисида белгиланган шаклдаги аризани тақдим этади ва унга нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг кўчирма нусхасини илова қилади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти ўз ваколатхонаси ёки филиалини ҳисобга қўйиш учун уни ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида солиқ органига солиқ тўловчининг идентификация рақами билан ҳисобга

қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этади, аризага алоҳида бўлинмани ташкил этиш тўғрисидаги ННТ қарорини ва унинг раҳбарига берилган ишончномани илова қилади.

Солиқ хизмати органи ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар асосида солиқ тўловчига идентификация рақамини беради, солиқ тўловчи ҳақидаги ҳисобга қўйиш маълумотларини Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритади ва тегишли ариза берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай солиқ тўловчи ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида гувоҳнома беради.

Солиқ органида ҳисобга қўйиш солиқ тўловчи учун бепул, бирон-бир ҳақ ёки йиғим ундирмасдан амалга оширилади.

2. Давлат статистикаси хос рақамларини (кодларини) олиш

Нодавлат нотижорат ташкилотлари, фаолиятининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, таъсис ҳужжатларини давлат статистика органларига идентификация хос рақамлари берилиши. Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрига киритилиши ҳамда давлат статистика ҳисоботида акс эттирилиши учун техник-иктисодий ахборот классификаторлари асосида таснифлаш белгиларини аниқлаш мақсадида тақдим этиши шарт.

ННТ рўйхатдан ўтиш жойидаги давлат статистика органларига таъсис ҳужжатларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва таъсис шартномасининг кўчирма нусхаларини тақдим этади.

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистрининг ахборот жамғармаси қуйидагиларни ўз ичига олади: идентификация кўрсаткичи (субъектнинг рўйхатга олинган хос рақами); субъектнинг тармок, ҳудудий мансублигини, бўйсинувини, мулк турини, ташкилий-ҳуқуқий шаклини ифодаловчи тавсифлаш кўрсаткичлари; маълумотнома хусусиятидаги кўрсаткичлар (манзиллар, телефон рақамлари, муассислар ҳақидаги маълумотлар ва бошқа маълумотлар); иктисодий кўрсаткичлар (субъектни тавсифловчи асосий маълумотлар).

Умумреспублика корхоналар ва ташкилотлар классификатори (КТУТ), тармок (ХХТУТ) ва ҳудудий (СОАТО) мансублик, мулк шакллари (МШТ) ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари (ТХШТ), маълумотнома тарикасидаги ва иктисодий кўрсаткичларнинг классификаторлари юридик шахснинг идентификация ва таснифлаш кўрсаткичларини шакллантириш манбаларидир.

Статистика органлари юридик шахсни Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрига киритади, қайдлов картасини тўлдиради ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотига берилган хос рақамларни рўйхатдан ўтказувчи ва солиқ органларига расмий равишда хабар қилади.

Ҳисобга қўйилганидан кейин нодавлат нотижорат ташкилоти бир ҳафталик муддатда давлат статистика органидан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрига киритилгани тўғрисида идентификация ва таснифлаш кўрсаткичлари кўрсатилган, раҳбар имзоси қўйилган ва тегишли статистика органининг муҳри билан тасдиқланган гувоҳномани олади.

3. Ваколатли органларда ва коммунал-хўжалик (фойдаланиш) ташкилотларида рухсатнома хусусиятидаги ҳужжатларни расмийлаштириш.

Агар ННТ объектлар қурилиши ва реконструкция қилиниши, тураржойлар яшаш учун мўлжалланмаган жойлар тоифасига ўтказилиши масалаларига, муҳандислик коммуникацияларига (газ, энергия ва сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти, телефон алоқасига) уланиш техник шартларига дуч келса, бунда ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли Қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсатнома хусусиятидаги ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомга (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сонли, 2005 йил 11 февралдаги 59-сонли, 2005 йил 11 октябрдаги 224-сонли, 2006 йил 6 февралдаги 14-сонли, 2006 йил 29 майдаги 99-сонли 2006 йил 7 августдаги 162-сонли, 2007 йил 21 майдаги 105-сонли қарорларига биноан киритилган ўзгартишлари билан) илова қилинган схемаларга мувофиқ босқичлардан ўтиши зарур бўлади.

Агар ташкилотнинг фаолиятнинг бирон-бир лицензияланадиган тури билан шугулланиш ниятида бўлса, фаолиятнинг ана шу турини амалга оширишга рухсатнома олиш учун белгиланган тартибда ваколатли давлат органига мурожаат этиш керак бўлади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ўз фаолиятини бошлаш мақсадида банк ҳисобварағини очиш учун ўзингиз танлаган ҳар қандай банкка мурожаат этишингиз керак.

Бундай ҳисобварақларни очиш тартиби ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 10 ноябрда 1080-сонли рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги Йўриқнома билан (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 29 сентябрда 1081-1, 2007 йил 8 сентябрда 1080-2, 2007 йил 7 августда 1080-3-сонли рўйхатга олинган ўзгартишлари билан) тартибга солинади.

Банк ҳисобварақларини очиш учун банкка қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: 1) белгиланган шаклдаги ариза, ҳисобварақдаги валюта номи, ҳисобварақ эгаси ва унинг манзили ҳамда очиладиган ҳисобварақлар турлари кўрсатилган ҳолда; 2) солиқ тўловчининг идентификация рақами берилганлиги тўғрисидаги солиқ органлари берган гувоҳноманинг кўчирма нусхаси; 3) раҳбарнинг ва бош бухгалтернинг имзолари ҳамда ташкилотнинг думалок муҳри туширилган нотариал тасдиқланган варақча.

Банк ҳисобварақлари қўйидаги турларга бўлинади:

- а) йўқлаб олиннадиган депозит ҳисобварақлари (асосий ва иккиламчи);
- б) жамгарма депозит ҳисобварақлари;
- в) муддатли депозит ҳисобварақлари;
- г) депозит ҳисобварақларининг бошқа турлари (аккредитивлар бўйича муддатсиз фойсиз депозитлар ва ҳ.к.);
- д) ссуда ҳисобварақлари.

Биринчи марта очилган миллий валютадаги йўқлаб олиннадиган депозит ҳисобварағи ташкилотнинг асосий ҳисобварағи ҳисобланади. Қонун ҳужжатларига мувофиқ йўқлаб олиннадиган иккиламчи депозит ҳисобварақлари очишга йўл қўйилади.

Аризини кўриб чиқиш ва банк томонидан ҳисобварақларни очиш муддати юқорисида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар олинган кундан эътиборан икки банк кундан оғимаслиги, ҳисобварақлар очганлик учун ҳақ миқдори битта энг кам иш ҳақидан кўп бўлмаслиги лозим.

Яқинловчи тавсиялар

Ниҳоят, Сиз ННТни рўйхатдан ўтказиш жараёнини тугатдингиз, энди ўз режаларингизни амалга оширишга киришишингиз мумкин. Ташкил этилган ННТ муваффақиятли фаолият олиб боришини ва равақ топишини таъминлаш учун:

– нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни ўрганиб боришингиз ва ўз фаолиятингизда уларга амал қилишингиз;

– ўз нодавлат нотижорат ташкилотингизнинг таъсис ҳужжатларини синчиқлаб ўрганиб чиқишингиз;

– уставда белгиланган мақсадлар ва вазифаларга риоя этишингиз, ННТ фаолиятининг асосий йўналишларига амал қилишингиз зарур.

Бундан ташқари, нотижорат секторига нисбатан жамиятда таркиб топган баъзи бир ёрданувларга парво қилмаслик Сиз учун фойдали бўлур эди. Чунончи:

– ташкилот ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланади, шу сабабли унга қамма ёрдам кўрсатиши керак;

– ННТни бошқариш алоҳида билим, ўқув, кўникма, маҳоратни талаб қилмайди қабилдаги ёндашувлар нотўғридир.

Биринчидан, Сизнинг ташкилотингиз ўз ташаббусингиз билан ташкил этилган ва ҳеч ким унга ёрдам беришга мажбур эмас. Ёрдам беришса, жуда яхши, лекин фақат ёрдамга кўз тикиб ўтирмаслик керак.

Иккинчидан, нотижорат менежменти асосчиларидан бири Питер Друкернинг фикрига қулоқ солинг: токи ННТ ишининг натижаларини баҳолаш ва ҳисоблаб чиқиш мушкул экан, нодавлат нотижорат ташкилотларида бошқарув бизнес оламидагидан яхшироқ ташкил этилиши лозим.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари чекланган одам ва пул ресурсларидан мумкин қилар самарали фойдаланишлари, лекин бунда қутилаётган натижаларни янги тасаввур этишлари даркор.

ННТ шуъба корхонасини рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомили

Тадбиркорлик тузилмаларида муассислик ва ННТнинг шуъба корхонасини рўйхатдан ўтказишда муассислик масалалари

ННТнинг барқарор ривожланиши мақсадида унинг фаолиятини жиддий молиявий ва моддий ресурслар билан таъминлаш зарур. Албатта, ходимларга муайян иш ҳақини тўлаш, бино ижараси, телефонлар ҳақини тўлаш ҳамда уставда белгиланган мақсад ва вазифаларни бажаришга қаратилган фаолиятни молиялаштириш керак бўлади. Олдингизда муҳим фандрайзинг вазифаси, яъни нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятини молиявий таъминлаш вазифаси пайдо бўлади.

Биз олдинги бобларда ННТнинг ўз мақсадларига мувофиқ доирада тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи хақида сўз юритган эдик. Бу ҳар қандай нодавлат нотижорат ташкилоти бевосита (яъни ўз номидан фуқаролик-ҳуқуқий битимларга киришиб) ёхуд ўзи тузадиган тадбиркорлик тузилмалари (шуъба ва тобе ҳўжалик жамиятлари ва ширкатлари) орқали тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкинлигини аниқлатади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай юридик шахс, мазкур ҳолда, ННТ ўз шуъба тузилмасининг муассиси бўлишга ҳақлидир. Бундан ташқари, ННТ бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг, масалан, акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамиятнинг ҳўжалик юритувчи субъектларини таъсис этишда иштирок этиши мумкин. Иштирок этиш шаклини танлаш нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятининг аниқ мақсадларига ва унинг олдига қўйилган вазифаларнинг мақсадга мувофиқлигига боғлиқ бўлади.

Шуъба корхонани таъсис этиш корхоналарнинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларини ташкил этишда иштирок этишдан фарқли равишда бир қатор афзалликларга эга. Биринчидан, шуъба корхонани таъсис этиш фақат ННТнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлади, чунки ННТ бундай тузилмани яққа ўзи, бошқа жисмоний ёки юридик шахслар иштирокисиз таъсис этади. Иккинчидан, ННТ шуъба корхонанинг муассиси сифатида барча юзага келадиган масалалар ва муаммоларни: шуъба корхонанинг ижроия органини сайлашдан то бундай мазкур корхонанинг тижорат фаолияти натижасида олинган фойдадан ажратмалар миқдорларини белгилашгача яққа ўзи ва тезкор ҳал этиши мумкин.

ННТ тўғрисидаги қонуннинг 7-моддасида нодавлат нотижорат ташкилотлари уставда белгиланган вазифаларини бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини тузиш ҳуқуқига эгалиги назарда тутилган.

ЎЗР ФК 42 ва 44-моддаларига мувофиқ, юридик шахслар мулкдор ёки у вақолат берган шахс томонидан ёхуд вақолатли органнинг фармойиши асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этилади.

мини таъсис этиш ташаббуси биринчи навбатда ННТ тегишли бошқарув органининг хоҳиш-иродасидан келиб чиқади.

Ҳар қандай юридик шахс сингари ННТ қонун ҳужжатларига ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатувчи ўз органлари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлади ва зиммасига фуқаролик мажбуриятларини олади. Тегишли шубба корхонаи таъсис этиш тўғрисидаги қарор муайян нодавлат нотажорат ташкилоти уставининг қоидаларига қараб ННТнинг ваколатли органи (директор ёки раис) томонидан ёхуд коллегиял орган (кенгаш ёки бошқарув) томонидан қабул қилинади ва шу органининг буйруғи ёки қарори кўринишида расмийлаштирилади.

ННТнинг хўжалик жамиятлари ва ширкатларида иштирок этишининг айрим хусусиятлари тўғрисида

2001 йил 6 декабрда қабул қилинган “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2006 йил 4 апрелдаги, 2007 йил 23 июлдаги, 2007 йил 14 декабрдаги ЎЗР қонунларига биноан киритилган ўзгартишлари билан) 14-моддасига мувофиқ, жамият устав капиталининг миқдори жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этган санасидаги ҳолатга кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлмаслиги керак.

Пул, қимматли қоғозлар, бошқа ашёлар ёки мулкый ҳуқуқлар ёхуд пулда ифодаланган баҳосига эга бўлган бошқа тасарруфдан чиқариладиган ҳуқуқлар устав жамғармасига ҳисса бўлиши мумкин. Бунда жамият иштирокчилари ва жамиятга қабул қилинадиган шахслар киритадиган жамиятнинг устав капиталига пулда ифодаланмаган ҳиссаларнинг пулдаги баҳоси жамият иштирокчилари умумий иштирокининг бир овоздан қабул қилинадиган қарорига биноан тасдиқланади.

Нодавлат нотажорат ташкилотларининг акциядорлик жамиятидаги иштироки муайян акциядорлик жамияти акцияларининг бирон-бир қисмини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиш орқали рўёбга чиқарилиши мумкин. Бироқ, агар нодавлат нотажорат ташкилоти акциядорлик жамиятининг майда акциядори (миноритария) сифатида маблағларни киритадиган бўлса, у бундай жамиятнинг хўжалик фаолиятига ва иқтисодий сиёсатига чинакам таъсир кўрсата олмайди. Бу бўш турган пул маблағларини қайсидир даражада муваффақиятли жойлаштиришдан иборат бўлади. Мисолан, бу маблағларни банк депозитига қўйишда шундай бўлади.

Нодавлат нотажорат ташкилоти томонидан шубба корхонаи ташкил этилиши

ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган нодавлат нотажорат ташкилотларининг ҳуқуқлари жумласига уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш ҳуқуқи қиради. Бунда биринчи навбатда гап ўзига мулкдор томонидан бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи берилмаган шубба тузилмаси ҳақида бормоқда.

Шубба корхонаи ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, биринчидан, қонун ҳужжатларида шубба корхона устав жамғармасининг энг

кам миқдори белгиланмаган, шу сабабли, бундай миқдор танланган ташкилий-ҳуқуқий шаклга (масъулияти чекланган жамият, акциядорлик жамияти ва бошқаларга) қараб белгиланади, иккинчидан, шуъба корхонани таъсис этиш учун унинг муассисининг (мулкдорининг) фақат қарори бўлиши зарур.

Шу тарика, ННТнинг раҳбар органи шуъба корхонани таъсис этиш тўғрисида тегишли буйруқ ёки қарор чиқариши кифоя қилади. Муассис фақат шуъба корхонанинг уставини тасдиқлаши ва унинг раҳбарини тайинлаши лозим, муассис ва шуъба корхона ўзаро муносабатларининг қолган масалалари муассиснинг танловига кўра ёхуд уставда, ёки бошқа ҳужжатларда: муассис ва шуъба корхона ўртасидаги шартномада ёки муассиснинг кейинги буйруқларида белгилаб қўйилиши мумкин. Лекин бу шартлар уставда назарда тутилган бўлиши керак. муассис ва шуъба корхона ижроия органининг ўзаро муносабатлари тартиби олдиндан назарда тутилмоғи лозим, акс ҳолда, кейинчалик бу улар ўртасида низолар келиб чиқишига замин яратиши мумкин.

Масалан, шуъба корхона унинг муассиси, яъни нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан рўйхатдан ўтказилаётганда дастлаб шуъба корхонанинг бўлғуси молиявий мажбуриятлари белгиланмаган эди. Чунки унга фаолиятини иктисодий жиҳатдан барқарорлаштирилиши учун вақт берилган эди. Шуъба корхона молиявий-иктисодий ривож топа боришига қараб, ННТ муассис сифатида унинг фойдасидан ажратмалар қилиш шартларини ўзгартириши мумкин. Ўзида фойда пайдо бўлгани тақдирда кўпинча ўз мажбуриятларини унутиб қўядиган шуъба корхоналар билан муаммолар келиб чиқмаслиги учун шуъба корхонанинг уставида муассиснинг розилигисиз ўзгартирилиши ва қўшимчалар киритилиши мумкин бўлмаган томонларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини шартлашиб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

ННТ раҳбар органларига шуъба тузилмани таъсис этиш чоғида унинг раҳбари билан унинг мансаб вазифалари ва шуъба корхона мол-мулкни тасарруф этишга доир ваколатларини батафсил аниқлаштирган ҳолда меҳнат шартномаси (контракт) тузишга алоҳида эътибор қаратишлари тавсия этилади. Мунтазам молиявий ҳисоботлар бериб бориш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, раҳбарнинг корхона номидан муассиснинг розилигисиз битимларни тузишга бўлган ваколатлари четгараларини белгилаб қўйиш керак бўлади. Бу шарт ҳам нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида шуъба корхонанинг уставида акс эттирилиши керак.

ННТ томонидан таъсис этилган шуъба корхонанинг уставида унинг раҳбари муайян суммадан ошмаган доирада битимлар тузиш ваколатига эга эканлиги кўрсатилган ҳолга бир мисол келтирамиз. У бу меъёрни фақат муассиснинг ёзма розилиги билан ошириш ҳуқуқига эга эди, бироқ уставнинг талабларига зид равишда у кўрсатилган меъёрдан ортик суммага битим тузган ва, шу тарика, шуъба корхонанинг барча нақд активларини сарфлаб юборган. Эҳтимол, бу ерда ННТ маблағларини талон-торож қилиш содир бўлгандир ёхуд бунга шуъба тузилма раҳбарининг лаёқатсизлиги сабабдир. Бу ҳолат ННТга маълум бўлгач, шуъба корхона раҳбари ишдан четлаштирилган.

Шу орада, шуъба корхона ўз манфаатлари учун номақбул битимни тузган тижорат ташкилоти аввалги шартнома шартларини ўзгартириш ниятида эмаслигини билдирган ва уставда тегишли қоидалар йўқлиги боис унга нисбатан амалда ҳеч қандай чора қўришга эришилмаган.

Бу ҳолда, агар раҳбарнинг ваколатларини чеклаш ҳақидаги тавсия қилинётган шартлар шуъба корхона уставида акс эттирилганда эди, ННТ суд тартибида Ҳуқуқларини тиклаш учун барча асосларга эга бўлур эди. ЎзР ФК 126-моддасига мувофиқ, мазкур битим ННТ даввосига кўра суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши, тарафлардан ҳар бири эса – бошқасига битим бўйича олинган ҳамма нарсани қайтариши керак.

Бу срада шуни аниқлаштириш зарурки, ННТ шуъба тузилмалари тижорат ташкилотлари ҳисобланади ва ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 августдаги 357-сонли Қарори билан тасдиқланган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомга (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сонли, 2005 йил 11 февралдаги 59-сонли, 2005 йил 11 октябрдаги 224-сонли, 2006 йил 6 февралдаги 14-сонли, 2006 йил 29 майдаги 99-сонли, 2006 йил 7 августдаги 162-сонли, 2007 йил 21 майдаги 105-сонли қарорларига биноан киритилган ўзгартишлари билан) мувофиқ давлат рўйхатидан ўтиши керак.

Ҳозирги вақтда тадбиркорлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиб-таомили ЎзР Президентининг 2006 йил 24 майдаги Қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга (ЎзР Президентининг 2007 йил 20 мартдаги Қарорига биноан киритилган ўзгартишлари билан) кўра енгиллаштирилган. Шу Низом асосида ҳужжатларнинг рўйхатдан ўтказувчи органда кўриб чиқишдан ўтишининг тезлаштирилган тартиб-таомили амалга оширилади.

Биз кўриб чиқаётган ҳолда, яъни нодавлат нотижорат ташкилотининг шуъба корхонасини таъсис этиш чоғида давлат солиқ ва статистика органларида бир вақтнинг ўзида ҳисобга қўйган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиш жараёни туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказувчи инспекциялар орқали амалга оширилади.

Шуъба корхонани инспекцияларда рўйхатдан ўтказиш чоғида юридик шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун рўйхатга олиш йиғимлари ундирилади. Рўйхатга олиш йиғимларининг энг юқори ставкалари ҳар йили ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланади.

Тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга шахсан бориб ёки почта орқали белгиланган шаклдаги ариза топширилади. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризани унга илова қилинадиган барча зарур ҳужжатлар тайёр бўлганидан кейин расмийлаштирган маъқул. Одатда, белгиланган шаклдаги ариза биланқилари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказувчи инспекцияларда бепул берилади.

Ариза-хабарнома барча зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда тақдим этилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиб, то унга давлат рўйхатига олишга қўйиладиган тўғрисидаги гувоҳномани беришгача ўтадиган муддат кўни билан икки иш кунини ташкил этади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:
– таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган иккита асл нусхаси (шуъба корхона учун фақат устас);

– тадбиркорлик субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат (фермер ва деҳқон ҳўжаликлари, шунингдек, давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятларидан ташқари);

– давлат божининг ёки рўйхатдан ўтказиш йиғимининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати;

– статистика органлари томонидан белгиланган тартибда берилган фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома;

– учта нусхада муҳр ва штамп эскизлари;

– масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар ҳамда ҳўжалик ширкатлари учун қўшимча равишда – муассислардан ҳар бири устав жамғармасига таъсис ҳужжатларида кўрсатилган ўз хиссасининг камида 30 фоизини киритганини тасдиқловчи банк маълумотномаси. Агар тадбиркорлик субъектининг устав жамғармаси ёки унинг бир қисми мулкий ҳисса ёки интеллектуал мулк ҳисобига шакллантирилса, банк маълумотномаси талаб қилинмайди, таъсис ҳужжатларида устав жамғармасини шакллантириш манбаларининг кўрсатилиши муассислар максадларининг тасдиғи бўлади.

Мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ордер, жойни олиш, ижара шартномаси ёки жой ижарага олингани ҳақида ижарага берувчининг кафолат хати, шунингдек, муассислардан бирининг тегишли жойдан (шу жумладан, тураржойдан) тадбиркорлик субъектининг почта манзили сифатида фойдаланишга бўлган ҳуқуқидан далолат берувчи яшаш жойидан маълумотнома каби ҳужжатлар тадбиркорлик субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат бўлиши мумкин.

Кафолат хати ташкилотнинг фирма бланкасида ёзилган ёки бурчакли штамп қўйилиб, номи, почта манзили, телефони, ҳисоб-китоб рақами каби реквизитлари кўрсатилган бўлиши керак. Айрим ҳолларда рўйхатдан ўтказувчи органда ижарага берувчидан у мазкур жойнинг мулкдори эканлиги аён бўладиган олди-сотди шартномаси каби кўчмас мулк учун ҳуқуқ белгилувчи ҳужжат тақдим этишни талаб қилишларига тайёр туриш керак.

Рўйхатдан ўтказувчи орган рўйхатга олган пайтдан эътиборан бир кун ичида мустақил равишда тадбиркорлик субъекти жойлашган ер бўйича у ҳақидаги маълумотларни статистика ва солиқ органларига, шунингдек, ички ишлар органларига тақдим этиши шарт.

Солиқ органлари юридик шахсни ҳисобга қўяди, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Пенсия жамғармасига ва Республика Йўл жамғармасига суғурта бадаллари тўловчи сифатида ҳисобга қўяди, унга солиқ тўловчининг идентификация рақамини беради ҳамда уни статистика ва рўйхатдан ўтказувчи органларга расмий равишда маълум қилади.

Статистика органлари юридик шахсни Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрига киритади, қайдлов варақчасини тўлдиради ва тадбиркорлик субъектига берилган хос рақамларни рўйхатдан ўтказувчи ва солиқ органларига расмий равишда маълум қилади.

Ички ишлар органлари муҳр ва штамп тайёрлатиш учун рухсатномани расмийлаштиради ҳамда рўйхатдан ўтказувчи органга муҳр ва штамп тайёрлатиш учун икки нусхадаги эскиз билан рухсатнома юборади.

Зарурый рўйхатдан ўтказиш ва рухсатнома хусусиятидаги тартиб-таомиллардан кейин рўйхатдан ўтказувчи орган белгиланган муддатда тadbиркорлик субъектлари – юридик шахсларга юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома хамда “рўйхатдан ўтказилди” деган белгили, рўйхатдан ўтказувчи органининг муҳри билан тасдиқланган таъсис ҳужжатларини, шунингдек, муҳр ва штамп тайёрлатиш учун эскиз билан рухсатномани беради.

Барча зарур ҳужжатлар тadbиркорлик субъектига бир вақтда берилади.

Нодават нотижорат ташкилотлари ўзининг тadbиркорлик тузилмасини таъсис этишида изчил равишда муайян босқичлардан ўтиши керак.

1-босқич. Тadbиркорлик тузилмасини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлаш. Масалан, ННТнинг МЧЖ шаклидаги шуъба корхонасини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

2-босқич. Дастлабки ташкилий масалаларни ҳал этиш. Қуйидагиларни шундай масалалар жумласига киритиш керак бўлади:

а) шуъба корхонанинг фирма номини танлаш ва статистика органидан тегишли рухсатномани олиш;

б) шуъба корхонанинг устави лойиҳасини тайёрлаш;

в) бўлғуси шуъба корхона молиялаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш (устав жамғармаси миқдорини ва уни шакллантириш тартибини аниқлаш, шу мол-мулкни дастлабки баҳолаш).

г) шуъба корхонанинг бўлғуси ижроия органига номзодлар танлаш;

д) ННТ бошқарув органининг шуъба корхона таъсис этиш тўғрисидаги қарорини тайёрлаш ва тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш;

е) бўлғуси ижарага берувчи билан келишиш ва шуъба корхона жойлашиши учун жой бериш имконияти борлиги ҳақидаги қафолат хатини олиш. Бундай хат шуъба корхонага фирма номи берилгандан кейингина олинishi керак;

ж) ННТ бошқаруви ййгилиши санасини қуйидаги мазмундаги аниқ кун тартиби асосида тайинлаш: шуъба корхона таъсис этиш, унинг устави лойиҳасини тасдиқлаш, директорни сайлаш, устав жамғармасининг миқдорини белгилаш, ННТ ва шуъба корхонанинг молиявий ўзаро муносабатларни шарт-шароитларни, шуъба корхона фойдасидан ажратмалар қилиш тартибини белгилаб қўйиш тўғрисида.

3-босқич. ННТ раҳбар органи мажлисини ўтказиш, шуъба корхона таъсис этиш, унинг устави тасдиқлаш ва ижроия органини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиш, кун тартибига киритилган бошқа масалаларни муҳокама этиш ва қарор қабул қилиш. Шуъба корхона давлат рўйхатидан ўтказишга доир ташкилий масалаларни, подивлат нотижорат ташкилотининг сайланган раҳбарига топшириш.

4-босқич. ННТ раҳбарининг давлат рўйхатидан ўтказишга доир фаолияти қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишдан иборат бўлади:

а) рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўладиган барча ҳужжатларнинг тўлиқ туркумини тўрлаш (ННТ бошқарувининг шуъба корхона таъсис этиш тўғрисидаги қарори, ижарага берувчининг почта манзилини бериш тўғрисидаги қафолат хати, фирма номи берилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, муҳр ва штамп эскизларини ишлаб чиқиш);

б) уставнинг узил-кесил таҳририни тайёрлаш ва шуъба корхонанинг бўлғуси бош бухгалтерлигига номзод танлаш;

в) ННТ уставини ва имзо намуналари қўйилган варақларни нотариал тасдиқлаш бўйича молиявий масалаларни ҳал қилиш;

г) шуъба корхона уставини нотариал тасдиқлатиш, шуниси ҳам борки, нота-риусга боришдан олдин барча нусхаларни тикиб чиқиш керак бўлади;

д) шуъба корхонани рўйхатдан ўтказганлик учун ҳокимлик ҳузуридаги тад-биркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказувчи инспекцияда рўйхатдан ўтиш йиғимини тўлаш;

е) давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризани зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда инспекцияга топшириш (уставнинг иккита нотариал тасдиқланган нусхаси, бошқарувнинг шуъба корхона таъсис этиш тўғрисидаги қарори, рўйхат-дан ўтиш йиғими тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати, ижарага берувчининг ка-фолат хати, фирма номи ҳақидаги гувоҳнома, уч нусхада муҳр ва штамп эскиз-лари).

5-босқич. Шуъба корхонанинг уни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бошланадиган ташкилий фаолияти. Бу рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги ариза ва барча зарур ҳужжатлар рўйхатдан ўтказувчи органга топширилгач, бир неча кундан (одатда салкам 10 кундан) кейин маълум бўлади. Лекин шуъба корхона учун бу муддат ҳақиқатда унинг вакили инспекци-ядан рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва “рўйхатга олинди” де-ган белги қўйилган шуъба корхона устави, шунингдек, муҳр ва штамп тайёрла-тиш учун рухсатнома эскиз билан олинган пайтдан эътиборан бошланади.

6-босқич. Шуъба корхонанинг муҳри ва бурчакли штампини ясаттириш.

7-босқич. Имзолар намуналари варақчаларини, уставнинг ҳамда шуъба корхона давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг бир неча кўчирма нусхасини нотариал тасдиқлатиш. Нотариусга боришдан олдин куйидагиларни тахт қилиб қўйиш зарур:

а) ННТ бошқарувининг биринчи имзо ҳуқуқи берилган ҳолда шуъба корхона директорини тайинлаш тўғрисидаги қарорининг кўчирма нусхаси, шунингдек, иккинчи имзо ҳуқуқи берилган ҳолда бош бухгалтерни тайинлаш тўғрисидаги буйруқ;

б) банк муассасасидан олинган имзолар намуналари варақчалари уч нусхада (нотариус варақчаларни тасдиқлагач, бир нусхасини ўзида қолдиришни назарда тутиш);

в) шуъба корхонанинг имзолар намуналари варақчасида кўрсатилган мансаб-дор шахсларнинг паспортлари ва фото суратлари ксеронусхалари;

г) шуъба корхона уставининг, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхалари ва кўчирма нусхалари ҳамда қоғоз жилд (нотариус ўзида биттадан нусха олиб қолади);

д) нотариал хизматлар ҳақини тўлаш учун маблағ.

8-босқич. Банкда ҳисоб-китоб варағини очиш – бу максатда банк муассасаси-га куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) шуъба корхона фаолият олиб борадиган жой манзили ва очиладиган ҳисоб-варақлар турлари кўрсатилган ҳолдаги ариза;

б) шуъба корхона давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг кўчирма нусхаси;

в) раҳбар ва бош бухгалтер имзоларининг нотариал тасдиқланган намуналари ҳамда шуъба корхона думалок муҳри изларининг икки нусхаси.

Банк томонидан аризани кўриб чиқиш ва ҳисобварақлар очиш муддати мазкур ҳужжатлар олинган кундан эътиборан икки банк кунидан ошмаслиги лозим. Ҳисобварақлар очганлик учун тўлов миқдори энг кам иш ҳақининг бир бараваридан ошмаслиги керак. Баъзи банклар ўз миқдорларининг ҳисобварақларини бепул очадди, лекин ҳисоб-китоб хизматлари кўрсатганлик учун анча баланд ҳақ олади. Шу сабабли банкда ҳисобварақ очишдан олдин биринчи навбатда ҳисоб-китоб хизмати кўрсатиш шартномаси ва унинг шартлари билан танишиб чиқиш керак бўлади.

9-босқич. Шуъба корхона уставида кўрсатилган юридик манзил бўйича ижарага берувчи билан ижара шартномаси тузиш.

10-босқич. Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини амалга оширишга қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензиялар ёки руҳсатномалар олиш учун ваколатли давлат органларига мурожаат этиш.

Рўйхатдан ўтказувчи ва бошқа органларга ҳисобот тақдим этиш

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз мулкида ёки бирон-бир асосда мол-мулкка эга бўлган ва ўз мажбуриятлари юзасидан жавоб берадиган бошқа ташкилотлар каби қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китоб юритади. Бошқача айтганда, юридик шахс сифатида ННТ ўз ташкилий-ҳуқуқий мақомининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда, бошқа юридик шахслар сингари умумий тарзда ҳисоб-китоб ҳужжатларини юритиши керак.

Нодавлат нотижорат ташкилотларига ҳисобот нима учун керак?

Бир тарафдан, тўғри ҳисоб-китоб ҳужжатларининг юритилиши ташкилотчилик маданиятининг муҳим элементи ҳисобланади. Ҳисобот ННТ фаолиятини тавсифлаш ва ўз-ўзини таҳлил қилиш воситасидир. Ҳисоботда турли тарқок маълумотлар умумлаштирилади, бу эса тўпланган далиллар асосида амалга оширилган ишларни таҳлил этиш, ишнинг кучли ва кучсиз томонларини кўриш, ривож топшишнинг янги йўналишларини белгилаб олиш имконини беради.

Бошқа тарафдан, ҳисобот (йил чорагига оид, йиллик) ташкилотни мижозлар, шериклар ва фуқаролик жамиятининг турли институтлари учун очик ва тушунарли қилади. Қўпинча, ҳисобот ННТ фаолияти ҳақида тақдимот материали вази-фасини ўтайди, бироқ буклетдан фарқли ўлароқ, у ташкилотнинг жорий ишлари аҳволини тўлиқроқ очиб беради, бу эса айниқса, эҳтимолдаги шериклар ва донорлар учун ўта муҳимдир. Агар нодавлат нотижорат ташкилоти ўз ҳисоботларини жамоатчилик эътиборига мунтазам равишда тақдим этса, бу унинг барқарор ва ишончли эканлиги кўрсаткичларидан бири ҳисобланади ҳамда замонавий ва жамият учун очик-ошкор ташкилот мавқеини яратади. бу эса унинг лойиҳа ва хизматларининг янада ривожланишига хизмат қилади.

ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 8-моддасига кўра, нодавлат нотижорат ташкилоти рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти ҳақида ҳисобот тақдим этиши шарт. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 19-моддасига мувофиқ, ННТ бухгалтерия ҳисоби субъекти сифатида солиқ ва давлат статистика органларига молиявий ҳисобот тақдим этади.

Қайд этиш керакки, мавжуд ҳисобот тизими либераллаштириш йўлидан бормоқда. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг “Статистика ва молия ҳисоботини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2002 йил 25 июндаги 227-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 январдаги 28-сонли қарорига биноан киритилган ўзгартишлари билан) асосида статистика ва молия ҳисоботи шакллари янада бирхиллаштириш, соддалаштириш ва қисқартириш, тақдим этиш даврийлигини такомиллаштириш, ҳисобот бериш тизимини халқаро стандартлар талабларига мумкин қадар яқинлаштириш борасида қарорлар қабул қилинди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган барча ҳисоботлар тизимини шартли равишда бир неча турга бўлиш мумкин: а) солиқ органларига ҳисобот бериш; б) статистика органларига ҳисобот бериш; в) бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича ҳисобот бериш; г) рўйхатдан ўтказувчи

органиларга ҳисобот бериш, д) муассислар ва грант берувчиларга ҳисобот бериш.

Юқорида қайд этилган ҳисобот турларининг айрим хусусиятларини кўриб чиқамиз. Шунинг билан керакки, ҳисоботнинг дастлабки уч тури барча юридик шахсларга тааллуқли бўлиб, уларни универсал деб ҳисоблаш мумкин.

Солиқ органларига ҳисобот бериш

ЎзР Солиқ кодексининг 43-моддасига мувофиқ, солиқ ҳисоботи солиқ тўловчининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловнинг ҳар бир тури бўйича ёки тўланган даромадлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳамда солиқ декларацияларини, шунингдек, ҳисоб-китобларга ва солиқ декларацияларига иловаларни ўз ичига оладиган ҳужжати бўлиб, у ЎзР Давлат солиқ қўмитаси ва ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда тузилади.

Ҳисоботлар, баланслар ва солиқ тўловчилар билан ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва қабул қилиш масалалари, аввало, ЎзР Солиқ кодексининг умумий меъёрлари ва солиққа оид қонун ҳужжатлари соҳасидаги алоҳида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади. Солиқ тўловчи томонидан солиқнинг айрим турлари бўйича ҳисоботлар ҳам ҳисобга қўйилган ҳудуд бўйича тақдим этилади. Ҳисоботлар бевосита шахсан бориб тақдим этилади. Ҳозирда ҳисобот тақдим этишнинг почта ёки телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат кўришидаги янги шакллари жорий этилмоқда.

Солиқ ҳисоботи олдиндан текширилмасдан ва мазмуни муҳокама этилмасдан қабул қилинади ҳамда у қуйидагилар маълум бўлган ҳолларда давлат солиқ хизмати органига тақдим этилмаган, деб ҳисобланади:

- а) солиқ тўловчининг идентификация рақами кўрсатилмаган ёхуд нотўғри кўрсатилган бўлса;
- б) солиқ даври ва (ёки) солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси кўрсатилмаган бўлса;
- в) солиқ ҳисоботини тузишга доир талаблар бузилган бўлса.

Солиқ ҳисоботи белгиланмаган шаклда тақдим этилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи ҳисобот олинган кундан эътиборан уч кун ичида солиқ тўловчига бу ҳақда ёзма билдиришнома юборади ва камчиликлар аниқ кўрсатилган ҳолда ҳисоботни қайта ишлаш учун қайтаради.

Тузатишга ҳисобот белгиланган муддат тугагунига қадар тақдим этилган тақдирда, солиқ тўловчига нисбатан жавобгарлик чоралари кўрилмайди.

Ҳисоботларни тақдим этиш тартиб-таомили ҳисобга қўйиш чоғида ННТ давлат солиқ хизмати органларига ҳисоботлар ва балансни топшириш ҳуқуқи зиммасини юклатилган ўз мансабдор шахслари рўйхатини тақдим этган пайтда, ташкилий масалалардан бошланади. ННТнинг мансабдор шахслари биринчи навбатда амалдаги қонун ҳужжатларида кўрсатилган солиқ тўловчининг ҳуқуқ ва бурчлари билан имзо қўйишнинг олинган ҳолда таништирилиши керак.

Баъзан солиқ тўловчи қандайдир янги шартни бажармагунча солиқ органидаги баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни қабул қилмаяпти,

деган фикрларни эштитишга тўғри келади. Одатда, бундай шарт қандайдир тадбир учун маълум миқдордаги пул ўтказиш ёки аллақандай адабиётни сотиб олиш, қайсидир кераксиз даврий нашрга обуна бўлиш каби қўпичча ноқонуний ва асосланмаган талаб бўлади. Бунда солиқ органининг вакили бу шахар ҳокимлигининг ёки юқори солиқ органининг кўрсатмаси эканлигини сизга уқтириши мумкин.

Бундай ҳолларда муайян қоидаларга амал қилиш керак бўлади.

Биринчидан, солиқ тўловчиларнинг тақдим этаётган ҳисоботларига давлат солиқ хизмати органларига берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиغان талабларни қўйиш катъий ман этилган.

Иккинчидан, ҳисоботни қабул қилиб олган шахс солиқ тўловчининг ҳисоботиغا илова қилинган хатнинг пастки ўнг бурчагига давлат солиқ хизматининг рўйхатга олиш штаммини қўйиб, унга ҳужжатнинг қайдлов рақами ва топширилган санасини ёзиб қўяди. Сизнинг ҳисоботингиз камчиликлари кўрсатилиб қайта ишлаш учун қайтарилиши шубҳадан ҳоли эмас. Кўрсатилган камчиликлар инобатга олиниб, қайта ишланган ҳисобот ва балансни белгиланган муддатларда топшириш керак, шунда солиқ тўловчига нисбатан маъмурий ва молиявий чоралар қўрилмайди.

Амалий фаолиятда солиқ органларига ҳисоботлар бирон-бир илова хатсиз тақдим этилаверади, фикр-мулоҳазалар эса оғзаки равишда айтилади ва қабул қилинаверади. Лекин, бундай фикр-мулоҳазалар асосланмаган талаблар билан қўшилиб НТТ учун ўта оғирлик қилиши мумкин. Бундай вазиятда солиқ органи вакиллари билан ўзаро муносабатларни мумкин қадар юқорида кўрсатиб ўтилганидек, расмийлаштириш йўлидан бориш керак.

Барча юридик шахслар, шу жумладан, НТТ ҳам умумий тарздаги молиявий ҳисоботларни тайёрлашда ЎзР Адлия вазирлигида 1998 йил 14 августда 474-рақами билан рўйхатдан ўтказилган 1-сонли “Ҳисоб сийёсати ва молиявий ҳисобот” Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлик ҳисоби Миллий стандартига асосланишлари керак.

Солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари тегишли солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаш ҳамда бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги алоҳида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

Статистика органларига ҳисобот бериш

НТТ ҳар ойда статистика органларига меҳнат бўйича ҳисобот тақдим этиши керак, ушбу ҳисоботлар халқаро амалиётда қабул қилинган ҳисобга олиш ва статистика тизимига ўтиш Ўзбекистон Республикаси Давлат дастурига мувофиқ амалга оширилади ҳамда миллий ҳисоблар тизимига ўтиш билан боғлиқ меҳнат статистикасига доир талабларни халқаро стандартларга мумкин қадар яқинлаштишни назарда тутаяди.

Туман статистика бошқармасига белгиланган шаклда меҳнат бўйича ишчи кучи таъминоти учун харажатлар қийматига кўра ва ходимларни касбий ўқитиш бўйича, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотининг йил якунлари бўйича фаолияти тўғрисида ҳисобот топширилади.

Шаҳар статистика бошқармасига қабул қилинган шаклда меҳнат ахборотлаштириш, ходимларни касбий ўқитиш бўйича, 1-шаклдаги “Трант” ҳисоботлари тақдим этилади.

Бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича ҳисобот

Солиқ тўловчи жойлашган ердаги тегишли солиқ органларига меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартибда тақдим этилади.

Рўйхатдан ўтказувчи органларга ҳисоб бериш

ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 33-моддасига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилоти ўз фаолияти натижаларининг ҳисобини юритади ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказувчи органларга ҳисобот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда фаолият кўрсатувчи жамоат бирлашмаларининг уставларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш Қоидаларининг 12-бандида ҳисобот тақдим этиш масалалари бирмунча шиклаштирилган бўлиб, унинг асосида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган жамоат бирлашмаларининг раҳбар органлари рўйхатдан ўтказувчи органга қабул қилинган қарорлар ва режалаштирилаётган тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши шарт.

ННТ ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган шаклда йил чорагига оид ва йиллик ҳисоботларни топшириши шарт. Ҳисобот тақдим этишнинг белгиланган тартибини бузиш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 239-моддасига биноан маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Муассислар ва грант берувчиларга ҳисоб бериш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқаро, чет эл ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларидан олинadиган техник кўмаклашув, грантлар ва гуманитар ёрдамнинг молиявий маблағларини ҳисобга олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2004 йил 4 февралдаги 56-сонли Қарори билан бирхиллаштирилган давлат статистика ҳисоботи жорий этилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари томонидан олинган грантлар, гуманитар ёрдам ва техник кўмаклашувнинг молиявий маблағлари бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ЎЗР Статистика қўмитасига йилнинг ҳар чорагида “Гуманитар ёрдам”, “Грант” ва бошқа қабул қилинган шаклларда топширилиши керак.

Амалнинг давомида ННТ фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашнинг турли механизмлари бўлиши: жисмоний шахсларнинг хайриялари, тижорат тузилмаларининг яқиндан ёки беғараз молиявий ёрдами, алоҳида тадбирларга ҳомийлик қилишнинг ҳам мумкин.

Бу ҳолда ҳамма нарса нотижорат ташкилоти ва маблағни берувчи шахс ўртасидаги шартномага боғлиқ бўлади. Ҳар бир ҳомий ўзининг маблағи мақсадли равишда фойдаланилиши тўғрисида муайян кафолатга эга бўлишни истайди, шунинг учун у билан муносаббатларга ҳуқуқий шакл бериш керак, яъни тарафларнинг тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайд этилган шартномани расмийлаштириш керак. Шартномада ҳомийга ҳисобот беришнинг тегишли шартлари ҳам белгилаб қўйилиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳисобот тақдим этишнинг шакл ва во-

сигалари тарафларнинг ўзларига боғлиқ. чунки ЎЗР ФК 354-моддасига мувофиқ, фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар, бунда шартнома шартлари иштиракчиларнинг истагига кўра белгиланади.

ННТнинг ҳисобот тақдим этмаганлиги учун жавобгарлиги масалаларини кўриб чиқамиз.

ЎЗР Солиқ кодексининг 32-моддасида назарда тутилган вазифалар қаторида солиқ тўловчилар бухгалтерия ҳисобини юритишлари, қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ва солиқ ҳисоботини тузишлари, давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органларга имтиёзларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишлари шарт.

Таъкидлаш керакки, ҳисобот учун масъул бўлган ходимга молиялаштириш манбалари, уларнинг қандай мақсадларга ва қаерга йўналтирилганлиги ҳақида ННТ фаолиятининг тўлиқ баён этилган батафсил ҳисоботини тузиш учун кўп вақт керак бўлади. Баъзан фаол нодавлат нотижорат ташкилотининг йиллик фаолияти тўғрисидаги барча маълумотни қайта ишлаш учун раҳбар ҳисобот тузишга бир ходимни тайин этишга мажбур бўлади. Бундан ташқари, НТТ нафақат бухгалтерия ҳужжатлари, балки иш юритиш ҳужжатларига ҳам кўпроқ эътибор қаратишлари керак.

Шунинг учун ходимлар сони етарлича бўлмаган ташкилотлар учун ҳисобот тақдим этиш нисбатан қийин иш бўлиб, кўпинча уларга турли ҳужжатларни тузишда назорат органларининг тушунтиришлари ва ёрдамлари талаб этилади.

Ҳар қандай ҳолда ҳам, НТТни ҳисоботни ўз вақтида ва тўғри тузиш ҳамда уни давлат органларига тақдим этиш масъулиятдан озод этилмайди, акс ҳолда, белгиланган қоидаларни бажармаганлик учун жавобгарлик қоралари кўрилади.

Ҳисобот тақдим этишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун жавобгарлик қораларини шартли равишда икки шаклга: мулкӣй ва номулкӣй хусусиятдаги қораларга ажратиш мумкин.

Мулкӣй жавобгарлик НТТга нисбатан юридик шахс сифатида ҳам, нодавлат нотижорат ташкилотидagi мансабдор шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

ЎЗР Солиқ кодексининг 112-моддасида белгиланган тартибда нодавлат нотижорат ташкилотларига нисбатан пул тўловлари (жарима, пеня) кўринишида молиявий қоралар қўлланилиши мумкин.

Солиқ тўловчилар – юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорларга нисбатан молиявий қоралар суд тартибда қўлланилади, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддати кечиктирилганда ундирилдиган пенялар, шунингдек, солиқ тўловчи солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этишдаги айбига иқдор бўлиб, ихтиёрий равишда солиқни тўлаши ҳоллари бундан мустаснодир.

Жисмоний шахслар бўлган солиқ тўловчиларга нисбатан молиявий қоралар фақат суд тартибда қўлланади, пенялар тўлови бундан мустаснодир.

Материаллар судга оширилгандан кейин ўттиз кун ичида солиқлар, бошқа мажбурий тўлов ва пенялар ихтиёрий равишда тўланган тақдирда, тадбиркорлик субъекти бўлган солиқ тўловчи солиқ тўламаганлик учун қўлланган жарима ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этилади.

Солиқ ҳисоботларини тақдим этмаганлик ёки ўз муддатида тақдим этмаганлиги учун солиқ тўловчи – жисмоний шахс ва мансабдор шахсларга нисбатан

маъмурий чоралар қўлланганидан кейин йил давомида ушбу ҳолат қайта такрорланса, ҳар бир кечиктирилган кун учун бир фоиз миқдорида жарима солинади, лекин жарима миқдори белгиланган муддатда тўланадиган тўловнинг ун фоизидан ошмаслиги керак, бунда тегишли ҳисобот даврида аввал тўланган тўловлар чегириб ташланади.

ЎЗР Солиқ кодексининг 16-моддасига мувофиқ, бухгалтерия ҳисобининг юритилмаслиги ёки унинг тўланиши керак бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаб бўлмайдиган даражада, белгиланган тартибга ҳилоф тарзда юритилиши солиқ тўловчи – юридик шахсга нисбатан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаш имкони бўлмаган давр учун товарлар (ишлар, хизматлар) сотувидан олинган тушумлар суммасининг бир фоизи ҳажмида жарима солинади, лекин жарима энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан ошмаслиги керак.

ЎЗР Солиқ кодексининг 120-моддаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузганлик учун тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун, тўлов куни ҳам шунга киради, 0,05 фоиз миқдорида пеня ҳисоблаш кўринишидаги жавобгарликни назарда тутаяди.

Юридик шахс – тадбиркорлик субъекти ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабар қилинган кундан бошлаб солиқнинг барча турлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пенялар ҳисоблаш тўхтатилади. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта бошланганида, пеня белгиланган тартибда ҳисобланиб, тўланмаган бутун давр учун ундирилади.

Номулкий тусдаги ҳисоботни тақдим этиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик ННТ фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларидан келиб чиқади.

НТТ тўғрисидаги Қонуннинг 37-моддасига биноан, нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатувчи жамоат бирлашмаларининг уставини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш Қондаларининг 12-бандига мувофиқ, жамоат бирлашмаларининг раҳбар органлари ҳар чоракда рўйхатдан ўтказувчи органга қабул қилинган қарорларнинг нусхаси ва режалаштирилаётган тадбирлар тўғрисида маълумотларни тақдим этишлари керак.

Қўрсатилган маълумотлар тақдим этилмаган тақдирда, рўйхатдан ўтказувчи орган ёзма оғоҳлангиришдан кейин жамоат бирлашмасини тугатиш тўғрисида тақдимнома ни қиритишга ҳақлидир.

Юқорида келтирилган матидан жамоат бирлашмасининг тугатиш тўғрисидаги бундай тақдимнома қарга тақдим этилиши англашилмайди, шунинг учун бу борада биринчи навбатида НТТ тўғрисидаги Қонуннинг 34-моддасига асосланиш керак, чунки у қонуности ҳужжатларига нисбатан устуворликка эгадир. Ушбу меъёрдан келиб чиқиб, рўйхатдан ўтказувчи орган НТТ раҳбар органига тегиш-

ли тақдимномани киритади, нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти эса фақат суд қарори билан олти ой муддатга тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси савдо, тадбиркорлик, молия соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги меъёрларни, шу жумладан, ҳисоботлар тўғрисидаги меъёрларни ўз ичига олади, уларни нодавлат нотижорат ташкилотларига ва уларда ишловчи мансабдор шахсларга нисбатан ҳам тенг равишда қўллаш мумкин. Бу ўринда шунини аниқлаштириш керакки, Кодекснинг 15-моддасига мувофиқ, мулк шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотда муайян мансабни эгаллаб турган шахс, раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текширув-назорат ёки моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ вазифалар юклатилган бўлса, мансабдор шахс деб ҳисобланади.

Шундай қилиб, Кодекснинг 175-моддасига мувофиқ, солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки ҳисоб юритишнинг белгиланган тартибини бузганлик, солиқларни, бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш учун зарур бўлган солиқ ҳисоботларини, ҳисоб-китобларини ва бошқа ҳужжатларни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки белгиламаган шаклда тақдим этиш, агар бу ҳаракатлар тўланиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларнинг миқдори камайишига олиб келса, ННТнинг мансабдор шахслари жавобгарликка тортилиши мумкин. Бу ҳолда энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорида жарима назарда тутилган. Маъмурий чора қўрилгандан кейин йил давомида ҳуқуқбузарлик яна такрорланса, жарима миқдори энг кам иш ҳақининг беш баробаригача оширилади.

Кодекснинг 1751-моддасига асосан, бехгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартибининг бузилиши мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади. Маъмурий чора қўрилганидан кейин худди шундай ҳуқуқбузарлик йил давомида такрорланса, жарима миқдори энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача оширилади.

Кодекснинг ННТнинг маъмурий жавобгарлигига бевосита доир меъёрларининг нисбатан яқинда қабул қилиниши нодавлат нотижорат ташкилотларининг рўйхатдан ўтказувчи органларга ҳисобот тақдим этиши жорий этилиши билан боғлиқ.

Кодексда нодавлат нотижорат ташкилотлари, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари давлат рўйхатидан ўтказилмаган (ҳисобга қўйилмаган) ҳолда фаолиятни амалга оширганлиги учун энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солиниши назарда тутилган.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган рамзий белгилардан фойдаланиш мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг рўйхатдан ўтказувчи органларга ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этмаганлиги, ўз вақтида ёки белгиланган шаклда тақдим этмаганлиги, нодавлат нотижорат ташкилотлари томо-

нидан мол-мулк ва пул маблағларидан фойдаланилганлиги ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан, уларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаганлик мансабдор шахсларга нисбатан энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 239-моддаси).

Кодекснинг 239–1-моддасида назарда тутилган ННТнинг жамоат жамғармаси каби ташкилий-ҳуқуқий шаклининг жавобгарлиги тўғрисидаги махсус меъёрларни ҳам айтиб ўтиш жоиз. Жамоат жамғармаси мол-мулкдан фойдаланиш тўғрисидаги йиллик ҳисоботни эълон қилмаган тақдирда, мансабдор шахсларга нисбатан энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солинади.

Кодекснинг 18-бобида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлиги, маъмурий жазо чораларини қўллаш ҳуқуқи бўлган органлар ва уларнинг мансабдор шахслари доираси белгиланган.

Ҳар вақт назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар текширувларини тартибга солиш тизими ва қонунчилик базаси мавжудлигини назарда тутиш керак, уларни билиш Сизга давлат органларига ҳисобот бериш билан боғлиқ муаммоларни четлаб ўтиш имконини беради.

ННТ фаолиятини текшириш ва амалдаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги

Ўзбекистон Республикасининг ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текиширишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари

Ушбу қўлланмада ННТни назорат қилувчи органлар вакиллари билан ўзаро муносабатларидан келиб чиқадиган барча ҳолатлар юзасидан маслаҳат беришнинг иложи йўқ. Назаримизда, текширувчи орган ходими билан учрашиш ҳолатининг ўзи ташкилотингиз фаолиятидаги қайсидир муаммолари текшириш сабаби бўлганидан далолатдир. Давлат органларида амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қиладиган билимли ва диёнатли одамлар ишлашига қарамасдан, афсуски, уларнинг мутлақо акси бўлган тоифадаги амалдорлар ҳам мавжуд.

Ушбу бўлимда ННТ ходимларининг текширувлар ўтказиш жараёнидаги ҳулқатвори мисолларини назарда тутишга ҳаракат қиламиз. Текширувчи органлар ходимлари билан ўзаро меъёрли муносабатларда бўлиш муҳим жиҳат ҳисобланади. Шу боис, Сиз тарафлар йўл қўйиши мумкин бўлган ҳатоларни тузатишга тўғри келмаслиги учун текшириш жараёнида фаол иштирок этишингиз лозим бўлади. Ўзингизни хушмуомала ва муносиб равишда тутинг. Гоҳида ташкилот фаолиятидаги қоидабузарликлар эмас, балки текширувчининг текширилаётган шахс билан муносабатларидаги ҳатолар салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

“Текшириш” атамаси нимани англатади?

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган “Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни (2000 йил 26 май, 2000 йил 15 декабрь, 2004 йил 30 апрель, 2004 йил 3 декабрь, 2006 йил 23 март, 2007 йил 14 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартишлари билан) 3-моддасига биноан ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши текшириш ҳисобланади.

Давлат органлари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқи, бундай назорат турлари, даврийлиги, муддатлари, принциплари тўлалигича “Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгиланган.

Бошқача қилиб айтганда, текшириш – бу ташкилотингиз фаолиятини давлат органлари томонидан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги нуктаи назаридан ўрганишидир.

Ўзбекистон қонун ҳужжатларида ҳўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга кенг ўрин ажратилган.

1997 йилдан бошлаб назорат қилувчи органлар фаолиятини тартибга солиш мақсадида давлат органлари томонидан юридик шахсларнинг текширувини ўтказиш масалалари юзасидан мамлакатимизда қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, улар кейинчалик тақомилига етказилган.

2000 йил 25 майда Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилинганилиги ННТ учун муҳим бўлди. Ушбу Қонунда фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги, уларнинг ишчанлик фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун бериладиган кафолатлар ҳамда яратиладиган шароитлар ақс этган. Қонун тадбиркорлик фаолиятини тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва Ўз мулкый жавобгарлиги остида даромад (фойда) олинига қаратилган ташаббускор фаолият деб таърифлайди. Ушбу таъриф асосида ННТнинг ҳар қандай фаолият турини, башарти, бунда Ўз ташаббуси, даромад олини тарзидаги мақсад, таваккалчилик ва мулкый жавобгарлик каби белгилар бўлса, тадбиркорликка киритиш мумкин, деган ҳулоса келиб чиқади.

Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг нодавлат нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятига таъсир этиши ва, башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилиши ҳужжатнинг ўзига хос белгисидир.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш тартиби тўғрисидаги Низомдан ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 29 декабрда 1650-рақами билан рўйхатдан ўтказилган Текширишларни қайд этиш китобини юритишдан келиб чиққанда, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахс ҳўжалик юритувчи субъект деб эътироф этилади.

Қонун ҳужжатлари мантиғи бўйича барча юридик шахслар, ҳам тижорат, ҳам нотижорат ташкилотлари ҳўжалик юритувчи субъект таърифига тўғри келади. Демак, ННТга нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган даврида ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари меъёрлари татбиқ этилади.

Шу ўринда давлат органлари турли ҳилдаги текшириш тадбирларини ўтказиши мумкин. Улар сирасига қуйидагилар киради:

а) текшириш – ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда Ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши;

б) комплекс текшириш – икки ва ундан ортик назорат қилувчи органлар томонидан бир вақтнинг ўзида амалга оширилаётган текширув;

в) молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш) – солиқ ва валюта қонун ҳужжатларига риоя этишни назорат қилиш мақсадида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банкка оид ва бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослаш;

г) режадан ташқари текширув – қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва ҳолларда назорат қилувчи органлар томонидан амалга ошириладиган йиллик ёки йил чораги текширишлар режасига киритилмаган (шу жумладан, қисқа муддатли) текширув;

д) қисқа муддатли текшириш – назорат қилувчи органлар томонидан бир иш қуни давомида амалга ошириладиган ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мо-

лия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган текшириш (кечки ва (ёки) тушги вақтда ишлайдиган хўжалик юритувчи субъектларда қисқа муддатли текширишлар текшириш бошланган пайтдан эътиборан саккиз соат мобайнида (текшириш куни 18.00дан кейинги кун эрталаб 6.00 гача) амалга оширилади);

е) муқобил текшириш – операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлиқ бўлган ва турли хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларидаги ҳужжатларни таққослашдан иборат текширув;

ж) назорат тартибида текшириш – хўжалик юритувчи субъектларнинг илгариги текширишда кўрсатилган қоидабузарликлар бартараф этилиши устидан назорат қилувчи органлар томонидан амалга ошириладиган текшириш.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентини 2005 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилиш учун масъулияти кучайтирилди. Мазкур ҳужжат қабул қилиниши билан микрофирмалар ва кичик корхоналар молия-хўжалик фаолиятини режа асосида текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта, тадбиркорликнинг бошқа субъектлари учун кўпи билан уч йилда бир марта амалга оширилади.

Қувонарлиси шундаки, башарти, тадбиркорлик субъектлари назорат қилувчи органларнинг кўрсатмаларини бажарган ҳамда белгиланган муддатда ва тўлиқ ҳажмда ихтиёрий равишда зарарни колаган бўлса, уларга нисбатан молиявий санкциялар қўлланилмайди. Сизнинг фаолиятингизнинг ҳар қандай текшируви ўтказилганида текширувчилар Текширишларни қайд этиш китобида ёзиб қўйиши шарт. Мазур китоб расмий ҳужжат ҳисобланиб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча юридик шахслар томонидан юритилиши керак.

Ташкилот мансабдор шахслари бўлмаган тақдирда текшириш бошлангунга қадар Сиз тегишли текширувчи органга текшириш ўтказишни вақтинча қолдириш тўғрисида ариза бериш ҳуқуқига эгасиз. Текширувчи орган назорат қилувчи органлар тақдим қилган асосларга кўра, алоҳида ҳолларда текширишни бошқа вақтга кўчириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Текширувчи мансабдор шахс Текширишларни қайд этиш китобини тўлдиришни рад қилса, унинг текшириш ўтказишига йўл қўймайди керак. Текширишларни қайд этиш китоби тўлдирилгани ва текшириш ўтказилганидан кейин иккала мансабдор шахс, ҳам текшириш раҳбари, ҳам ташкилотингиз раҳбари китобга киритилган ёзувлар тўғрилигини имзолари билан имзо санаси ва вақтини кўрсатган ҳолда тасдиқлайдилар.

Текширишларни қайд этиш китоби назорат қилувчи органларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилишини ёдда тутинг. Шунинг учун биринчи навбатда ўзингиз уни сотиб олиш ва зарур тарзда тўлдиришдан манфаатдор бўлишингиз лозим.

Таъкидлаш жоизки, барча ваколатли текширувчи давлат органлари амалдаги қонун ҳужжатлари тегишли меъёрларини бузганлик учун жарима санкциялари қўллаш ҳуқуқига эга. Агар Сиз текширувчи шахсларнинг текшириш ўтказиш

диридаги ваколат даражасини, ҳуқуқ. Ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларингизни билсангиз, жазо чоралари ва жарималар ноқонуний равишда қўлланилишининг олдини олиши мумкин.

Таъкидланганидек, ННТ фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларини бузиш ҳоллари, башарти, ННТ мансабдор шахсининг ҳаракатларида жиноят белгилари бўлмаса, одатда, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс меъёрлари билан тартибга солинади.

Текширувчи органлар вакиллари нотижорат ташкилоти масъул шахсларини муайян ғайриқонуний ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун маъмурий жавобгарликка тортиб, қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ мазкур шахснинг айбини исботлаб беришлари шарт.

ННТ фаолияти давлат органлари томонидан текширилганида ННТ тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ, авваламбор, солиқ ва божхона ҳуқуқи амал қилиши соҳасига оид масалалар бўйича қонунбузарликлар аниқланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 242-моддасида белгиланганидек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қуйидагилар кўриб чиқишга ҳақли:

1) туман (шаҳар) суди маъмурий ишлар бўйича судьялари, хўжалик судлари;
2) кишлокча, кишлок, овул фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялари;

3) вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) комиссиялари;

4) ички ишлар (милиция), давлат инспекциялари органлари (мансабдор шахслари) ҳамда бошқа ваколатли органлар ва уларнинг мансабдор шахслари.

Қонда тарикасида, давлат органларининг ваколатли шахслари ўз ваколати доирасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича жарима санкцияларини қўллаши мумкин. Аммо, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ҳуқуқбузарликка тааллуқли нарсани (масалан, офисдаги ёнғин хавфи бўлган ясама иситгичларни) мусодара қилиш ёки текинга олиб қўйиш каби маъмурий чоралар қўлланилиши мумкин.

Ҳар қандай маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида ваколатли мансабдор шахс баённома тузиши шарт, айбдор ҳуқуқбузарлик содир қилганлигини инкор этмаётган, шунингдек, жарима энг кам иш ҳақи миқдорининг ярмидан ошмаган ҳоллар бундан мустасно.

Ҳар қандай мансабдор шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ҳуқуқига эга эмас. Бундай ҳуқуққа қонун ҳужжатлари билан бузилиши маъмурий жавобгарликка сабаб бўлган қондаларга риоя этишни текшириш ёки назорат қилиш зиммасига юкланган тегишли органларнинг мансабдор шахсларига эга.

Баённома тузишдан олдин мансабдор шахс Сизга ҳуқуқларингиз ва мажбуриятларингизни тушунтириб бериши шарт, бу ҳақда баённомага ёзиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс меъёрларига мувофиқ, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иш материаллари билан танишиш, тушунтиришлар бериш, далиллар тақдим қилиш, илтимосномалар киритиш, иш кўриб чиқилаётганида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш, ўз она тилида сўзга чиқиш, таржимон хизматларидан фойдаланиш, иш бўйича қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга нисбатан махсус та-
лаблар борлигини назарда тутинг, акс ҳолда, у ҳақиқий эмас, деб топилиши мум-
кин. Масалан, баённомада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак: уни ту-
зиш санаси ва жойи, мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми,
ҳуқуқбузарнинг шахси тўғрисидаги маълумотлар, маъмурий ҳуқуқбузарлик
содир этиш жойи, вақти ва мазмуни, жавобгарликни назарда тутган меъёрий
ҳужжат кўрсатилганлиги, гувоҳ ва жабрланувчиларнинг фамилиялари, манзил-
лари, ҳуқуқбузарнинг тушунтиришлари, моддий зарар тўғрисидаги маълумотлар,
ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар. Баённомани уни тўлдир-
ган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилган шахс, гувоҳлар ва жабрланув-
чилар бўлган тақдирда – мазкур шахслар ҳам имзолайди.

Агар Сиз ҳуқуқбузарлик содир қилган шахс сифатида баённома имзолашни
рад қилсангиз, бу ҳақда баённомага ёзиб қўйиш ҳамда тушунтириш ва эътироз-
ларни илова қилиш, шунингдек, баённома имзолашни рад қилиш сабабларини
баён қилиш лозим.

Давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг текширишлар ўтқа-
зиш тартибини бузганлик учун масъулиятини кучайтирувчи меъёрий-ҳуқуқий
ҳужжатлар кўплигига қарамасдан, бугунги кунда юридик шахсларни текшириш
ўтказишга ваколатли тузилмалар ҳали кам эмас. Нотижорат ташкилотларининг
фаолиятини солиқ, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, санитария-эпидемиоло-
гия ва ёнғинга қарши хизматлар кўпроқ текширади, шунинг учун ҳам бундай ту-
зилмалар ваколатли мансабдор шахслари билан учрашишга ҳамиша тайёр бўлиб
туриш керак.

Назорат қилувчи органлар ваколатлари тўғрисидаги ахборотни ушбу орган-
ларнинг ўзида, марказий аппаратларида ва ҳудудий бўлинмаларида олиш мум-
кин. Текширишларни қайд этиш китобига иловаларда назорат қилувчи органлар
вилоят бўлинмаларининг манзиллари ва телефон рақамлари берилган.

Текшириш бошланишидан олдин назорат қилувчи орган вакили Сизга
қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиши шарт:

– режадаги текширишда – Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши ёки
унинг ҳудудий комиссияси томонидан текширишларнинг мувофиқлаштириш ре-
жаси-графиги;

– мувофиқлаштирувчи кенгаш ёки вилоят комиссияси томонидан қабул
қилинган ҳамда текшириш муддатлари, мақсадлари ва сабаби кўрсатилган режа-
дан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисидаги қарор;

– назорат қилувчи органнинг текшириш мақсадлари, текширувчилар таркиби
ва текшириш муддатлари кўрсатилган ҳамда назорат қилувчи орган раҳбари то-
монидан тасдиқланган текшириш тайинлаш тўғрисидаги буйруғи;

– текшириш тайинлаган назорат қилувчи орган мансабдор шахснинг хизмат
гувоҳномаси;

– текширувчи шахснинг текшириш ўтказиш ҳуқуқини тасдиқловчи аттеста-
циядан ўтганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳнома;

– текшириш жиноят ишини тергов қилиш борасида ўтказилган тақдирда те-
гишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг текшириш ўтказиш тўғрисидаги
қарори;

– текширишга аудиторлик ташкilotи ва эксперт жалб қилинган тақдирда, текширувчи орган ва аудиторлик ташкilotи ёки эксперт ўртасидаги шартнома нухаси.

Текшириш тугаганидан сўнг текширувчи ва текширилаётган ташкilotнинг нақолатли мансабдор шахси текшириш далолатномаси ёки маълумотномасини нкки нухсада имзолашлари керак. Унинг бир нухаси текшириш ўтказилган ташкilotда қолади, зарур ҳолларда текширувчи орган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатма беради. Бу барча ҳужжатлар ўн кун ичида текширилаётган субъект мансабдор шахсига топширилиши керак.

Агар Сиз текшириш натижалари ва хулосаларига рози бўлмасангиз, шунингдек, бунинг устига текшириш борасида мансабдор шахс Сизнинг ҳуқуқларингиз ва манфаатларингизни бузган, деб ҳисобласангиз, бу норозиликнинг сабабларини кўрсатиб ёзма равишда ифода этиш ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий органига мурожаат қилиш лозим.

Ҳужалик юритувчи субъектлар ёки ННТ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоат тузилмаларига, чунончи, Савдо-саноат палатасига, Ўзбекистон Республикаси ННТ Уюшмасига, Фермер ва деҳқон ҳужаликлари уюшмасига, Тадбиркор аёллар уюшмасига ва бошқа идораларга маслаҳат олиш учун мурожаат қилинса, яхши бўларди.

Бундан ташқари, Сизда текшириш ўтказган назорат қилувчи органнинг юқори турувчи ташкilotига текшириш натижалари билан рози эмаслик тўғрисида ариза берса бўлади.

Бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг ҳар хил турлари мавжуд. Хусусан, Сиз давлат органи мансабдор шахси томонидан ташкilotингизни текшириш натижалари бўйича чиқарилган далолатнома устидан ҳужалик судига шикоят қилишингиз мумкин.

Қонун ҳужжатларида фуқаролик судида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконияти назарда тутилган, мансабдор шахснинг ҳаракатларида жиноят белгилари мавжуд бўлган тақдирда, ННТ раҳбари ариза билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмаларига (прокуратура ёки ички ишлар органларига) мурожаат қилиши мумкин.

ННТ вакиллари текширувчиларнинг қонуний талабига биноан, текшириш учун зарур бўлган материаллар ва ҳужжатларни тақдим этишга мажбурдирлар. Ўз навбатида, текширувчи мансабдор шахслар текширилаётган ташкilotнинг тижорат сири ва бошқа сири сакланишини таъминлаши шарт. Сиз текшираётган шахсга, башарти ҳужжатлар ёки конфиденциал ахборот ўтказилаётган текширувга алоқаси бўлмаса, уларни тақдим қилишни рад қилиш ҳуқуқига эгасиз.

Шунингдек, Сиз Республика мувофиқлаштириш кенгаши ишчи органларидан ва ҳудудий тузилмаларидан текшириш билан боғлиқ барча зарур ахборотларни (текшириш санаси, тури, текширувчи орган номланиши, текшириш ўтказиш асослари ва ҳ.к.) талаб қилиб, уларни текин олиш ҳуқуқига ҳам эгасиз.

Мувофиқлаштириш кенгаши томонидан тасдиқланган режадаги текширишлар тўғрисидаги ахборот ҳар ойда “Солиқ ва божхона хабарлари” газетасида эълон қилинади, ундан ташкilotингизда бўлажак текшириш ҳақида олдиндан билиб олиш мумкин.

Текширувчи орган илгари текширилган масалалар бўйича текшириш ўтказилмаслигини назарда тутиш муҳимдир (аммо бу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қўзғатилган жиноят иши доирасида ўтказиладиган текширишларга тааллуқли эмас). Текширувчи органларнинг раҳбарлари ва ваколатли шахслари зиммасига текширишлар ўтказиш белгиланган тартибига риоя қилмаслик учун жиноий жавобгарликни ҳам кўзда тутадиган шахсий масъулият юклатилганини назарда тутинг.

Энди биз Сизга нодавлат нотижорат ташкилотда текшириш тайинланганига тааллуқли қатор тавсиялар бермоқчимиз:

1. Текширувчидан Текширишларни қайд этиш китобининг бандларига тўла мувофиқ ҳолда уни тўлдиришни ва унда ўз имзосини қолдиришни илтимос қилинг.

2. Текширувчининг ташкилотингиз молия-ҳўжалик фаолиятига аралашishiга ва ишдан ташқари вақтда текшириш ўтказишига йўл қўйманг, унинг текшириш бошланиши вақтига риоя этишига эътибор беринг.

3. Текширувчидан текшириш бўйича саволнома сўраб олинг, унинг текширувчи орган буйруғига мувофиқлигини текширинг, текширувчининг буйруқда белгиланган масалалар бўйича текшириш учун зарур бўлган ҳужжатлардангина фойдаланишига рухсат беринг.

4. Текширувчидан Сизга далолатноманинг бир нусхаси топширилишини ҳамда далолатнома ва Текширишларни қайд этиш китобига Сизнинг далолатнома бўйича барча эътирозларингиз ва қарама-қарши фикрларингиз киритилишини талаб қилинг.

5. Текшириш пайтида ташкилотингиз жойлашган ердаги савдо-саноат палатаси вакиллари, зарурат бўлганида тажрибали адвокат ва ҳуқуқшуносларни таклиф қилинг.

6. Текширувчиларнинг ҳаракатларига баҳо беринг, улар томонидан текшириш ўтказиш борасида содир қилинган қоидабузарликлар ҳақида ишонч телефонлари орқали Республика мувофиқлаштириш кенгашига ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига хабар беринг.

Текшириш борасида хулқ-атвор қоидаларини ва ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш оддий ҳуқуқий асосларини билиш Сизга текширувчи органлар мансбдор шахслари билан тенг муомалада бўлиш имконини беради.

Текшириш борасида қандай қоидаларга риоя қилиш зарур?

1. Текширувчини табассум билан кутиб олиш унга сўзсиз яхши кайфият бахш этади. Чунки текширувчи одатда Сизга нисбатан танқидий бўлишга шайланган, ёмон хулқ-атворингиз билан Сизга нисбатан бўлган ёндашувни кучайтиришга имкон берманг.

2. Текширишда Сиз махсус кўрсатма билан танишиш ҳуқуқига эгасиз. Унда текшириш учун асос бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат, текшириш мақсадлари, муддатлари ва текшириш ўтказиш учун ваколатли мансбдор шахс ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, текширувчининг гувоҳномаси, муассаса номи, телефони кўрсатилади.

3. Текшириш ўтказиш натижалари белгиланган шаклдаги далолатнома ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тарзида расмийлаштирилади.

ди. Агар Сиз баённома юзасидан тушунтиришлар беришга тайёр бўлмасангиз, бунини ҳушмуомалалик билан рад қилишингиз мумкин, чунки тушунтириш беришни рад этиш учун жавобгарлик назарда тутилмаган. Аммо Сиз текширувчининг ҳаракатлари гайриқонуний деб ҳисобласангиз, бундай ҳолатларни ёзма равишда аёқ эйтириш, текшириш жойи, санаси ва вақтини кўрсатиш ҳамда ҳужжат остига ўт имзоингизни қўйиш тўғрирок бўларди.

Баённома зиммасига бузилиши маъмурий жавобгарликка сабаб бўлган ҳолатларга риоя этишни текшириш ёки назорат қилиш қонун ҳужжатлари томонидан юкланган тегишли органнинг ваколатли мансабдор шахси томонидан тузилди. Ваколати бўлмаган шахснинг баённома остидаги имзоси ушбу ҳужжат юридик кучга эга бўлмаслигига сабаб бўлади.

4. Ҳар қандай ваколатли давлат органи Сизнинг ташкилотингиз фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни олиб қўйган тақдирда уларнинг барчасидан ўзингиз учун нусхалар қилиб қолдиришингиз ва ҳужжатларни ҳар бир олиб қўйиладиган варақ батафсил рўйхати бўйича топширишингиз лозим.

Мансабдор шахснинг далолатнома имзолашни рад қилиши ҳужжат кучига таъсир қилмайди. Далолатномани имзолашни рад қилмасдан, энг яхшиси, унинг олд томонига (алоҳида ёзилмаган қоғоз варақасига имзо қўйманг) имзо қўйиб текширувчи бузган қонун ҳужжатларига мурожаат қилиб, тушунарли тарзда изоҳлар билан ўз эътирозларингизни кўрсатиш лозим.

5. Агар Сиз далолатнома билан рози бўлмасангиз, текширишни ҳуқуқий баҳолаш натижалари учун ҳужжатни имзолашни рад қилиш жиддий аҳамиятга эга эмас, лекин психологик нуқтаи назардан текширувчи орган вакили билан низоли вазиятга олиб келади. Имзо қўйишдан олдин текширувчига ҳаяжонланаётганингиз туфайли ўз фикрингизни баён қилолмаслигингизни тушунтириб, “далолатнома билан розиман”, деб ёзиб қўйиш лозим. Далолатнома билан рози эмаслигингиз нимада ифода этилишини келгусида зарурат бўлганида Сизга адвокат ёки маслаҳатчи изоҳлаб беради.

Агар Сиз мустақил равишда эътирозларни таърифлаб беролсангиз, уларни алоҳида қоғоз варақасида ёзиб, баённомага имзо қўйганда ўз тушунтиришларингизни илова қилаётганингизни кўрсатинг. Лекин далолатнома ёки баённома бир нусхада тузилса, бунда Сизга зарур ҳужжатнинг нусхаси берилмаганлигини кўрсатиш керак.

6. Текшириш далолатномаси ёки баённомаси бўлмаса, ҳуқуқбузарлик факти ҳам йўқ.

Сизга текшириш натижалари юзасидан судга мурожаат қилишга тўғри келиши мумкин, ўшанда Сизнинг текшириш далолатномаси ёки баённомасидаги ёзма тушунтиришларингиз суд томонидан иш бўйича далил сифатида эътиборга олинди ва улар Сизнинг фойдангизга хизмат қилиши мумкин.

Баъзан текшириш жараёнида текшириш натижалари бўйича далолатномани имзолашда ННТ ходимларининг ваколатлилиги тўғрисида саволлар пайдо бўлади. Текшириш далолатномасини ташкилот раҳбари имзолайди, аммо у текшириш даврида бирон-бир сабабга кўра ишда бўлмаса (таътил, касаллик, хизмат сафари), буйруққа асосан, унинг ваколатлари зиммасига юкланган раҳбар ўринбосари ёки бошқа мансабдор шахс текшириш далолатномасини имзолаши шарт. Вазн-

фаларни юклаш тўғрисидаги бундай бўйруксиз ташкилотнинг бирон-бир ходими текшириш далолатномасига имзо қўйиш ҳуқуқига эга эмас.

Текширувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатли мансабдор шахслари қонун доирасидан чиқиши мумкин эмас, чунки қонун ҳужжатлари томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ҳўжалик юритувчи субъектлар молия-ҳўжалик фаолиятида тўскинлик яратишни ман қилади. Бу қоидага текширишлар бора-сида сўзсиз риоя қилиш керак.

Агар юридик шахсларга қонунда ман қилинмаганларнинг барчасини қилиш мумкин бўлса, назорат қилувчи органларга эса аксинча, қонунда рухсат этилмаганларнинг барчаси ман қилинган. Бу принцип Ўзбекистон Республикаси Ҳўжалик-процессуал кодексининг 55-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган: “Давлат органлари ва бошқа органларнинг ҳўжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар қўрилганида ушбу ҳўжатнинг қабул қилинишига асос бўлган ҳолатларни исботлаш мажбурияти ҳўжатни қабул қилган орган зиммасига юклатилади”. Шундай қилиб, Сиз эмас, балки давлат мансабдор шахслари судда ҳаракатларининг қонунийлигини исботлаб беришлари шарт.

Фаолият турли йўналишлари бўйича ННТ фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга бир қанча давлат органлари мавжуд. Аммо текширувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг текширувларини мувофиқлаштириш тизими ушбу органлар Сизни огоҳлантирмасдан ва текширишларга қўйиладиган тегишли талабларни бажармасдан текширолмаслигига қўмақлашади. Сизнинг қонунларни билишингиз ва уларни амалиётда қўллаш қўникмаларингиз давлат органлари мансабдор шахсларининг эҳтимоли бўлган суиистеъмоликларидан ҳимояланиш самарали воситаси ҳисобланади.

Тушуниб турганингиздек, текшириш тўғалланганидан сўнг унинг натижалари бўйича ўзаро муносабатлар тўгамайди, шунинг учун тегишли органларда текширишлар натижалари қўриб чиқилганида ўзини қандай тутиш, бунда ўзини ва нодавлат нотижорат ташкилотининг манфаатларини қандай ҳимоя қилиш кераклигини билиш муҳимдир.

ННТ фаолиятининг солиқ органлари томонидан текширилиши

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 6-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахс белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши шарт. Бу мажбуриятни сўзсиз қабул қилиш керак, чунки солиқлар давлатнинг асосий даромад манбаидир. Айни вақтда, солиқ қонун ҳўжатлари, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билган тақдирдагина фуқаролар ва ташкилотларнинг манфаатларини солиқ органлари вакилларининг суиистеъмоликлари ва хатоларидан ҳимоя қилиш самарали бўлиши мумкин.

Шу муносабат билан Сиз ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қила олишингиз ва ташкилотингиз фаолияти текширилганида давлат солиқ органлари вакиллари билан муомала қила олишингиз керак.

Бу сиз ўйлаганчалик оддий масала эмас. Чунки солиқ органи вакили текшири-лаётган ташкилотнинг конфиденциал ахборотидан тез фойдаланиш имкониятига эга, бу эса ташкилот фаолияти молиявий ва моддий негизига бевосита алоқадор.

Солиқ органлари ходимлари билан Ўзаро муносабатларда келишмовчиликнинг олдини олиш учун давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқлари 1997 йил 29 августдаги “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги, 1999 йил 20 августдаги, 2000 йил 31 августдаги, 2001 йил 12 майдаги, 2001 йил 30 августдаги, 2002 йил 13 декабрдаги, 2003 йил 25 апрелдаги, 2004 йил 27 августдаги, 2004 йил 3 декабрдаги, 2005 йил 23 майдаги, 2005 йил 23 сентябрдаги, 2005 йил 20 декабрдаги, 2006 йил 10 октябрдаги, 2007 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси қонунарига биноан киритилган ўзгартишлари билан) белгиланганини билиш лозим.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколати доирасида солиқ тўловчиларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига солиқлар ва мажбурий тўловларини ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ ҳужжатларини текшириш, текшириш борасида вужудга келадиган масалалар юзасидан зарур тушунтиришлар, маълумотномалар ва маълумотлар олиш, солиқ тўловчилар фаолиятига тааллуқли маълумотлар, маълумотномалар, ҳужжатлар ва улардан нусхалар олиш ҳуқуқига эга.

Бундан ташқари, солиқ органлари вакиллари солиқ қонун ҳужжатлари бўлишига йўл қўяётган юридик шахслардан даромад ва солиқ солинадиган объектларни яширишдан далолат берувчи ҳужжатларни, шунингдек, ҳуқуқбузарлик предметларини белгиланган тартибда олиб қўйишлари, кассаларни ва товар-моддий қимматликларни ва ҳужжатларни сақлаш жойларини муҳрлаб қўйишлари мумкин.

Шуни ҳам билиб қўйиш муҳимки, солиқ хизмати органлари юридик шахслар ҳужжатлар текширишни ёки давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахслари даромад олиш учун фойдаланиладиган ёки солиқ солиш объектини сақлаш билан боғлиқ хона ва жойларни ўрганиш мақсадида текширишни рад қилган, текшириш ўтказиш вақтида молиявий ҳисоботлар, ҳисоб-китоблар, декларациялар ҳамда солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар тақдим этмаган тақдирда юридик шахсларнинг ҳисобварақлари ва банклардаги ва бошқа молия-кредит ташкилотларидаги бошқа ҳисоб рақамлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриши мумкин.

Банк ҳисобварақлари суд тартибида тўхтатиб турилади, жиноий фаолият ва терроризмни молиялаштиришдан олинган даромадларни қонунийлаштириш бўйича аниқланган ҳолатлар бундан мустасно.

Солиқ ҳуқуқбузарликлари учун турли хил жавобгарлик назарда тутилган. Солиқ органлари асосан солиқ қонун ҳужжатларини бузганларга нисбатан маъмурий жарималар ва молиявий санкциялар қўллайди, юридик шахсларнинг мансабдор шахслари эса қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий ва жиноий жавобгарликка ҳам тортилади.

Фақат солиқ органлари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари солиқ ҳуқуқбузарликлари учун маъмурий ишларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга, ушбу органларнинг бошқа ходимларига бундай ҳуқуқ берилмаган.

Янги Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси кучга кирганидан сўнг 2008 йил январь ойидан ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий

санкциялар фақат суд тартибида қўлланилади, улар содир қилган ҳуқуқбузарлик учун айбини тан олган ва молиявий санкциялар суммаларини ихтиёрий равишда тўлаган ҳоллари бундан мустасно.

Шунинг учун солиқ органи ННТ мансабдор шахсига жазо чорасини қўллаш тўғрисида материаллар тайёрлаб, ишни судда кўриб чиқиш ва молиявий санкциялар қўллаш тўғрисида қарор чиқариш учун суд органига юбориши керак.

Масалан, агар солиқ органи вакили Сизга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг “Солиқ ёки бошқа тўловлар тўлашдан бўйин товлаш” деб номланган 174-моддаси бўйича санкциялар қўллаш тўғрисида материаллар тайёрлаётган бўлса, у биринчи навбатда Сизда даромад суммасини ёки солиқ солиш бошқа объектларини яшириш ёки камайтириш қасди бўлганини исботлаб бериши керак.

Солиқ органлари кўпинча Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг “Солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операциялари юритиш тартибини, шунингдек, тўлов интизомини бузиш” деб номланган 175-моддасини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисида ишлар кўзгатиб, бунда асосий эътироз солиқ ҳисоботлари, ҳисоб-китоблар ва бошқа ҳужжатлар ўз вақтида тақдим қилинмаганлиги ёки белгиланган шакл бўйича тақдим қилинмаганлиги билдирилади.

Ушбу модда бўйича жавобгарлик содир қилинган ҳаракатлар солиқ суммаси камайишига олиб келгандагина вужудга келишини, агар бундай ҳолатлар аниқланмаган бўлса, жарима санкциялари қўлланилиши мумкин эмаслигини эътиборга олинг.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 113-121-моддалари турли солиқ конун ҳужжатларини бузилгани учун молиявий санкцияларни назарда тутди. Масалан, солиқ органида ҳисобга туришдан бўйин товлаш, солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузиш, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш тартибини бузиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузиш ва бошқалар.

Солиқ органи томонидан қўлланилиши мумкин бўлган жиддий молиявий санкцияларидан бири ташкилот даромади яширилган тақдирда яширилган даромад суммасини ундириш ва ўша сумма миқдориде жарима солиш. Солиқ тўловчи молиявий санкция қўлланилган кундан эътиборан, бир йил ичида худди шундай қилмиш такроран содир этган бўлса, ундан яширилган сумма икки баробари миқдориде жарима ундирилади.

Сир эмас, баъзан солиқ органларининг мансабдор шахслари ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни ўтказганда маъмурий жавобгарликка тортиш тартибини бузишга йўл қўядилар. Шунинг учун Сиз улар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш юритишда риюя этиши шарт бўлган муайян коидаларни билишингиз керак.

Биринчидан, текширувчи Сизнинг ишингизда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш юритишни истисно қилувчи ҳолатлар мавжудлигини текшириши шарт. Бундай ҳолатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 271-моддасида белгиланган ва маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби йўқлиги, яъни Сизда солиқ тизими асосларига зарар етказиш қасди йўқлиги уларнинг асосийси ҳисобланади.

Солиқ органлари ходимлари томонидан текширишларда айрим асосий ҳаёт ва камчиликлар ҳос бўлиб, улар текшириш далолатномасида ёки Сизни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор чиқариш учун ҳужжатларни расмийлаштиришга эришишига эришишингиз мумкин.

Улар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) маъмурий ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш тўғрисида баённома тузилмаган ёки Сизга бундай баённоманинг нусхаси топширилмаган;

б) солиқ органи раҳбарининг қарори ва қўлланилаётган қонун ҳужжатлари меъёрлари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига тўғри келмайди;

в) ишни кўриб чиқишда мансабдор шахс Сизнинг ҳуқуқларингиз ва мажбуриятларингизни маълум қилмаган, Сизнинг тушунтуришларингизни тингламаган, Сизнинг иш тўғри кўриб чиқиши учун аҳамиятли бўлган изоҳларингиз эътиборга олинмаган;

г) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома бундай ҳужжатларга имзо қўйиш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан имзоланган, ҳужжатга имзо қўйган шахснинг фамилияси ва лавозими кўрсатилмаган;

д) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс томонидан бузилган меъёрий ҳужжатлар кўрсатилмаган;

е) маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор, у кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахсга юборилиши учун кунлик муддати бузилган;

ж) Сизга ўз вақтида маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор юборилмаган ва белгиланган 15 кунлик муддатда жарима тўлашингиз учун тўскинликлар яратилган.

Сиз солиқ органлари билан ўзаро муносабатларингизда дуч келишингиз мумкин бўлган яна бир масала – банк ҳисобварағи бўйича операцияларни тўхтатиб туриш. Қонун солиқ органлари учун юридик шахсларнинг ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши мумкин бўлган муайян ҳолатларни белгилайди. Демак, солиқ органи мансабдор шахси ўз вақтида ҳисобот тақдим этмаганлик каби қоидабузарликлар учун Сизнинг ташкилотингиз банк ҳисобварағи бўйича операцияларни ҳеч қандай тўхтатиб қўя олмайди.

Шундай қилиб, агар Сиз қонуннинг ушбу талабларини бузаётган бўлсангиз, солиқ текшируви банк ҳисобварағидан фойдаланишни чеклаб қўйишга сабаб бўлмайди.

Мазкур бўлимда яна бир жиҳатга – ННТнинг аудиторлик хизматлари билан ўзаро муносабатларига тўхталиб ўтмоқчи эдик. Афсуски, ННТ аудиторлик текширувлари ўтказишга, асосан, сарф-харажатлар қилмасликка ҳаракат қилади. Аслида эса, аудиторлик текшируви – бу солиқ текширувларидаги эҳтимоли бўлган муаммоларда, айниқса грантлардан фойдаланиш бўйича ННТ фаолияти билан боғлиқ ишларда ўзини ҳимоя қилиш мақбул усулидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 ноябрдаги “Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 27 июлдаги 496-сон қарори билан киритилган ўзгартишлар билан) юридик шахсларга аудит ўтказиш юзасидан аудиторлик ташкилотлари билан шартномалар тузишда аудиторлик хулосасининг тўғрилигига жа-

вобгарликни назарда тутишни тавсия этади. Бу тўғри, чунки аудит ўтказиш учун муайян суммалар тўлаб, Сиз солиқ органлари текширувларида эҳтимоли бўлган оқибатлардан ўзингизни суғурталаш мақсадида бундай иш сифатига аниқ кафолатларга эга бўлиш ҳуқуқига эгасиз.

Шунинг учун Сиз аудиторларнинг текширув нафақат ўз вақтида ва тўлиқ бўлиши, балки аудитор айби билан вужудга келиши эҳтимоли бўлган зарарли оқибатлар учун жавобгарлигини аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларга киритишингиз лозим. Масалан, агар аудитор текшириш борасида ташкилот молия-хўжалик фаолиятида Сизнинг бухгалтерингиз томонидан йўл қўйилган хатоларни аниқламаса, шунингдек, бу кейинчалик солиқ органлари текшириганда аниқланса, бунда аудитор ўз хатоси учун жавобгар бўлиши ҳамда Сиз текшириш натижасида кўрган зарарни ва Сиздан текшириш натижалари бўйича ундирилган жарималарни ҳам тўлаб бериши шарт.

Кўрсатилган муаммолар кейинчалик вужудга келган тақдирда. Сизда аудиторлик текшируви ўтказган ташкилотдан зарар ундириш масаласи бўйича хўжалик судига мурожаат қилиш учун асос бўлиши учун буларнинг барчасини аудиторлар билан шартнома тузганда ҳисобга олиш лозим.

ННТнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро муносабатлари

Агар бир кун Сизнинг олдингизга текширувчи мансабдор шахс сифатида прокуратура ёки ички ишлар органлари ходими келса, хайрон бўлманг. Бундан ҳеч ким суғурталанмаган.

Эсингиздан чиқарманг, форма ва гувоҳнома борлиги ҳамиша ҳам бу киши ҳақиқатан ҳам муайян орган мансабдор шахси эканлигидан далолат бермайди. Шунинг учун, масалан, агар прокуратура ёки ички ишлар органи ходими деб ўзини таништирган киши текшириш ўтказиш учун хонага киритишни талаб қилса, ундан гувоҳнома ва текшириш учун асос ҳисобланган ҳужжатлар кўрсатишни сўранг. Агар булар йўқ бўлса, кўрсатилган текширувчи орган вакили бундай текшириш ўтказишга ваколатли эмас ва Сиз унинг талабларини бажармасликка тўла ҳақлисиз. Аммо, унинг ваколатлари ҳақиқий бўлса, хушёр бўлинг, чунки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари Сизнинг ташкилотингиз фаолиятини текшириш бўйича анча қатта ҳуқуқларга эга.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг ҳар қандай ходими текшириш борасида:

- а) шахсни тасдиқловчи гувоҳнома кўрсатиши;
- б) текширилаётган шахсга жиноят иши кўзғатиш тўғрисидаги қарорни мазкур иш рақамини ва текшириш тайинлаш тўғрисидаги қарорни кўрсатиши; унда текшириш тайинлаш асослари, текширувчи мансабдор шахслар рўйхати, текшириш ўтказиш муддати ва фақат кўзгатишган жиноят иши билан боғлиқ фаолият текширилиши лозимлиги кўрсатмаси акс этиши лозим;
- в) текширилаётган ташкилот ва унинг ходимлари фаолияти учун тўсқинлик қилмаслиги, уларнинг молия-хўжалик фаолиятига аралашмаслиги;
- г) текширилаётган ташкилотнинг хизмат ва тижорат сирини сақланишини таъминлаши;

д) белгиланган талабларга тўла мувофиқ ҳолда Текширишларни қайд этиш қиғобини тўлдириши;

е) текшириш натижаларини далолатнома ёки маълумотнома тарзида расмийлаштириши, унинг бир нусхасини текширилаётган ҳужалик юритувчи субъектда қолдириши;

ж) маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланганда баённома тузиши, унда ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг тушунтиришларини ақс этиши шарт. Агар текширувчининг ҳаракатларида қоидабузарликлар бўлган бўлса, Сиз ўз тушунтиришларингизда қонун ҳужжатлари бузилиши ва мансабдор шахс ваколатини суиистеъмол қилган ҳолатларни кўрсатишингиз мумкин.

Ички ишлар органлари ходимларининг ваколатлари махсус меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади. Уларга мувофиқ, молиявий, тадбиркорлик ва савдо фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисида маълумотлар бўлган тақдирда улар юридик шахслар эгаллаб турган хоналарга монеликсиз кириш, хизмат хоналарини, транспорт воситаларини, мол-мулк сақланадиган ва ундан фойдаланиладиган бошқа жойларни мулкдор ёки унинг вакиллари иштирокида кўздан кечириш, моддий қимматликлар, пул маблағлари, кредит ва молия операцияларига оид зарур ҳужжатларни олиб қўйиш, кассаларни ҳамда ҳужжатлар, пул ва товар-моддий бойликлар сақлаш жойларини муҳрлаб қўйиш, мансабдор ва моддий жавобгар шахслардан қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари бўйича маълумотлар ва тушунтиришлар олиш ҳуқуқига эга.

Шу муносабат билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар тузиш, шахсни маъмурий тарзда ушлаб туриш ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чораларни ҳам қўллаш ҳуқуқига эга.

Қуйида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари билан қандай муомала қилиш бўйича тавсиялар берилган:

а) кўздан кечириш ўтказилганида милиция ходимлари ҳаракатларига тўсқинлик қилманг, низоли вазиятни вужудга келтирманг, чунки барча текширувчи органлардан фақат милиция фуқарони ушлаб туриш ҳуқуқига эга;

б) текширувчилар билан муомалада бўлганда Сизнинг сўзларингиз нотўғри талқин қилинишининг олдини олиш учун кўп гапирмасликка ҳаракат қилинг;

в) маъмурий тарзда ушлаб туриш уч соатдан ошмаслигини назарда тутинг, шунинг учун текшириш салбий оқибатларини мумкин қадар қамайгириш учун баённома тузилганидан сўнг зудлик билан адвокат ёки ҳуқуқшунос билан учрашингизга ҳаракат қилинг;

г) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ўз-ўзидан жавобгарлик даражасини белгиламайди, уни ваколатли органнинг юқори турувчи мансабдор шахси, маъмурий комиссия ёки суд органи белгилайди;

д) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома нусхаси у тузилганидан сўнг ҳуқуқбузарлик содир қилган шахсга имзо қўйдирилиб топширилади. Баённомани имзолаганда унда бўш жойларни қолдирманг, ахборот бўлмаса, ҳамма жойда чизикчалар қўйинг;

с) Сиз ўзингиз учун нокулай вазиятга тушиб қолганингиз туфайли текшириш ўтказиш вақтини қискартириш чораларини кўринг. Баъзан вақтдаги ютук вазият ютуғига олиб келишини унутманг.

Бундай текширишлар билан боғлиқ яна бир муҳим жиҳат. Жиноят иши кўриб чиқилганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мансабдор шахслари ўзларига ташкилот раҳбарини фақат хаг орқали таклиф қилишлари ёки чақиришлари мумкин бўлиб, унда бўлажак суҳбат ёки муайян масала бўйича тушунтириш бериш хусусиятлари хабар қилинади.

Куйидагилар ННТ раҳбарлари ва мансабдор шахсларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш учун асос бўлиши мумкин: 1) фуқароларнинг қонун бузилиши, жиноятлар ёки фуқаролар ҳуқуқлари ва давлат манфаатларини камситувчи бошқа гайриқонуний ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлардан иборат ёзма мурожаатлари; 2) оммавий ахборот воситаларининг ННТ гайриқонуний фаолияти тўғрисидаги хабарлари; 3) назорат қилувчи органларнинг муайян шахс фаолиятида қонунийлик бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлари.

Ҳужжатлар олиб қўйилганида моддий бойликлар, пул маблағлари, кредит ва молия операцияларига (ҳисобварақ-фактуралар, юк хатлари, кирим-чиқим ордерлари ва ҳ.к.) баённома тузилади ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада тегишли ёзув қилинади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг текширувчи вакили рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, лицензиялар, сертификатлар каби Сизнинг ташкилотингиз фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни олиб қўйиш ҳуқуқига эга эмас, лекин уларнинг мавжудлигини текшириш ҳуқуқига эга.

Бунда атамалар маъносини тушуниш керак. Масалан, “уларнинг мавжудлигини текшириш” дегани Сиз талаб этиладиган ҳужжатни одатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўз гувоҳномаларини кўрсатганидек, ҳатто кўлингиздан чиқармасдан, ушлаб туриб, текширувчига бевосита бермасдан кўрсатишингиз керак. Текширувчи орган вакили ҳужжатни қўлига олганида, бу ҳужжатни олиб қўйиш сифатида таснифланади ҳамда ҳужжатлар рўйхати ва уларни олиб қўйиш сабабларни кўрсатилган ҳолда махсус ҳужжат билан расмийлаштирилиши керак.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳужжатлар мавжудлигини текшириш, уларни белгиланган тартибда олиб қўйиш ва ваколатли органларга тегишли чоралар кўриш учун топшириш ҳуқуқига эга эканлигини, лекин бирон-бир тарзда уларга ҳуқуқий баҳо беролмаслигини ҳамда уларнинг кучли ва салбий томонларини ва қонун ҳужжатларига мувофиқлигини муҳокама қилолмаслигини тушуниш муҳимдир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноят ишлари бўйича текшириш ёки тергов ўтказиш борасида кўпинча ҳужалик юритувчи субъектлар ҳисобварақларини ҳисбага олиш тўғрисида қарор чиқаради. Бундай ҳаракатларнинг қонунийлигини таҳлил қилайлик.

Ташкилотнинг банк ҳисобварақларидаги пул маблағларига эгалик қилиш ҳуқуқларини чеклаш масаласи муҳим ҳаётий масаладир. Назорат қилувчи органларнинг бундай ҳаракатларига фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳисобварақдаги пул маблағларини ҳисб қилинганда ёки операциялар тўхтатиб турилганда йўл қўйилади.

Жиноят иши доирасида пул маблағларини ёки мол-мулкни хибс қилиш фақат гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва фуқаролик жавобгар ҳақида фикр юритилганда мумкин эканлигини аниқ қилиб кўрсатиш лозим.

Юридик шахс гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи бўла олмаслиги, лекин фуқаролик жавобгар бўла олиши учун пул маблағлари фақат қуйидаги ҳолларда арест қилиниши мумкин: агар терговчи: 1) жиноят иши қўзғатса; 2) ННТга фуқаролик даъво қилса; 3) ташкилотни фуқаролик жавобгар деб топиш тўғрисида қарор чиқарса; 4) ННТни ишда фуқаролик жавобгар сифатида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида қарор чиқарса ва 5) ташкилотнинг ваколатли мансабдор шахсига банк ҳисобварағини арест қилиш тўғрисидаги қарорни эълон қилса.

Қонун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини текширишлар ўтказишда шахс шаъни ва обрўсини ҳурмат қилиш, фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилишга мажбурлайди.

Лекин Сиз шуни ҳам билишингиз керакки, ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларининг ҳуқуқбузарликлар сабаблари ва шароитларини бартараф этиш ҳақидаги ёзма кўрсатмаларини бажариш бўйича чора кўрмаганлик учун жавобгар бўладилар.

Мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги

Мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиққанда, авваламбор, ННТ мансабдор шахси тушунчасига аниқлик киритиш керак. Чунки қонун ҳужжатларида бундай тушунча йўқ. Агар умумий тасаввурдан келиб чиқадиган бўлсак, ННТ мансабдор шахси вакиллик вазифаларини амалга оширувчи, шунингдек, ташкилотда ташкилий-тасарруф этиш ёки маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ мансаб эгалловчи ёки бундай вазифаларни алоҳида ваколатига кўра бажараётган шахсдир.

Таъкидланганидек, ҳар қандай ноқонуний текшириш назорат қилувчи орган мансабдор шахсининг жавобгарлигига сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 15-моддаси давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ушбу органлар ёки улар мансабдор шахсларининг тўғриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарарни ундиришга мажбурлайди.

ННТ юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган пайтдан эътиборан, амалга ошираётган ўз фаолиятида бошқа юридик шахслар сингари мажбуриятларга эга бўлади, бинобарин, ННТ мансабдор шахслари ўз фаолияти натижалари учун шу тариқа жавобгар бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ННТнинг жамоат бирлашмалари ва ўзини ўзи бошқариш жамоат органлари каби тузилмалари, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари нафақат давлат манфаатларига етказилган зарар учун, балки фуқаролар ҳуқуқларини камситувчи қилмишлари учун ҳам жавобгарликка тортилади. Бу Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасида бевосита мустаҳкамлаб

қўйилган. Унга кўра, ҳар бир фуқаро жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Натижада фуқаро ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга тўсқинлик яратилган ёки фуқаро зиммасига ноқонуний равишда қандайдир мажбурият юкланган жамоат бирлашмалари ва улар мансабдор шахсларининг ҳам яққа тартибдаги, ҳам жамоа тарзидаги ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Фуқаро бундай ҳаракатлар ёки қарорлар устидан бевосита судга ёки жамоат бирлашмаси, ё фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг юқори турувчи тузилмасига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Шунинг учун уставдаги ўз мақсадларини рўёбга чиқариш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилишда ННТ вакиллари ўзларига юкланган мажбуриятлар бажарилмаганлиги билан боғлиқ жавобгарлик чоралари ва оқибатлардан хабардор бўлишлари керак.

Маълумки, қонун ёки шартнома билан юридик шахс зиммасига юкланган мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги жавобгарлик вужудга келишига сабаб бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунида (2007 йил 21 августда Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан киритилган ўзгартишлари билан) юридик шахсларнинг шартномавий мажбуриятлар бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлиги назарда тутилган, шунингдек, мансабдор шахсларнинг шартномавий мажбуриятларни бажармаганлиги учун фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий ва жинойи жавобгарлиги ҳолатлари белгиланган.

ННТ жавобгарлиги тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш борасида ноқонуний қарор қабул қилган орган ёки мансабдор шахс бу учун зарур ваколатга эга эканлиги, қабул қилинган қарор уставга мувофиқлиги, ташкилот аъзолари иродаси ифода этганлиги аниқланиши керак. Агар ғайриқонуний ҳаракатлар иштирокчилар ва ташкилот мансабдор шахслари томонидан йўл қўйилган бўлса, улар юридик жавобгар бўлади.

Таъкидлаш керакки, ННТ иштирокчилари ва раҳбарлари томонидан содир қилинган ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган тартибда айбдорлиги исботланган муайян шахслар жавобгар бўлади.

Мансабдор шахслар икки асос бўйича ННТ органлари мансабдор шахслари сифатида ва жиноят содир қилган мансабдор шахслар сифатида жавобгарликка тортилиши мумкинлигини билиш лозим. Улар айнан ҳаракатларнинг қонунийлиги белгиси бўйича фарқ қилади. Агар устав доирасида ҳаракат қилувчи ННТ раҳбар органлари мансабдор шахслари фуқаролик-ҳуқуқий қоидабузарликлар (масалан, шартнома шартларини бажармаслик) содир қилса, жавобгарлик ташкилот зиммасида бўлади, мансабдор шахс жиноят (масалан, хизмат мавқеини суистеъмол қилганлик) содир қилса, бу унинг жинойи жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

Фуқаролик қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, ННТ ўз мажбуриятлари бўйича фуқаролик-ҳуқуқий жавобгар бўлади. Фуқаролик-ҳуқуқий шартно-

мида тараф бўлиб, ННТ имзоланаётган шартномага мувофиқ ихтиёрий равишда ўз зиммасига мажбуриятлар олади, уларнинг бажарилмаслиги ташкилотни фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг олий раҳбар органи уставга ва қонун ҳужжатларига зид бўлган ноқонуний қарорлар қабул қилган тақдирда ҳам ННТ юридик жавобгарликка тортилади, чунки фақат олий бошқарув органи унинг иродасини тўла ифода этиш ҳуқуқига эга.

Юридик шахс шартнома бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги сабаб бўлган зарарни ихтиёрий равишда қоплаб беришга ҳақли. Ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажариш рад қилинган тақдирда бошқа тараф ўз яътирозлари кондирилишини суд тарғибида талаб қилишга ҳақли.

Фуқаролик қонун ҳужжатлари юридик шахс жавобгарлигининг хилма-хил турларини назарда тутати.

Масалан, нодавлат нотижорат ташкилоти маънавий зарарни, яъни ушбу ташкилот мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатлари билан фуқарога етказилган жисмоний ёки маънавий қийинчиликларни ҳам қоплаб бериши лозим. Маънавий зарар суд томонидан қопланиши лозим бўлган мулкӣ зарардан катъи назар, белгиланадиган пул ёки бошқа моддий шакл ва миқдорда қопланади.

ННТ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ва статистика ҳисоботини юритади, шунинг учун ННТ раҳбарига даромад ёки бошқа солиққа тортиладиган объектларни яширганликда, даромадларни яшириш мақсадида солиқ хизмати талабларига қаршилик кўрсатиш ёки бажармасликда айблов тақдим қилиниши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилоти тугатилганида у бошқа шахслар олдида ўз зиммасига олган мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлади.

Меҳнат қонун ҳужжатлари меъёрларига мувофиқ, ННТ меҳнат шартномаси тарафи ҳисобланиб, меҳнат қонун ҳужжатларини ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганликда, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоа шартномалари ва келишувларини бузганликда айбдор бўлган ташкилот раҳбари тимсолида қонунда белгиланган тартибда интизомий, маъмурий, жиноий жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги “Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, судлар иқтисодий ҳуқуқбузарликларни содир қилган шахсларга нисбатан жазо чораларини қўллашлари, хўжалик юритувчи субъектларга етказилган зарарни айбдор мансабдор шахслардан ундиришлари лозим. Ҳатто хўжалик судларига хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларига нисбатан уларнинг ҳаракатларида иқтисодий жиноят таркиблари мавжуд бўлган тақдирда жиноят ишлари қўзғатиш ва тергов қилиш учун ҳудудий прокурорларга материаллар юбориш ҳуқуқи берилган.

Шу муносабат билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари текширишлар борасида хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларини қўрқитиш мақсадида уларни қамоққа олиш таҳдиди остига қўйган ҳоллари бўлади.

Аммо, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳукм қилиш билан боғлиқ ишларни кў-

риб чиқиш амалиёти ҳақида”ги Қарорига асосан, хусусий тадбиркорлик субъектларини мансаб жиноятларига тааллуқли моддалар бўйича жиноий жавобгарликка тортиш тақиқланган. Бу халқаро ҳуқуқ меъёрларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий ва мансаб жиноятлари учун жавобгарлик масалаларига давлат ёндашуви изчил ўзгариб бораётганидан далолатдир.

Бу Ўзбекистон 1995 йил 31 августда қўшилган Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, 11-моддасига мос келади. Унга кўра, ҳеч ким қайсидир шартнома мажбуриятини бажара олмаслиги ҳолатида эканига асосланиб озодликдан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

1995 йил 31 августда Ўзбекистон Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенцияга қўшилди. У қийнашни “қайсидир шахсга ундан ёки учинчи шахсдан маълумотлар ёки бирон-бир нарсани тан олишга эришиш, шунингдек, уни ёки учинчи шахсни қўрқитиш учун қаттиқ оғриқ ёки жисмоний ё маънавий қийноқлар қасддан етказиш, — деб таърифлайди. — Бундай оғриқ ёки қийноқлар давлат мансабдор шахси ёки расмий бўлган бошқа шахс томонидан, ёки уларнинг кўмагида, ёки уларнинг хабардорлигида, ёки жимжит розилиги билан етказилади”.

Ушбу халқаро меъёрларни билиш Сизни кутилмаган вазиятда қутқариши мумкин.

ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 26-моддасига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказишни рад қилиш, шунингдек, рўйхатдан ўтказиш муддатларини бузиш устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Афсуски, ННТ рўйхатдан ўтказиш масалалари билан боғлиқ суд органларида химоя қилиниши ҳоллари деярли йўқ.

Сизда ушбу масала билан боғлиқ муаммолар туғилган тақдирда қуйидаги маслаҳатлар берардик:

1. ННТни рўйхатдан ўтказиш учун адлия органларига материаллар топширишда аризанинг охирида илова қилинаётган ҳужжатларни, иловадаги бетлар сонини кўрсатинг.

2. Рўйхатга олувчи органдан Сизнинг аризангизда ариза олинганлигини тасдиқловчи ёзув олишни унутманг (қабул қилувчининг ФИШ, имзоси, лавозими ва ариза нусхасидаги сана).

3. Сизга ҳужжатлар қайта ишлашга ёки зарурат бўлганида таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар киритишга қайтарилганида рўйхатга олувчи органдан уни рўйхатга олиш санаси ва рақами кўрсатилган расмий хат талаб қилинг.

4. Рўйхатга олувчи орган Сизнинг ҳужжатларингиз кўриб чиқилиши белгиланган муддатларини ўтказиб юборганида ушбу органга қонунда белгиланган ННТни рўйхатга олиш қоидаларини бузганлик ҳақида расмий хат билан мурожаат қилинг.

5. Агар рўйхат олиш бўйича расмий рад жавоби олганда Сиз рўйхатга олувчи орган баён қилган сабабларни ноқонуний деб ҳисобласангиз, рўйхатга олувчи орган жойлашган ҳудуддаги ҳужалиқ судига ННТни рўйхатга олишни ноқонуний равишда рад қилинганлиги тўғрисида ариза билан мурожаат қилинг. Бунда Ўзбекистон Республикаси Ҳужалиқ-процессуал кодексининг (давлат органлари ва

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини бутунлай ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар) 24-моддаси 9-бандини кўрсатиш лозим.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида давлат органлари мансабдор шахсларининг ННТни рўйхатга олишни рад қилиш учун жавобгарлиги тўғридан-тўғри кўрсатилмаган, лекин шунга қарамасдан, адлия органлари мансабдор шахсларига бундай жавобгарлик юкланиши мумкинлигини Сиз билишингиз керак.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-44-моддалари фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш учун мансабдор шахсларга жарима солиш тарзидagi жавобгарликни қуйдагилар учун белгилайди: фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни гайриҳуқуқий тарзда рад этганлик, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрсиз сабабларга кўра бузганлик, асоссиз, қонунга зид қарор қабул қилганлик, шунингдек, фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини таъминламаганлик, фуқарога унинг ҳуқуқлари ва манфаатларига тааллуқли ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш имкониятини беришни асоссиз равишда рад этганлик. Бундан келиб чиққанидек, Сиз Сизнинг ташкилотингизни адлия органларида рўйхатга олиш жараёни қандай бўлаётганини, нима учун ва қайси сабабларга кўра тўхтатиб туриш юз бермоқда каби масалаларни тўлиқ билиш ҳуқуқига эгасиз.

Шундай қилиб, қонун ҳужжатлари Сизга ННТни рўйхатга олиш борасида мансабдор шахслар томонидан бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш муайян механизмларини беради. Тўғри ҳаракат қилиш учун Сиз қонун ҳужжатларида рўйхатга олиш жараёни учун белгиланган тартиботлар ва қондаларни билишингиз лозим.

Агар рўйхатга олувчи орган хатти-ҳаракатларида кўрсатилган меъёрлар қучи остига тушадиган белгиларни топсангиз, Сиз ишни кўриб чиқиш ва ўз ваколати доирасидан чиққан мансабдор шахсга жарима санкцияларини қўллаш тўғрисидаги ариза билан рўйхатга олувчи орган жойлашган ҳудуддаги маъмурий ишлар бўйича судьяга қўркмасдан мурожаат қилишингиз мумкин.

Айни вақтда, жиноят қонун ҳужжатлари товламачилик, ҳокимиятни ёки мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан чиқиш, мансаб совуққонлиги, мансаб сохтакорлиги, пора олиш, пора олишда воситачилик қилиш, пул муқофоти талаб қилиш учун турли жазо чораларини белгилайди.

Бир сўз билан айтганда, ҳар биримизда ҳамиша ўз ҳуқуқларимизни ҳимоя қилиш ва адолат тикланишига эришиш имкониятлари бор. Лекин ҳамма вақтда ҳам бу биринчи қарашда осон эмас.

ННТда ҳам фаолиятини тўхтатиб туриш билан боғлиқ муаммолар учрайди.

ННТ раҳбарлари адлия органларига уларнинг ташкилотлари фаолиятини текшириш учун қақирилган ва ННТ фаолияти ҳақида ҳисоботлар тақдим қилиш талаб этилган ҳоллар ҳам бўлган. Кўп раҳбарлар сўралган ҳужжатларни улар йўқлиги сабабли тақдим қила олмаганлиги учун адлия бошқармаси вакили ҳисоботлар уч қун мобайнида тақдим этилишини талаб қилиб, мазкур талаб бажарилмаган тақдирда ННТ тўхтатиб турилиши ҳақида огоҳлантирган.

Кейинчалик аниқланганидек, ушбу ННТ раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилаётган жамоат бирлашмалари низомларини рўйхатга олиш тўғрисидаги аризаларни қўриб чиқиш қоидаларида назарда тутилган маълумотлар ва йил чораги ҳисоботларини рўйхатга олувчи органга тақдим этмаганлар.

Бирок ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 34 ва 36-моддаларига биноан, нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятини тўхтатиб туриш ҳуқуқи фақат муассисга ёки суд органига тегишлидир.

Таъкидлаш жоизки, ННТ тўғрисидаги Қонун ННТ фаолиятини ўз ташаббуси билан тўхтатиб туриш ва фаолият тўхтатилганида рўйхатга олувчи органга таъсис ва рўйхатга олиш ҳужжатларини топшириш каби қоидаларни бевосита назарда тутмайди.

Таъсис ва рўйхатга олиш ҳужжатларини топшириш мажбурий талаби ҳатто ННТ фаолияти суд органи томонидан тўхтатиб турилганида ҳам назарда тутилмаган. ННТ рўйхатга олувчи органга рўйхатга олиш ва таъсис ҳужжатларини фақат тугатилганида тақдим қилиши шарт.

Ушбу масалага янада ойдинлик киритиш мақсадида ННТ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг айрим қоидаларини мисол қилиб келтирамиз.

ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 34-моддасида белгиланганидек, нодавлат нотижорат ташкилоти фаолияти суд томонидан ННТ қонун ҳужжатларини бузган тақдирда тўхтатиб турилиши мумкин. ННТ қонун ҳужжатларини бузган ҳолда ва уставига зид хатти-ҳаракатлар билан фаолиятини амалга оширганида прокуратура органлари ёки адлия органлари мазкур нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбар органларига мазкур қоидабузарликлар ҳақида тақдимнома киритадилар ва уларни бартараф қилиш учун муддат белгилайдилар. Агар белгиланган муддатда бу қоидабузарликлар бартараф этилмаса, нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти прокуратура органлари ёки адлия органларининг тақдимномаси асосида суд қарори билан олти ойгача бўлган муддатга тўхтатиб турилади.

Шундай қилиб, ННТ йил чораги ва йиллик ҳисоботларини топшириш муддатларини ёки қонун ҳужжатларининг бошқа талабларини бузган тақдирда рўйхатга олувчи орган ННТга йўл қўйилган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома юборди ва улар бартараф этилиши учун муддат белгилайди. Агар белгиланган муддатда қоидабузарликлар бартараф этилмаса, ННТ фаолияти фақат суд қарори билан тўхтатиб турилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, юридик шахслар фаолиятини текширишни ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя қилиш учун жиноий жавобгарликкача бўлган шахсий жавобгарлик назорат қилувчи органларнинг раҳбарлари ва ваколатли шахслари зиммасига юклатилади. Сизнинг ҳуқуқларингиз бузилганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда етказилган зарарни тўлиқ ундиришни ушбу шахслардан талаб қилиш мумкин. Сиз нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятига ноқонуний равишда аралашуш натижасида етказилган ҳақиқий зарарни ва бой берилган фойдани айбдор шахсдан ундириш, шунингдек, маънавий зарар компенсацияси олиш ҳуқуқини суд тартибиде амалга оширишингиз мумкин. Бундан ташқари, текширувчи органлар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга шикоят қилиш мумкин.

ИЛОВА

Тошкент шаҳар
Адлия бошқармаси

АРИЗА

1. _____ - Раҳбар
« _____ »
(фамилияси, исми, отасининг исми) ННТ номи
(паспорт маълумотлари _____)
2. _____ - Котиб
« _____ »
(фамилияси, исми, отасининг исми) ННТ номи
(паспорт маълумотлари _____)

Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг « ____ » рақамли хатига мувофиқ таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда « _____ » нодавлат нотижорат ташкилотининг уставини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этадилар.

Фаолиятнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

(ННТ фаолиятининг асосий мақсадлари ёзилсин)

Юридик манзил:

Раҳбар:

Котиб:

Ташабўсқор гурўҳнинг номи
(Ташкилот номи)

1.	2.	3.	4.	5.	6.	7.
№	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Иш жойи, иш телефони	Лавазими	Яшаш жойи, уй телефони	Паспорт маълумотлари
1.						
2.						
3.						
4.						
5.						

Бошқарув аъзолари рўйхати
(Ташкилот номи)

1.	2.	3.	4.	5.	6.	7.
№	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Иш жойи, иш телефони	Лавазими	Яшаш жойи, уй телефони	Паспорт маълумотлари
1.						
2.						
3.						
4.						
5.						

*Ташкилотни ягона давлат реестрига киритиш тўғрисида
статистика бошқармасига ариза*

**Тошкент шаҳар
Статистика бошқармаси бошлиғи**

_____ **Ға**
*(статистика бошқармаси бошлигининг
исми, фамилияси, отасининг исми)*
_____ **дан**
(ташкilot номи)

АРИЗА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.11.1994 йилдаги 555-сонли Қарорига мувофиқ (ташкilot номи) Сиздан ташкilotимизни рўйхатдан ўтказишингизни ва Ягона давлат регистрига киритишингизни сураймиз.

Асосий фаолият тури: _____

Директор

*Ягона солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказиши тўғрисида
Давлат солиқ инспекциясига ариза*

ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИГА
(юридик манзил бўйича)
_____дан

АРИЗА

Сиздан (ташкilot номи) ташкilot топган кундан эътиборан кичик тадбиркорлик субъектининг ягона солиқ тўловчиси сифатида рўйхатга олишингизни сураيمان.

Бизнинг ташкilotимиз (рўйхатдан ўтказган органнинг номи) томонидан рўйхатга олинди № _____ « _____ » _____ 200__ йил.
(рўйхатга олиш рақами, санаси)

КТУТ хос рақами _____ ;

Фаолият тури хос рақами _____ ;

Ишловчилар сони _____ .

Директор

Бош бухгалтер

Туман (шаҳар)
статистика ва ҳисоблаш ишлари
маркази бошлиғига
Ф.И.О.

_____дан

(тўлиқ)

АРИЗА

Мўлжалланаётган _____ фирма номини
Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри (КТЯДР)да ўхшаш ном-
даги юридик шахс мавжудлиги (йўқлиги) нуктаи назаридан кўриб чиқишингизни
сўрайман.

Мазкур ном КТЯДРда мавжуд бўлгани тақдирда, қуйидаги номларни ҳам кў-
риб чиқишингизни сўрайман.

1. _____
2. _____
3. _____

Маълумотни қуйидаги манзилга хабар қилишингизни сўрайман:

Алоқа телефони: _____

Сана

Имзо

Тошкент шаҳар Адлия
бошқармаси томонидан
РҲҲАТГА ОЛИНДИ:
Рўйхатга олингани тўғрисидаги
гувоҳнома тартиб рақами

2008 йил “ _____ ” _____
Адлия бошқармаси бошлиғи

(фаолият хусусиятини

курсатувчи номи)

муассислар йиғилиши томонидан
ТАСДИҚЛАНДИ:

2008 йил “ _____ ” _____ даги

1-сонли баённома.

Йиғилиш раиси

(раҳбарнинг Ф.И.О.)

(фаолияти хусусиятини, ҳудудий мансублигини курсатувчи номи)

Жамоат бирлашмасининг устави

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Тошкент _____

жамоат

(сарварақда кўрсатилган номи)

ташкilotи, бундан буён матнда Ташкilot деб аталувчи, уюшган фуқароларнинг умумий манфаатларини ҳимоя қилиш ва Ташкilotнинг уставда белгиланган мақсадларига эришиш учун биргаликдаги фаолият асосида ташкilotчилган жамоат ташкilotидир.

Ташкilotнинг тўлиқ номи ўзбек тилида:

(сарварақда кўрсатилган номи)

Ташкilotнинг қисқартирилган номи ўзбек тилида:

(ихтиёрий қисқартма, агар зарур бўлса)

Ташкilotнинг тўлиқ номи рус тилида:

(сарварақда кўрсатилган номи)

Ташкilotнинг қисқартирилган номи рус тилида:

(ихтиёрий қисқартма, агар зарур бўлса)

1.2. Ташкilot нодавлат нотижорат ташкilotи ҳисобланади. фойда олишни ўзининг асосий мақсади қилиб олмаган ва олинган фойдани муассислари ва (ёки) аъзолари ўртасида тақсимламайди.

1.3. Ташкilot ўзининг уставда белгиланган вазифаларини бажарар экан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Нодавлат нотижорат ташкilotлари тўғрисида”ги Қонуни, “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуни, бошқа қонунлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлари, ушбу Устав асосида фаолият кўрсатади.

1.4. Ташкilot фаолияти ихтиёрийлик, тенгҳуқуқчилик, ўзини ўзи бошқариш ва қонунийлик принципларига асосланади.

1.5. Ташкilot давлаг рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс ҳисобланади, мулк ҳуқуқида алоҳида мол-мулкка эга бўлади ва ўз мажбуриятлари юзасидан ана шу мол-мулк билан жавоб беради, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Ташкilot мустақил балансга, ҳисоб-китоб варағи ва бошқа ҳисобварақларга, шу жумладан, валюта ҳисобварағига, ўз номи ёзилган думалоқ муҳрга, штамплар ва бланкаларга эга бўлади.

1.6. Ташкilot белгиланган тартибда рўйхатга олинган рамзий белгиларига, шу жумладан, эмблемаси (тимсоли), байроқлари ва вимпелларига эга бўлиши мумкин.

1.7. Ташкилот ушбу уставда назарда тутилган фаолиятни _____
_____ хуудудида амалга оширади.

1.8. Ташкилот ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавоб беради. Ташкилот муассислари ва аъзолари Ташкилотнинг мажбуриятини юзасидан жавоб бермайди, Ташкилот эса ўз муассислари ва аъзоларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

1.9. Ташкилот кенгаши жойлашган ер

2. ТАШКИЛОТНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Ташкилотнинг мақсадлари куйидагилардир:

2.2. Бу мақсадларга эришиш учун Ташкилот:

3. ТАШКИЛОТНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

3.1. Уставда белгиланган мақсадларга эришиш учун Ташкилот куйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш;

давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорларини ишлаб чиқишда амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;

амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йиғилишлар, митинглар, намойишлар, юришлар ўтказиш ва пикетлар қўйиш;

амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ва ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларида ўз ҳуқуқларини, ўз аъзоларининг, шунингдек, бошқа фуқароларнинг қонуний манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш;

ижтимоий ҳаётнинг турли масалалари юзасидан ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритиш;

бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларини таъсис этиш;

жамоат бирлашмаларига аъзо сифатида кириш, жамоат бирлашмаларининг иштирокчиси бўлиш, шунингдек, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан иттифоклар ва уюшмалар тузиш;

тўғридан-тўғри халқаро муносабатлар ва алоқаларни сақлаб туриш;

Ўзининг таркибий бўлинмаларини (ташкilotлари, бўлимлари ёки филиаллари ва ваколатхоналарини) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва чет давлатларда ташкил этиш;

Ташкilotни тузишдан қўзланган, уставда белгиланган мақсадларга эришишга хизмат қилувчи, шу мақсадларга мос тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш. Ташкilotнинг тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар Ташкilot аъзолари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас, улар фақат уставда белгиланган мақсадларга эришиш учун фойдаланилиши мумкин;

хўжалик ширкатлари, жамиятлари ва бошқа хўжалик ташкilotларини таъсис этиш, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун мўлжалланган мол-мулк олиш.

3.2. Ташкilot уставда белгиланган мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни ҳам амалга ошириши мумкин.

4. ТАШКИЛОТНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Ташкilot:

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига, халқаро ҳуқуқнинг ўз фаолияти соҳасига тааллуқли умумэътироф этилган принциплари ва меъёрларига, шунингдек, ушбу уставда ва бошқа таъсис ҳужжатларида назарда тутилган меъёрларга риоя этиши;

Ўз мол-мулкидан фойдаланиши тўғрисида ҳар йили ҳисобот эълон қилиши ёки мазкур ҳисобот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаши;

ушбу уставни рўйхатга олган органни ўз фаолиятини давом эттириши тўғрисида, ташкilot кенгаши ҳақиқатда жойлашган ерни ва Ташкilot раҳбарлари ҳақидаги маълумотларни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиладиган маълумотлар ҳажмида кўрсатган ҳолда, ҳар йили хабардор қилиши;

жамоат бирлашмаларини рўйхатдан ўтказувчи органнинг сўровига биноан, Ташкilot раҳбар органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари билан ҳужжатларни, шунингдек, ўз фаолияти тўғрисидаги йиллик ва ҳар чоракдаги ҳисоботларни солиқ органларига йўлланадиган маълумотлар ҳажмида тақдим этиши;

жамоат бирлашмаларини рўйхатдан ўтказувчи орган вакилларини Ташкilot ўтказадиган тадбирларга киритиши;

уставда белгиланган мақсадларга эришилишига ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя этилишига боғлиқ ҳолда Ташкilot фаолияти билан танишиб чиқишда жамоат бирлашмаларини рўйхатдан ўтказувчи орган вакилларига қўмаклашиши шарт.

5. ТАШКИЛОТ АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. 18 ёшга тўлган фуқаролар ва Ташкilotнинг уставда белгиланган вазифаларини ҳамкорликда ҳал этишдан манфаатдор бўлган юридик шахслар – жамоат бирлашмалари Ташкilot аъзолари бўлишлари мумкин.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда Ташкilot аъзолари бўлишлари мумкин.

5.2. Ташкилотга аъзолик ёзма равишда расмийлаштирилади:
жисмоний шахслар учун – тегишли якка тартибдаги ариза асосида;
юридик шахслар учун – юридик шахс ваколатли органнинг тегишли қарори асосида.

5.3. Ташкилот аъзолари – жисмоний ва юридик шахслар – тенг ҳуқуқларга эга бўлидилар ва зиммаларига тенг мажбуриятлар оладилар.

5.4. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси (юридик шахслар учун – вакиллар орқали):

умумий йиғилишларда иштирок этиш;

Ташкилотнинг раҳбар ва назорат-тафтиш органларига сайлаш ва сайланиш,
Ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан унинг исталган органларига таклифлар киритиш;

Ташкилотнинг режалаштирилаётган тadbирлари ҳақида ахборот олиш;

Ташкилот ўтказадиган тadbирларда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

5.5. Ташкилот аъзолари:

Ташкилот уставига риоя этишлари;

умумий йиғилишда белгиланган тартибда ва миқдорда аъзолик бадалларини мунтазам тўлаб боришлари;

Ташкилот фаолиятида иштирок этишлари;

Ташкилот раҳбар органларининг қарорларини бажаришлари;

Ташкилотнинг умумий йиғилишларида иштирок этишлари шарт.

5.6. Ташкилотга аъзоликдан чиқариб юбориш:

шахсий ариза асосида (жамоат бирлашмаси учун – раҳбар органнинг тегишли қарори асосида);

ташкилот кенгашининг шу аъзосини ташкилотдан чиқариб юбориш гўғрисидаги қарори асосида мумкин бўлади.

6. РАҲБАР ОРГАНЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ

6.1. Ташкилот кенгаши томонидан бир йилда камида бир марта чақириладиган аъзоларнинг умумий йиғилиши Ташкилотнинг олий раҳбар органидир.

Навбатдан ташқари умумий йиғилиш Ташкилот аъзолари камида учдан бир қисмининг талабига кўра ёки ташкилот кенгашининг қарорига биноан чақирилиши мумкин.

6.2. Умумий йиғилишни чақириш ташаббускорлари Ташкилотнинг ҳар бир аъзосига йиғилиш ўтказиладиган жой ва вақт, кун тартиби кўрсатилган ҳолда мажлисга келиш учун таклифнома юборишлари шарт.

6.3. Умумий йиғилиш:

агар унинг ишида Ташкилот аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этаётган бўлса;

агар йиғилишда ҳозир бўлган аъзолар сони кам бўлса-ю, лекин Ташкилотнинг барча аъзоларига таклифномалар ўз вақтида юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса, ваколатлидир.

6.4. Қарорлар Ташкилот аъзоларининг умумий йиғилишида ҳозир бўлганлар сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади, ушбу уставда кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

6.5. Умумий йиғилишнинг мутлақ ваколатларига қуйидагилар киритилади:
Ташкилотни тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;
уставни тасдиқлаш;
уставга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
фаолиятнинг устувор йўналишларини танлаш;
ташкилот кенгаши аъзоларининг миқдорий таркибини белгилаш, уларни танлаш ва чақириб олиш, уларнинг лавозим маошларини белгилаш;
назорат-тафтиш комиссиясини сайлаш, унинг ваколатларини тугатиш;
ташкилот кенгашининг йиллик ҳисоботини ва назорат-тафтиш комиссиясининг ҳулосасини тасдиқлаш.

ТАШКИЛОТНИНГ КЕНГАШИ, КЕНГАШ РАИСИ

6.6. Умумий йиғилиш томонидан 3 йил муддатга сайланадиган ва умумий йиғилишга ҳисоб берадиган ташкилот кенгаши Ташкилотнинг доимий ишловчи раҳбар органидир.

Ташкилот кенгашининг шахсий таркиби тўғрисидаги қарор умумий йиғилишда ҳозир бўлган Ташкилот аъзолари сонининг камида 2/3 қисмининг овози билан қабул қилинади.

6.7. Ташкилот кенгашининг барча қарорлари кенгаш аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

6.8. Кенгаш аъзолари ўз таркибидан кенгашнинг ваколатлари муддатига кенгаш раисини сайлайдилар.

6.9. Ташкилот кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради:
Ташкилот аъзолигига қабул қилиш ва аъзолигидан чиқариб юбориш;
аъзолик бадаллари миқдорини ва уларни тўлаш даврийлигини белгилаш;
Ташкилот фаолиятининг дастурларини, бюджетини тасдиқлаш;
тижорат ва нотижорат ташкилотларини ташкил этиш, шундай ташкилотларда иштирок этиш, шунингдек бўлимлар, филиаллар ва ваколатхоналар очиб тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
штат жадвалини, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тизими ва миқдорларини тасдиқлаш.

6.10. Кенгаш раиси:

ушбу уставни рўйхатга олган органни Ташкилот фаолиятини давом эттириши тўғрисида, ташкилот кенгаши ҳақиқатда жойлашган ерни ва Ташкилот раҳбарлари ҳақидаги маълумотларни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиладиган маълумотлар ҳажмида кўрсатган ҳолда, ҳар йили хабардор қилади;

жамоат бирлашмаларини рўйхатдан ўтказувчи органнинг сўровига биноан Ташкилот раҳбар органлари ва мансабдор шахсларининг қарорлари билан ҳужжатларни, шунингдек, Ташкилот фаолияти тўғрисидаги йиллик ва ҳар чоракдаги ҳисоботларни солиқ органларига йўлланадиган маълумотлар ҳажмида тақдим этади;

уставда белгиланган мақсадларга эришилишига ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя этилишига боғлиқ ҳолда Ташкилот фаолияти билан танишиб чиқишда жамоат бирлашмаларини рўйхатдан ўтказувчи орган вакилларига кўмаклашади;

кенгаш мажлисларига тайёрларлик кўрилишини ва уларнинг ўтказилишини таъминлайди;

Ташкилот фаолиятининг дастурлари амалга оширилишини таъминлайди;

Ташкилот фаолиятига раҳбарлик қилади;

ташкиллий-бошқарув вазифаларини бажаради;

фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузади;

Ташкилот номидан зарур ҳужжатларга имзо қўяди;

банкларда ҳисоб-китоб варағи, валюта ҳисобварақлари ва бошқа ҳисобварақларни очади;

Ташкилот номидан ишончномалар беради;

давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида бевосита Ташкилот манфаатларини ифодалайди;

Ташкилот ходимлари билан ташкилот номидан меҳнат шартномалари тузади ва уларни бекор қилади;

бўйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

умумий йиғилиш ва ташкилот кенгашининг мутлақ ваколатларига киритилгандан ташқари, Ташкилот фаолияти билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этади.

6.11. Кенгаш раиси Ташкилот номидан ишончномасиз иш кўради.

7. НАЗОРАТ-ТАФТИШ ОРГАНИ

7.1. Ташкилотнинг молиявий ва ҳўжалик фаолиятини тафтиш қилишни умумий йиғилиш 3 йил муддатга сайлайдиган назорат-тафтиш комиссияси амалга оширади.

7.2. Назорат-тафтиш комиссияси аъзоларининг сони чекланмайди. Ташкилот кенгаши аъзолари комиссия аъзолигига кира олмайдилар.

7.3. Назорат-тафтиш комиссияси йиллик ҳисобот ва балансга хулоса тайёрлайди.

7.4. Ташкилотнинг барча мансабдор шахслари назорат-тафтиш комиссиясининг сўровига биноан зарур ахборот ва ҳужжатларни тақдим этишлари шарт.

8. МОЛ-МУЛК

8.1. Ташкилот ўз мулкида ер участкалари, бинолар, иморатлар, иншоотлар, уй-жой жамғармаси, транспорт, усқуналар, асбоб-анжомлар, маданий-оқартув ва соғломлаштириш аҳамиятидаги мол-мулк, пул маблағлари, акциялар, бошқа қимматли қоғозлар ва ташкилотнинг уставда кўрсатилган фаолиятини моддий таъминлаш учун зарур бўлган бошқа мол-мулкка эга бўлиши мумкин.

Ташкилот мулкида, шунингдек, ўзининг уставда белгиланган мақсадларига мувофиқ ташкил этиладиган ва Ташкилотнинг ўз маблағлари ҳисобига сотиб олинadиган муассасалар, нашриётлар, оммавий ахборот воситалари ҳам бўлиши мумкин.

8.2. Қуйидагилар Ташкилот мол-мулкни шакллантириш манбаларидир: аъзолик бадаллари;

ҳомийлик хайриялари, шу жумладан, фуқаролар ва юридик шахслар томонидан пул ва натура шаклида берилadиган мақсадли тусдаги ҳомийлик хайриялари;

реализация қилишга боғлиқ бўлмаган даромадлар, шу жумладан, қимматли қоғозлардан келadиган даромадлар;

ресурсларни жалб қилиш бўйича фаолиятдан келадиган тушумлар (ҳомийлар ва кўнгилчиларни жалб этишга қаратилган тадбирлар ўтказиш, шу жумладан, кўнгилочар, маданий, спорт тадбирларини ва бошқа тадбирларни уюштириш, ҳомийлик хайрияларини йиғишга қаратилган тадбирларни ўтказиш, ҳомийлардан тушган мол-мулк ва хайрияларни уларнинг истакларига мувофиқ реализация қилиш учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ лотереялар ва аукционлар ўтказиш);

Ташкилотнинг тадбиркорлик фаолиятдан олинadиган даромадлар;
давлат бюджетидан, маҳаллий бюджетлардан ва бюджетдан ташқари жамғармалардан тушумлар;
кўнгилчилар меҳнати;
қонунда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

8.3. Ташкилот мол-мулкнинг мулкдоридир. Ташкилотнинг ҳар бир алоҳида аъзоси Ташкилотта тегишли мол-мулк улушига нисбатан мулк ҳуқуқига эга эмас.

9. УСТАВГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

9.1. Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни Ташкилотнинг умумий йиғилиши ўз қарорига биноан киритади.

9.2. Уставга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор умумий йиғилишда ҳозир бўлган Ташкилот аъзолари сонининг камида 2/3 қисмининг овозлари билан қабул қилинади.

9.3. Ташкилотнинг уставига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар қонунда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади ва шундай рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик кучга эга бўлади.

10. ТАШКИЛОТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

10.1. Ташкилотни қайта ташкил этиш (ўзгартириш, бирлашиш, қўшилиш, бўлиниш, ажралиб чиқиш) умумий йиғилиш қарорига биноан амалга оширилади.

10.2. Ташкилот ҳужалик ширкати ёки жамияти этиб қайта ташкил этилиши мумкин эмас.

10.3. Қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор умумий йиғилишда ҳозир бўлган Ташкилот аъзолари сонининг камида 2/3 қисмининг овозлари билан қабул қилинади.

10.4. Ташкилотнинг мол-мулки у қайта ташкил этилганидан кейин янгитдан пайдо бўлган юридик шахсларга Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўтади.

10.5. Ташкилотни тугатиш ё умумий йиғилиш қарорига биноан, ё суд тартибиде амалга оширилади.

10.6. Умумий йиғилишнинг тугатиш тўғрисидаги қарори умумий йиғилишда ҳозир бўлган Ташкилот аъзолари сонининг камида 2/3 қисмининг овозлари билан қабул қилинади.

Шу қарорнинг ўзи билан юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишилган ҳолда тугатиш комиссияси тайинланади ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, тугатиш тартиби ва муддатлари белгиланади.

10.7. Ташкилот тугатилиши натижасида қолган мол-мулк кредиторлар талаблари қаноатлантирилгандан кейин Ташкилотни тузишда эришилиши кўзланган мақсадларга ёки умумий йиғилишнинг Ташкилотни тугатиш тўғрисидаги қарорида белгиланган мақсадларга йўналтирилади.

Ташкилот тугатилган тақдирда кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш кетма-кетлиги амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган.

10.8. Ташкилот тугатилганидан кейин қолган мол-мулк ташкилот аъзолари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

10.9. Қолган мол-мулкдан фойдаланиш тўғрисидаги қарор тугатиш комиссияси томонидан матбуотда эълон қилинади.

10.10. Ташкилотни тугатиш тўғрисидаги қарор Ташкилотни юридик шахсларнинг ягона давлат реестридан чиқариш учун уни рўйхатга олган органга юборилади.

10.11. Тугатилган Ташкилотнинг ҳужжаглар йиғма жилди (таъсис ҳужжатлари, буйруқлар ва ҳ.к.) рўйхат буйича давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги архивга топширилади.

*Нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этиши мақсадлари, уларнинг олий бошиқарув органлари ва мулквий жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари**

	Жамоат бирлашмалари	Жамоат жамғармалари	Муассасалар	Юридик шахслар бирлашмалари	Матлубот кооперативи	Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари
	1	2	3	4	5	6
Қонун ҳужжатлари	УЗР ФК 74-моддаси, 14.04.1999 йилда қабул қилинган "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги УЗР Қонуни, 15.02.1991 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги УЗР Қонуни	УЗР ФК 75-моддаси, 29.08.2003 йилда қабул қилинган "Жамоат жамғармалари тўғрисида"ги УЗР Қонуни	УЗР ФК 76-моддаси, 14.04.1999 йилда қабул қилинган "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги УЗР Қонуни	УЗР ФК 77-моддаси, 14.04.1999 йилда қабул қилинган "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги УЗР Қонуни	УЗР ФК 73-моддаси, 14.06.1991 йилда қабул қилинган "Кооперация тўғрисида"ги УЗР Қонуни	УЗР ФК 78-моддаси, 14.04.1999 йилда қабул қилинган "Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги УЗР Қонуни

* Эслатма: Ушбу Қўлланмада ва ҳавола этиладётган жадвалларда сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, касаба уюшмалари ва диний ташкилотларнинг ташкил этилиши ва фаолияти билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилмайди, яъни улар ишги роқидаги муносабатлар махсус қонунлар билан тартибга солинади.

Муассислар, иштирокчилар (аъзолар)	Камида 10 нафар У-ғр фукареси, чет эллик шахслар ва фукарониги бўлмаган шахслар жамоат бирлашмаси муассислари бўлишлари мумкин. 16 ёшга тўлган жисмоний шахслар жамоат бирлашмасининг аъзолари бўлишлари мумкин, юридик шахсни ташкил этмасдан жамоавий аъзолар	Иштирокчиларга (аъзоларга) эга бўлмайди. Бир ёки бир нечта юридик ва (ёки) жисмоний шахслар муассислар бўлишлари мумкин.	Юридик ва жисмоний шахслар	Юридик шахслар – тижорат ёки нотижорат ташкилотлари	16 ёшга тулган пайчилар – жисмоний шахслар (камида 7 киши) ва юридик шахслар	Фукароларнинг манфаатлари ни Фукараларнинг ифодадайдими, унинг юқори тудувчи органлари ва ташкилотлари йўқ.
Фаолиятнинг мақсади	Фукароларнинг маънавий ва бошқа номоддий қадриятлари (эҳтиёжлари) қондириш ва уставда белгиланган мақсадларга эришиш учун умумий манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган биргаликдаги фаолияти	Мол-мулкни ихтиёрий бадалмулкий бадаллар, қонунда тақиқланмаган бошқа тушумлар асосида шакллантириш ҳамда макур мол-мулкдан хомийлик, ижтимоий, маъриданый, маърифий, бошқа ижтимоий фойдали мақсадлардали мақсадларда фойдаланиш	Нотижорат тусдаги бошқарувга оид, ижтимоий, маданий ва бошқа вазифалар, Иштирокчилар манфаатларига атларига жавоб берадиган ва уставда белгиланган мақсадларга мос муайян турдаги хизматларни кўрсатиш	Фаолиятни мувофиқлаштириш, умумий манфаатларни ифодалаш ва ҳимоя қилиш	Фукароларнинг уз манфаатлари, тарихий, ривожланиш хусусиятларидан, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий одадлардан ва аъзолардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ҳал этиш бўйича муастакил фаолияти	Маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни муастакил ҳал қилиш, жамоатчиликнинг ўзаро ёрдами, фукаралардан пайдо бўладиган турли ижтимоий муаммоларни биргаликда ҳал этиш

<p>Молиялаштириш манбаи</p>	<p>Ўланиши устанда назарда тутилган кириш ва аъзолик бадаллари, ихтиёрий бадаллар ва хайриялар, ўтказилмаган тadbирлардан тушумлар, устанда белгиланган мақсадлар доирасидаги тadbиркорлик фаолиятидан олинмаган даромад</p>	<p>Муассислардан пул ёки бошқа шаклда инфодаланган бир йўла берилмаган ёки мунозам тушумлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайриялари, юридик ва жисмоний, шахсларнинг, давлатнинг, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари, тadbиркорлик фаолиятидан олинмаган даромадлар, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.</p>	<p>Муқдор томонидан тулик ёки қисман молиялаштириш, муассасани ташкил этишда эришилган натижаларни назарда тутилган мақсадларга мос тadbиркорлик фаолияти</p>	<p>Аъзолик бадаллари ва хайриялар</p>	<p>Кооператив мол-мулк аъзоларнинг пул шаклидаги ёки моддий бадаллари, банк кредитлари, ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулот, уни сотишдан олинмаган даромадлар, қонунларда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига ҳосил қилинади. Мол-мулкни шакллантиришда шартнома асосида пул шаклидаги ва моддий бадаллар киритиш орқали мулк шаклидан қатъи назар қорхоналар (ташкилотлар), шунингдек, ушбу кооператив аъзо кини унда меҳнат шартномаси асосида ишловчи жисмоний шахслар иштирок этишлари мумкин.</p>	<p>Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий ўз маблағлари, белгиланган тартибда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари ажратмаган бюджет маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайриялари, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлар</p>
-----------------------------	--	---	---	---------------------------------------	--	---

Олий орган	Умумий йиғилиш (съезд, конференция)	Васийлик кенгаши жамгарма фаолиятини назорат қилади. Олий ижроия органи Жамгарма бошқаруви бўлиб, унинг таркиби Васийлик кенгаши томонидан шакллантирилади.	Муассаса раҳбарни мулкдор ташкиллайди	Аъзоларнинг умумий йиғилиши	Пайчиларнинг умумий йиғилиши, Бошқарув раёни ва Тафтиш комиссиясини сайлайди.	Фукаралар йиғини Кенгаши, Фукаралар йиғини раёни (оқсоқоли).
Олий орган жавобгарлик	Жамоат бирлашмаси ўзинга берилган ёки ўли олган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқига эга. Жамоат бирлашмаси аъзолари мол-мулк улушига нисбатан мулк ҳуқуқига эга эмас.	Жамгарма муассасалари васиятнома ижрочиси васиятнома бўйича жамгарма ташкилдан эҳтишамга жамгарманинг мажбуриятлари юзасидан жамгарма эса муассасалар ёки васиятномани ижро этувчининг мажбуриятлари юзасидан бермайди, жамгарма эса муассасалар ёки васиятномани ижро этувчининг мажбуриятлари юзасидан бермайди.	Муассаса ўз мажбуриятлари юзасидан ўз тасаруфдаги пул маблағлари билан жавоб беради. Улар етишмаган тақдирда муассасанинг мажбуриятлари юзасидан унинг мулкдор субдиар бўлади. Агар мулкдорнинг пул маблағлари етарли бўлмаса ва ундирув унинг ўчи ташкил	Уюшма (иттифоқ) ўз аъзоларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб беради. Уюшма (иттифоқ) аъзолари шу уюшма (иттифоқ) мажбуриятлари юзасидан унинг таъсис хужжатларида назарда тутилган микдорда ва тартибда субдиар жавоб-гар бўлади.	Ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қаршчи бутун мол-мулк билан жавоб беради, пайчиларнинг мажбуриятлари юзасидан жавоб беради. Кооператив аъзоларидан ҳар бирининг қўшимча бадалнинг қисми тилмаган қисми доирасида кооперативнинг мажбуриятлари юзасидан пайчиларнинг субдиар жавобгарлиги.	Ўзини ўзи бошқариш органи ўз мажбуриятлари юзасидан ўзининг мажбуриятлари юзасидан олинган, яратилган ёки сотиб олинган мол-мулк билан жавоб беради. Ўз мулкдорлари объектларининг шахсларга вақтинча ёки доимий фойдаланишга беришга, ижарага топширишга, Қонунга мувофиқ бошқа

				Этган муассаса мол-мулки таркибида бўлган мол-мулкига каратилса, ундирув муассасанинг бошқа мол-мулкига каратилиши мумкин			Битимларни тузишга ҳақли.
--	--	--	--	---	--	--	---------------------------

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида
14.04.1999 й. № 763-І

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999 йил, № 5, 115-модда, 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда)

І. УМУМІЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади **нодавлат нотижорат ташкилотларининг**, шунингдек, халқаро **нодавлат нотижорат ташкилотларининг**, халқаро ҳамда чет эл **нодавлат нотижорат ташкилотлари ваколатхоналари** ва филиалларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Нодавлат нотижорат ташкилоти тушунчаси

Нодавлат нотижорат ташкилоти – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик кадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

3-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, диний ташкилотлар ҳамда бошқа айрим **нодавлат нотижорат ташкилотларини** тузишнинг, улар фаолиятининг, қайта ташкил этилиши ва тугатилишининг хусусиятлари махсус қонунлар билан тартибга солинади. **Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти соҳасининг** у ёки бу муносабатлари махсус қонунлар билан тартибга солилмаган ҳолларда ушбу Қонуннинг меъёрлари қўлланилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида **нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги** Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари билан узаро муносабатлари

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг алоҳида ижтимоий фойдали дастурларига давлат кўмак кўрсатиши мумкин.

Давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятига аралашишига, худди шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотининг давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

5-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг халқаро алоқалари

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ, халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларига кириши, улар билан тўғридан тўғри халқаро алоқалар ўрнатиши, ҳамкорлик тўғрисида тегишли битимлар тузиши мумкин.

II. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ, ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг ҳуқуқий мақоми

Нодавлат нотижорат ташкилоти юридик шахс бўлади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти, агар унинг таъсис ҳужжатларида бошқача қонда белгиланган бўлмаса, фаолият муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

7-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг ҳуқуқлари

Нодавлат нотижорат ташкилоти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз аъзолари ва қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифода қилаш ҳамда ҳимоя қилиш;

ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;

ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;

оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш;

ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;

ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференциялар ўтказиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш.

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

8-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг мажбуриятлари

Нодавлат нотижорат ташкилоти:

конун ҳужжатларига рию этиши;

Ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаши;

нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи ўтказаетган тadbирларга эркин кириш имконини бериши;

рўйхатдан ўтказувчи солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиши шарт.

Нодавлат нотижорат ташкилоти конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

9-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари

Нодавлат нотижорат ташкилотининг ваколатхонаси у турган ердан ташқарида жойлашган алоҳида бўлинма бўлиб, нодавлат нотижорат ташкилотининг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг филиали у турган ердан ташқарида жойлашган алоҳида бўлинма бўлиб, унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан, ваколатхона вазифаларини амалга оширади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг ваколатхоналари ва филиаллари давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан, юридик шахс мақомига эга бўлиши мумкин.

Халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари юридик шахслардир.

10-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари

Нодавлат нотижорат ташкилотлари жамоат бирлашмаси, ижтимоий жамғарма, муассаса шаклида, шунингдек, конунларда назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, шунингдек, умумий манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар (иттифоклар) шаклида бирлашмалар тузиши мумкин.

11-модда. Жамоат бирлашмаси

Маънавий ёки бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмаси жамоат бирлашмаси деб эътироф этилади.

Жамоат бирлашмаси қатнашчилари мазкур бирлашмага мулк қилиб берган мол-мулкларига, шу жумладан, аъзолик бадалларига бўлган ҳуқуқларини сақлаб қолмайдилар. Улар аъзо сифатида қатнашаётган жамоат бирлашмасининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, мазкур бирлашма эса ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

12-модда. Жамоат жамғармасы

Жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкый бадаллар кўинин асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти жамоат жамғармасы деб эътироф этилади.

Жамоат жамғармасыга унинг муассислари (муассиси) ёки васият қилувчи томонидан ўтказилган мол-мулк жамғарманинг мулкидир. Жамғарма муассислари (муассиси) ёки жамғарма васиятнома бўйича ташкил этилганида васиятномани ижро этувчи жамғарманинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, жамғарма эса муассисларнинг (муассиснинг) ёки васиятномани ижро этувчининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Жамоат жамғармасынинг мол-мулкидан жамғарма уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳамда маъмурий харажатларни коплаш учун фойдаланилади.

Жамоат жамғармасы ҳар йили ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот эълон қилиб бориши шарт.

13-модда. Муассаса

Ижтимоий, маданий ва бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириш учун жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти муассаса деб эътироф этилади.

14-модда. Халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти

Ўз уставиға ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда битта ёки ундан кўпроқ чет эл давлати ҳудудида фаолият олиб бориши мумкин бўлган халқаро ташкилот халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти деб ҳисобланади.

III. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

15-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини тузиш

Нодавлат нотижорат ташкилоти унинг муассислари (аъзолари) қарори асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг уюшмалари (иттифоклари) камида иккита нодавлат нотижорат ташкилоти ташаббуси билан тузилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг ташаббускорлари ёки муассислари таъсис съездини (конференциясини) ёки умумий йиғилишни чақирадилар, унда устав қабул қилинади ҳамда раҳбар органлари тузилади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан, тузилган деб ҳисобланади.

16-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатлари

Нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатлари қуйидагилардан иборат:

муассислар (аъзолар) томонидан тасдиқланган устав;
катнашчилар томонидан тузилган таъсис шартномаси ва улар тасдиқлаган устав – уюшма (иттифок) учун.

Нодавлат нотижорат ташкилоти таъсис ҳужжатларининг талаблари нодавлат нотижорат ташкилотининг ўзи учун, унинг муассислари ва катнашчилари (аъзолари) учун мажбурийдир.

Таъсис шартномасида тарафлар (муассислар) нодавлат нотижорат ташкилотлари уюшмасини (иттифоқини) тузиш мажбуриятини оладилар, уни тузиш соҳасида биргалликда фаолият кўрсатиш тартибини, унга ўз мол-мулкни бериш ҳамда унинг фаолиятида иштирок этиш, нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятини бошқариш, муассисларнинг унинг таркибидан чиқиш шартларини белгилаб берадилар. Таъсис шартномасига муассисларнинг келишувига биноан бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

17-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг устави

Нодавлат нотижорат ташкилотининг уставида қуйидагилар назарда тутилди:

нодавлат нотижорат ташкилотининг номи, мақсад ва вазифалари, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, у ўз фаолиятини амалга оширадиган ҳудуд;

нодавлат нотижорат ташкилотининг тузилмаси ва раҳбар органлари, заруратга қараб унинг назорат-тафтиш органлари (ижтимоий жамғармалар учун – мажбурий) ёки аудиторларни (аудиторлик фирмаларини) жалб этишнинг мажбурийлиги;

раҳбар органларнинг ваколат доираси ва уларни шакллантириш тартиби, уларнинг ваколат муддатлари, доимий асосда ишлайдиган раҳбар орган жойлашган ер;

аъзолик белгиланган бирлашмалар учун – аъзо бўлиш ва аъзоликдан маҳрум бўлиш шартлари ва тартиби, аъзоларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни шакллантириш манбалари, нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда унинг таркибий бўлинмаларининг мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуқлари;

қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартиби;

уставга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тартиби.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг уставида унинг рамзий белгилари тавсифи бўлиши мумкин.

Уставда нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолиятига тааллуқли, конун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам назарда тутилиши мумкин.

18-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг муассисларига, катнашчиларига (аъзоларига) қўйиладиган умумий талаблар

Агар конун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, ўн саккиз ёшга тўлган жисмоний шахслар, шунингдек, юридик шахслар нодавлат нотижорат ташкилотининг муассислари, катнашчилари (аъзолари) бўлиши мумкин.

Ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилотига ўн тўрт ёшга тўлган шахслар, болаларнинг нодавлат нотижорат ташкилотига эса ўн ёшга тўлган шахслар

аъзо бўлиши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилотига аъзо бўлиш, аъзоликдан маҳрум бўлиш шартлари ва тартиби. шу жумладан, ёшига кўра аъзоликдан чиқиш шартлари тегишли нодавлат нотижорат ташкилотларининг уставлари билан белгиланади.

Расмий ҳужжатларда у ёки бу нодавлат нотижорат ташкилотига аъзолик ёки унинг фаолиятидаги иштирокнинг кўрсатилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди. Фуқароларнинг нодавлат нотижорат ташкилотига мансублиги ёки мансуб эмаслиги уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш учун асос бўла олмайди.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда нодавлат нотижорат ташкилотининг муассислари, қатнашчилари (аъзолари) бўлиши мумкин, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва халқаро шартномаларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

19-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг рамзий белгилари

Нодавлат нотижорат ташкилоти байроқ, эмблема, вимпел ва бошқа рамзий белгиларга эга бўлиши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилотининг рамзий белгилари давлат рамзий белгиларига ўхшамаслиги керак.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг рамзий белгилари уставга мувофиқ унинг раҳбар органи томонидан тасдиқланиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

20-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини қайта ташкил этиш

Нодавлат нотижорат ташкилотини қайта ташкил этиш унинг юқори органи қарорига биноан бирлашиш, қўшилиш, бўлиниш, ажралиб чиқиш ва ўзгартириш йўли билан амалга оширилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотини қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

IV. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

21-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш адлия органи томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари, республика, вилоятлараро нодавлат нотижорат ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилади.

Вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳудудларида фаолият олиб борадиган нодавлат нотижорат ташкилоти Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида рўйхатдан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги халқаро ҳамда чет эл нодавлат

нотижорат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиалларининг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек, уларнинг қарамоғидаги оила аъзоларини белгилаш тартибда аккредитация қилишни амалга оширади.

Нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатга олган орган унинг фаолияти устарида белгиланган мақсадларга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилади.

22-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун талаб этилаётган ҳужжатлар

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатга олувчи органга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мазкур нодавлат нотижорат ташкилотининг раҳбар органи аъзолари ҳар бирининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва жойи, яшаш жойи ҳамда манзилни кўрсатган ҳолда улар томонидан имзоланган ариза;

нодавлат нотижорат ташкилотининг икки нусхадаги устави;

таъсис съезди (конференцияси) ёки умумий йиғилишнинг нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги, муассислари хусусидаги, унинг устави тасдиқлаш ҳақидаги, раҳбар органлари ва бошқа органларини шакллантириш тўғрисидаги маълумотлар албатта мавжуд бўлган баённомаси;

рўйхатга олганлик учун йиғим тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати.

Давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар таъсис съезди (конференцияси) ёки умумий йиғилиш ўтказилган кундан эътиборан икки ой ичида тақдим этилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг ваколатхоналари ва филиалларини давлат рўйхатидан ўтказиш ваколатхона ва филиал томонидан тақдим этилган, нодавлат нотижорат ташкилотининг марказий раҳбар органи томонидан тасдиқланган ҳужжатлар асосида, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси асосида тегишли адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг юридик шахс бўлмаган ваколатхоналари ва филиалларини ҳисобга олиш нодавлат нотижорат ташкилоти марказий раҳбар органлари томонидан тақдим этилган ва тасдиқланган ҳужжатлар асосида, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси асосида тегишли адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиалларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ваколатхона ёки филиалнинг асосий мақсадлари ҳамда фаолият кўрсатиш мuddати, шунингдек, ходимларининг сони чегараси ҳам кўрсатилган ариза рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилади. Аризага асосий ташкилотнинг раҳбарлик қилувчи марказий органи томонидан тасдиқланган қуйидаги ҳужжатлар икки нусхада илова қилинади:

асосий ташкилотни тузиш мақсадлари ва вазифалари кўрсатилган ҳолда устави ҳамда рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг белгиланган тартибда легаллаштирилган нусхалари;

асосий ташкилотнинг Ўзбекистон Республикасида ваколатхона очиб ёки филиал ташкил этиш тўғрисидаги қарори (баённомаси), унда ваколатхо-

на очишга (филиал ташкил этишга), унинг низомини тасдиқлашга, раҳбарини (раҳбарларини) тайинлашга оид белгиланган тартибда легаллаштирилган маълумотлар булиши керак;

ваколатхона ёки филиал тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган, уни очишдан (ташкил этишдан) кўзланган максадлар ва вазифалар ҳам кўрсатилган, ўзбек ва рус тилларидаги низом (устав);

асосий ташкилот томонидан ваколатхона ёки филиал раҳбарига берилган белгиланган тартибда легаллаштирилган ишончнома;

асосий ташкилот фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда легаллаштирилган ахборот;

ижарага берувчининг тегишли биноларни ваколатхона ёки филиалга бериш тўғрисидаги розилик хати;

рўйхатга олганлик учун йиғим тўланганлиги тўғрисида банк тўлов хужжати; ваколатхона ёки филиалнинг раҳбари ҳамда ходимлари тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, фуқаролиги, касби, яшаш жойи ҳамда телефон рақами кўрсатилган ҳолда;

ваколатхона ёки филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисида белгиланган шаклдаги декларация.

23-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги қарор

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни қабул қилиб олган адлия органи уларни икки ойлик муддат ичида кўриб чиқади ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ёки давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч кун ичида муассисларга давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома ёки қонун ҳужжатларининг қайси қондалари бузилганлиги давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга олиб келганлиги ҳақида аниқ кўрсатилган ҳужжат беради.

24-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг маълумотларини юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиш

Давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари юридик шахсларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун очиқ бўлган ягона давлат реестрига киритилади.

Юридик шахсларнинг ягона давлат реестрида қуйидагилар кўрсатилади:

таъсис этилган сана;

номи ва жойлашган ери;

раҳбар органлари;

вакиллар сифатида иш олиб боришга ваколатли шахслар;

фаолият соҳаси.

25-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асослари

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш, агар:

нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришни, суверенитетни, яхлитлиги ва ҳафсизлигига путур етказишни, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситишни, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилишни, фуқароларнинг соғлиғи ва маънавиятига таъжовуз қилишни мақсад қилиб қўйган бўлса;

ҳужжатлар рўйхат бўйича тўлиқ тақдим этилмаган ёки улар лозим даражада расмийлаштирилмаган бўлса;

ҳужжатлар устав қабул қилинган пайтдан бошлаб икки ойлик муддат ўтганидан кейин тақдим этилган бўлса;

илгари худди шу номдаги нодавлат нотижорат ташкилоти рўйхатдан ўтказилган бўлса;

нодавлат нотижорат ташкилотини тузишнинг қонунда белгиланган тартиби бузилган бўлса ёки унинг таъсис ҳужжатларида қонунга номувофиқликлар бўлса;

рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган таъсис ҳужжатларида атайин нотўғри маълумотлар келтирилганлиги аниқланган бўлса;

нодавлат нотижорат ташкилотининг номи ёки рамзий белгилари маънавиятга, фуқароларнинг миллий ва диний туйғуларига дахл қилса;

нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатларида ҳарбийлаштирилган бирлашмалар тузиш назарда тутилган бўлса, рад этилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш таъсис ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига зид қоидалар мавжуд бўлган бошқа ҳолларда ҳам рад этилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотини тузиш мақсадга мувофиқ эмас, деган вазҳ билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилиши рад этиш сабаблари бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдирдан тақдим этишга тўсқинлик қилмайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказувчи адлия органига тақдирдий қилинган мурожаатни кўриб чиқиш ва бу мурожаат юзасидан қарор чиқариш ўшбу Қонунда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

26-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказиш рад этилганлиги устидан шикоят қилиш

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилганлиги, шунингдек, рўйхатдан ўтказиш муддатлари бузилганлиги устидан судга шикоят қилиш мумкин.

27-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини қайта рўйхатдан ўтказиш

Нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар нодавлат нотижорат ташкилотининг ўзини давлат рўйхатидан ўтказиладиган тартибда ва муддатларда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Нодавлат нотижорат ташкилоти халқаро нодавлат нотижорат ташкилотига ёки унинг филиалига айлантирилган тақдирда уни қайта рўйхатдан ўтказиш мажбурийдир.

V. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

28-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг мол-мулки

Бинолар, иншоотлар, тураржойлар, ускуналар, инвентарь, пул маблағлари, шу жумладан, чет эл валютасидаги пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк нодавлат нотижорат ташкилотининг мулки бўлиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг мулки қонун билан муҳофаза қилинади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти ўз мажбуриятлари юзасидан қонунларга мувофиқ ундириш қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради.

29-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг мол-мулкини шакллантириш манбалари

Нодавлат нотижорат ташкилотининг мол-мулкини шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- кириш ва аъзолик бадаллари, агар улар уставда назарда тутилган бўлса;
- муассислардан, қатнашчилардан (аъзолардан) бир маротаба ва мунтазам равишда келадиган тушумлар;
- ихтиёрий мулкий бадаллар ва эҳсонлар;
- тадбиркорлик фаолиятдан олинган, фақат устав мақсадлари учун ишлатиладиган даромадлар (фойда);
- қонунларда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

30-модда. Нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятининг турлари

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун билан тақиқланмаган ҳамда ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган мақсадларга мувофиқ бўлган фаолиятнинг ҳар қандай турини амалга ошириши мумкин.

Халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари ҳамда бундай ваколатхоналарнинг (филиалларнинг) ходимлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бирон-бир сиёсий фаолиятда ва ваколатхона ёки филиалнинг уставда белгиланган мақсадларига тўғри келмайдиган бошқа фаолиятда иштирок этишга ҳақли эмас. Уларнинг сиёсий партиялар ҳамда оммавий ҳаракатлар томонидан ўтказиладиган амалий ҳаракатлар ва тадбирларни молниялаштиришига, шунингдек, бундай ташкилотларни тузиш ташаббуси билан чиқишига ҳамда шундай ташкилотлар тузишни қўллаб-қувватлашига йўл қўйилмайди.

Нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан айрим фаолият турлари фақат лицензиялар асосидагина амалга оширилиши мумкин. Бундай фаолият турларининг рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

31-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг тадбиркорлик фаолияти
Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжағларига мувофиқ, ўз устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

32-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотига солиқ солиш
Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тўлайди, шунингдек, имтиёزلардан фойдаланади.

VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

33-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг ҳисоб ва ҳисоботи
Нодавлат нотижорат ташкилоти ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юри-тади ҳамда рўйхатдан ўтказувчи, статистика ва солиқ органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади.

34-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолиятини тўхтатиб қўйиш

Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти у Ўзбекистон Республикаси-нинг Конституцияси ва қонун ҳужжатларини бузган тақдирда суд томонидан тўх-татиб қўйилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан нодавлат нотижорат ташкилотла-ри тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган, шунингдек, устав мақсадларига зид ҳаракатлар содир этилган тақдирда прокуратура органлари ёки адлия органлари кўрсатилган қоидабузарликлар тўғрисида мазкур нодавлат нотижорат ташкило-тининг раҳбар органларига тақдимнома киритади ҳамда бу қоидабузарликларни бартараф этиш муддатини белгилайди. Агар бу қоидабузарликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаса, нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти про-куратура ва адлия органларининг тақдимномаси асосида суднинг қарори билан олти ойгача бўлган муддатга тўхтатиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этилган тақдирда, нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолиятини тўхтатиб қўйиш тар-тиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

35-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолиятини тўхтатиб қўйиш оқибатлари

Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти суднинг қарори билан белгилан-ган муддатга тўхтатиб қўйилган тақдирда, унинг оммавий ахборот воситалари му-ассиси тариқасидаги ҳуқуқлари тўхтатиб қўйилади, унга оммавий тадбирлар таш-кил этиш, банк омонатларидан фойдаланиш тақиқланади, хўжалик фаолияти, меҳнат шартномалари, ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш ва жарималар тўлашга доир ҳаражатлар бундан мустасно.

Агар нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятини тўхтатиб қўйишнинг суд томонидан белгиланган муддати мобайнида у ўз фаолиятининг тўхтатилишига

сабаб бўлган қоидабузарликни бартараф этса, мазкур муддат тугаганидан сўнг нодавлат нотижорат ташкилоти ўз фаолиятини қайтадан бошлаши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилоти кўрсатилган қоидабузарликни бартараф этмаган тақдирда унинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш тўғрисида судга тақдимнома киритган орган бу ташкилотни тугатиш тўғрисида судга тақдимнома киритиши мумкин.

36-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш

Нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш унинг юқори органи қарорига биноан ёки суд тартибида амалга оширилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг муассислари, катнашчилари (аъзолари) ёки нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган орган давлат рўйхатидан ўтказувчи адлия органи билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш тўғрисидаги ёзув уни давлат рўйхатидан ўтказган адлия органи томонидан қўйидаги ҳужжатлар асосида юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади:

нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш тўғрисидаги ёзувни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиш тўғрисидаги ариза (ихтиёрий равишда тугатилаётган тақдирда);

тегишли органнинг нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш тўғрисидаги қарори;

нодавлат нотижорат ташкилотининг устави ва бошқа таъсис ҳужжатлари ҳамда у давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

тугатиш баланси ёки топшириш ҳужжати ёхуд тақсимлаш баланси.

Кредиторларнинг талаблари қондирилгандан кейин қолган мол-мулк ташкилот катнашчилари (аъзолари), шунингдек, раҳбар органларнинг аъзолари ёки нодавлат нотижорат ташкилотларининг ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ҳамда ундан белгиланган тартибда фойдаланилади.

37-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И.Каримов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

15.02.1991 й. № 223-ХII

Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 4, 76-модда; 1992 йил, № 9, 363-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4–5, 126-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда)
(*кўчирмалар*)

1-модда. Жамоат бирлашмаси тушунчаси

Ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодий, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир.

Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-кизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, физкультура-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади.

Ушбу Қонун тижорат мақсадларини кўзлайдиган ёхуд бошқа қорхоналар ва ташкилотлар фойда (даромад) орттиришига қўмаклашадиган кооператив ташкилотларга ҳамда бошқа ташкилотларга, диний ташкилотларга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, шунингдек, ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш тартиби бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган ўзга органларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3-модда. Жамоат бирлашмаларини тузишдан кўзда тутилган мақсад

Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий, ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш; фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш; қасб-кор ва ҳаваскорлик қизиқишларини қондириш; илмий, техникавий ва бадий ижодкорликни ривожлантириш; аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш; маданий-маърифий, физкультура-соғломлаштириш ва спорт ишларини ўтказиш; табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш; ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси; республикаларо ва халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш; қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадида тузилади.

Фаолияти жамиятнинг ахлоқий негизларини, умумбашарий инсонпарварлик қадриятларини бузишга қаратилган, шунингдек, конституцион тузумни

3) жамоат бирлашмаси аъзолигига қабул қилиш шартлари ва тартиби, агар бирлашма рўйхатда қайд этиладиган аъзоларга эга бўлса, бундай ҳолларда ундан чиқши шартлари ва тартиби;

4) жамоат бирлашмаси аъзолари (катнашчилари)нинг ҳуқуқлари ва бурчлари;

5) жамоат бирлашмаси ҳамда унинг ташкилотлари раҳбар идораларининг ваколатлари ва уларни тузиш тартиби, уларнинг ваколат муддати;

6) жамоат бирлашмаси ҳамда унинг ташкилотларининг маблағлари ва бошқа мол-мулкни ҳосил қилишнинг пул билан таъминланиш манбалари;

7) жамоат бирлашмасининг раҳбар идораси қаерда жойлашганлиги;

8) жамоат бирлашмаси уставига ўзгартишлар, қўшимчалар киритиш тартиби;

9) жамоат бирлашмаси фаолиятини тўхтатиш тартиби.

Уставда жамоат бирлашмаси фаолиятига тааллуқли бошқа қондалар ҳам кўзда тутилиши мумкин.

Жамоат бирлашмасининг устави амалдаги қонунларга зид бўлмаслиги керак.

11-модда. Жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олиш

Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи халқаро жамоат ташкилотларининг республика, вилоятлараро бирлашмаларининг уставлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.

Қорақалпоғистон Республикасида жамоат бирлашмасининг уставини рўйхатга олиш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

Вилоят, ноҳия, шаҳар, посёлка, кишлоқ ҳудудида ёки икки ва ундан ортиқ ноҳия, шаҳар, посёлка, кишлоқ ҳудудида фаолиятини амалга оширадиган жамоат бирлашмаларининг уставлари вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликларининг адлия бошқармалари томонидан рўйхатга олинади.

Жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олиш учун устав қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида мазкур жамоат бирлашмаси раҳбар идораси аъзолари томонидан имзоланган ва шу аъзолар ҳар бирининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, истиқомат жойи кўрсатилган ариза топширилади. Аризага устав, уставни қабул қилган таъсис съезди (конференцияси) ёки умумий йиғилиш протоколи, ушбу Қонуннинг 6 ва 8-моддалари талаблари бажарилганлигини тасдиқловчи бошқа материаллар илова қилинади.

Уставни рўйхатга олиш ҳақидаги ариза у топширилган кундан бошлаб икки ой муддатда кўриб чиқилади.

Жамоат бирлашмалари уставларига киритилган ўзгартишлар, қўшимчалар ҳам уставларни рўйхатга олиш тартиби ва муддатларига мувофиқ рўйхатга олиниши лозим.

Жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олувчи идоралар ана шу бирлашмалар рўйхатини тузиб борадилар.

Жамоат бирлашмаси ёки унинг ташкилотлари (идоралари) уларнинг уставлари рўйхатга олинган кундан бошлаб ушбу Қонунда белгилаб қўйилган тартибда ўз фаолиятларини амалга оширадилар ва гражданлик қонунларига мувофиқ ҳуқуқий шахс, деб тан олиниши мумкин.

Халқаро жамоат бирлашмаларининг, уларнинг бўлинмаларининг филиаллари, шу жумладан, оммавий ҳаракатлари ва уларнинг тармоқ бўлинмаларининг, шунингдек, республика ва маҳаллий жамоат бирлашмалари (шу жумладан, оммавий ҳаракатларнинг) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва унинг жойлардаги идораларида ўз уставларини рўйхатдан ўтказмаган бўлсалар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудда фаолият кўрсатишларига йўл қўйилмайди.

Жамоат бирлашмаси уставини, кейин унга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчаларни рўйхатга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикасида эса Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олиш ҳақи ундирилади.

12-модда. Жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олишни рад этиш

Агар жамоат бирлашмасининг устави ушбу Қонуннинг 3,4 ёки 10-моддалари қоидаларига зид бўлса, ёхуд илгари худди шу номдаги жамоат бирлашмаси рўйхатга олинган бўлса, жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олишни рад этиш мумкин.

Уставни рўйхатга олиш рад этилган тақдирда, бу ҳақда тақдим этилган устав қайси қонуннинг қоидаларига зид эканлиги кўрсатилиб, ариза берувчига ёзма равишда хабар қилинади.

Жамоат бирлашмасининг уставини рўйхатдан ўтказишнинг рад этилиши устидан судга шикоят қилиш мумкин ва бу иш Ўзбекистон Республикаси гражданлик-процессуал қонунида кўзда тутилган тартибда қараб чикилади.

Халқаро, республика ва вилоятлараро жамоат бирлашмаларининг уставини рўйхатдан ўтказишнинг рад этилиши устидан – Ўзбекистон Республикаси Олий судига, маҳаллий жамоат бирлашмалари уставини рўйхатдан ўтказишнинг рад этилиши устидан эса, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар судига шикоят қилиш мумкин.

13-модда. Жамоат бирлашмаларининг рамзлари

Жамоат бирлашмалари рамз сифатида ўз тимсолига, байроғига ва вимпелига эга бўлиши мумкин.

Жамоат бирлашмаларининг тимсоллари уставга мувофиқ, уларнинг раҳбар идоралари томонидан тасдиқланади. Жамоат бирлашмаларининг тимсоллари ва вимпеллари ушбу Қонуннинг 3-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган мақсадларни тарғиб этишга хизмат қилмаслиги керак.

Байроқлар ва вимпеллар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

14-модда. Жамоат бирлашмалари фаолиятининг тўхтатилиши

Жамоат бирлашмаларининг фаолияти уларни қайта ташкил этиш (қўшилиш, бирлашиш, ажралиш) ёки тугатиш йўли билан тўхтатилиши мумкин.

Жамоат бирлашмалари уларнинг съездлари (конференциялари) ёки умумий йиғилишлари қарори билан қайтадан ташкил этилади. Жамоат бирлашмаларини қайта ташкил этгандан сўнг янгидан тузилган жамоат бирлашмасининг устави ушбу Қонуннинг 11-моддасида кўзда тутилган тартибда рўйхатга олинади.

Жамоат бирлашмаси съезд (конференция) ёки умумий йиғилиш қарорига мувофиқ, ёхуд ушбу Қонуннинг 22-моддасида кўзда тутилган асосларга мувофиқ ва тартибда тугатилади.

Съезд (конференция) ёки умумий йиғилиш қарорига мувофиқ тугатилган жамоат бирлашмасининг мол-мулки унинг уставда кўзда тутилган мақсад йулида сарфланади.

Сиёсий партиянинг фаолиятини тугатиш ёки тўхтатиб туриш “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

17-модда. Жамоат бирлашмаларининг ишлаб чиқариш ва бошқа тадбиркорлик фаолияти

Жамоат бирлашмалари қонунларда белгилаб қўйиладиган тартибда ишлаб чиқариш ва бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шугулланадилар ҳамда фақат уставдаги вазифаларни бажариш мақсадида ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган корхоналар ва хўжалик ҳисобидаги ташкилотларни барпо этадилар.

Жамоат бирлашмаларининг ишлаб чиқариш ва бошқа тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар ана шу бирлашмалар аъзолари (қатнашчилари) ўртасида қайта тақсимланмайди ва ундан фақат устав вазифаларини бажариш учун фойдаланилади; жамоат бирлашмалари ўз маблағларидан ҳатто ўз уставда кўрсатилмаган бўлса ҳам, хайрия мақсадлари йулида фойдаланишларига йул қўйилади.

Жамоат бирлашмалари тузадиган корхоналар ва ташкилотлар қонунда белгилаб қўйилган тартибда ва миқдорда бюджетга пул ўтказадилар.

18-модда. Жамоат бирлашмалари мулки

Жамоат бирлашмалари, уларнинг ташкилотлари бинолар, иншоотлар, уй-жой жамгармаси, ускуналар, асбоблар, маданий-маърифий ва соғломлаштириш мақсадлари учун мўлжалланган мулкларга, пул маблағига, акцияларга, бошқа қимматбаҳо қозғаларга ҳамда уларнинг уставларида кўзда тутилган фаолиятни моддий таъминлаш учун зарур бўлган ўзга мол-мулкка, шунингдек, интеллектуал мулк объектларига эгалик қилишлари мумкин. Бирлашмаларнинг уставларида кўрсатилган мақсадларга мувофиқ, уларнинг маблағи ҳисобидан барпо этилган наشريётлар, бошқа корхоналар, хайрия муассасалари жамоат бирлашмаларининг мулки бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида, Қорақалпоғистон Республикасида эса – Қорақалпоғистон Республикасининг ҳам қонун ҳужжатларида давлат ва жамоат хавфсизлиги мулоҳазалари билан ёки халқаро шартномаларга мувофиқ жамоат бирлашмалари мулки бўла олмайдиган мол-мулк турлари белгилаб қўйилиши мумкин.

Жамоат бирлашмаларининг пул маблағлари, агар уставда кўзда тутилган бўлса, бирлашмага кириш ва аъзолик бадалларини тўлашдан; ихтиёрий равишда ўтказилган пул ва хайриялардан; уставга мувофиқ ўтказилган лекциялар, кўргазмалар, спорт тадбирлари ҳамда бошқа тадбирлар, лотереялар тушумларидан, ишлаб чиқариш, хўжалик ва ноширлик фаолиятидан олинадиган даромадлардан; қонун билан тақиқланмаган бошқа тушумлардан ташкил топади.

Сиёсий партиялар ва сиёсий мақсадларни кўзловчи оммавий ҳаракатларнинг чет давлатлардан, халқаро ташкилотлар ҳамда чет давлатларнинг юридик шахслари, уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналардан, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, диний ташкилотлардан, номг яширилган ёки фақат тахаллуси кўрсатилган шахслардан молиявий ва ўзгача моддий ёрдам олиши ман этилади. Бундай ёрдам олинган тақдирда мазкур маблағлар қайтарилиши, қайтариш имконияти бўлмаган тақдирда эса, давлат даромадига ўтказилиши лозим.

Сиёсий партияларни молиялаштириш «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Жамоат бирлашмаларининг мулки қонун билан муҳофаза қилинади.

Иттифокларнинг ва уларга кирувчи бирлашмаларнинг ана шу иттифок ва унга қўшилган бирлашмаларга қарашли мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш, тасарруф этишга доир ваколатлари жамоат бирлашмалари иттифокларининг уставларида белгилаб қўйилади.

20-модда. Жамоат бирлашмалари фаолиятини назорат қилиш ва қузатиб бориш

Молия идоралари жамоат бирлашмаларини маблағ билан таъминлаш ва улар даромадларининг манбаларини, улар олган маблағ миқдорини ва солиқлар тўғрисидаги қонунларга мувофиқ солиқ тўланишини назорат қилиб борадилар.

Жамоат бирлашмаларининг қонунларни бажаришини прокуратура идоралари назорат қилиб борадилар.

Жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идоралари жамоат бирлашмаси фаолиятининг мақсадларига тааллуқли устав қоидаларига риоя этилишини назорат қилади. Рўйхатга олувчи идора жамоат бирлашмасининг раҳбар органидан қабул қилинган қарорларни тақдим этишни талаб қилишга, жамоат бирлашмалари ўтказадиган тадбирларда қатнашиш учун ўз вакилларини юборишга, жамоат бирлашмаси уставига риоя қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан жамоат бирлашмаси аъзоларидан ва бошқа фуқаролардан тушунтириш олишга ҳақлидир.

21-модда. Жавобгарлик асослари

Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонунни бузиш амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий, маъмурий, моддий ёки ўзга жавобгарликка сабаб бўлади.

Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонунни бузганлик учун бу ишда айбдор бўлган давлат ва жамоат идораларининг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар жавобгар бўладилар.

Жамоат бирлашмаси, шу жумладан, ўз уставини рўйхатдан ўтказмаган жамоат бирлашмаси жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунни бузган тақдирда қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

Жамоат бирлашмаси унинг уставида белгилаб қўйилган мақсадлар ва вазифалар доирасидан четга чиқадиган ёки қонунни бузадиган хатти-ҳаракатларни

содир этган тақдирда ана шу жамоат бирлашмасининг раҳбар идораси жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олган идора ёки прокурор томонидан ёзма равишда огоҳлантирилиши мумкин.

22-модда. Жамоат бирлашмаси устав ёки қонун талабларини бузган тақдирда уни тугатиши

Жамоат бирлашмаси ушбу Қонун 3-моддасининг 2, 3, 4-қисмида ва 18-моддасининг тўртинчи қисмида кўзда тутилган ҳатти-ҳаракатларни содир этган тақдирда суд қарорига биноан тугатилиши мумкин.

Жамоат бирлашмаси ушбу Қонуннинг 21-моддаси тўртинчи қисмида кўзда тутилган ҳаракатларни бир йил давомида такроран содир этганлиги учун суд уни тугатиши мумкин.

Суд қарори билан тугатилган жамоат бирлашмасининг мол-мулки қайтариб бермаслик шarti билан давлат мулкига айлантирилиши мумкин.

Халқаро жамоат бирлашмалари, унинг бўлинмалари, филиаллари, республика ва вилоятлараро жамоат бирлашмалари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг, Бош Давлат солиқ бошқармасининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан ваколат берилган бошқа идоралари ва мансабдор шахсларнинг тақдимига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди чиқарган қарорга мувофиқ тугатилади. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жамоат бирлашмасини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилинмайди.

Маҳаллий жамоат бирлашмалари тегишли вилоят, Тошкент шаҳар судлари томонидан тугатилади. Бунда суднинг қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

24-модда. Халқаро жамоат бирлашмалари

Агар Ўзбекистон Республикасида тузилган жамоат бирлашмасининг фаолияти уставга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва битта ёки ундан кўпроқ хорижий давлат ҳудудида амал қилса, у халқаро жамоат бирлашмаси деб эътироф этилади.

Башарти, чет элда тузилган халқаро жамоат бирлашмаси таркибига республика жамоат бирлашмаси коллектив аъзо сифатида кирса, республика жамоат бирлашмасининг устави ҳам ушбу Қонунга мувофиқ рўйхатга олиниши керак.

Ўз фаолиятини хорижий давлат ҳудудида ҳам амалга оширадиган жамоат бирлашмаси зарур ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилган уставини қайта рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этади.

Тинчликни мустаҳкамлашни, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни, инсонпарварлик фаолиятининг ўзга турларини мақсад қилиб қўйган жамоат бирлашмалари қонунда белгиланган имтиёزلардан фойдаланишлари мумкин.

Ушбу Қонуннинг қоидалари хорижий давлатлар жамоат бирлашмаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузилган бўлимлари (филиаллари ва бошқа таркибий бўлинмалари) фаолиятига нисбатан қўлланади.

25-модда. Халқаро шартномалар

Агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасида ушбу Қонундагидан ўзга қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартномадаги қоидалар қўлланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИ РҲЙХАТГА ОЛИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТҲҒРИСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

12.03.1992 й. № 132.

Мазкур Қарорга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган: ЎзР ВМ 19.08.1993 й. 423-сон Қарори, ЎзР ВМ 08.04.1997 й. 177-сон Қарори, ЎзР ВМ 30.04.2003 й. 197-сон Қарори, ЎзР ВМ 29.04.2004 й. 203-сон Қарори

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига биноан ҳамда жамоат бирлашмаларининг уставини рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Илова қилинган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатувчи жамоат бирлашмаларини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш Қоидалари тасдиқлансин.

